



**ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И  
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-  
ПРАВОВЫХ АКТОВ**

**Проект**

**IDORALARNING BUYRUQ YOKI QARORI**

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида тиббий  
хулоса бериш тўғрисидаги авиация қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

**IHL-1763/22-2**

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирининг  
БУЙРУГИ**

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида тиббий  
хулоса бериш тўғрисидаги авиация қоидаларини  
тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг [Ҳаво кодексига](#) мувофиқ ва парвозларни тиббий таъминлашни халқаро авиация ташкилоти (ИКАО) талабларига мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида, буюраман:

1. “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида тиббий хулоса бериш тўғрисидаги авиация қоидалари” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Айрим идоравий норматив-хукуқий хужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.
4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий кўрикдан ўтганлиги  
ҳақида тиббий хulosса бериш тўғрисидаги авиация  
қоидалари**

Авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ва давлат сертификациялаш тизимининг қисми ҳисобланади. Мазкур авиация қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) стандартлари ва тавсияларига (Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида Конвенцияга 1-илова “Авиация ходимларига гувоҳномалар бериш”, “Авиация тиббиёти бўйича қўлланма”, “Авиация ходимларига гувоҳномаларни бериш бўйича давлат тизимини ташкил этиш ва ушбу тизимни бошқариш бўйича қўлланма”) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий хulosса бериш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида тиббий хulosса бериш тўғрисидаги авиация қоидалари, ЎР АҚ-67” (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) фуқаро авиацияси (бундан буён матнда ФА деб юритилади) ўқув юртларига қабул қилинаётган номзодлар ва таълим олаётганлар (курсантлар)га, ҳамда фуқаро авиациясининг авиаходимларига нисбатан қўлланилади.

**1-§. Асосий тушунчалар**

1. Мазкур Қоидаларда қўйидаги тушунчалар қўлланилади:

**Авиакомпания, авиакорхона** — мунтазам халқаро ҳаво қатновларини амалга оширувчи ёки шу соҳада ўз хизматларини таклиф этувчи ҳар қандай авиатранспорт корхонаси;

**авиация тиббиёти** — авиация парвозларини тиббий таъминлашга йўналтирилган тиббиёт фанининг қисми;

**авиация шифокори** — “даволаш иши” бўйича олий тиббий маълумотга ва амалиётга, авиация тиббиёти мутахассислиги бўйича сертификатга эга бўлган шифокор;

**ваколатли орган** — Фуқаро ва экспериментал авиация фаолияти соҳасидаги бошқарув ва назоратни амалга оширувчи Авиация маъмурияти — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги;

**малака белгиси** — гувоҳнома эгасига тегишли бўлган ҳукуқлар, чекловлар, маҳсус ҳолатлар кўрсатилган гувоҳномадаги ёки унинг қисмига тааллукли ёзувлар;

**парвозларни тиббий таъминлаш** — авиаходимларнинг соғлигини сақлашга, уларнинг иш қобилиятини оширишга, ҳаво кемаси экипаж аъзолари ёки ҳаводаги ҳаракатни бошқариш диспетчерларини соғлиги билан боғлиқ бўлган авиация ҳодисаларини (авиация ҳалокатлари ва инцидентлари) профилактикасига йўналтирилганchora-tадбирлар системаси;

**расмий тиббий хulosса** — маълум бир ҳолат бўйича, ваколатли органнинг бир ёки бир нечта тиббий эксперталари томонидан, зарурият бўлганда парвозларни амалга ошириш бўйича мутахассис ёки бошқа экспертларни жалб қилинган ҳолда чиқариладиган тиббий хulosса;

**тиббий хулоса олишга (узайтиришга) номзод** — ҳаво кемасини ва (ёки) унинг ускуналарини учиш бўйича эксплуатация қилиш ҳуқуқига, ҳаводаги ҳаракатни бошқаришга, парвоз давомида хизмат кўрсатиш функциясини бажаришга ва мазкур касблар бўйича фуқаро авиацияси ўкув муассасаларида ўқишига яроқлилигини аниқлаш учун, тиббий экспертлар ва тиббий учиш комиссиясига тиббий хулоса олиш учун ёзма ариза берувчи шахс;

**тиббий хулоса** — гувоҳнома эгаларининг соғлик ҳолати бўйича яроқлилигига қўйилган аниқ талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ёзма хужжат;

**тиббий эксперт** — “даволаш иши” бўйича олий тиббий маълумотга эга бўлган, авиация тиббиёти бўйича ўкув курсларини тамомлаган, авиация тиббиёти соҳасида малака ва амалий тажрибага, шунингдек, авиация хавфсизлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тиббий ҳолатларни аниқлаш ва баҳолаш малакасига эга бўлган, ваколатли орган томонидан тиббий эксперт лавозимига тайинланган шифокор;

**тиббий учиш комиссияси аъзолари** — номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун ваколатли орган томонидан тайинланган, авиация тиббиёти бўйича ўкув курсларини тамомлаган, олий тиббий маълумотга ва авиация тиббиёти соҳасида амалий иш тажрибасига эга бўлган шифокор мутахассислар (терапевт, невролог, офтальмолог, оториноларинголог, хирург);

**экипаж аъзолари** — парвозларда ҳаво кемасининг мазкур тури ва (ёки) унинг ускунасини эксплуатация қилишга ҳуқуқ берувчи маҳсус гувоҳномага ва тайёргарликка эга экипаж аъзолари, ҳамда парвозга топшириқни бажариш вактида маълум хизмат вазифаларини бажаришга ҳуқуқ берувчи гувоҳномага ва маҳсус тайёргарликка эга, ҳаво кемасининг учиш эксплуатацияси билан боғлик бўлмаган экипаж аъзолари (кабина экипажи (борткузатувчилар) ва юк ҳаво кемалари бортоператорлари).

## 2-§. Тиббий кўрикдан ўтказишга доир умумий талаблар

2. Тиббий хулоса олиш учун номзодлар соғлиги ҳолатига қўйилган мазкур талаблар парвозлар хавфсизлигини тиббий таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Ваколатли орган тиббий экспертлари ва тиббий учиш комиссияси (бундан буён матнда ТУК деб юритилади) аъзолари, тиббий кўрикдан ўтувчиларнинг турли тоифалари соғлигига қўйилган талабларга кўра шахсларни тиббий кўрикдан ўтказади.

3. Куйидагилар тиббий хулоса олиш учун тиббий кўрикдан ўтишлари шарт: учувчиликка, ҳаваскор учувчиликка, эркин аэростат учувчилигига, штурманликка, учувчи- планеристликка, бортинженерликка, бортмеханикликка, ҳаводаги ҳаракатни бошқарувчи (бундан буён матнда ХХБ деб юритилади) диспетчерликка, борткузатувчиликка ўқиш учун фуқаро ва экспериментал авиацияси ўкув юртларига қабул қилинаётган номзодлар ва мазкур ўкув юртларининг курсантлари, ҳаваскор учувчи (самолёт, дирижабль, вертолёт ёки кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), тижорат авиацияси учувчиси (самолёт, дирижабль, вертолёт ёки кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), кўпазоли экипаж учувчиси (самолёт), авиакомпаниянинг йўналишдаги учувчиси (самолёт, вертолёт ёки кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), синовчи - учувчи, штурман, бортинженер, ХХБ диспетчери, бортмеханик, аэростат учувчиси, бортрадист, учувчи- планерист, борткузатувчи, юк ташувчи ҳаво кемасининг бортоператори.

4. Тиббий хулосанинг амал қилиш муддати берилган кунидан бошланади ва тугаш санасини ўз ичига олади. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) стандартлари ва тавсияларига (Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида Конвенцияга 1-илова) мувофиқ тиббий хулосаларнинг амал қилиш муддатлари қуйидагича белгиланади:

а) фуқаро авиацияси ўкув юртларининг учувчи-курсанти, штурман-курсанти, бортинженер-курсанти, тижорат авиацияси учувчиси (самолёт, вертолёт, дирижабль, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), кўпаъзоли экипаж учувчиси (самолёт), авиакомпаниянинг йўналишдаги учувчиси (самолёт, вертолёт, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), штурман, бортинженер, синовчи – учувчи учун 12 ой;

б) XXБ диспетчери ва фуқаро авиацияси ўкув юртларининг XXБ диспетчер-курсанти учун 48 ой;

в) ҳаваскор учувчи (самолёт, дирижабль, вертолёт, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), учувчи – планерист, эркин аэростат учувчиси ва фуқаро авиацияси ўкув юртларининг ҳаваскор учувчи-курсанти, учувчи – планерист-курсанти, эркин аэростат учувчи-курсанти учун 60 ой;

г) бортмеханик, бортрадист, борткузатувчи, юк ташувчи ҳаво кемасиининг бортоператори ва фуқаро авиацияси ўкув юртларининг бортмеханик-курсанти, бортрадист-курсанти, борткузатувчи-ўкувчиси учун – 36 ой;

д) бир учувчи бошқарувидаги самолётларда йўловчиларни ташиб бўйича тижорат учишларини бажарувчи 40 ёшдан ошган авиакомпаниянинг йўналишдаги учувчиси (самолёт, вертолёт, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси) ва тижорат авиацияси учувчиси (самолёт, вертолёт, дирижабль, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси) учун 6 ой;

е) тижорат ҳаво ташувларини бажаришда банд бўлган 60 ёшга тўлган авиакомпаниянинг йўналишдаги учувчиси (самолёт, вертолёт, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси) ва тижорат авиацияси учувчиси (самолёт, вертолёт, дирижабль, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси) ҳамда кўп аъзоли экипаж учувчиси (самолёт) учун 6 ой;

ж) 40 ёшдан ошган ҳаваскор учувчи (самолёт, дирижабль, вертолёт, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), учувчи – планерист, эркин аэростат учувчиси ва XXБ диспетчери учун 24 ой.

Юқорида кўрсатилган тиббий хулоса муддатлари кўрикдан ўтувчининг тиббий кўрикдан ўтган кунидаги ёшига асосланади.

5. Тиббий хулоса олишга номзодларни ўқишига, ўқишини давом эттиришига, учишга, парвозга, ишга яроқлилигини аниқлаш максадида, уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатларини, кўриш, эшлиши, ранг ажратиш қобилияtlарини тиббий экспертизаси мазкур Коидаларнинг 1, 2, 3-иловаларига мувофиқ ўтказилади.

6. Тиббий хулосаларнинг учта класси белгиланади ва қўйидагиларга қўлланилади:

а) биринчи клас тиббий хулосаси - тижорат авиацияси учувчиси (самолёт, вертолёт, дирижабль, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), кўпаъзоли экипаж учувчиси (самолёт), авиакомпаниянинг йўналишдаги учувчиси (самолёт, вертолёт, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), синовчи – учувчилар, мазкур мутахассисликларга ўқиётган учувчи курсант ва ФА ўкув юртларида мазкур мутахассисликларга учувчиликка ўқишига номзодларга;

б) иккинчи клас тиббий хулосаси - штурман, бортинженер, ҳаваскор учувчи (самолёт, дирижабль, вертолёт, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), учувчи – планерист, эркин аэростат учувчиси, борткузатувчи (кабина экипажи), бортоператорлар ва ҳаваскор учувчи курсант, штурман курсант, бортинженер курсант, учувчи планерист курсант, эркин аэростат учувчи курсантлари, борткузатувчиликка ўқишилар ва борткузатувчиликка ўқишига номзодларга;

в) учинчи класс тиббий хulosаси - XXБ диспетчери, XXБ диспетчер-курсантлар ва ФА ўкув юртларининг XXБ диспетчерликка ўқишга номзодларига.

Юқорида кўрсатилган ўқишга, гувоҳнома олишга ёки узайтиришга номзод шахслар ўзлари истаган фукаро авиациясининг тиббий экспертларида ёки тиббий учиш комиссияси аъзоларида тиббий кўрикни ўтишлари мумкин.

7. Тиббий хulosса классидан қатъий назар, ариза берувчи номзодда, унинг касбий вазифаларини бажаришдаги хавфсизликни ёки ҳаво кемаси парвози хавфсизлигини бузилишларига олиб келувчи, меҳнатга лаёқатсизликнинг функционал даражаларини келтириб чиқарувчи:

а) туғма ёки орттирилган аномалиялар;

б) ҳар қандай актив, яширин, ўткир ёки сурункали касалликлар ёки ногиронлик;

в) ҳар қандай яралар, жарроҳлик операциялари оқибатлари ёки жисмоний шикастланишлар;

г) шифокор томонидан буюрилган ёки қабул қилинган ҳар қандай терапевтик ёки диагностик ёки профилактик дори воситаларининг оқибатлари ва ножӯя таъсирлари бўлмаслиги керак.

8. Ариза берувчи номзоднинг соғлик ҳолатига кўра авиация билан боғлиқ касбий мажбуриятларини бажаришга яроқлилиги куйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

а) эга бўлган ёки эгаликка талабгор бўлган гувоҳномасида ёки малака белгисида белгиланган мажбуриятларини жисмоний ва руҳий жиҳатдан бажара олишга қодирлиги;

б) касбий мажбуриятларини бажариш жараёнида, меҳнатга лаёқатлиликни йўқолишига олиб келувчи тиббий муаммоларнинг мавжуд эмаслиги.

9. Тиббий экспертлар ва ТУК аъзолари, гувоҳнома ва малака белгиси эгаларининг касбий мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ шарт-шароитлар хақида билим ва амалий тажрибага эга бўлишлари керак.

10. Ариза берувчи номзоднинг соғлик ҳолати тиббий амалиётнинг юкори даражадаги стандартларига мувофиқ тиббий текширув ва тиббий кўрикдан ўтказилади ва уларнинг натижалари асосида тиббий хulosса (4-илова) берилади. Тиббий хulosса чиқаришда, шахсдаги мавжуд касалликлар, касалликка ёки касалликни зўрайишига ва меҳнат қобилиятини тўсатдан йўқолишига олиб келувчи омилларни мавжудлиги, яъни ишлаб чиқариш шароитининг заарлилиги, семизлик, чекиш, меҳнат ва дам олиш тартибининг бузилишлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки алкогол истеъмол қилиши кабилар ҳисобга олинади.

11. Тиббий хulosса, гувоҳнома берувчи ваколатли орган томонидан гувоҳнома эгасининг соғлик ҳолати бўйича яроқлилигига кўйилган аниқ талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи далил бўлиб, авиаходимлар гувоҳномасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

12. Тиббий хulosса ваколатли органнинг тиббий эксперти ёки ТУК раиси томонидан тўлдирилади, имзо қўйиб муҳрланади, тиббий хulosаларни бериш реестрига қайд этилади ва эгасига берилади

13. Чет эл давлатларининг ваколатли органлари томонидан берилган муддати амалдаги тиббий хulosалар шахсларнинг гувоҳномаси (лицензияси) билан бирга тан олинади. Гувоҳнома (лицензия) мавжуд эмаслигига тиббий хulosса берувчига сўровнома юборилади ва тасдиқловчи

хат олингандан кейин тан олинади. Мазкур шахсларга комиссия оралиги давридаги кузатув (даврий тиббий кўрувлар) уларнинг шахсий аризаларига биноан авиакорхона (авиакомпания) шифокори томонидан олиб борилади.

14. Шахсда яроқлилик ҳақидаги тиббий хулоса мавжудлигидан қатъий назар, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш иш берувчи томонидан ҳал этилади.

15. Шахснинг тиббий текширув ёки тиббий кўрик ўтишдан бош тортиши, тиббий хулоса чиқарилмаслигига сабаб бўлади. Бу ҳолда тиббий хужжатга “тиббий кўрикдан ўтказишдан бош тортганлиги сабабли тиббий хулоса чиқарилмади” деб қайд этилади ва иш берувчига ёки ФА ўкув юритига билдирги юборилади.

16. Номзодларнинг соғлик ҳолати бўйича яроқлилигини аниқлаш ва уларга касбий психологик танлов ва психологик текширув услублари “Фуқаро авиаациясида авиаация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш услублари” ва “Фуқаро авиаациясида авиаация ходимларини психологик текширув ва ўқишига номзодларни касбий психологик танлов услублари” билан тартибга солинади.

17. Аварияларда, табиий оғатларда, фавқулодда ҳолатларда ва авиаациядаги иш жараёни билан боғлиқ зарурий ҳолларда, тиббий хулоса муддати ваколатли органнинг тиббий эксперти томонидан 45 кунгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

18. Клиник кўрсатмалар мавжуд бўлганда ваколатли органнинг тиббий эксперти томонидан тиббий хулоса муддати қисқартирилади.

19. Амалдаги тиббий хулосага эга шахснинг соғлиги касаллик, жароҳат, чарчоқ, уйқунинг бузилиши, соат минтақаларини алмашуви, нокулай иқлим шароитлари, меҳнат ва дам олиш тартибини бузилиши туфайли ёмонлашганда, алкогол ёки бошқа гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар таъсири остида ва дори-дармон қабул қилишнинг ножӯя таъсири мавжуд бўлганда ва бу ҳолат унинг гувоҳномаси ва малака белгиси билан белгиланган мажбуриятларини тегишлича ва хавфсиз бажаришига монелик қилганда, у мазкур мажбуриятларини амалга оширайди.

20. Касаллик, жароҳат, алкогол, дори-дармон ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилиш, кучли чарчоқ, соат минтақаларини кесиб ўтиш туфайли уйқуннинг бузилиши, нокулай иқлим шароитлари ва кислород етишмовчилиги, иш ва дам олиш тартибини бузилиши кабиларнинг организмга салбий таъсир кўрсатиши оқибатида, номзоднинг соғлиги касбий фаолиятига нисбатан яроқлилигига қўйилган тиббий талабларга жавоб бермай қолиши мумкин ва бу ҳолат парвозлар хавфсизлигига жиддий таҳдид солади. Мазкур ҳолатларни олдини олиш мақсадида, тиббий кўрик якунида номзодда аниқланган касалликлар ва уларнинг оқибатлари, ҳамда юкорида кўрсатилган ҳолатларнинг касб фаолиятига ва авиаация хавфсизлигига хавфли таъсири ҳақида аниқ тавсия ва кўрсатмалар берилган ҳолда тиббий комиссия аъзолари томонидан сухбат ўтказилади.

21. Барча тиббий хулоса эгаларига ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларни прекурсорларини истеъмол қилиш таъқиқланади ва бу ҳолат аниқланганда унинг амалдаги тиббий хулосаси бекор қилинади.

22. Барча номзодлар ва гувоҳнома эгалари, сабабидан қатъий назар хушдан кетиш ҳолатларидан ва жарроҳлик операцияларидан, касалхонада ётиб даволанишдан, ўтиб кетувчи ишемик инсультдан, коронар ангиографияси текширувидан ва 14 кундан кўп бўлган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликдан кейин, ҳамда литотрипсия ёрдамида буйракда тош майдалаш опрерацияларидан аввал, дори – дармон моддаларини доимий қабул қилиш тавсия этилганда ва

юрак маромини бузилишида, тиббий текширувлар натижалари салбий бўлганда ўз касбий мажбуриятларини бажаришдан аввал ТУК аъзоси ёки авиация шифокоридан маслахат олиши керак.

23. Тиббий хulosага эга бўлмаган шахслар ўзларига гувоҳномалари ва малака белгилари орқали берилган хукукларидан фойдаланмайдилар.

24. Парвозлар хавфсизлигини тиббий таъминлаш мақсадида, парвозлар давомида учиш фаолиятини тиббий томондан юқори даражада ишончлилигини кафолатлаш, тажрибали ва малакали авиамутахассисни ўз касбида сақлаб қолиш ва узок йиллар давомида касбига яроқлилигини таъминлаш учун ИКАО стандартлари ва тавсияларида белгиланган ҳар бир конкрет ҳолат учун индивидуал ёндошув (мослашувчанлик) тамойили кўлланилади. Ушбу мақсадда ваколатли органнинг ревизия комиссияси (бундан буён матнда РК деб юритилади) тузилади ва ваколатли орган раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади. РК ваколатли орган раҳбариятияга бўйсунади.

25. Комиссия таркиби камидаги 3 кишидан тузилади, ваколатли органнинг тиббий эксперталари ва учувчи-инспектори ёки диспетчер-инспекторидан иборат бўлади, тиббий эксперталардан бири РК раиси этиб тайинланади.

Заруриятга кўра тегишли соҳа мутахассислари ва бошқа авиация шифокорлари РК фаолиятига жалб қилинади. РК кенгашида авиация тиббиётига оид масалалар кўрилади.

26. Ариза берувчининг соғлик ҳолати белгиланган тиббий талабларга тўлиқ равища жавоб бермаган ҳолда, экспертиза ўтказишдаги мураккаб ва мунозарали ҳолатларда, тиббий хulosaga бериш ваколатли органнинг РК томонидан амалга оширилади. Мазкур ҳолда ТУКнинг барча аъзолари номзодни тиббий кўриқдан ўтказиб, ўз тиббий хulosасини чиқаради. РК тиббий хulosani объектив баҳолаши учун, ТУКнинг барча аъзолари РКга етарли даражада тиббий маълумотлар тақдим қилишлари шарт. Тиббий хужжатлар ариза берувчининг тилхати асосида унга муҳрланган ҳолда берилади.

27. РК расмий тиббий хulosaga чиқариш учун, ариза берувчининг тиббий хужжатлари ва ТУК тиббий хulosасини ўрганиб чиқади. Номзоддаги касалликларни ривожланиб бориши ва уларнинг кечишидаги хусусиятлари, организмдаги функционал бузилишларнинг даражаси ва мазкур касалликлар ҳамда заарли омилларнинг унинг касбий фаолиятига таъсири, меҳнат қобилиятини ўйқотиши эҳтимоли ўрганилиб унинг соғлик ҳолати.экспертизадан ўтказилади ва касбига доир мажбуриятлари, тажрибаси, малакаси, ёши, иш шароити билан боғлиқ касалликни оғирлаштиручи заарли омиллар (командирлик ёки раҳбариётнинг тавсифи асосида) бошқалар хисобга олинниб тиббий хulosaga чиқарилади.

28. Расмий тиббий хulosaga қўйидаги мезонлар асосида берилади:

а) гувоҳнома эгаси соғлигининг белгиланган ёки белгиланмаган талабларга тўғри келмай қолишини парвозлар хавфсизлиги талабларига зид эмаслиги расмий тиббий хulosada кўрсатилади;

б) гувоҳнома эгасининг касбий фаолияти билан боғлиқ иш шароитлари, қобилияти, квалификацияси ва тажрибаси хисобга олинади;

в) гувоҳнома эгасининг ўз касбий мажбуриятларини тегишлича хавфсиз бажариши, маълум бир чеклов ёки чекловларга риоя қилиши билан боғлиқ бўлган ҳолларда, ҳар қандай чеклов чекловлар расмий тиббий хulosada белгиланади.

29. Расмий тиббий хulosaga қўйидаги турларда чиқарилади:

- а) маълум ой муддатда яроқли;
- б) иккинчи учувчи сифатида яроқли;
- в) кўпаъзоли экипаж таркибида яроқли;
- г) турдаги (тури кўрсатилади) ҳаво кемаси (бундан бўён матнда ХК деб юритилади) учун яроқли;
- д) учиш вақтини узайтириш мумкин эмас;
- е) фақат йўловчиларсиз парвозларга яроқли;
- ж) (эгалламоқчи бўлган касби кўрсатилади) ўқишга (ўқиши давом эттиришга) яроқли.

30. РК расмий тиббий хulosасини чиқаришда комиссия аъзоларининг холислиги ва мустақиллиги таъминланиши лозим.

31. РК томонидан яроқсизлик ҳақида расмий тиббий хулоса чиқарилганда ариза берувчининг амалдаги тиббий хulosаси ўз кучини йўқотади.

32. Ариза берувчига қўшимча чуқурлаштирилган текширувлар ва тегишли мутахассислар маслаҳати заруриятга кўра амалга оширилади.

33. Ариза берувчидаги чегарали ҳолатларни аниқлаш учун, тиббий эксперталар ва учувчи-инспектор (диспетчер-инспектор) иштирокида тиббий мақсадда тренажёр синови ўтказилиши мумкин. Тренажёр синови, ариза берувчининг соғлиқ ҳолати парвозлар хавфсизлигига хавф туғдирмайдиган жисмоний турғун ҳолатларда (масалан, маълум бир органни йўқлиги ёки функциясини заифлиги, кўриш ёки эшитиш қобилиятларини сусайиши каби), унинг парвозлар билан боғлиқ касбий мажбуриятларини нормал, алоҳида ва ноқулай иш шароитларида хавфсиз бажара олишга қодирлигини аниқлаш учун, аниқ мақсад қўйилган ҳолда ўтказилади. Тренажёр синови натижалари ихтиёрий шаклда расмийлаштирилади.

Учувчи-инспектор (диспетчер-инспектор) билан кенгашган ҳолда ваколатли органнинг тиббий эксперталари томонидан номзодга эксплуатацион чеклов кодлари қўлланилади ва мазкур кодлар тиббий хulosанинг тегишли қисмида белгиланади.

34. Эксплуатацион чеклов кодлари ва уларнинг тавсифлари:

- а) ТХЧ - тиббий хulosани амал қилиш муддатини чеклаш (TML - restriction of the period of validity of the medical certificate);

Тиббий хulosада кўрсатилган муддат билан тиббий хulosани амал қилиш даври чекланади. Амал қилиш муддати тиббий кўрик ўтган кунидан бошланади ва аввалги муддати амалда бўлган тиббий хулоса ўз кучини йўқотади. Гувохнома эгаси белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтади ва барча тиббий тавсияларга амал қиласди;

- б) ИМУ - фақат иккинчи учувчи сифатида ёки малакали иккинчи учувчи билан бирга эканлигига амалдаги кучга эга (OML – Valid only as or with qualified co pilot).

Бир аъзоли экипаж томонидан бошқариладиган ҳаво кемалари эксплуатациясини амалга оширувчи учувчиларга қўйиладиган талабларга мувофиқ эмас, лекин кўп аъзоли экипаж томонидан бошқариладиган ҳаво кемалари эксплуатациясини амалга оширувчи учувчиларга қўйилган талабларга мувофиқлигига қўлланилади;

- в) ИУЯ - фақат иккинчи учувчи сифатида яроқли (OCL - Valid only as co pilot).

Мазкур чеклов ОМЛ чекловининг давоми бўлиб, маълум бир тиббий сабабларга кўра, учувчининг соғлиғи ҳаво кемаси командири сифатида эмас, балки фақат иккинчи учувчи сифатида учиш ишини бажаришида парвозлар хавфсизлиги учун хавфсиз деб ҳисобланганда қўлланилади;

г) ЙУ – фақат йўловчиларсиз учиш учун (OPL - Valid only with out passengers).

Учувчида, парвозлар хавфсизлигини таъминлашда кам аҳамиятга эга бўлган мушак-скелет тизими ёки бошқа шунга ўхшаш касалликлар мавжуд бўлганда, бу ҳолат учувчи учун мақбул, лекин йўловчиларни ташиш учун мақбул бўлмаган ҳолда мазкур чеклов қўлланилади;

д) ХИБ - кабина экапажи биттадан кўп бўлган, икки томонлама бошқарувга эга ҳаво кемасида ва фақат хавфсиз учувчи билан (OSL - Valid only with safety pilot and in aircraft with dual controls, not for solo cabin crew).

Икки томонлама бошқарувга эга ҳаво кемасида кабина экапажи биттадан кўп бўлиши ва фақат хавфсиз учувчи учиши шарти билан яроқли бўлганда қўлланилади;

е) ЎҲКЯ - ўзлаштирган типдаги ҳаво кемаси учун яроқли (OAL - restricted to demonstrated aircraft type).

OAL – гувоҳнома эгаси ўзи ўзлаштирган типдаги ҳаво кемаси учунгина яроқли деб топилганда қўлланилади;

ж) ҚБТ - фақат қўлда бошқарилуви тасдиқланган учун яроқли (AHL - valid only with approved hand controls).

AHL - фақат қўлда бошқарилуви тасдиқланган парвозларни амалга ошириш учун яроқлилигига қўлланилади;

з) СИА - сменада иккинчи авиадиспетчер мавжудлигига (ODL - valid only with second ATCos).

ODL – сменада икки ёки ундан кўп, малакаси ўзига teng бўлган авиадиспетчер билан биргаликда ишлашга яроқлилигига қўлланилади;

и) УКК - узоқдан кўриш бузилишини коррекциялаш (VDL - Correction for defective distant vision).

Коррекцияловчи линзалар ва захира кўзойнак жуфти мавжудлигини билдиради. Узоқдан кўриш қобилиятини бузилишини коррекциялаш: гувоҳнома эгаси гувоҳнома орқали берилган хукуқлари ва мажбуриятларини бажаришда, тиббий кўрик натижалари асосида фойдаланиш учун тасдиқланган ва тиббий эксперт билан келишилган узоқдан кўришни коррекцияловчи кўзойнаклар ёки контакт линзалар тақади. Контакт линзалардан фойдаланишга тиббий эксперт томонидан рухсат берилган. Контакт линзалардан фойдаланганда ТУК аъзоси - офтальмолог томонидан буюрилган захира кўзойнак мавжуд бўлиши керак.

й) УЎЯКК - узоқ, ўрта ва яқиндан кўриш бузилишини коррекциялаш (VML - correction for defective distant, intermediate and near vision).

Мультифокал кўзойнак ва захира кўзойнак жуфти мавжудлигини билдиради. Узоқ, ўрта ва яқиндан кўриш бузилишини коррекциялаш: гувоҳнома эгаси гувоҳнома орқали берилган хукуқлари ва мажбуриятларини бажаришда, тиббий кўрик натижалари асосида фойдаланиш учун тасдиқланган ва тиббий эксперт билан келишилган узоқ, ўрта ва яқиндан кўриш бузилишини коррекцияловчи кўзойнаклар ёки контакт линзалар тақади. Фақатгина яқиндан кўришни

коррекцияловчи контакт линзалари ва тўлиқ гардишли кўзойнаклардан фойдаланиш мумкин эмас.

к) ЯКК - яқиндан кўриш бузилишини коррекциялаш (VNL - Correction for defective near vision).

Кўришни коррекцияловчи кўзойнак ва захира кўзойнак жуфти ёнида мавжуд бўлиши керак. Яқиндан кўриш бузилишини коррекциялаш: гувоҳнома эгаси гувоҳнома орқали берилган хукуклари ва мажбуриятларини бажаришда, тиббий кўрик натижалари асосида фойдаланиш учун тасдиқланган ва тиббий эксперт билан келишилган, яқиндан кўриш бузилишини коррекцияловчи кўзойнаклардан бевосита фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак. Фақатгина яқиндан кўришни коррекцияловчи контакт линзалари ва тўлиқ гардишли кўзойнаклардан фойдаланиш мумкин эмас.

л) ИУКК - иш шароити билан боғлик ҳолда узоқни кўришни коррекциялаш (фақат 3 класс тиббий хулосаси, ҳаво ҳаракатига хизмат кўрсатиш (ХХХК) диспетчерлари учун) (VXL - Correction for defective distant vision depending on the working environment (for 3 class only, ATCOs)).

Иш шароити билан боғлик ҳолда узоқни кўриш бузилишини коррекциялаш. Агар ХХХК диспетчерининг ишчи зонаси 100 см гача масофада бўлса, узоқ масофани кўришни бузилишида коррекцияловчи линзалардан фойдаланилмайди. Узоқ масофани коррекциясиз кўриш ўткирлиги бўйича талабларга мувофиқ келмайдиган, лекин коррекциясиз ўрта ва қисқа масофага кўриш ўткирлиги бўйича талабларга мувофиқлигига, иш фаолияти зонаси ўрта ва яқин масофада (100 см гача) бўлиб, шахснинг кўриш майдонига мос келса, коррекцияловчи линзаларсиз ишлаши мумкин. Чеклов фақат 3-класс тиббий хулосасаси ХХХК диспетчерлари учун кўлланилади.

м) КЛК – фақат контакт линзалардан фойдаланиб кўришни коррекциялаш (CCL - Correction by means of contact lenses only).

Фақат контакт линзалардан фойдаланган ҳолда кўришни коррекциялашни билдиради. Тиббий кўрик натижалари асосида фойдаланиш учун тасдиқланган ва тиббий эксперт билан келишилган, барча масофалар учун кўриш бузилишини коррекцияловчи контакт линзалардан фойдаланади. Чеклов фақат кабина экипажи тиббий хулосаларини беришда кўлланилади.

н) КУ - фақат кундузги соатда учиш (кундузги учишлар) учун амал қиласи (VCL - valid by day only).

Фақат кундузги вақтда учишда амал қиласи. Мазкур чеклов, турли даражадаги ранг кўриш бузилишлари мавжуд бўлган хусусий учувчиларга фақат кундузги соатларда ўзларининг гувоҳномасидаги хукуқ ва мажбуриятларини бажариши учун рухсат беришда кўлланилади.

35. Учувчи – инспектор ёки диспетчер – инспектор тавсиялари асосида РК тиббий хулоса муддатини чегаралайди, шахснинг касбий вазифалари ва мажбуриятларига оид ўзгартиришлар киритади.

## 2-§. Тиббий кўриқдан ўтиш тартиби

36. Ўқишига номзодлар қабул комиссияси томонидан, курсантлар ўкув юрти маъмурияти томонидан, авиаходимлар иш берувчи томонидан берилган йўлланмага мувофиқ тиббий кўриқдан ўтказиладилар. Йўлланмада эгалламоқчи бўлган ёки эгаллаган мутахассислиги, лавозими, умумий учиш соати, комиссия оралиги давридаги меҳнат таътили кунлари ва фойдаланилмаган меҳнат таътили кунлари сонлари кўрсатилади.

Бошқа ҳолларда шахслар ўз шахсий аризаларига кўра тиббий кўриқдан ўтказилади.

37. Кўриқдан ўтувчининг тиббий кўрик ўтиш учун белгиланган муддатда келишини иш берувчи ёки тегишли ўқув юртнинг қабул комиссияси раиси назорат қилади.

38. Авиация шифокорларига, авиакорхоналарга, ўқув юртларига ва бошқа фуқаро авиацияси ташкилотларига тегишли шахслар таркибини тиббий кўриқдан ўтказилиш жараёнида, улар раҳбариятининг вакиллари ва авиация шифокорлари ТУК фаолиятида иштирок этишлари мумкин.

39. Фуқаро авиацияси ўқув юртларида ўқишга номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун, психоневрология ва наркология диспансерларининг психиатр ва нарколог кўриги хulosаси (агар илгари диспансер назоратида бўлган бўлса хulosада сабаби, ташхиси, назорат муддати кўрсатилиши шарт) ва турар жойидаги тиббий муассасадан амбулатор картаси ёки ундан кўчирма керак бўлади.

40. Тиббий кўрик ўтишдан аввал номзод тиббий экспертларга (ТУКка) ариза (5-илова) тақдим этади. Аризада соғлик ҳолати бўйича яроқлилигини аниқланганда мухим бўлган соғлигига ва шахсий, оиласи, ирсий анамнезларига оид, барча маълумотларни тўлалигича қайд этади ва уларни тўғрилигини имзоси билан тасдиқлайди.

41. Авиходимлар аризадан ташқари, олган тиббий хulosаси ва аввалги ўтказилган тиббий кўрик маълумотлари асосида тиббий кўриқдан ўтказилади.

42. Ариза берувчининг парвозлар хавфсизлигига салбий таъсир қилувчи касаллик ва ҳолатларни яширганлиги ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганлиги аниқланганда, тиббий учиш комиссияси раиси мазкур ҳолат юзасидан чора кўриш учун ваколатли органга билдириг юборади. Ариза берувчига нисбатан тегишли чора кўриш ва тиббий хulosса бериш масаласи ваколатли орган томонидан кўриб чиқилади. Тегишли фактлар ўрганиб чиқилади, таҳлил қилинади ва натижасига кўра ариза берувчига қатъий огохлантириш хати юборилади ёки унга нисбатан конунда белгиланган тартибда чора кўриш ҳақида хат юборилади.

Аризада кўрсатилган ҳар қандай ёлғон маълумот, ариза берувчига тиббий хulosса беришни рад этилишига асос бўлади.

43. Номзодга, тиббий кўриқдан ўтиш арафасида ва тиббий кўриқдан ўтаётган кунида дам олиш куни берилади.

44. Тиббий кўриқдан ўтиш ва тиббий хulosса бериш қоида тарикасида бир кунда амалга оширилади.

45. Заруриятга кўра қўшимча тиббий текширувлар уч иш кунида давомида ўтказилади.

46. ФА ўқув юртларида ўқишга номзодлар, тиббий кўриқдан ўтишдан аввал, касбий психологик танловдан ўтишлари шарт. Касбий психологик танлов натижалари асосида ТУК психологининг хulosаси чиқарилади ва фақат “фуқаро ва экспериментал авиацияси ўқув юртларида ўқиши мақсадга мувофиқ” хulosаси берилган шахсларгина тиббий кўриқдан ўтказилади.

Кўриқ якунида ФА ўқув юртларида соғлиги бўйича ўқишга яроқли деб топилганларга тиббий хulosса берилади.

47. ФА ўқув юртларида ўқишга номзодларга ТУКда такрорий психологик ва тиббий текширувлар ўтказиш тақиқланади.

48. ТУК аъзоларидан бири аниқланган касаллик ёки нуқсон сабабли ўқишга ёки ўқишини давом эттиришга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарганда, тиббий кўриқдан ўтиш

тұхтатилади ва текширувлар үтказилмайды.

49. Номзод ТУК тиббий хulosасидан норози бўлганда, ваколатли органнинг РКга шикоят аризасини бериши мумкин. Мазкур ҳолда, барча ТУК аъзоларининг тиббий кўриги тўлиқ үтказилади ва тиббий хужжатлар расмийлаштириб, ваколатли органга тақдим этиши учун ариза берувчига, тилхати асосида муҳрланган ҳолда берилади.

50. Номзод, ваколатли органнинг ревизия комиссияси тиббий хulosасидан норози бўлганда, суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

51. ТУК аъзоларидан бири номзодга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарганда, у тиббий кўрикдан ўтишни тўлиқ якунламаслиги мумкин.

Касаллик ҳақидаги гувоҳномани (10-илова) авиаходимга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарган ТУК аъзоси расмийлаштиради ва мазкур хужжат ваколатли органга тақдим этилади.

52. Авиаходимда ёки курсантда учиш ёки авиация билан боғлиқ касбий фаолиятига ёки ўқишига ҳоҳишини йўқолишида тиббий кўрик үтказилмайди, учиш ишига (касбий фаолиятига, ўқишига) ҳоҳишини йўқлиги сабабли яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

53. Авиация кимёвий ишларини (бундан буён матнда АКИ деб юритилади) бажарувчи учувчилар таркиби, соғлигига кўра захарли кимёвий моддалар билан ишлашга яроқсиз деб топилганда, уларга минерал ўғитлар ва биопрепаратлар билан ишлашга яроқли деб тиббий хulosса чиқарилади.

54. Курсантлар ва авиаходимлар соғлигига парвозлар хавфсизлигига салбий таъсир қилувчи қуидаги ҳолатлар аниқланганда навбатдан ташқари тиббий кўрик үтказилади:

а) касбига нисбатан яроқлилигига таъсир этувчи вақтинчалик меҳнатта лаёқатсизликка олиб келган касаллик ва жароҳатлардан кейин;

б) соғлик ҳолати билан боғлиқ авиация ҳодисалари ва инцидентларидан кейин;

в) ҳаво кемасини ўзлаштириш учун ўқишига юборишдан аввал, агар тиббий хulosани амал қилиш муддатини тугаши ўқиши даврига тўғри келса.

55. Оғир касалликлар ёки жароҳатлар сабабли авиаходимларга ва курсантларга, тиббий муассаса томонидан берилган хужжатлар асосида сиртдан тиббий хulosса чиқарилиши мумкин. Вақтинча меҳнатта лаёқатсизлик, меҳнат таътили ва бошқа ҳолатлар тиббий хulosса қабул қилинишига монелик қilmайди.

56. Кўрикдан ўтаётган авиаходимда касб касаллигининг бошланғич белгилари аниқланганда, ТУК аъзоси томонидан унга диспансер кузатуви белгиланади. Авиаходим соғлигини назорат қилиш ва ундаги касалликни зўрайишини олдини олиш мақсадида, унга профилактик чора - тадбирлар тавсия этилади.

Авиаходимда касб касаллиги аниқланганда, у касбига яроқсиз деб топилади.

57. Курсантлар ва авиаходимларга вақтинчалик меҳнатта лаёқатсизлик ва рақаларини бериш қонунчиликда белгилangan тартибда амалга оширилади.

58. Тиббий кўрсатмалар мавжудлигига (соғлик ҳолатини ёмонлашуви, касалликни зўрайиши, сурункали чарчоқ кабилар) асосланган эпикриз расмийлаштирилади ва ваколатли органнинг тиббий эксперталари ёки ТУК раисини рухсати билан авиаходим ФАГа тегишли стационарда тиббий кўрикдан ўтади ёки даволанади. Авиаходимга стационарда тиббий

кўриқдан ўтиш ёки даволаниш йўлланма (6-илова) асосида, 7 иш кунигача бўлган муддатда ўтказилади. Муддат тугагач ходимлар билан ишлаш бўлимига тақдим этиши учун маълумотнома (7-илова) берилади.

### **3-§. Тиббий хulosса**

59. Авиаходимлар ва ўқишга номзодларнинг соғлик ҳолатига талаблар уларнинг тоифаларига қўра белгиланади ва қўйидаги классларга мувофиқ кўриқдан ўтказилади:

а) биринчи класс тиббий хулосаси-тижорат авиацияси учувчиси (самолёт, вертолёт, дирижабль, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), кўпазоли экипаж учувчиси, авиакомпаниянинг йўналишдаги учувчиси (самолёт, вертолёт, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), синовчи-учувчи учун қўлланилади;

б) иккинчи класс тиббий хулосаси-штурман, бортинженер, ҳаваскор учувчи (самолёт, дирижабль, вертолёт, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), учувчи-планерист, эркин аэростат учувчиси ва ФА ўқув юртларининг мазкур касблар бўйича курсантларига қўлланилади;

в) учинчи класс тиббий хулосаси-ХХБ диспетчери, бортмеханик, бортрадист, борткузатувчи, юк ташувчи ҳаво кемасининг бортоператорига қўлланилади;

г) тўртинчи класс тиббий хулосаси-учувчиликка, штурманликка, бортинженерликка, ХХБ диспетчерликка, борткузатувчиликка, бортмеханиклика, бортрадистликка ўқиш учун ФА ўқув юртларига қабул қилинаётган номзодларга қўлланилади.

60. Тиббий хулосалар қўйидагича чиқарилади:

а) учувчиликка, штурманликка, бортинженерликка, ХХБ диспетчерлигига, борткузатувчиликка ўқишга яроқли (яроқсиз);

б) учувчиликка, штурманликка, бортинженерликка, борткузатувчиликка, бортмеханиклика, бортрадистликка, ХХБ диспетчерлигига ўқишни давом эттиришга яроқли (яроқсиз);

в) тиҷорат авиациясида учувчиликка (самолёт, вертолёт, дирижабль, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), кўпазоли экипажда учувчиликка (самолёт), авиакомпаниянинг йўналишдаги учувчиликка (самолёт, вертолёт, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси), синовчи-учувчиликка учиш ишига яроқли (яроқсиз);

г) ХХБ диспетчерлик, борткузатувчилик, бортоператорлик ўқишига ва ишига яроқли (яроқсиз);

д) ҳаваскор учувчиликка, учувчи - планеристликка, эркин аэростат учувчилигига ўқишга ва парвозга яроқли (яроқсиз);

е) АКИда учиш ишига учувчиликка (штурманликка, бортинженерликка, бортмеханиклика, бортрадистликка) яроқли (яроқсиз).

АКИ ишларини бажариши сабабли ошқозон-ичак, нафас олиш органлари каби касалликларини зўрайиб кетишида, кимёвий моддага аллергияси борлигида учувчилар таркиби учиш ишига фақат минерал ўғитлар билан ишлашга яроқли топилади. Бу ҳолда қўйидагича хулоса чиқарилади:

ж) учиш ишига АКИда минерал ўғитлар билан ишлашга учувчиликка (штурманликка, бортинженерликка, бортмеханиклика, бортрадистликка) яроқли.

61. Кўриқдан ўтиш босқичида, ўткир ва сурункали касалликларни амбулатор ёки стационар даволаш зарурияти бўлганда, реконвалесцентларга ёки сурункали чарчашда, муддати 1 ойдан ошмаган санаторий-курортда даволаниш ёки тиббий реабилитация ёки меҳнат таътили лозим бўлганда босқичга доир “келгусида кўриқдан ўтиши билан даволанишга (даволаниш тури кўрсатилади), (меҳнат таътилига, дам олишга) муҳтож”лиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Қайта касбий фаолиятига тикланиши мумкин бўлмаган яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилганда босқичга доир тиббий хулоса чиқарилмайди.

62. Натижаси ижобий бўлган касаллик, жароҳатлар ва жарроҳлик операцияларидан кейин касбига тикланиш имконияти бўлганда, вақтинча яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса куйидаги чиқарилади:

(керакли муддат кўрсатилади)\_\_\_ ойдан кейин кўриқдан ўтиши билан учиш ишига (ишга, парвозга, ўқишини давом эттиришга) яроқсиз. Мазкур ҳолда, номзоднинг келгусидаги тиббий кўриқ ўтиши учун мўлжалланган сана кўрсатилади. Вақтинча яроқсизлик хулосаси фақат 1 ойдан 6 ой муддатгача белгиланади ва авиация шифокори ёки ТУК аъзосининг диспансер кузатуви ўтказилади. Белгиланган муддат тугагач, номзоднинг соғлик ҳолати бўйича касбий мажбуриятларини бажаришга монеликлар бўлмагандан, тиббий кўриқ натижаларига қўра яроқлилик аниқланади.

63. Касалликни (жароҳатлар, жарроҳлик операциялари оқибатлари ва бошқалар) хусусиятига қўра 6 ойдан кўп давом этишида ёки оқибати ноаник бўлганда қайта кўриқдан ўтиш муддати кўрсатилмайди ва яроқсизлик ҳақида хулоса чиқарилади. Тўлиқ соғайиб, органлар функциялари тикланганда, касбий мажбуриятларини бажаришга соғлик ҳолати бўйича монеликлар бўлмагандан, қайта тиббий кўриқдан ўтказилиб касбига тикланиши мумкин.

64. Соғлик ҳолати бўйича ўз касбий мажбуриятларини юқори даражадаги ишонч билан бажаришлари мумкин бўлган номзодларга яроқлилиги чегараланмаган ҳолда тиббий хулоса чиқарилади, улар ўзлари ўзлаштиргандан ташқари, бошқа турдаги ҳаво кемаларини ўзлаштириш учун ўқишилари мумкин бўлади.

65. Иқлиминг, иш ва ҳаёт шароитларининг кескин ўзгаришлари натижасида авиаходимда мавжуд бўлган касалликни ривожланиши, қайталаниши ёки зўрайиши эҳтимоли бўлганда, авиаходимларга “Мазкур мамлакатда ёки ҳудудда (номи кўрсатилади) ишлашга яроқсиз”лиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва улар мазкур жойларга хизмат сафарига юборилмайди.

66. Алоҳида маълум бир ҳолатларда “Тиббий хулоса олиш учун соғлик ҳолатига талаблар” бўйича авиаходимларга якка тартибда (индивидуал) яроқлилик ҳақида тиббий экспертларнинг тиббий хулосаси чиқарилади. Мазкур ҳолларда ТУК тиббий хулоса чиқариш хукукини ваколатли органнинг тиббий экспертларига беради. Бунда ТУКнинг барча аъзолари ўз мутахассислиги бўйича авиаходимни тиббий кўриқдан ўтказади ва тиббий хулоса чиқаради. Унинг барча тиббий хужжатлари муҳрланади, журнالга қайд этилади ва имзоси асосида, ваколатли органнинг тиббий экспертларига тақдим этиш учун қўлига берилади.

Тиббий хулоса чиқаришда “якка тартибда” ибораси ишлатилади. Якка тартибдаги тиббий хулоса алоҳида шахсга нисбатан қўлланилади ва соғлик ҳолатини парвозлар хавфсизлигига таъсири, ўз касбий вазифаларини бажариш вақтида меҳнат қобилиятини йўқотиш эҳтимоли, касбий фаолиятини давом эттирганида касалликнинг ривожланиш ёки қайталаниш эҳтимоли, касалликнинг компенсация даражаси, психологик текширув натижасидаги ўзига хос психофизиологик хусусиятлари, бажарадиган ишининг хусусиятлари, соғлик ҳолатидаги унга хос

бўлган томонларни ҳисобга олиб чиқарилади.

67. Тиббий хужжатларда тиббий хulosса қўйидагича расмийлаштирилади:

Тиббий хulosса чиқарган комиссия номи ва хulosса чиқарилган сана, кўрикдан ўтишга бўлган асос, номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, асосий, ёндош ташхислар ва асоратлар, модда кўрсатилади, ихтисосига доир ишга (ўқишига, ўқишини давом эттиришига) яроқлилиги ҳақида тиббий хulosса ва комиссия оралиги даврига оид тавсиялар белгиланади.

68. Зарурият бўлганда тиббий хulosада номзод соғлигига хос бўлган алоҳида белгилар, унга хос бўлган индивидуал қон босими, пульс зарбаси ва бошқалар кўрсатилади. Маълумотлар ваколатли орган ёки ТУК мухри билан тасдиқланади.

69. ТУК аъзоларининг тиббий хulosса беришда белгиланган талабларга риоя қилишларини, авиация тиббиёти нуқтаи назаридан хавф омилларини баҳолай олишлари ва касбий маҳоратларини текшириш учун, ваколатли органнинг тиббий эксперталари ТУК тиббий хulosаларини эксперт баҳолайдилар. Эксперт баҳолаш учун етарли даражада бўлган тиббий хужжатлар тиббий хulosса билан бирга ваколатли органга ТУК томонидан муҳрланган ҳолда юборилади. Баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади ва камчиликлар аниқланганда, ТУК раисига кўрсатма юборилади.

#### **4-§. Тиббий хужжатларни расмийлаштириши**

70. FA ўқув юртларига қабул қилинаётган номзодларга, номзод фотосурати ТУК мухри билан тасдиқланган тиббий варака (8-илова) бир нусхада тўлдирилади.

71. Ўқишига яроқли деб топилган номзоднинг тиббий варакаси ва текширув маълумотлари (қон таҳлили, электрокардиография (бундан буён матнда ЭКГ деб юритилади) ва бошқалар) қабул комиссиясига юборилади.

72. Ўқишига яроқсиз деб топилган номзодларнинг тиббий варакалари ТУК архивида 3 йил сақланади.

73. FA ўқув юртлари ўқувчилари, курсантлари ва авиаходимларга тегишли бўлган барча тиббий хужжатлар ва ёзишувлар ишончли ҳимояланган хонада сақланади, фақат ваколатта эга тиббиёт ходимларигина улардан фойдаланади. Ваколатли органнинг тиббий эксперталари, ТУК аъзолари ва авиация шифокорлари тиббий хужжатлар ва маълумотларни сақланишига, уларни маҳфилигини таъминланишига жавобгар.

74. Иш фаолияти юзасидан ваколатли органнинг мансабдор шахсларига асослантирилган ҳолларда тиббий хужжатлар берилиши мумкин. Зарур бўлган хужжатлар кўлами тегишли ваколатта эга шифокорлар томонидан аниқланади ва тақдим этилади.

75. FA ўқув юртлари ўқувчилари, курсантлари ва авиаходимларга, уларнинг фотосурати ваколатли органнинг авиаация тиббиёти бўлими ёки ТУК мухри билан тасдиқланган тиббий китобчани (ёки унга тенг тиббий хужжат) авиаация шифокори расмийлаштиради.

76. FA ўқув юртлари ўқувчилари, курсантлари ва авиаходимларга тиббий китобча ва тиббий хужжатлар муҳрланиб, шахсий имзоси асосида берилади.

77. Кўрикдан ўтишга, FA стационарига ёки тегишли мутахассисга маслаҳатга юборишдан аввал, авиация шифокори ўзининг шахсий тиббий кўрувини ўтказади ва эпикриз расмийлаштиради. Кўрикдан ўтувчи шахсий имзоси асосида эпикриз билан танишиб чиқиши шарт.

78. Эпикризда қуидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

- а) шикоятларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, ўтказган касалликлари, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик сабаблари;
- б) умумий, йиллик, тунги учиш соатлари, парвоз турлари, парвоз вақти нормасини узайтирилганлиги, малака ошириш ва ҲҚ ўзлаштириш билан боғлиқ ўкувни ўтганлиги, шахсда авиаация ҳодисалари ва инцидентлари билан боғлиқ ҳолатлар;
- в) меҳнат таътили ва ташкиллаштирилган дам олишлардан фойдаланганлиги, санаторий-курортда даволангани, дам олиш кунларининг мунтазамлилиги, меҳнат таътилидан қарздорлиги;
- г) учишдан ёки сменадан олдинги тиббий кўрикда учишдан ёки ишдан четлатилганлиги, сабаблари;
- д) мутахассисларнинг диспансер кузатувлари, заарли одатлари, даволаш, соғломлаштириш чора-тадбирлари ва тавсияларини бажарилиши;
- е) шахсий кўрик маълумотлари;
- ж) ташхис;
- з) соғлигидаги ўзгаришлар, мутахассислар кузатувининг натижалари (соғлиги яхшилангани, ёмонлашгани ёки ўзгаришсиз) бўйича авиаация шифокорининг хулосаси ва касбий фаолиятини давом эттиришга доир тавсияси.

Навбатдан ташқари тиббий кўрикка юборища, кўрикдан ўтувчани касаллигини ёки соғлигидаги ўзгаришларни касбий фаолиятига таъсири, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида касалликни кечиши, хулқ-авторидаги алоҳида ўзгаришлар, майший шароитлари ва бошқа тегишли маълумотлар эпикризга қўшимча қилинади.

79. Авиходимларда комиссия оралиги даври учун фойдаланилмаган меҳнат таътили 48 кундан кўп бўлганда, сурункали чарчаши олдини олиш мақсадида, 5-7 кунлик меҳнат таътили берилиб, кейин кўрикдан ўтказилади. Касаллик ёки вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли навбатдан ташқари кўрикдан ўтиш ҳоллари бундан мустасно.

80. ФА ўкув юртлари ўкувчилари, курсантлари ва авиаходимларни тиббий кўрикка, стационар текширувига ва ваколатли орган тиббий эксперталари юборища, тиббий дафтарча ва охирги 3 йилдаги тиббий текширув маълумотлари тақдим этилади.

81. Тиббий кўрик ва текширув натижалари, мутахассислар маслаҳатлари ва бошқа маълумотлар хисобот шаклида ёки тиббий вараканинг тегишли қисмларига хронологик тартибда қайд қилинади.

82. Тиббий эксперталар ва ТУК аъзолари тиббий китобчага шахсий кўрик, текширув маълумотларини, ташхис ва тавсияларни расмийлаштирадилар. Кўрикдан ўтувчи, шикоятлари мавжудлиги ёки йўқлигини, ўзи ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ва аниқлигини шахсий имзоси билан тасдиқлайди. Тиббий эксперталар ва ТУК аъзолари барча маълумотларнинг ишончли ва тўғрилигини шахсий имзоси билан тасдиқлайди ва ўз исм, шарифини аниқ қилиб ёzádi, мавжуд бўлса шахсий муҳри билан тасдиқлайди.

Тиббий хужжатларни расмийлаштиришда, умумий қабул қилинган қисқартма сўзлардан ташқари, қисқартирилган сўзлар ва белгилардан фойдаланиш мумкин эмас.

83. ТУКда ўтказилган тиббий кўрик натижалари ТУКнинг баённомалар журналида (9-илова) расмийлаштирилади, ТУК раиси ва аъзолари томонидан имзоланади, ТУК муҳри билан

тасдикланади.

ФА ўқув юртларига қабул қилинаётган номзодларга алоҳида баённомалар журнали юритилади ва унда ФА ўқув юрти номи кўрсатилади.

84. Стационарда ўтказилган тиббий кўрик натижалари, авиаходимнинг касаллик тарихидан кўчирмасига расмийлаштирилади ва тиббий дафтарчасига бириктирилади.

85. ТУК томонидан қуидаги авиаходимларга чиқарилган тиббий хulosалар ваколатли органга назорат ва якуний тиббий хulosса чиқариш учун тақдим қилинади:

а) соғлиги бўйича яроқсиз деб топилган авиаходимлар (хомиладорлик сабаблиси бундан мустасно);

б) илгари соғлигига кўра касбига яроқсиз деб топилган, эндиликда ўз касбига тикланаётган авиаходимлар (хомиладорлик сабаблиси бундан мустасно);

в) тиббий хulosса олиш учун ишга қабул қилинаётган авиаходимлар;

г) 55 - 65 ёшгача бўлган авиаходимлар.

Мазкур шахслар, ТУК тиббий хulosаси чиқарилган кундан бошлаб 5 иш куни ичида, йўлланма, тиббий дафтарча ва сўнгги 3 йилдаги тиббий текширув маълумотлари билан ваколатли органнинг тиббий эксперtlарига юборилади. А), б), в) банддагиларга қўшимча икки нусхада тўлдирилган “Касаллик ҳақида гувоҳнома” (10-илова) расмийлаштириб берилади.

Хомиладорлик сабабли яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилганда, ТУК иш берувчига белгиланган намунадаги маълумотнома (11-илова) юборади.

86. Ваколатли органнинг тиббий эксперtlари томонидан тиббий ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг, 3 иш куни давомида улар текширилади, натижалар асосида тиббий китобчада якуний тиббий хulosса расмийлаштирилади, баённома тузилади ва тиббий ҳужжатлар ТУКка қайтарилади.

Текшируv натижасида камчиликлар аниqlанганда, ТУК раисига ёки иш берувчига кўрсатма юборилади.

Қўшимча тиббий текшируvлар заруриятга кўра ўтказилади.

87. Ваколатли органда кўрикдан ўтуvчига яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилганда, унга тиббий хulosса шахсий имзоси асосида тиббий эксперtlар томонидан берилади. Яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилганда, тиббий хulosса беришни рад этиш тўғрисида белгиланган шаклдаги хабарнома (12-илова) иш берувчига юборилади ёки хабарнома эгасига шахсий имзоси асосида журналга қайд этиб берилади.

88. Авиаходимларда ўлим ва касбий фаолиятини бажариш жараёнида тўsatдан иш қобилиятини йўқотиш ҳолатлари содир бўлганда, маълумотни қабул қилган ТУК раиси ёки аъзоси ёки авиация шифокори дарҳол ваколатли органга зарур маълумотларни етказиб хабардор қиласи.

89. Ҳолат юз бергандан кейин 5 иш куни ичида авиация шифокори белгиланган шаклдаги “Авиаходимлар орасида ўлим ёки тўsatдан иш қобилиятини йўқотиш ҳолатларини таҳлил қилиш учун сўровнома”ни (13-илова), керакли маълумотларни қайд қилиш ва тагига чизиш орқали тўлдиради. Бунда факат умумий қабул қилинган қисқартма сўзлар ишлатилади. Сўровнома ТУКка тақдим этилади ва 2 иш кунида ичида мазкур ҳолат юзасидан ТУК кенгаши ўтказилади. Кенгашда барча маълумотлар таҳлил қилинади, ТУК хulosаси чиқарилади ва баённома тузилади. Кенгашда таркиби тегишли бўлган авиация шифокорлари, авиакорхона ва

ташкилот раҳбарияти вакиллари иштирок этишлари мумкин. Кенгаш ўтказилгандан кейин 2 иш куни ичидаги баённома нусхаси ва мазкур сўровнома ваколатли органнинг тиббий эксперталрига умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тақдим қилинади.

90. Календарь йил тугаганидан сўнг 3 иш куни ичидаги, ТУК раислари ва авиаация шифокорлари тиббий кўрик натижалари бўйича белгиланган шаклдаги хисоботларни (14-15-иловалар) ваколатли органга тақдим қиласилар. Ваколатли органнинг тиббий эксперталари мазкур хисоботлар асосида, якунланган йил учун умумлаштирилган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаациясида тиббий кўрикдан ўтказиш натижаларининг таҳлилий хисоботи” ва улар натижасидан келиб чиқиб тавсиялар тайёрлади.

91. Барча хисоботлар, ваколатли орган раҳбарияти иштирокида тиббий эксперталар томонидан ўтказиладиган якуний кенгашда муҳокама қилинади ва баённома расмийлаштирилади. Якуний кенгашда ТУК аъзолари, авиаация шифокорлари, фуқаро авиаацияси авиакомпаниялари ва ташкилотлари раҳбарияти вакиллари ва манфаатдор шахслар иштирок этадилар.

92. Тиббий кўрик ўтказишида ТУК аъзоларига керакли тиббий техника ва тиббий буюмлар 16-иловада кўрсатилган.

## **5-§. Комиссия оралиги даврида тиббий кузатувни**

### **ташкил этиши**

93. ФА ўкув юртларининг курсантлари ва авиаходимларнинг комиссия оралиги давридаги кузатувини, уларга биритирилган авиаация шифокори ўтказади. Тиббий кузатув даврида, профилактика, даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари, назорат мақсадидаги тиббий текширувлар, ваколатли органнинг тиббий эксперталари, ТУК аъзолари, зарур мутахассис шифокорлар ҳамда биритирилган авиаация шифокорининг тавсияларига мувофиқ олиб борилади, уларнинг бажарилиши мажбурийдир.

94. Курсантлар ва авиаходимлар ваколатли органга тақдим этилган шахсий аризаларига кўра, ўзлари истаган авиаация шифокорининг тиббий кузатувидаги бўлишлари мумкин.

95. Комиссия оралиги даврида, авиаация шифокорининг тиббий кўруви курсант, учувчи ва ҲҲБ диспетчерларига ҳар 6 ойда, бошқа таркибдаги авиаходимларга ҳар 12 ойда ўтказилади. Тиббий кўрсатмалар мавжудлигида, тиббий кўрик натижасига кўра якка тартибда белгиланган тавсияларга асосан кўшимча тиббий кўрувлар ўтказилади.

96. Авиация шифокори шахсий тиббий кўрувни диққат билан ўтказади, унинг натижаларини ва қабул қилган қуйидаги хulosалардан бирини батафсил расмийлаштиради:

а) ўқиши давом эттиришга, учиш ишига, парвозга, ҲҲБ ишига, бортоператорлик ишига, борткузатувчилик ишига рухсат берилди;

б) навбатдан ташқари дам олиш куни ёки навбатдаги (ёки навбатдан ташқари) таътил берилшига мухтож;

в) мутахассис (ихтисослик кўрсатилади) маслаҳатига ёки даволашга (даволаш тури кўрсатилади) мухтож.

97. Комиссия оралиги даврида ТУК аъзоларнинг диспансер кўруви ўтказилганда, улар ўз ихтисослиги бўйича ўтказган шахсий кўрувини ва кўрув хulosасини тиббий хужжатга батафсил расмийлаштиради. Бу ҳолда авиаация шифокори тиббий хulosага фақат рухсат бериш ҳақидаги хulosани қайд этади.

98. Навбатдаги тиббий кўрик ўтказишдан аввал 30 кун муддат ичидан, авиация шифокори ТУК тавсияларини хисобга олган ҳолда, лаборатория текширувларини керакли ҳажмда (17-илова) ташкиллаштиради. Тиббий китобчага шахсий кўрув натижалари асосида батафсил эпикриз ва лаборатория текширув маълумотларини расмийлаштиради. Барча тиббий ҳужжатлар йўлланма билан кўрикдан ўтувчига берилади.

99. Навбатдан ташқари тиббий кўрикка юборишдан аввал, авиация шифокори шахсий кўрувини ўтказади ва тиббий китобчага асослантирилган эпикриз расмийлаштиради.

100. Соғлик ҳолати билан боғлиқ бўлган авиация инцидентларидан кейин авиация шифокорининг қўшимча тиббий кўруви ўтказилади.

101. Авиация шифокори ўзига биритирилган таркибдаги авиаходимларни соғлигини назорат қилиш мақсадида, учишдан (парвоздан, сменадан олдин) ёки кейин тиббий текширув ўтказади. Текширув даврий равища белгиланган режага мувофиқ амалга оширилади.

102. Ваколатли органнинг тиббий эксперtlари авиация шифокорларининг фаолиятини назорат қилиш мақсадидаги текширувни белгиланган режа асосида ўтказадилар.

#### **6-§. Авиаходимларнинг учишдан ва навбатчиликдан олдинги (кейинги) тиббий кўрувини ташкил этиш**

103. Учишдан ва навбатчиликдан олдинги тиббий кўрув (бундан буён матнда тиббий кўрув деб юритилади), парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида соғлиқ ҳолати бўйича ўз касбий вазифалари ва мажбуриятларини бажаришга лаёқатсиз авиаходимларни ўз вақтида аниклаш ва ишдан четлатиш мақсадида ўтказилади.

104. Тиббий кўрув аэропорт ёки эксплуатантнинг ФА навбатчи тиббиёт ходимлари (шифокор ёки фельдшер) томонидан соғлиқни сақлаш пунктида ўтказилади.

105. Тиббий кўрув ўтказиш учун тиббиёт ходими экипаж аъзолари, кабина экипажи ва ҲҲБ диспетчерларини тиббий хulosasi мавжудлигини ва унинг муддати амалда эканлигини текширади. Тиббий кўрувдан фақат тиббий хulosha муддати амалда бўлган шахслар ўтказилади.

106. Тиббий кўрув якка тартибда ўтказилади ва бунда хонада бошқа экипаж аъзоларини, ҲҲБ диспетчерларини ва бегона шахсларни бўлиши тақиқланади.

107. Учиш ва кабина экипажлари аъзоларига учишдан олдинги тиббий кўрув, учиш вақтидан аввал, 2 соатдан кам бўлмаган вақтда ўтказилади.

108. Алоҳида маҳсус парвозларни бажарувчи бортинженер, бортмеханик, борткузатувчиларга учишдан 3,5 соат олдин тиббий кўрув ўтишга рухсат этилади.

109. 6 соатдан кўп вақтга учиш кечикирилганда, учишдан олдинги тиббий кўрув қайта ўтказилади.

110. Бир иш куни давомида бир неча рейс бажарувчи ФА экипаж аъзоларига тиббий кўрув бир маротаба учишдан олдин ўтказилади.

111. Резервдаги экипаж аъзоларига резервга ўтишдан олдин бир маротаба тиббий кўрув ўтказилади, тиббий кўрув ўтказилган вақтдан бошлаб 6 соат ўтган ҳолда, учишдан олдин қайта тиббий кўрув ўтказилади.

112. Штатида тиббий ходимлари бўлмаган вақтинчалик ва доимий аэродромларда, авиация кимёвий ишларини бажарувчи парвозларда ва халқаро парвозларни бажаришда тиббий кўрув ўтказилмайди. ҲҚ командири қарорига кўра, учиш ва кабина экипажлари аъзоларига учишга

рухсат берилади.

113. Тиббий кўрув қуидагиларни ўз ичига олади:

а) ҳар бир авиаходим билан сўров ва текширув алоҳида, эркин ҳолда ва аниқ қилиб 1,5-2 дақиқада ўтказилади. Сўров натижасида соғлигига шикоятлари, учишдан (сменадан) олдинги дам олиш шароитлари, уйқунинг сифати ва давомийлиги, овқатланиш тартиби аниқланади. Нутқи, мимикаси, руҳий ҳолати (хотиржамлиги, сусткашлиги, асабийлиги ва ҳоказо) диққат билан қўздан кечириб баҳоланади;

б) тиббиёт ходими шахснинг феъл-атворини меъёрдалигига, ташқи кўринишига, ишчи формасини учиш шароитларига мослигига, учишга ёки навбатчиликка руҳан тайёр эканлигига эътибор қаратиши лозим. Кўз қорачишини ёргулликка таъсирини, тери қопламининг ранги ва кўринишини, бодомсимон безларни, халқум орқа деворининг юмшоқ ва қаттиқ танглай шиллик қаватини ва тилни текширади.

Феъл - атвортаги одатдан ташқари гайритабиийлик, томирлар маромини бузилиши, юз териси ва шиллик қаватларнинг қизариши, оқариши, қўкариши, акроцианоз, қовоқлар ва юзнинг шишиши, тери қоплами ва кўз оқ пардасини сариқлашиши ва аниқланган бошқа паталогик ҳолатлар батафсил текшириш учун асос бўлади.

Алкогол ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилганигини белгилари мавжудлигига ўрнатилган тартибда тиббий кўрик ўтказилади;

в) билак артериясини пальпацияси ўтказилиб, пульснинг мароми, кескинлиги, тўлақонлилиги, катталиги, шакли, частотаси 30 сония давомида аниқланади ва бир дақиқага нисбатан ҳисобланади. Пульс частотаси бир дақиқада 55 дан 96 зарбагача, АБ кўрсаткичи 100/60 - 140/90 мм. сим. уст. гача бўлганда парвозга ёки навбатчиликка руҳсат берилади.

Авиаходим ўз касбий фаолиятини бажариши учун, қон босимининг руҳсат этиладиган максимал даражаси 160/95 мм.сим.уст. деб белгиланади.

г) тиббий кўрсатмалар мавжудлигига авиаходимнинг артериал босими (бундан буён матнда АБ деб юритилади) ва тана ҳарорати ўлчанади;

д) маҳсус парвозларни бажарувчи экипаж аъзоларида, қўшимча равишда АБ ва тана ҳарорати ўлчанади.

114. Экипаж аъзоларини учишдан ва ҲҲБ диспетчерларини навбатчиликдан олдинги текширув натижалари, тегишлиси бўйича “Фуқаро ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг парвоздан олдинги текширув журнали”да (18-илова) ва “ҲҲБ диспетчерларини навбатчиликдан олдинги текширув журнали”да (19-илова) куйидаги тартибда расмийлаштирилади:

а) навбатчи тиббиёт ходими журналларнинг тегишли устунларини тўлдиради. Экипаж аъзоси (ҲҲБ диспетчери), соғлик ҳолатига шикояти йўқлигини ва дам олиш ҳамда меҳнат тартибига риоя қилганигини тасдиқлаш учун тегишли устунга имзо қўяди. Тиббий кўрув давомида соғлигига шикоятлар, касалликнинг объектив белгилари, чарчаш бўлмаганида, учишдан ёки навбатчиликдан олдинги дам олиш тартиби бузилмаганди, тиббиёт ходими учишга ёки навбатчиликка руҳсат берилганини қайд қилиб “руҳсат” деб ёзади ва имзо қўяди;

б) экипажнинг барча аъзолари тиббий кўрувдан ўтгандан кейин, тиббиёт ходими парвоз топшириғига аэропорт (эксплуатант) соғлиқни сақлаш пункти номи ёзилган штампни босади, сана, UTC бўйича соат ва дақиқаларни, учишга руҳсат берилган экипаж аъзоларини жами сонини ёзади ва имзо қўяди.

ФА тиббиёт ходимининг парвоз топшириғига тузатишлар киритиши ёки қўшимча ёзувлар ёзиши мумкин эмас.

115. Авиаходимда соғлигига шикоятлари бўлганда, касаллик, дам олиш ва меҳнат тартибини бузилиши, чарчаш, алкогол, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилгани ва бошқа парвозлар хавфсизлигига таҳдид соловчи ҳолатлар аниқланганда, парвоз ёки навбатчиликни бажаришдан четлатилади. Бунда тиббиёт ходими “Учишдан (навбатчиликдан) четлатиш журнали”га (20-илова) “четлатилди” деб ёзади ва имзо қўяди. Авиаходимга, бириктирилган авиация шифокорига тақдим этиши учун парвоздан ёки навбатчиликдан четлатилгани ҳақида маълумотнома (21-илова) берилади.

116. Экипаж аъзоларини учишдан ва ҲҲБ диспетчерларини навбатчиликдан кейинги тиббий кўрув, улар ўз касбий фаолиятларини бажаргандан кейинги чарчаш даражаси ва соғлигидаги ўзгаришларни аниқлаш, унинг натижасида профилактика ва даволаш тадбирларини ўтказиши мақсадида ўтказилади.

117. Тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 5-санасига қадар, календарь йил учун учишдан (навбатчиликдан) олдинги тиббий кўрув натижалари ҳақидаги маълумотлар (22-илова), тиббий кўрув ўтказган соғлиқни сақлаш пункти томонидан ваколатли органга тақдим этилади. Мазкур маълумотлар, авиаходимларнинг касбий фаолиятларини бажаришдан четлатиш сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш, ҳамда парвозлар хавфсизлигини тиббий таъминлашга қаратилган профилактик чора - тадбирларни ишлаб чиқиши мақсадида тиббий эксперталар томонидан ўрганилади.

#### **7-§. Якуний қоида**

118. Мазкур Қоидалар талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида тиббий хуоса  
бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

1-илова

#### **1 класс тиббий хуосасини олишга номзодларнинг соғлиқ ҳолатига қўйилган тиббий талаблар**

1. Неврологик тиббий кўрик ўтказишида қуйидагилар аниқланиши лозим: гувоҳнома эгасида неврологик касалликнинг мавжудлиги, мазкур касалликнинг статик ҳолатда функционал равишида парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкинлиги, мазкур ҳолатнинг мониторинг ўтказиши мумкин бўлган вақтинчалик прогрессивлашувчи кўринишга эгалиги, аҳамиятга эга бўлмаган қолдиқли функционал неврологик бузилишларсиз касалликдан соғайганлиги, авиаходим руҳий ҳолатининг бузилишлари, унинг иш қобилиятини тўсатдан ёки яширин йўқолишига олиб келиши сабабли, мазкур ҳолатнинг эҳтимоллиги ёки мавжудлиги аниқланиши зарур.

Авиаходимлар ва курсантларнинг руҳий ҳолатини кузатиш невролог, психолог ва бириктирилган авиация шифокорлари томонидан амалга оширилади.

2. Шахсда руҳий бузилишлар аниқланганда ёки руҳий касаллик гумон қилинганда ва бошқа тиббий кўрсатмалар мавжудлигида, у ўқишдан ёки ўз касбий функционал мажбуриятларини бажаришдан четлатилади ва ихтисослашган руҳий касалликлар тиббий муассасасига йўлланади. Мазкур шахснинг ижтимоий адаптация ҳолати билан руҳий соғлиги ҳақида психиатрларнинг комиссион хулосаси олингандан кейин, тиббий кўрик ўтказиш масаласи ТУКда кўриб чиқилади. Психиатрлар тиббий кўриги (текширувлари) кўриқдан ўтувчининг розилиги билан амалга оширилади. Кўриқдан ўтувчининг психиатр кўригини (текширувини), зарурият бўлганда даволанишни рад этиши унинг тиббий китобчасида қайд этилади ва бу тиббий хулоса бермасликка ёки амалдаги тиббий хулосани бекор қилинишига асос бўлади.

3. Когнитив функцияниң амалдаги ҳар қандай сусайиши авиацияда жиддий оқибатларни юзага келтириши сабабли, функционал бузилишларга олиб келувчи ҳар қандай руҳий ҳолат бузилишини қайталаниш хавфи ҳисобга олиниб тиббий хулоса чиқарилади.

4. Учувчининг руҳий ва жисмоний ҳолатини тиббий экспертизадан ўтказища, унинг ҳаво кемасини бошқариш қобилиятидаги асосий мезонлар ҳисобга олинади, яъни:

а) ҳаводаги вазиятни ва ўз ўрнини билиши учун яхши ривожланган сезги органларга эга эканлиги (кўриш, эштиш, мувозанат, кинестезия қобилияtlари ва бошқалар);

б) учиш шароитларини тўғри баҳолаши ва ҲКни белгиланган манзилга ҳавфсиз қўнишини таъминловчи йўналишни тўғри танлаш учун маълумотни қабул қила билиши, уни тўғри ишлаб чиқиши ва тегишли қарорлар қабул қилиш қобилиятига эгалиги;

в) белгиланган ҳаракатлар йўналишини амалга ошириш учун жисмонан ва руҳан тайёр эканлиги.

5. Шахснинг руҳий ҳолати экспертизасида қўйидагилар аниқланади:

а) табиий омиллар, тарбия ва ҳаётий тажрибанинг мужассамлигида унинг руҳий касалликларга бўлган мойиллиги;

б) кўпгина руҳий касалликлар, шу қаторда инсон темпераменти ҳам муҳим генетик компонентга эгалиги;

в) руҳий касалликларга генетик мойиллиги бўлган шахснинг тарбия ва ҳаётдаги ҳодисалар билан боғлиқ стресс-факторларга психиатрик симптомларсиз бардош беришга кодирлиги, лекин мазкур симптомлар ҳар бир шахсда жиддий стресс-омиллар таъсири остида намоён бўлиши мумкинлиги;

г) болаликдаги ҳодисалар, жамиятга зид ахлоқ, ўқишини ўзлаштиришни пастлиги, доимий иш ўрнини излашдаги қийинчиликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш, кайфиятнинг тўсатдан ўзгариши ва яқин муносабатларни ўрната олмаслик каби руҳий касаллик аломатларини мавжудлиги.

Юқоридаги ҳолларда оила аъзоларидан, ўқув ва тиббий муассасалари ва бошқа тегишли манбалардан кўпроқ маълумот олинади.

Шахсларда пирсинг, имплантатлар ва теридаги татуировкалар бўлиши мумкин эмас.

Йўқотилган ёки функцияси йўқолган органнинг фаолиятини тиклаш мақсадида ўрнатилган имплантатларда (масалан тиш ёки баъзи бир онкологик касалликларида) тегишли шифокор мутахассис маслаҳатини олиб шахснинг яроқлилиги аниқланади.

## 1. Руҳий - асаб касалликлари

## **1 модда.**

Шизофрения, паранойе, аффектив психозларда (маниакал-депрессив психоз, циклотимия ва бошқалар) тиббий хулоса ихтисослаштирилган психиатрик муассасаса текширувидан сүнг чикарилади. Мазкур моддага киравчи касалликлар авиаходимларда аниқланганда, улар ўз касбий функционал мажбуриятларини бажаришга яроқсиз деб топилади ва касбий ишига қайта тикланмайдилар. Органик рухий бузилишларда барча класслар бўйича шахслар касбий фаолиятга яроқсиз деб топилади ва қайта тикланмайдилар.

## **2 модда.**

Модда юкумли касалликлар ва заҳарланиш оқибатидаги (алкоголли психоздан ташқари) психозлар, функционал реактив психозлар, вазиятларга (оилавий турмушда, ишлаб чиқаришда ва бошқалар) ёки ўткир рухий жароҳатларга жавоб сифатида юзага келувчи рухий бузилишлар ва неврозлар (неврастения, психастения, васвасали невроз), шахс ва хулқ-атвор бузилишлари, аффектив бузилишлар; суицидал уринишлар гурухини умумлаштиради. 10-ХКТ бўйича барча рухий ва хулқ-атворнинг бузилишларининг кўринишлари мазкур моддага тегишли.

Тиббий хулоса чиқаришда куйидагилар ҳисобга олинади:

- а) рухий-хиссиёт соҳасидаги реактив ҳолатларнинг ўткир ёки сурункали рухий жароҳатлар туфайли юзага келиши;
- б) жароҳатловчи омилнинг симптомлар ва клиник белгиларни шакллантириши;
- в) бузилишларни юзага келтирувчи омил йўқолиши билан реактив ҳолатнинг етарли даражада тез тугаши.

Авиация ҳодисаларидан (инцидентлари) кейинги қисқа рухий бузилишлар билан боғлиқ, тиббий кўрик ўtkазиш ва учувчи экипаж аъзоларини яроқлилигини баҳолашда, ҳодисанинг келиб чиқиши, унинг сабаби ва ривожланиш ҳолати, бирламчи эмоционал реакция ҳолати, уларга командирлик раҳбарияти ва касбдошларнинг муносабати, дам олиш ва меҳнат тартибига риоя қилиниши ва бошқалар ҳисобга олинади. Авиация ҳодисаларидан кейинги рухий тушкунлик ва депрессия ҳолатини учувчилик ишини давом эттиришда салбий таъсирини, ҳамда узоқ давом этувчи текширув-қидирув-суриштирув жараёнларини учувчиларда тургун рухий бузилишларга олиб келишини инобатга олиб, уларга учишга яроқлилик хулососи мумкин қадар тезроқ берилиши лозим. Стационар текширув ва психологик кўрик, учувчилар соғлиги ва авиация ҳодисаси ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, ваколатли органнинг тиббий экспертлари ва авиация ҳодисаларини текшируви раиси рухсатига кўра тиббий кўрсатмалар мавжудлигига ўтказилади. Соғлигига шикояти бўлганда, аниқ ифодаланган рухий бузилишлар ва тан жароҳатлари ва бошқалар стационар шароитида текширувга сабаб бўлади. Стационар текшируви жараёнида, учувчига ўз касбий мажбуриятларини бажариш вақтида қийинчилик туғдирган омиллар, шахсий фактор ва инсон фактори – ҲК бошқарувидаги хато ҳаракатлар, ташкилий омиллар, унинг касбини давом эттиришга бўлган муносабати ва суриштирув жараёнидаги соғлигига бузилишларни келтириб чиқарувчи низоли ҳолатлар, касбдошининг қийин аҳволга тушиб қолиши ёки ўлими каби ҳоллар ва бу воқеаларга субъектив таъсирланишининг сабаблари аниқланиши лозим.

Енгил ифодаланган рухий ўзгаришларда, профилактик тиббий чора-тадбирлар ва тавсиялар лозим бўлмаса, невролог кўриги ўтказилиб, учувчилик ишига рухсат берилади.

Авиаходимларда авиация ҳодисаларидан кейинги рухий бузилишлар ва неврозларда, уларнинг давомийлиги, шахснинг касбини давом эттиришга командир - инструкторлар ва ўзини

муносабати, психофизиологик, физиологик, жисмоний ва касбий омиллар хисобга олиниб яроқлилик аникланади. Кечикиб ривожланадиган неврозлар, қўркув ва бошқа касбини давом эттиришда қийинчилик туғдирувчи психологик реакцияларга мойилликда, яроқсизлик ҳақида тиббий хуласа чиқарилади, авиаходимга ўтказилган реабилитация чора-тадбирларининг ижобий натижаларида ишига тикланиши мумкин.

Психопатиялар (шакли ва аниқ белгиларидан қатъий назар) ва шахснинг психотик бўлмаган бузилишлари (паранойял, аффектив, шизоид, кўзғалувчи ва бошқа турлари) 2.1. моддага тегишли.

Ўткир психоз ва неврозларни ўтказган шахслар 2.1. модда бўйича ишга яроқсиз деб топиладилар. Ишга тиклаш масаласи 2 йилдан кейин, ихтисослаштирилган муассасанинг стационар текширувидан сўнг кўриб чиқилиши мумкин. Бунда, асаб-рухий фаолиятини узоқ вақт давомидаги компенсацияси, психоз (невроз) даврида руҳий ҳолатини хусусиятлари, тузилиши, руҳий бузилишларнинг чуқурлиги, касалликни кечиши ва уни қайталанмаслиги, психотроп дориларни қабул қилишга зарурат йўқлиги, ижобий прогноз ва бошқалар хисобга олиниади.

Касаллик хусусиятига кўра кўрикдан ўтувчининг психотроп дориларни давомли равишда қабул қилишида, у яроқсиз деб топилади ва учиш ишига (ўқишга) қайта тикланмайди.

Суицидал уринишлар 2.1. моддага тегишли. Суицидал уринишнинг асосий сабаби шахснинг шахсларо ёки шахсдаги ички низолар вазиятларида ижтимоий-психологик дезадаптацияси бўлиб, бунда суицидент масаланинг адекват ечимини топа олмайди. Бу руҳий ҳолатнинг кризиси деб тавсифланади ва маниакал-депрессив психознинг депрессив фазасида, ажитация ҳолатидаги инволюцион депрессияда, алкоголли депрессияда, шизофренияда, эпилепсияда намоён бўлади. Ҳолатни ўрганиш ва текширув жараёнида, невролог гувоҳларни сўроқ қилиши, суицидал уриниш сабабини, шахсий ва оиласий анамнезни, аутоагрессив ҳаракатларнинг сабаб ва моҳиятини аниқлаши лозим. Психиатрик экспертиза ўтказилиб, психиатр хуласаси чиқарилиши лозим. Анамнезида суицидал уринишлар аниқланган шахслар барча класслар бўйича яроқсиз деб топилади ва қайта учиш ишига (ўқишга) тикланмайди.

Вазиятга (ситуацияга) боғлиқ бўлган астеник ҳолатларда ёки неврастеник синдромда 2.2. модда қўлланилади. 4-6 ойдан сўнг, ҳолатни юзага келтирган сабаблар ва симптомлар бўлмаганда, психологик тест, клиник текширувлар ва невролог диспансер кузатувининг натижалари ижобий бўлганда қайта кўрикдан ўтказилади.

Жисмоний (соматоген) касалликлар туфайли қисқа муддатли руҳий бузилишларни ўтказган шахслар, асосий касалликдан соғайгач, доимий қувватловчи терапия қўллаш лозим бўлмаган асаб-рухий фаолиятларини тўлиқ компенсациясида, учиш ишига (ўқишга) яроқли деб топиладилар.

Шахснинг бузилишида, у хиссий, интеллектуал ва ижтимоий мослашувчанликка эга бўлмай қолади ва бу унинг яхши, хавфсиз ва функционал учувчи бўлишига монелик қиласи. Уларнинг атрофдагилар билан зиддиятда бўлиши, жамият ўрнатган ҳулқ-атвор қоидаларига эътиборсизлиги қўшимча стресс омили бўлади ва авиацияда талаб қилинадиган белгиланган касбий вазифаларни бажаришдаги диққатни жамлашга ва эътиборсизликка олиб келади. Шахс бузилишининг кўринишлари аниқлаш ва эксперт баҳолаш учун ТУК аъзоси кузатув асосида, сўров, экипаж аъзолари билан шахсий сухбат ўтказиши, оиласий ва шахсий анамнезини ўрганиши, психологик синов ўтказиши, жамоадаги психологик вазиятни баҳолаши лозим. Экспертиза ўтказишда, ёмон мослашувчи ва зиддиятларга олиб келувчи бузилишлари мавжуд бўлган шахсни, ҳулқ-атвор модели атрофдагиларга мақбул бўлмаган шахсдан фарқлаш лозим. Ихтисослаштирилган муассасада ўтказилган текширув ва психиатр хуласаси асосида тиббий

хулоса чиқарилади. Тиббий кузатув маълумотлари салбий бўлган, турғун ва аниқ ифодаланган шахснинг бузилишларида яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Шахснинг аҳамиятсиз бузилишларида, касбий фазилатларни: иш стажи, тажрибаси, маҳорати, бажарилаётган вазифанинг сифати ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда, яроқлилиги тўғрисидаги хулоса чиқарилади.

Айрим, кам ифодаланган инфанитизм белгилари мавжудлигига, асаб-руҳий фаолиятининг мақбул ижтимоий ва касбий компенсациясидаги шахс акцентуацияси яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқаришга асос бўлмайди.

Шахснинг ҳулқ-атворида илгари қузатилмаган ноадекват реакцияларнинг пайдо бўлиши психолого ва психиатр текширувига асос бўлади. Ташҳис йўқлигига модда қўлланилмайди. Психолог томонидан, шахснинг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларида бузилишлар аниқланганда, неврологик стационарда текширув ўтказилади. Кўрсатма бўлганда психиатр маслаҳати ўтказилади.

Турғун, салбий белгилари билан кучли ифодаланган шахсиятга доир ғайритабийликда яроқсизлик ҳақида хулоса чиқарилади. Кам ифодаланган ҳолларда касбий сифатларига: меҳнат стажи, иш тажрибаси, бажараётган ишини сифати ва бошқаларга кўра яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Алоҳида вазиятга алоқадор омиллар билан боғлиқ инсомния, диссония, циркад ритмининг ўзгаришларида авиаходим ўз касбий вазифаларини бажаришдан четлатилади ва даволаниш учун психологга юборилади. Даволаш жараёнида гипноз ва авиацияда тақиқланган седатив дориларни ишлатиш мумкин эмас. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алкогол истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган турғун инсомния ёки диссонияда барча шахслар яроқсиз деб топиладилар ва учиш ишига (ўқишига) қайта тикланмайдилар.

2.2. модда қўлланилганда, комиссия оралиқ даврида неврологнинг диспансер кузатуви ҳар 6 ойда ва психолог текшируви йилда 1 марта ўтказилади. Тиббий кўрсатмалар мавжудлигига психиатр маслаҳати ва психокоррекция муолажалари амалга оширилади. Ташҳисни олиб ташлаш муддатини невролог аниқлайди.

Маълум бир соматик касаллик билан боғлиқ бўлган қисқа муддатли руҳий фаолиятнинг бузилишини ўтказган шахслар, асосий касалликдан соғайгандан кейин, доимий равищдаги ёрдамчи даволаш усулларини қўллаш талаб қилмайдиган асаб-руҳий фаолиятининг тўлиқ компенсациясида 2.2. модда билан учиш ишига (ўқишига) яроқли деб топилишлари мумкин.

### **3 - модда.**

Алкогол ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш сабабли юзага келувчи руҳий ва ҳулқ-атвор бузилишларида, сурункали алкоголизмда, мунтазам равища алкогол ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилишда (йил давомида ва ундан кўп) барча шахслар яроқсиз деб топиладилар ва қайта тикланмайдилар. Алкогол ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг ҳаддан зиёд истеъмол қилиш натижасида юзага келувчи жисмоний, психологик ва ҳулқ-атвор бузилишлари ва оқибатларини ҳисобга олиб ташҳис кўйилади. Ўткир (ўткиrosti) алкоголли психозни (алкоголли делирий, параноид, галлюциноз, рашк вассасаси ва бошқалар) ўтказганда, алкоголизмга гумон бўлганда нарколог маслаҳати олиниши лозим. Дори-дармон воситаларига қарамлик ёки уларни тиббий кўрсатмаларсиз сустеъмол қилиш учиш ишига (ўқишига) монелик қиласди. Руҳий холатини ўзгартириш учун нотиббий мақсадда дори воситаларни (седатив дорилар, транквилизаторлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари) қабул қилиш дорига қарамлик ёки

уни систеъмол қилиш деб топилади.

Алкоголли қараммик (алкоголизм) шаклланмаганда, яъни алкоголни заарарли истеъмол қилишда ёки бир марталик алкогол билан ўткир захарланишда авиаходим ишдан четлатилади ва унга чуқурлаштирилган тиббий ва психологияк текширувлар, нарколог маслаҳати, даволаш соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади. 2-4 ойдан сўнг, невролог тиббий кузатуви ва тиббий текширувлар натижалари ижобий бўлганда, нарколог хулосасининг ижобий прогнозида, хизмат тавсифномаси ижобий бўлганда, қайта тиббий кўриқдан ўтказилиб ўз касбига тикланиши мумкин, бунда модда қўлланилмайди. Шунга қарамай, авиаходимни ўз касбидаги ишлар масаласи унга иш берувчи раҳбар томонидан ҳал қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алкоголь қараммик, рационал фикрлашни, идрок қилишни, когнитив ва бошқа психофизиологик фаолиятлар ва реакцияларни заифлаштиради, муҳим аҳамиятга эга бўлган касбий, тиббий, ижтимоий ва ҳуқуқий қийинчиликларга олиб келади, шунинг учун мазкур ҳолатлар авиация билан боғлиқ ўқишга ва ишлашга мутлақо мумкин бўлмаган ҳолатлар хисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилганлигини аниқловчи текширув шахснинг ўз аризаси, сийдик, қон ва бошқа биологик материалларнинг объектив таҳлили ёки бошқа маълумотлар (шахсда мазкур моддаларнинг, клиник белгилар ва симптомларнинг мавжудлиги, учинчи манбадаги хабардор бўлгандарнинг маълумотлари) асосида амалга оширилади. Маълумотлар бир неча манбадан олинини керак. Гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни идентификацияловчи ва шахснинг ҳозирда ёки яқин ўтмишда ёки ўтмишда истеъмол қилганлигини аниқловчи объектив лаборатория таҳлиллари муҳим далил сифатида қабул қилинади.

Шахснинг алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилгани хақида гумон қилинганда ёки маълумот олинганда, шифокор унинг жисмоний ва руҳий ҳолатини, истеъмол қилиш далил ва сабаблари ҳамда бошқа жиҳатларини тавсифлаб акт тузади. Ташхисни аниқлаш учун, шахс тиббий ходим кузатувида, тиббий ҳужжатлар ва ашёвий далиллар (шприц, дори воситаларнинг колдиклари ва хоказо) билан наркологга маслаҳатга юборилиши лозим.

Шахснинг алкоголь ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилганлигини аниқловчи текширувлардан бош тортиши, унга тиббий хулоса берилмаслигига ёки илгари берилган тиббий хулосани бекор қилинишига асос бўлади.

Анамнезида токсимкомания, наркомания ва алкогольизм касалларини аниқланганда, учиш ишидан четлатилган муддатидан қатъий назар қайта учиш ишига (ўқишга) тикланмайдилар.

#### **4 - модда.**

Номзодда эпилепсия ташхиси аниқланганда, у барча класслар бўйича яроқсиз деб топилади ва қайта тикланмайди.

Эпилепсия борлигига гумон қилинган шахс ихтисослаштирилган тиббий муассасага стационар текширувга юборилади. Юборишдан аввал, гувоҳлар имзоси қўйилган тутқаноқ хусусиятлари баён қилинган, тиббий ходим томонидан тасдиқланган далолатнома тузилади. Хушдан кетиш ҳолатининг классификацияси ва дифференциал диагностикаси, текширув тартиби ва турлари, тавсифлаш баённомаси ЎзР АҚ - 69да белгиланган тартибда ўтказилади. Касаллик тарихини ўрганиш, тўлиқ неврологияк текширув, электроэнцефалография (бундан буён матнда ЭЭГ деб юритилади), КТ, магнит-резонанс томография (бундан буён матнда МРТ деб юритилади), психиатр ва эпилептолог хулосалари асосида ташхис қўйилади. ЭЭГдаги эпилептоид фаоллик эпилепсия ташхисини тасдиқлайди, унинг йўклиги ташхисни инкор этмайди. Экспертиза

ўтказиша, ЭЭГдаги эпилептиформ кўрсаткичларнинг ҳеч қачон эпилептик тутқаноқлари бўлмаган шахсларда хам учраш эҳтимоли борлиги асосиз тиббий хулоса чиқарилишига олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим.

Моддага этиологияси аниқланмаган, бир марталик эпилептиформ тутқаноқлар киради. Симптоматик эпилепсияда асосий касалликка кўра тиббий хулоса чиқарилади. Текширув ўтказиша бош мия ўスマлари, томирлардаги бузилишлар, экзоген заҳарланишлар, гижжа инвазияси ва бошқа сабаблар истисно қилиниши лозим.

Биринчи марта ЭЭГсида пароксизмал активлик аниқланган шахслар ихтисослаштирилган тиббий муассасанинг неврология бўлимида текширувдан ўтказилиши лозим. ЭЭГда биринчи марта эпилептоид фаоллик (“чўққи - суст тўлқин”га хос турида) аниқланганда, эпилепсиянинг бошқа белгилари ёки марказий асад тизимининг органик касаллиги бўлмаганда, шахслар ихтисослаштирилган тиббий муассасанинг неврология бўлимида текширувдан ўтказилади. ЭЭГдаги мазкур ўзгаришларнинг турғунлиги (3-6 ой давомида) такрорий стационар текшируvida аниқланганда, яроқсизлик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

ЭЭГда пароксизмал, эпилептоид фаоллик ва аҳамиятга эга кучли ифодаланган ўзгаришлар аниқланганда барча шахсларга яроқсизлик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

Онгнинг пароксизмал бузилишларини ўтказган шахсларнинг тиббий ҳужжатлари ваколатли орган тиббий эксперталарига назорат учун юборилади.

## **5-модда.**

Моддага турли этиологияли бош ва орқа мия патологиялари киради. Мазкур гурухга бош ва орқа миянинг бирламчи (васкулитлар, ривожланишдаги аномалиялар, аневризмлар, атеросклероз ва бошқалар) ва соматоген, вертеброген ва бошқа этиологияли томирларнинг иккиламчи касалликлари киради.

Мазкур касалликлар мавжуд бўлган шахсларда, иш қобилиятини йўқотувчи хавф омилларини (биринчи хуруж (криз), қайталаниш ёки инсультни) аниқлаш лозим. Этиологияси, кечиши, неврологик, руҳий, функционал ва бошқа бузилишларнинг даражаси, юкли синовларни бажариши, психологик текширув ва касбий функционал мажбуриятларини хавфсиз бажаришига таъсир этувчи бошқа ҳолатларни, ёндош кардиологик касалликлар, (гипертензия, юрак ритмининг бузилишлари ва бошқалар), диабет, гиперлипидемия, чекиш ва бошқа касалликни ривожланишида прогнозни ёмонлаштирувчи хавф омилларини ҳисобга олиб, яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

5.1. модда бўйича геморрагик ёки ишемик генезли мия қон айланишининг ўткир бузилишини, транзитор ишемик атака, субарахноидал қон қуйилиши ёки томир кризи ўтказган ва мия қон айланишининг сурункали бузилиши мавжуд бўлган шахслар тиббий кўрикдан ўтказилади.

5.2. модда бўйича енгил ва кам ифодаланган белгилари мавжуд бўлган, марказий нерв системасини неврологик ва руҳий фаолиятлари сакланганлиги клиник ва инструментал текширув усуллари билан тасдиқланган, бош мия ёки орқа мия томирларининг атеросклеротик шикастланиши мавжуд бўлган шахслар тиббий кўрикдан ўтказилади.

Бош мия томирлари касалликлари мавжуд бўлган авиаходимларга тиббий хулосалар қуйидагича чиқарилади:

а) шикоятлар йўқлигига, БМА ДСда артерия интимасини 1 мм қўп қалинлашиши ва УТДГда қон оқиши чизиқли тезлигини чегарага яқин асимметриялари аниқланганда, ҳамда қонда

гиперлипидемия, кўз тубида бошланғич склеротик ўзгаришлар, айрим неврологик микросимптомлар (кўз қорачиқларининг ёргуликка суст реакцияси, кафт-энгак рефлексини сустлиги каби), психологик енгил когнитив ва ЭЭГда кам аҳамиятга эга ўзгаришлар бўлганда, “Бошланғич белгилари билан асаб-руҳий функциялари етарлича сақланган, бош мия томирларининг атеросклерози” ташхиси чиқарилади ва барча шахслар яроқли деб топилади. Уларга атеросклерозни ривожланишига қарши профилактик чора-тадбирлар белгиланади

б) БМА ДСда битта артериянинг яширин кечувчи 50% ва ундан кўп стенози ёки бир ёки бир ва ундан кўп томирларда турғун бўлмаган, эмболген атеросклеротик дўмбоқча (бляшка) аниқланганда, номзодга ихтисослаштирилган қўшимча тиббий текширувлар, тегишли мутахассис маслаҳати ўтказилади. Маълумотлар тасдиқланганда, “Бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиш хавфи юкори бўлган, бош мия томирларининг атеросклерози” ташхиси чиқарилади ва шахслар яроқсиз деб топилади.

в) атеросклеротик ўзгаришлар юқоридаги икки вариант ўртасида бўлганда:

БМАнинг гемодинамик кам аҳамиятга эга стенозларида, турғун атеросклеротик бляшкаларда, меъёрдан ташқари бехатар психологик, биохимик ва ЭЭГ-кўрсаткичлар ўзгаришларда, “Асаб-руҳий фаолиятлари етарлича сақланган, бош мия томирларининг атеросклерози” ташхиси чиқарилади. Тиббий кўрсатмалар бўлганда транскраниал дуплекс сканерлаш ва МРТ-ангиография текширувлари ўтказилади. Мазкур ҳолда, артериал гипертония, чекиш, гиперлипидемия, ортиқча тана вазни ва бошқа хавф омиллари мавжудлигини, неврологик ва руҳий фаолиятларнинг функционал сақланганлигини, ёшини ҳисобга олиб индивидуал равишда тиббий хулоса чиқарилади. Яроқли деб топилганларга неврологнинг диспансер кузатуви 6 ойда 1 марта белгиланади ва заруриятга кўра назорат текширувлари амалга оширилади. Учувчиларга (самолет, вертолет) ўzlари ўзлаштирган ҳаво кемаси туридан бошқа турдаги ҲКни ўзлаштириш учун ўқиши тавсия этилмайди.

г) бош мия қон айланишининг транзитор ишемик атакасини ўтказганда турли генезли беҳушлик ҳолатлари билан дифференциал диагностика ўтказилиши лозим. Мия қон айланишининг ўткир бузилишини ўтказган ёки мия қон айланишининг сурункали етишмовчилиги бўлган учувчилар таркиби яроқсиз деб топиладилар.

Турли генезли васкулитларни ўтказган шахсларга, даволаниш якунлангандан сўнг, касаллик тури, даражаси, ремиссияси, касбига доир бажарадиган иши ва бошқа факторларни ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

МРТда томирга оид генезли глиозлар ёки 2-3 мм.ли майда кисталар аниқланганда, тегишли мутахассисларнинг (кардиолог, эндокринолог, терапевт ёки нейрохирург) маслаҳати ўтказилади, касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришга таъсир қилувчи клиник, органик ва функционал белгилар бўлмаганда учиш ишига (ўқишига) яроқли деб топилади.

## 6- модда.

### 6.1-моддага нерв системасининг органик касалликлари:

рухий, интеллектуал-мнестик ва ҳулқ-атвор бузилишлари (хотира ва диққат-эътиборни бузилиши, агрессия, ҳулқ-атвор бузилишлари ноадекватлиги ва ҳоказо) билан кечувчи, турли генезли органик касалликлар: ўсимталар, сирингомиелия, тарқоқ склероз, Паркинсон касаллиги ва бошқа кучайиб борувчи касалликлар;

миядаги ва унинг қаватларидаги яллиғланиш жараёнлари, марказий асаб тизимининг ўткир ва сурункали юқумли касалликлари ва инвазиялар: менингит, арахноидит, энцефалит миелит, нейросифилис, ликвородинамик бузилишлар, тириштирувчи хуружлар билан инфекция

ёки интоксикация асоратлари бўлган нерв системаси функциясини бузилиши, бош миянинг сил ёки сифилис билан шикастланиши (нейросифилис), цистицеркоз ва бошқалар;

нерв-мушак аппаратининг касалликлари: миастения, миопатия, миотония, миоплегиялар тегишли.

кучли заҳарланишлар: алкоголли энцефалопатия, қўрғошин билан заҳарланиш ва бошқалар киради ва мазкур модда бўйича кўрикдан ўтувчилик яроқсиз деб топилади.

Мия фаолиятини бузилишига олиб келувчи, мия тўқимаси структураси бузилишини қайтмас жараёнлари бўлган нерв системасининг органик касалликларида авиаходимлар мутлақо яроқсиз деб топилади. Авиаходимларда биринчи марта нерв системасининг органик шикастланиши аниқланганда, неврологик бўлимда чукурлаштирилган текширув ва КТ, МРТ текширувлари ўтказилади.

Нерв тизимиининг юқумли касалликлари ва заҳарланишларини ўтказган шахсларга, тўлиқ соғайгандан кейин, нерв-руҳий функцияси тўлиқ тикланганда ёки функциялари бузилмаган органик микросимптом кўринишидаги енгил қолдик белгилари борлигига, мия шикастланишининг белгилари бўлмаганда 6.2. модда бўйича тиббий хулоса чиқарилади.

6.2. модда, касбий муҳим функциялари етарлича сақланган, нерв-мушак аппарати ва нерв тизимиининг суст прогредиент кечувчи бошланғич босқичдаги ирсий-дегенератив касалликлари бўлган шахсларга қўлланилади.

Гриппли энцефалит ўтказгандан кейин 1-2 йилдан сўнг, ўткир энцефаломиелитда 2 йилдан сўнг, ўткир кана энцефалитида 3 йилдан сўнг учиш ишига тикланиш учун кўрикдан ўтказилиши мумкин.

Эпидемик цереброспинал менингитни ўтказгандан кейин 1 йилдан сўнг, учиш ишига яроқлилигини аниқлаш учун кўрикдан ўтказилиши мумкин.

Менингококли ринит, фарингит, унча билинмайдиган менингокок инфекциясини ўтказган шахслар терапевт томонидан тиббий кўрикдан ўтказиладилар.

## **7-модда.**

### **7.1. моддага:**

бош миянинг очиқ ва ёпиқ ичига кирган ва ичига кирмаган жароҳатлари;

бош миянинг очиқ ва ёпиқ жароҳатларида марказий нерв системасининг кучли ифодаланган органик ўзгаришлари, руҳий бузилишлар, гипертензион ёки қалтироқ синдроми бўлган асоратлари;

харакатланиш, сезиш, тос органлари ва бошқа рефлектор бузилишлар бўлган орқа мия шикастланишининг асоратлари;

посттравматик синдром ва уларнинг асоратлари (эпилепсия, руҳий бузилишлар, гиперсомния, харакатланиш, координация ва нутқ фаолиятларининг бузилишлари; оғрикли синдром, аневризмалар, кисталарнинг шаклланиши, турғун ликвородинамик бузилишлар, бош суюгининг  $2\times 3$  смдан ошиқ бўлган дефектлари ва бошқалар киради).

Бош мия жароҳатларини ўтказган шахслар, тўлиқ даволангандан кейин, неврологик бузилишлар бўлмаганда, чукурлаштирилган клиник текширув натижалари асосида тиббий кўрикдан ўтказилиши мумкин.

Жароҳат механизми ва шароитларини баҳолашда, kontaktсиз бош мия жароҳати (мия силжиши, томирлар ёрилиши) ва жароҳат оқибатида атлант-окципитал бирикмаси структурасини шикастланишини ҳисобга олиш лозим.

Жароҳат характери ва оғирлик даражасидан ташқари, жароҳатдан кейинги босқичларда посттравматик эпилепсия ривожланиши эҳтимолини олдиндан тахмин қилган ҳолда бошқа хавф омиллари ҳам ҳисобга олинади.

Анамнез, ЭЭГ динамикаси, йўқотилган функцияларнинг компенсацияланиш даражаси, кўшимча юкли синовларни бажариши ва, психологияк текширувлар натижаларини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Тиббий хулоса, амнезия ва онгни ўзгарувчанлик давром этиш вақти, жароҳатнинг характери, соғлигига бўлган шикоятларнинг мавжудлиги ва характери, майший ва касбига оид кўпгина вазифаларни бажара олиш қобилияти, муҳим касбий психологик фазилатларини ва шахсиятга ҳамда ҳулқ-атворга оид функцияларни сақланганлиги, соғлигининг жароҳатдан олдинги ҳолати, жароҳатдан кейинги асоратлари (посткоммоцион синдроми, фокал неврологик бузилиши, когнитив функция бузилишидан кейинги асоратлар, посттравматик эпилепсия ва ҳоказолар), узоқ давом этувчи парвоздарда ва иш фаолиятининг мураккаб жараёнларида соғлигини ёмонлашуви сабабли тўсатдан иш қобилиятини йўқотиш эҳтимолини, парвоздар хавфсизлигига салбий таъсир килувчи дори-дармон воситаларини қабул килиш билан боғлиқ масалалар ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда чиқарилади. Асаб-рухий функцияси тўлиқ тикланганда ёки етарлича сақланганда шахсларга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Асаб-рухий функциясининг турғун компенсация ҳолатида (посттравматик ҳолатларда: енгил вегетатив дисфункцияда, енгил неврологик симптоматикада ва бошқалар) шахслар яроқлилиги чегараланади, уларга ўзлари ўзлаштирган авиация техникасидан бошқасини ўзлаштириш учун қайта ўқиш тавсия этилмайди. Касбига тиклангандан кейин ҳар 6 ойда 5 йилгача бўлган даврда неврологнинг диспансер кузатуви ўтказилади.

Бош гумбазининг ичга ботган синишида, бош миянинг лат ейиши, паренхиматоз гематома, бир кундан кўп давом этган посттравматик амнезия, бош суягининг ичга ботган синиши, бош мия паренхимасида қоннинг мавжудлигига, субдурал гематомаларда посттравматик эпилепсияни пайдо бўлиш хавфи экспертиза ўтказишда ҳисобга олиниши лозим. Оддий асоратсиз, паренхимага қон қуйилмаган эпидурал гематомада 1-2 йилдан кейин, интрапаренхиматоз гематомада 2 йилдан сўнг тиббий кўрик ўтказилиши мумкин.

Бош гумбазининг чизиқли синишида, бош суяги тубини синишида (ликвореясиз) ёки субарахноидал қон қуйилиши билан бош миянинг ўрта ва оғир даражадаги лат ейишида 1-2 йилдан кейин, тиббий кузатув ва текширувлар натижалари ижобий бўлганда ва ижобий прогнозда, OML чеклови 3 йилгача муддатга қўлланиб тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Паренхимада қон бўлмаган оддий асоратларсиз эпидурал гематомада 1-2 йилдан кейин, субдурал гематома билан бош миянинг лат ейишида 2 йилдан кейин, бош мия чайқалишида 1,5-3 ойдан кейин, бош миянинг енгил даражада лат ейишида 3-6 ойдан кейин, қўшалоқ бош мия шикастланишларидан кейин 6-24 ойдан кейин, посткоммоцион синдромида камида 3 ойдан кейин, неврологик ва когнитив функциялар сақланганлигига, юкли синамаларга чидамлилиги ижобий бўлганда, психолог, психиатр ва офтальмолог кўриги, бош мия МРТ, ЭЭГ ва заруриятга қараб кўшимча текширувлар ўтказилади ва якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хулоса 7.2. модда бўйича чиқарилади.

Ташхисни расмийлаштиришда, бош мия жароҳатларининг клиник кўриниши, санаси, текширув пайтидаги даври, посттравматик синдромнинг клиник тавсифномаси, нерв-рухий

функциясининг ҳолати ҳақида маълумотлар кўрсатилади

### **8-модда.**

Моддага вегетатив асаб тизимини (ВАТ) турли хил структура қисмларининг бирламчи шикастланиши натижасидаги ёки неврологик, соматик, эндокрин, руҳий, аллергик касалликлар ва заҳарланишларнинг иккиласи синдромлари натижасидаги ВАТ касалликларининг клиник кўринишлари киради. Касаллик сабабларини аниқлаш учун алоҳида дикқат билан анамнез йигилади, ҳар томонлама клиник текширув ўтказилиб, заруриятта кўра бошқа мутахассислар маслаҳати олинади.

ВАТ сурункали касалликларини пароксизмал қўринишларига, тез-тез қайталанувчи зўрайишлар ва кризли реакциялар (вазовагал, симпатик, вагоинсуляр, симпатаадренал, аралаш характердаги, адренал, диэнцефал турлари) билан кечувчи вегетатив-томир бузилишлари мавжуд бўлган шахслар 8.1. модда бўйича тиббий кўрикдан ўтказилади.

Мазкур гурухга қуйидаги касалликлар киради: мигренъ, солярит, Менъер ва умуртқа артерияси синдромлари, диэнцефал синдроми, ангионеврозлар (ангигрофоневрозлар, Рейно касаллиги ва хоказо), қайталанувчи ангионевротик шиш (Квинке шиши) ва ортостатик эссенциал гипотония.

Аниқ маълумот олиш учун, заруриятта кўра умуртқа КТ ва орқа мия ва унинг илдизлари ҳолатини баҳолаш учун умуртқанинг МРТ ўтказилади. Ротацион синамаларни ўтказишида пайдо бўлувчи ёки кучайувчи вертеро-базиляр бассейндаги (ВББ)даги қон оқимини пасайишини аниқлаш учун, бош мия томирларининг дуплекс сканерлаш ва ультратовуш доплерографияси (бундан буён матнда УТДГ деб юритилади) ўтказилади. Церебрал тўқималардаги морфологик ўзгаришлар характерини аниқлаш учун бош мия МРТ ўтказилади. Визиометрия, периметрия, офтальмоскопия, аудиометрия, калорик синама ва бошқа текширувлар тиббий кўрсатмалар мавжудлигига ўтказилади.

Периферик нейроваскуляр синдромларда ва ганглионитларда тиббий хулоса 9- модда бўйича чиқарилади.

Конституционал-ирсий генезли дисфункцияси бўлган, ҳамда гормонал ўзгариш фонида ёки соматик касаллик ўтказгандан кейин, текширув пайтида ремиссия босқичини турғунлигига (асосий касалликдан соғайгач 2-3 ойдан кейин), шахсларга вегетатив-томирлардаги бузилишларнинг оғирлик даражасига, клиник текширув ва юкли синамаларга (ортосинама, вестибуляр синама ва бошқалар) чидамлилигига кўра 8.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Вегетатив томир бузилишларининг клиник тавсифида функционал кардиоваскуляр кўринишлар устун бўлган ҳолларда тиббий хулоса терапевт томонидан чиқарилади.

### **9-модда.**

Моддага периферик асаб тизимининг турли этиологияли ўткир ва сурункали касалликлари: орқа мия илдизчалари, чигаллари, нерв стволлари ва ганглийларининг травматик шикастланишлари; умуртқа поғоналари, орқа мия илдизчалари, чигаллари ва нерв стволларидағи операциялар асоратлари; периферик нейроваскуляр синдромлар; умуртқа, орқа мия илдизчалари, чигаллари ва асаб стволларидағи операциялар асоратлари; умуртқа поғонаси илдизчаларининг компрессиялари киради.

Умуртқааро диск чурраси олиб ташланганда, асоратлар бўлмаганда, динамикаси ижобийлигига, реабилитация давридан кейин 3-6 ой ўтганда, шахсларга тиббий кўрик ўтказилади.

Сурункали радикулитда, тўсатдан ва олдиндан билиб бўлмайдиган ўткир оғриқлар хуружини, касалликни қайталаниш хавфи ва функционал тикланиш даражалари, узоқ муддатли анальгетиклар ва мушаклар релаксантларини қабул қилиш оқибатлари сабабли иш қобилиятини йўқолишини ҳисобга олган ҳолда тиббий хулоса чиқарилади.

Асаб илдизчалари функцияларини бузилиш белгилари бўлмаган умуртқа поғоналаридаги ҳаракатчанликни бузилишида, умуртқа поғоналари касалликлари бўйича хирург томонидан тиббий хулоса чиқарилади.

#### **10-модда.**

Синкопал (бехушлик) ҳолатларни ўтказган шахслар учиш ишидан (ўқишдан) четлатиладилар. Уларга терапевт ва неврологларнинг тиббий кўриги ўтказилгандан кейин, ихтисослаштирилган тиббий муассасанинг неврология бўлимида тегишли текширувлар ўтказилади. Синкопал ҳолат ҳақидаги актни мазкур шахсни ёнида бўлган биринчи шифокор расмийлаштиради ва экспертиза учун тақдим этади. Актда бехушликни клиник кўриниши, белгилари ва вазиятлари тўлиқ ва батафсил тавсифланади, гувоҳларнинг, шахснинг ва шифокорнинг имзолари кўйилади.

Актни расмийлаштириш, синкопал ҳолатларини классификациялаш, дифференциал диагностика, лозим бўлган текширувлар ҳажми ва яроқлиликни аниқлаш ЎзР АҚ-69 бўйича ўтказилади. Асаб тизими ёки ички органларнинг органик касалликларини истисно қилиш, онг пароксизмал бузилишларини дифференциал диагностикасини ўтказиш, бехушлик сабаби ва ҳарактерини аниқлаш, организмнинг функционал резервларини баҳолаш ва онг бузилишини такрорланиш эҳтимолини аниқлаб тиббий хулоса чиқарилади.

Синкопал ҳолатни юзага келтирувчи сабаблар аниқлаганида, асосий касаллик бўйича, бехушликни такрорланиш эҳтимолини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Соғлом шахсдаги ҳаяжонга, оғриққа ёки қучли гипоксияга таъсирчанлик туфайли бир марталик бехушлиқда, ҳолатни келтириб чиқарувчи яширин мухим механизмлар истисно қилингандан ва унинг келиб чиқиши безарар деб топилса модда қўлланилмайди.

Соғлом шахсдаги маълум бир вақтда ситуациян, яхши сифатли деб аниқланган бехушликни 2 марта такрорланишида, 3 ойдан 12 ойгача бўлган муддатга авиаходим даволаниш ёки дам олиш учун ишдан четлатилади, невролог диспансер кузатувида бўлади. Ишга маълум муддат давомида чегаралangan ҳолда, фақат кўпаъзоли экипаж таркибида ёки фаолияти парвозлар хавфсизлигига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда рухсат берилади.

Бехушликни кўп қайталанишида шахслар учиш ишига яроқсиз деб топилади. 2 йилдан кейин, вегетатив томир ўзгарувчанлиги, артериал гипотония, юкламали синамаларга чидамсизлик бўлмаганда яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Этиологияси аниқланмаган бехушлиқда учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

#### **2. Ички касалликлар.**

#### **11-модда.**

Моддага юқумли ва паразитар касалликлар: дизентерия, тиф, паратиф, малярия, бруцеллёз, геморрагик безгак, вирусли гепатит, гельминтозлар ва бошқалар тегишли. Касалликларнинг ўткир даврида, парвозлар хавфсизлигига салбий таъсири мавжудлигига 11.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Авиаходимлар инфекцион ва паразитар касалликлардан даволаниб, соғайғанларидан сўнг, уларга инфекционист маслаҳатининг ижобий прогнози ва чуқурлаштирилган текширувларнинг ижобий натижаларига кўра 11.2 модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Вирусли гепатит ва геморрагик безгак ўтказган учувчиларга касалликнинг оғирлик даражаси ва даволаниш натижаларига қараб 3-6 ойгача, авиация-кимёвий ишларига 12 ойгача 11.1. модда бўйича учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Вирусли гепатит ва геморрагик безгак ўтказган шахсларга касаллик ва рақаси ёпилганидан кейин 11.2. модда бўйича ўқишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

## **12-модда.**

Моддага қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари: турли хил анемиялар, эритроцитоз, лейкемия, лимфома, тромбоцитопатиялар ва бошқалар киради.

Клиник прогнози салбий бўлган, қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари аниқланган шахсларга 12.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Мазкур касалликлар мавжудлигида, (гемоглобин концентрацияси 105 г/л паст), ихтисослаштирилган тиббий муассасада чуқурлаштирилган текширув натижалари, даволаш якунлари ижобий бўлганда, гематолог хулосаси ва прогнози асосида, касалликнинг аниқланган сабабини ҳисобга олиб, лаборатор-клиник текширувлар кўрсаткичларини меъёрдалигини, касаллик ремиссияси, турини (постгеморрагик, темир танқислиги каби анемиялар ва бошқалар) ҳисобга олиб 12.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Мазкур касалликларда, ерда ва баландликда, тинч ҳолатда ҳамда жисмоний ва руҳий зўрикиш даврларида метаболик эҳтиёжларни қондириш учун, қоннинг етарли даражада кислород етказиб беришдек мухим хусусияти ҳисобга олинниб 12.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Соғлом учувчиларда қондаги гемоглобин концентрацияси меъёри эркакларда 130 г/л (СИ бирлигига) ва аёлларда 120 г/л. Кўрсаткичларнинг пастлигига қўшимча текширув ўтказиш ва заруриятга қараб даволаниш учун учишдан четлатилади. Гемоглобинопатияларда, касалликнинг хуружсиз кечишида, номзод тўлиқ ҳажмдаги функционал қобилияtlарга эга бўлса яроқли деб топилиши мумкин.

Вақтинчалик хусусиятга эга тромбоцитопатияларда (темир танқислиги сабабли анемия ёки дори воситаларини қабул қилиш сабабли суяқ илиги фаолиятини пасайишида) тромбоцитлар ва бошқа кўрсаткичлар нормал даражага етгандан сўнг, яроқлилик тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.  $75 \times 10^9/\text{л}$  кам тромбоцитопатияда номзодга яроқсизлиги тўғрисида хулоса чиқарилади. Сplenэктомия ўтказилган идиопатик тромбоцитопеник пурпурада, 6 ой давомида тромбоцитлар таркиби меъёрда бўлса, яроқлилик масаласи қўриб чиқилиши мумкин. Авиаходим яроқли деб топилганда, ундаги тромбоцитлар таркиби ҳар 6 ойда назорат қилинади.

Учиш ишида антикоагулянт (кумарин, варфарин ва шунга ўхшаш) ва антитромбоцитар (хлопидогрел ва шунга ўхшаш) дори воситаларини қабул қилиш дисквалификация омили ҳисобланади, кичик дозада аспирин қабул қилиш бундан мустасно.

Компенсацияланган, органлар фаолияти сақланган гемоглобинопатияларда ва геморрагик диатезда, рецидивлар бўлмаса, учиш ишига яроқли деб белгиланади.

Ўроқсимонхұжайра касаллиги аниқланганда номзодлар учиш ишига яроқсиз деб белгиланади, ўроқсимонхұжайра белгиларини ташувчиликда учиш ишига яроқлы деб топилиши мүмкін.

Чин (ҳақиқий) полицitemияда асоратлар бўлиши мумкинлиги сабабли номзодлар яроқсиз деб топиладилар.

Иккиласы полицitemияда эритроцитлар миқдорининг ошиш сабаби (нафас олиш органлари касаллуклари, баландликда гипоксия шароитида бўлиш ва бошқалар) аниқланғандан кейин тиббий хулоса чиқарилади. Юкоридаги ҳолатларда OML/TML чекловлари кўлланилади.

### **13-модда.**

Аллергологик анамнез, физикал ва клиник-лаборатор маълумотлар, аллергологик синамалар аниқланиб, аллерголог хулососи асосида аллергик касаллигини ташхиси аниқланади. Касалликни аниқлашда, аллергияга ўхшаш симптомларни юзага келтирувчи касаллуклар, турли текширув услубларини кўллаш орқали истисно қилинади. Аллергиянинг оғир кўринишларида, йилда 2 мартадан кўп касалликни рецидивида, аллерген аниқланмаган ҳолларда 13.1. модда бўйича яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Турғун терапевтик эффектга эга бўлган аллергияларда, аллерген аниқланган ва бартараф этилганда, 3 ой давомида аллергия белгилари тақорламаса ва иш жойида аллерген билан контакт бўлмагандан, номзодларга 13.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқлилиги тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

### **14-модда.**

Моддага семизлик ва ортиқча тана вазни тегишли. Семизлик даражаси Кетле индексига мувофиқ аниқланади. Тана вазни индекси (бундан буён матнда ТВИ деб юритилади) тана вазни (кг)/ бўй ўлчами ( $m^2$ ) формуласи бўйича хисобланади:

ТВИ баҳолаш жадвали

Тана вазни даражалари	ТВИ	Ёндош касаллуклар хавфи
Тана вазни дефицити	<18,5	Паст (бошқа касаллуклар хавфи юқори)
Нормал тана вазни	18,5-24,9	Одатдагича
Ортиқча тана вазни	25,0-29,9	Ўргача юқориликда
Семизликнинг I даражаси	30,0-34,9	Юқори
Семизликнинг II даражаси	35,0-39,9	Жуда юқори
Семизликнинг III даражаси	≥40	Хаддан зиёд юқори

Ортиқча тана вазни бўлган шахсларга семизлик характерини аниқлаш учун клиник текширувлар ўтказилади. Симптоматик (иккиласы) эндокрин, церебрал генезли семизлика тиббий хулоса асосий касаллик бўйича чиқарилади.

Мушак ва ёғ тўқималарининг нисбати ва организмдаги ёғ ҳажми фоизи аниқланиб тана вазни хисобланади.

ФА ўкув юртларида учувчиликка ўқишига номзодларга ТВИ 30,0дан юқорилигига 14.1 модда бўйича ўқишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

ТВИ 35,0дан юқори бўлганда, эндокринолог ва заруриятта қараб тегишли мутахассислар маслаҳати, кардиоваскуляр хавф омиллари мавжудлигини (артериал гипертензия, қандли диабет, глюкозага толерантликни бузилиши, ёши, дислипидемия, заарарли одатлар мавжудлиги ва бошқалар), метаболик синдромни ривожланиш хавфини, психологик ва кардиоваскуляр резерв

текширувлари ва бошқа текширув натижаларини ҳисобга олиб, якка тартибда тиббий хulosса чиқарилади.

### **15-модда.**

Моддага эндокрин тизимининг касаллклари: қандли диабет, қалқонсимон олди безлари, буйракусти безлари ва жинсий безлар касаллклари ва бошқалар киради.

Қандли диабетнинг I тури ва инсулин ёки бошқа гипогликемик дорилар билан доимий даволанишни талаб қилувчи турларида, тиреотоксикознинг барча шаклида 15.1. модда бўйича яроқсизлик тўғрисида тиббий хulosса чиқарилади.

Қандли диабетнинг II турида, углевод алмашувининг тўлиқ компенсациясида, ЭКГнинг юкли синамаларига чидамлилиқда, МСКТ ёки бошқа инвазив бўлмаган услублар билан коронар артерияларини текширув натижалари ва диабетолог (эндокринолог) хulosалари ижобийлигига, диабетнинг хавф омиллари: ёшнинг 60 дан юқориси, буйрак фаолиятининг бузилиши, нотўғри овқатланиш, кўп компонентли дорилар терапиясини ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда 15.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик тўғрисида тиббий хulosса чиқарилади.

Қандли диабетнинг II турида, агар монотерапия сифатида альфа-глюкозидазанинг ингибитори – глюкобай ёки тиазолидиндион ёки метформинни қабул қилиш лозим бўлиб ва парҳезга риоя қилинса, учувчилар юк ташиш билан боғлик учиш ишига 15.2. модда бўйича яроқлилик тўғрисида тиббий хulosса чиқарилиши мумкин.

Инсулин ва бошқа гипогликемик дориларни қабул қилишга муҳтожлиги бўлмаган қандли диабетнинг II турида, кардио-респиратор тизими ва бошқа органлар фаолияти сақланганлигига, парҳезга риоя қилинса, учувчилар пассажирлар ташиш билан боғлик учиш ишига 15.2. модда бўйича яроқлилик тўғрисида тиббий хulosса чиқарилиши мумкин. Бу ҳолда авиаходимларга ЭКГ ва терапевт ҳамда диабетолог (эндокринолог) назорат кўрувлари ҳар 6 ойда белгиланади, навбатдаги тиббий кўрикда эса юкламали ЭКГ синамалари ёки инвазив бўлмаган услублар билан коронар артериялар текшируви ўтказилади.

Авиацияда сульфонилмочевина ҳосилалари, бигуанилар (метформиндан ташқари) ва турли гипогликемик препаратларни бирга қўшиб қабул қилиш мумкин эмас.

Тиреотоксикозда касаллкнинг сабаби, шакли, клиник кўринишлари, оғирлик даражаси, даволаш тури, касаллик оқибатлари ва биохимик кўрсаткичлар натижаларига кўра авиаходимнинг учиш ишига қайта тикланиш муддати белгиланади. Диффуз-токсик буқоқда консерватив терапиянинг 2 йилгача давомийлигини ҳисобга олиб, дорилар қабул қилиш бекор қилинган шароитда 3 ойдан кам бўлмаган муддатда турғун эутиреоид ҳолати мавжудлигига учиш ишига қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилади.

Оғирлиги енгил ва ўрта даражадаги токсик буқоқнинг жарроҳлик ёки радиоактив йод билан даволашдан сўнг 6 ой ўтгач; оғир даражали токсик буқоқда қалқонсимон без фаолияти турғун меъёрда бўлиб, бошқа органлар ва тизимларда унинг асоратлари мавжуд бўлмаганда, 12 ойдан кейин эндокринологнинг ижобий прогнози ва хulosаси асосида учиш ишига (ўқишига) қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилади.

Тиреотоксик аденоидаги жарроҳлик операцияларидан кейин 6 ой ўтгач, учиш ишига қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Гипотиреоз ва аутоиммун тиреоидит ўтказганда, қалқонсимон без фаолияти меъёрдалигига, касаллик сабаби аниқланган бўлса, текширув натижалари ва эндокринологнинг ижобий хulosаси асосида, якка тартибда 3 ойдан кейин учиш ишига қайта тикланиш масаласи

күриб чиқилиши мумкин. Номзодга яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилганда, эндокринолог диспансер кузатуви белгиланади ва доимий антитиреоид препаратларни қабул қилиши назоратга олинади.

Тиреоидит касаллигини зўрайишидан кейин, даволаш натижаларига кўра, учиш ишига (ўқишга) рухсат берилади.

Эутиреоид ҳолати сақланган эндемик буқоқда ва шу билан бирга йод препараторлари ёки тиреоид гормонлар билан ўтказилаётган профилактик терапияда, калконсимон безнинг I ва II дараражали диффуз эутиреоид катталashiшида ва углеводларга толерантликни бузилишида, авиаходимлар учиш ишига (ўқишга) яроқли деб ҳисобланади ва модда қўлланилмайди.

Тиреотоксикоз ёки гипотиреознинг субклиник шаклида, T3, T4 – меъёрда бўлиб, ТТГ тегишича пасайган ёки кўпайганда, авиаходимларга эндокринологнинг диспансер кузатуви белгиланади ва 3 ойда 1 марта ТТГ ва тиреоид гормонларнинг назорат текшируви ўтказилади.

Эндокрин тизими касалликлари мавжуд бўлган номзодларга, 15.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади ва заруриятга кўра терапевт тавсияси асосида ҳар 6 ойда эндокринолог диспансер кузатуви белгиланади.

## **16-модда.**

Сил касаллигининг актив шаклида номзодларга 16.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Ўпка сили билан касалланиб, тегишли даволаш курсини тўлиқ якунлагандан кейин 3 ойдан сўнг, клиник симптомлар ва ўпканинг шикастланган бўлагида актив жараён мавжуд бўлмаса, нафас олиш тизими функцияси сақланганлигида, рентген текширувининг ижобий натижаларида, учиш ишига (ўқишга) қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилади. Агар кўриқдан ўтувчига 16.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилса, 2 йил давомида терапевт диспансер кузатуви, заруриятга кўра фтизиатр маслаҳати белгиланади ва ҳар 3 ойда ўпка қафасининг рентген ёки бошқа услубдаги назорат текшируви ўтказилади.

Актив бўлмаган ёки даволанган сил касаллиги ёки касалликни ўтказгандан кейинги қолдиқ белгилари бўлган (чекланган фиброз, кальцификация ўчоқлари, бўлаклараро ва плеврал битишмалари), кўкс оралиги органлари силжимаган ва ташқи нафас органлари фаолияти бузилмаган номзодларга 16.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Сил касаллигини ўтказган номзодлар, диспансер кузатув гурӯҳи кўрсатилган, тўлиқ тузалгани тўғрисидаги фтизиатр хulosасини комиссияга тақдим этишлари лозим. Ташқи нафас фаолиятини баҳолаш учун, уларга кардио-респиратор тизими функционал захиралари ва рестриктив ёки обструктив бузилишлар мавжудлигини аниқловчи текширувлар ўтказилади. Нафас ва юрак қон-томир тизимлари фаолияти касбий фаолиятини бажариш учун етарлича сақланганлигида, сил касаллигини даволашда қўлланилган химиопрофилактик дориларнинг салбий оқибатлари мавжуд бўлмаганда 16.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Сил касаллигини ўпкадан ташқари шаклларида, фтизиатр хulosаси ва ижобий прогнози, органларнинг функционал сақланганлиги асосида, 16.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Авиаходимларга 2 йил давомида терапевт диспансер кузатуви белгиланади.

## **17-модда.**

Меҳнат қобилиятини йўқолишига олиб келиши мумкин бўлган, ўпканинг сурункали обструктив касалликларида (ЎСОК), бронхиал астма, бронхоэкстак касаллиги, саркоидоз, диффуз пневмосклероз, ўпка эмфиземаси, турли этиологияли зотилжам, сурункали бронхит ва бошқа ўпка касалликларини тез-тез зўрайишида, касалликларнинг актив даврида, аниқ ифодаланган симптомлар бўлган нафас олиш органлари фаолиятини бузилишларида номзодларга 17.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Нафас олиш системаси функциясини тўлиқ сақланганлигига, кардио-респиратор функциясини етарли даражада сақланганлигига, рестриктив ва обструктив бузилишлар бўлмагандан (ёки бузилиш даражалари ҳисобга олиниб), лаборатор текширувлар натижалари ижобийлигига, кўкрак қафаси рентгенограммаси меъёрда бўлганда, симптомлари мавжуд бўлмаган ёки кам ифодаланган симптомлари бўлган, чекмайдиган, ЎСОКнинг бошланғич даврида, сурункали бронхитнинг ремиссия даврида, чегараланган пневмосклерозда, кўкрак қафасидаги жарроҳлик операцияларидан кейин, номзодларнинг узоқ давомли ва мураккаб парвозлар давомида касбий мажбуриятларини бажариш қобилиятини ҳисобга олиб 17.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқлилик ҳақида ёки яроқлилига чекловлар қўлланиб тиббий хулоса чиқарилади.

Кўкрак қафасидаги жарроҳлик операцияларидан кейин 4-6 ойдан сўнг, спонтанли пневмотораксдан кейин 3 ойдан сўнг, ҳар томонлама пухта ўтказилган чуқурлаштирилган текширувлар асосида якка тартибда учиш ишига яроқлилик масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Сурункали бронхитнинг зўрайиш даврида авиаходимлар касбий вазифаларини бажаришдан четлатилади, актив яллиғланиш жараёни бартараф этилиб, тўлиқ даволангандан ва соғайгандан сўнг, ташқи нафас олиш аъзолари функцияси текширувлари натижалари меъёрда бўлганда учиш ишига руҳсат берилади.

Йирингли, обструктив бронхитда ва такрорий пневмотораксда 1 класс тиббий хуносаси берилмайди ва қайта учиш ишига тикланмайди.

## **18-модда.**

Моддага юрак қон-томир системасининг касалликлари киради. Юрак ритми ва ўтказувчанлигини аниқ ифодаланган асоратли бузилишларида, синус тугунининг кучсизлик (заифлик) синдромида, юрак қисқаришларининг такрорий тушиб қолиши билан бирга кечувчи ўтказувчанликни бузилишларида (иккита қисқаришга ва ундан кўп), мерцал аритмия хуружларида, юрак бўлмачаларининг хилпиллашларида, суправентрикуляр тахикардияда (дақиқада тезлиги 120 зарба ва ундан кўп, тўртта ва ундан кўп комплекслар), коринчалар экстрасистолиясининг би-, тригеминия даврларини такрорийлигига, жуфтлашган қоринчалар экстрасистолаларнинг такрорий эпизодларида, коринчалар тахикардиясининг эпизодларида (дақиқада тезлиги 120 зарба ва ундан кўп, учтадан ва ундан кўп комплекслар билан), спонтан суправентрикуляр тахикардия мавжуд бўлган Вольф-Паркинсон-Уайт синдромида, миокард инфарктида, стенокардияда, юрак касалликларининг суст кечувчи ўткир даврида ва касаллик оқибатлари билан боғлик бўлган аниқ ифодаланган ритм ва ўтказувчанликни бузилиши, юрак етишмовчилиги ва оғриқ синдроми мавжудлигига, мўтадил ва аниқ ифодаланган комбинацияланган юрак нуқсонларида, митрал клапаннинг 6 мм дан кўп бўлган пролапсида, дилляцион, гипертрофик ва рестриктив кардиомиопатияларда, номзодларга 18.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

18 моддага туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари, митрал клапаннинг пролапси, юрак мушагида кечётган яллиғланиш жараёнлари, миокардиострофиялар, миокардитик кардиосклерози, кардиомиопатиялар ва бошқа юрак касалликлари ҳам киради. Юрак

касалликларнинг клиник аломатлари мавжудлигига, касалликни анамнези ўрганилиб, ҳар томонлама ўтказилган клиник ва кардиологик текширувларнинг ижобий натижалари, касалликнинг ривожланиш жараёни ва прогнозини, ёндош касалликлар, номзоднинг ёши, хавфли омиллар ва бошқаларни ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Ревматизмнинг актив фазасини ўтказгандан кейин, актив ревматик жараён ва юракда нуқсонлар бўлмаганда, бир йилдан сўнг 18.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Миокардит ўтказгандан кейин тўлиқ соғайганда ёки миокардитик кардиосклероз ривожланишида 3-6 ойдан сўнг, инфекция ўчоғи бартараф қилинганда, юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилишининг кам ифодаланган ўзгаришларида, лаборатория текширувлари ва ЭКГда яллиғланиш белгилари аниқланмаганда авиаходимга 18.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Миокардиодистрофияларда асосий касаллик аниқланиб, юрак функцияси сақланганлигига, симптомлар кам ифодаланган ҳолда, касалликни оғирлаштирувчи зарарли омиллар бўлмаганда, авиаходимга 18.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва 3 йил давомида терапевт диспансер кузатуви белгиланади. 3 йил давомида ЭКГ хулосасини меъёрдалигига ва юкли синамалар натижасини ижобийлигига ташхис олиб ташланади.

Митрал клапанинг 3 мм.дан 6 мм.гача пролапсида, аҳамиятга эга бўлмаган, изоляцияланган ва турғун компенсацияланган юрак нуқсонларида, оқим йўлларида обструкция аломатлари бўлмаган коринчаларо тўсиқнинг асимметрик гипертрофиясида, гипертрофик кардиомиопатиянинг апикал шаклида юрак фаолиятининг яхши сақланганлигига ва 18.1. моддага тегишли тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлмагандан 18.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Юрак яллиғланиши билан боғлиқ касалликларни ўтказган авиаходимлар, даволанганидан кейин 3 ойдан сўнг, такrorан тиббий кўриқдан ўтишлари мумкин.

Кучли ифодаланган ритмнинг суправентрикуляр бузилишларида электрофизиологик текширув ўтказилади ва сунъий равишда юқоридаги кўрсатилган ритм бузилишлари юзага келгандан, унинг натижалари салбий деб ҳисобланади.

Ритм ифодаланишини баҳолаш учун сутка давомида ЭКГ-мониторинги (кузатуви) ўтказилади.

Юракдаги ритм бузилишлари муваффакиятли даволангандан номзодлар қайта кўриқдан ўтказилади.

18.1. моддага кирмаган юрак ритми ва ўтказувчанлигини бузилишларида, ЭКГда коринча комплексини якуний қисмидаги (ST и T) бекарор ўзгаришларнинг бета-блокаторлар ёрдамида меъёрга келишида, соғлик ҳолатига шикоятлари бўлмаганда, авиаходимларга 18.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

B.Lown и M.Wolf бўйича M.Ryan модификациясида симптомларсиз қоринчалар экстрасистолиясининг 1 градациясида (ЭКГ маълумотлари бўйича 1 минутда 5 экстрасистолиядан камлигига ва ЭКГнинг суткалик мониторингида 1 соатда 30 дан камлигига) кардиологик текширувлар ўтказилмайди ва яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилмайди.

B.Lown и M.Wolf бўйича M.Ryan модификациясида симптомларсиз қоринчалар экстрасистолиясининг 2, 3 ва 4а градацияларида номзодларга кардиологик текширувлар

үтказилади.

B.Low и M.Wolf бўйича M.Ryan модификациясида симптомларсиз қоринчалар экстрасистолиясининг 4б ва 5 градацияларида қоринчалар тахикардияси мавжудлигидан кардиологик текширувлар натижасида ташхис аниқланганда, номзодларга учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Кардиологик текширувлар натижасида, симптоматик бўлмаган синусли брадикардия ва  $<3,0$  сек. симптомларсиз синусли паузаларда кучли ифодаланган юрак структураси касалликлари ва клиник кўринишлар мавжуд бўлмаганда, OML ёки OCL чекловлари қўлланиб 18.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Юрак қон-томир системасининг функционал бузилишларида уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва касбий фаолиятига доир зарарли омилларнинг соғлигига таъсири аниқланиб, нейроциркулятор дистонияга хос бўлган симптомлар билан кечувчи юракнинг бошқа органик касалликларини, яллигланиш жараёни ва бошқа экстракардиал патологиялар мавжудлигини истисно қилиб тиббий хулоса чиқарилади. Сутка давомидаги ритм бузилишлари вегетатив дисфункцияни асосий маркери эканлагини ҳисобга олиб, ЭКГнинг сутка давомида текшируви (холтер мониторлаш) ўтказилади. Заруриятга қараб, ЭКГ-синовлари, ВЭП, миокард сцинтиграфияси юкли синовлари ва коронарография текширувлари ўтказилади.

Митрал клапан етишмовчилигининг турғун компенсациясида, миокардитик кардиосклероз, турғун компенсациясиланган, чегараланган ва кам ифодаланган юрак нуксонларида, гипертрофик кардиомиопатиянинг апикаль шаклида 18.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Тож томир ва (ёки) умумий қон айланишининг етишмовчилиги билан кечувчи юрак, аорта, тож артериялари, перикард мушакларининг органик касалликларда, даволанмайдиган, юрак ритмининг ва ўтказувчанигининг турғун бузилишларда 18.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Авиаходимда Гисс тутами чап оёқчасининг блокадаси биринчи марта аниқланганда, унга кейинги келтирилган талаблар асосида якка тартибда яроқлилига чекловлар қўллаб тиббий хулоса берилиши мумкин: чап қоринча функцияси меъёрда бўлиши, масалан ЭхоКГда отилиб чиқиш фракцияси  $>50\%$ , юкламали ЭКГда Брюс протоколини IV босқичини бажаришда миокард ишемияси, кучли ифодаланган ритм бузилишлари ва симптомлар бўлмаслиги, холтер мониторлашда ритм бузилишлари мавжуд бўлмаслиги ёки кам ифодаланган бўлиши лозим. Заруриятга қараб коронар ангиографияси ўтказилади ва унинг натижасида йирик томирларда  $< 50\%$ , проксимал томирларда  $< 30\%$  стеноз аниқланишида яроқлилик ҳақида тиббий хулоса берилади. Бу холда авиаходимларга йилда 1 марта кардиолог маслаҳати ўтказилади.

Юкламали ЭКГ тестда ST сегменти 2 ммга горизонтал пасайганда, тож артериялар касаллиги аниқланмаслиги мумкин, шунинг учун асосий дикқатни юришни давомийлигига, симптомларга (агар мавжуд бўлса) ва ўзгаришларнинг характеристига қаратилади.

Учувчиларда битта тож артерияга стент ўрнатилганда, операциядан кейин 6-12 ой ўтгандан сўнг, операциядан кейинги давр асоратлари бўлмаганда ёки кам ифодаланган бўлганда, зарарли омиллар (чекиш, ортиқча тана вазни, АГ хуружли кечиши ва ҳоказо) мавжуд бўлмаса, юкламали ЭКГ ёки сцинтиграфияда ишемик касалликнинг орқага қайтиш белгилари ва қандли диабет касаллиги бўлмаганда, 18.2. модда бўйича якка тартибда яроқлилига чекловлар қўлланиб тиббий хулоса берилиши мумкин. Мазкур холда авиаходимга терапевт диспансер қузатуви белгиланади, йилда 1 марта кардиолог маслаҳати олинади, ҳар ойда бир марта АБ кўрсаткичи, 6

ойда бир марта қондаги қанд миқдори ва тана вазни текширувлари ўтказилади

Стент биттадан кўп бўлганда 18.1. модда бўйича учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Авиаходим ўткир безараар асептик перикардит ўтказгандан кейин 3-6 сўнг, касаллик симптомлари мавжуд бўлмаганда, ЭхоКГнинг кўрсаткичлари меъёрда бўлса, ўтказилган 24 соатли ЭКГ кузатуви (ритм бузилишларини аниқлаш учун) ва юкламали ЭКГ натижалари ижобий бўлса (қўшимча чукурлаштирилган текширувлар заруриятга қараб ўтказилади), 18.2. модда бўйича якка тартибда яроқлилига чекловлар қўлланиб тиббий хулоса берилиши мумкин. Мазкур ҳолда 2 йил давомида терапевт ва кардиологнинг диспансер кузатувлари белгиланади ва заруриятга кўра тегишли текширувлар ўтказилади. Касалликни қайталанишида ва оғрик мавжудлигига 18.1. модда бўйича учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва қайта учиш ишига тикланмайди.

Авиаходим миокардит ўтказгандан кейин 3-6 сўнг, инфекция ўчоғи бартараф этилиб, касаллик симптомлари мавжуд бўлмаганда, қоринчалар мураккаб ритм бузилишлари, ўтказувчанликнинг бузилишлари ё/ёки бўлмачалар фибрилляцияси мавжудлигини аниқлаш учун 24 соатли ЭКГ кузатуви, юкламали ЭКГ, ЭхоКГ текширувлари ўтказилади. Заруриятга қараб учун МРТ-сканерлаш ва холтер мониторлаш ўтказилиши мумкин. Текширув натижалари меъёрда бўлиб, ЭхоКГда чап ва ўнг қоринчалар функцияларининг бузилиш белгилари мавжуд бўлмаса 18.2. модда бўйича якка тартибда яроқлилига чекловлар қўлланиб тиббий хулоса берилиши мумкин. Бу ҳолда доимий равишда йилда бир марта ЭхоКГ ўтказилади.

Аорта илдизи диаметри  $>5,0$  см;

чап қоринчанинг якуний диастолик ўлчами (КДР ЛЖ)  $>6,5$  см;

чап қоринчанинг якуний систолик ўлчами (КСР ЛЖ)  $>4,4$  см;

юрак қоринчалари ўртасидаги парданинг  $>1,4$  см. кўп қалинлашувида учувчиларга (самолет, вертолет) яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Қон айланиши бузилмаган умумий ва тож томирлар, юрак мушаклари касалликларида, учувчиларга юкламали ЭКГ текшируви (заруриятга қараб стационар шароитида) ўтказилади ва юрак-қон томир системасини функционал сақланганлигига учиш ишига яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Миокард дистрофияси ва миокардитдан кейинги кардиосклерозларда, юракдаги ўзгаришларнинг касбий фаолиятига салбий таъсири аниқланмаса, юрак мушакларининг функционал сақланганлигига, учиш ишига яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Аортадаги кам ифодаланган атеросклеротик ўзгаришларда, аорта деворлари қалинлашганда, юрак-қон томир системаси функционал сақланган бўлса, яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Асоратларсиз миокард инфарктини ўтказган авиаходимлар 12 ойдан сўнг, юрак қон-томир тизимишининг яхши функционал ҳолатида, шикоятлари ва касалликни оғирлаштирувчи хавфли омиллар бўлмаганда, ишемия касаллигини даволашга муҳтожликлари бўлмаганда (профилактика учун қабул қилинадиган аспирин, кичик дозадаги бета-блокаторлар ва айрим ҳоллардаги АПФ ингибиторлари бундан мустасно), бўлмаганда, юкли синамаларда жисмоний иш қобилияти сақланганлигига, ЭхоКГда юрак бўшликлари кенгаймаганда ва отилиш фракцияси 50% кам бўлмаганда, сутка давомидаги ЭКГ мониторлашда кучли ифодаланган ўзгаришлар бўлмаганда, коронароангиографияда миокард инфаркти зonasидан ташқари, тож томирлардаги (қоринчалараро

парданинг олд артерияси, айланиб ўтувчи артерия, қоринчалараро парданинг орқа артерияси, ўнг коронар артерияси) стеноз 30% кўп бўлмаганда, якка тартибда учувчиларга, иккинчи учувчиси бўлган, икки томонлама бошқариладиган ҳаво кемаларида чекловлар қўлланиб учувчилик ишига рухсат берилиши мумкин.

ЭКГда паталогик Q тишчаси аниқланса, лекин миокард инфаркти клиник тасдиқланмаса, сўров йўли билан анамнез ўрганилади ва ЭхоКГ ҳамда сцинтография текшируви ўтказилади. Текширув натижалари ижобий бўлиб, юрак функцияси яхши сақланганлигида авиаходимлар учиш ишига яроқли деб топилади.

#### **19 - модда.**

Гипертония касаллигига қон босими  $>160/95$  мм. сим. уст.да турғун бўлиб, касалликни хуружли кечишида (бир марталик асоратларсиз хуруж бундан мустасно) 3 ва 4 даражали юрак қон томирларининг асоратлари мавжудлигига 19.1. модда бўйича учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Стационар текширувлар ўтказилиб, юрак қон томир тизимининг сақланганлигида, даволаш натижалари ижобийлигига якка тартибда чекловлар қўлланиб 19.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса берилиши мумкин.

Текширув натижалари билан тасдиқланган “оқ ҳалат”га бўлган артериал гипертензияда яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва модда қўйилмайди.

Дори-дармонларсиз Қ.Б. меъёрга келишида ёки авиацияда рухсат этилган дори воситалари ёрдамида Қ.Б. 160/95 мм. сим. уст.дан юқори бўлмаса, номзодларга 19.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса берилади. Заруриятга кўра сутка давомида ҚБ-мониторинги ва бошқа текширувлар ўтказилади.

Тиббий хулоса чиқаришда, гипертония касаллиги бўлган авиаходимларни юрак қон-томир асоратларини хавф даражасига (“нишон-аъзоларнинг” заарланиши, семизлик, чекиш, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, камҳаракатлик ва ҳоказо) қараб стратификация принципи қўлланиб гурухларга ажратилади. Хавф даражаси паст ва ўрта бўлганда авиаходимлар касбий фаолиятларини бажаришга яроқли деб топилади. Хавф даражаси юқори бўлган авиаходимни, даволаш-соғломлаштириш тадбирларини қўллаган ҳолда, хавф даражасини паст ёки ўрта даражага келтириш мумкин бўлганда, 1 ойгача бўлган муддатга этапли тиббий хулоса қабул қилинади. Бу ҳолда авиаходим 1 ой муддатга ўз касбий вазифаларини бажаришдан четлатилади ва унга даволаш-соғломлаштириш тадбирлари билан бирга кардиолог маслаҳати ўтказилади. Тадбирлар самарали ва барқарор бўлиб, хавф омиллари камайганда ёки мавжуд бўлмаганда, кардиологнинг ижобий хулосаси асосида учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Учувчиликка ўқишига номзодларнинг ҚБ 140/90 мм. сим. уст.дан юқори бўлиши мумкин эмас.

#### **20 - модда.**

Моддага ошқозон ва ичак касалликлари (ощозон ва ўн икки бармоқ яра касаллиги, гастритлар, колитлар ва бошқалар) тегишли. Касалликларнинг ўткир даврида, оғриқ ва касалликнинг клиник белгилари, иш қобилиягини йўқотишга олиб келувчи асоратлари мавжудлигига номзодларга 20.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Асоратлари бўлмаган ошқозон яраси касаллигини ўтказган авиаходимларга, даволаш натижалари ижобий бўлганда, 2 ойдан сўнг, Н. рујоги инфекцияси ва клиник белгилар бартараф этилганда, эндоскопик текширувда яранинг битгани тасдиқланганда, хавфли ўсмалар мавжудлиги

мустасно бўлганда, учиш ишига яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса бериш мумкин.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасининг бир мартали рецидивида, оддий ёки тегишли парҳез сақланиб касаллик симптомлари бўлмаса, клиник соғайиш белгилари бўлганда учиш ишига яроқли деб топилади.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасида қон кетиш билан боғлиқ бир мартали асоратида, 2 ой давомидаги қузатувда касаллик симптомлари бўлмаса, дори-дармон воситалари билан даволаниш талаб этилмаса ва эндоскопияда соғайиш белгилари бўлса авиаходим ишга яроқли деб топилади. Бу ҳолда 3 йил давомида тиббий хулоса муддати 6 ой этиб белгиланади ва ҳар галги ТУК тиббий хулососи, даволаган хирург хулососи асосида, ваколатли орган тиббий эксперtlарида эксперт баҳоланади. Авиаходимга авиация шифокорининг диспансер қузатуви ҳар 3 ойда белгиланади ва йилда бир марта эндоскопик текширув ўтказилади.

Биттадан кўп рецидив ёки асоратли ҳолларнинг мавжудлигига тиббий хулоса якка тартибда ҳар томонлама ўтказилган тиббий текширувлар асосида, ваколатли органнинг тиббий эксперtlари томонидан чиқарилади.

Гастритлар ва колитларда даволаш ва тегишли тиббий текширув натижалари ижобий бўлиб, клиник симптомлар бўлмагандан учиш ишига (ўқишига) яроқлилиги тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси операцияларидан сўнг, авиаходим бутунлай соғайганда ва асоратлар билан боғлиқ хавф бартараф этилганда, кейинги ремиссия даврида асоратларсиз яра касаллиги деб топилса, эндоскопик ва бошқа тиббий текширувларнинг ижобий натижалари асосида яроқлилиги тўғрисида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Ўн икки бармоқли ичакда биринчи марта чандиқли деформация аниқланганда, клиник белгилар бўлмаса авиаходимлар касбий вазифаларини бажаришдан четлатилмайди.

Ошқозон-ичак касалларидан, авиаходимларнинг иш жадвали ва овқатланиш тартибининг номуназамлиги, касалликни оғирлаштирувчи бошқа ташқи омиллар ва тўsatдан иш қобилиятини йўқолишига олиб келувчи ҳоллар мавжудлиги ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали гастрит ва гастродуоденитда рецидивлар бўлмагандан, умумий аҳволи қониқарли бўлиб иш қобилияти сақланганда, меъда секрециясида аниқ ифодаланган салбий ўзгаришлар бўлмаса номзодларга учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

## 21 - модда.

Панкреатит ва гепатитларнинг орган фаолиятини яққол ёки мўътадил ифодаланган бузилиши билан кечувчи фаол босқичида, жигар циррозида, тез-тез хуруж қилувчи (йилда 2 мартадан ортиқ) сурункали холециститда, ўт пуфаги фаолияти сақланганлиги билан кўп сонли тошлар аниқланганда, номзодларга 21.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Фаол бўлмаган, орган фаолиятининг кам ифодаланган бузилиши билан кечувчи сурункали гепатит ва панкреатитларда, даволаниш натижалари ижобий бўлган, кам хуружлари бўлган сурункали холецистларда, ўт пуфагининг холестерозида, яхши сифатли функционал билирубинемияларда, оғриқсиз кечувчи ўт чиқариш йўлларининг дискинезиясида номзодларга 21.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Асоратлари бўлмаган лапароскопик холецистэктомия ва литотрипсиядан сўнг 2-3 ойдан

кейин шикоятлар йўқлигига, клиник белгилар бўлмаганда ва иш қобилияти сақланганлигига авиаходимлар ишга яроқли деб топиладилар.

Сурункали, касаллик аломатларсиз, фаол бўлмаган гепатитнинг В ва С туридаги вирус ташувчилиқда, авиаходимлар касбий вазифаларини бажаришга яроқли деб ҳисобланади.

Гепатитни В ва С турини ўтказган авиаходимлар турғун ремиссиядан сўнг 6 ойдан кейин ишга яроқли деб топиладилар.

Ўт пуфагида симптомсиз кечувчи, йирик, бир дона тош аниқланганда авиаходимларга якка тартибда TML чеклови қўлланиб 21.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади, режа бўйича жарроҳлик усули қўлланиб даволаниш тавсия этилади, хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади.

## **22 - модда.**

Буйрак ва сийдик йўли касалликларининг орган фаолиятини бузилиши билан кечувчи фаол даврида ва уларнинг асоратларида, жарроҳлик операцияларидан кейинги асоратлар (сийдик йўлларининг торайиши, сиқилиши ва ҳоказо) ва оғриқ синдроми мавжудлигига номзодларга 22.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Буйрак, сийдик йўллари ва сийдик пуфагида инфекция сабабли яллигланиш касалликларини ўтказгандан кейин, 14 кундан кам бўлмаган индивидуал антибактериал терапия ўтказилгач (аёллардаги оддий цистит терапияси бундан мустасно), актив даволаниш бошлангандан кейин гемодинамик тўлиқ турғунлиқда, сийдик, кон ва тегишли лаборатория таҳлиллари натижалари меъёрда бўлиб, нефролог (уролог) маслаҳати хulosаси ва прогнози ижобий бўлганда, клиник симптомлар, инфекция, қайта яллигланиш рецидиви ва бошқа хавфли омиллар бартараф этилганда, яроқлилик тўғрисидаги тиббий хulosса жараённинг кечиши ва буйраклар фаолияти сақланганлиги, иккиламчи гипертензион синдром ва бошқа факторларнинг ифодаланиш даражасига кўра якка тартибда ваколатли органнинг тиббий эксперталари билан биргалиқда чиқарилади ёки ТУК тиббий хulosса чиқариш ваколатини тиббий эксперталарга беради.

Пиелонефрит ва гломерулонефрит ўтказган авиаходимларга 2 йил давомида авиация шифокорининг диспансер кузатуви белгиланади, ҳар 3 ойда қон, сийдик, креатинин таҳлиллари ва заруриятга қараб бошқа текширувлар ўтказилади.

Бир вактда бактериурия билан пиурия аниқланганда туберкулезга, конкретментларга ва хавфли ўсмаларга текширувлар ўтказилади.

## **23 - модда.**

Моддага бўғимларнинг яллигланиш, аллергик, модда алмашинувини бузилиши ва бошқа этиологиялар билан боғлик касалликлари, бириктирувчи тўқиманинг тизимли шикастланишлари (қизил тери сили (волчанка), склеродермия, дерматомиозит, тугунчали периартериит, ревматоид артрит Бехтерев касаллиги ва ҳоказо) касалликлари киради.

Касалликларнинг фаол даврида, бўғимлар ва органлар фаолияти бузилиши билан кечишида, оғриқ ва бошқа симптомлар мавжудлигига, сурункали касалликларнинг бир йилда 2 мартадан кўп бўлган хуружида 23.1. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик тўғрисида тиббий хulosса чиқарилади. Касалликнинг оғирлашуви, ривожланиш даражаси, мушак-суюклар ва ҳаракат-таянч тизими фаолиятининг сақланганлиги, бўғимларда ҳаракатчанликни чегараланганилиги, узоқ даволанишнинг салбий оқибатларини, хуружлар ва тўсатдан иш қобилиятини йўқолишига олиб келувчи сабабларни ҳисобга олиб номзодларга тиббий хulosса чиқарилади. Тўлиқ даволаш курси ва реабилитацион муоалажалар ўтказилгандан кейин

соғайганда, органлар функциялари сақланганлигига, турғун ремиссияда номзодларга учиш ишига яроқлилик түғрисида тиббий хулоса чиқарилади, ўқишга номзодлар яроқсиз ҳисобланади. Авиаходимларга авиация шифокорининг диспансер кузатуви белгиланади.

### **3. Жаррохлик касаллуклари**

#### **24 - модда.**

Номзодларда тегишли гувоҳнома билан белгиланадиган касбий мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик кильмайдиган сүяк-мушак тизимининг туғма ва орттирилган бузилишлари мавжуд эмаслигига, уларга 24.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Бўғимлар ҳаракатчанлиги 23-иловага мувофиқ аниқланади. Номзодларда тананинг пропорционал ривожланганлиги етарли ҳисобланади. 20 ёшгача бўлган ФА учиш ишига ўқишга кирувчи (учувчилар таркиби) номзодларда тана вазнининг 25% гача камлиги, бошқа жисмоний кўрсаткичлар яхши бўлганда (тана тузилишининг мутаносиблиги, мушак системасининг ривожланганлиги, спирометрия ва динамометрияниң кўрсаткичлари) жисмоний ривожланишнинг етишмовчилиги деб баҳоланмайди, чунки организм ривожланишининг интенсив даврида тана вазни бўй ўсишидан орқада қолиши мумкин.

Номзод, гувоҳнома билан белгиланадиган касбий мажбуриятларини хавфсиз бажариш учун етарли бўлган ўтирган ҳолдаги бўй узунлигига, кўл ва оёклар узунлигига, мушак кучига эга бўлиши лозим.

Мунозарали ҳолларда учиш тренажерида текширув ўтказилади, тренажер инструкторининг текшируви хуносасига асосан тиббий хулоса чиқарилади.

Инфантлизмда эндокринолог маслаҳати хуносасига кўра яроқлилик аниқланади.

#### **25 - модда.**

Моддага бош суяги ва ҳаракат-таянч аппаратининг специфик ва носпецифик этиологияли касаллуклари: сүяк ва бўғимлар сили, дегенератив-дистрофик жараёнлар (деформациялашган артрозлар, остеохондропатиялар, асептик некрозлар ва бошқалар), остеомиелитлар, товон шпоралари, калькулёзли бурсит, Дюпюитрен контрактураси, эозинофил гранулёма, ксантома, гемангиома, фиброз дисплазияси, юз сүякларнинг сурункали касаллуклари, спондилитлар, умуртқа поғонасининг қийшайишлари (кифозлар, сколиозлар), барча босқичдаги деформацияловчи спондилёз, Шморл чурралари, спондилоартритлар ва бошқалар тегишли.

Бош жароҳатларида, бош суяги ва бош миядаги жаррохлик операцияларининг асоратларида тиббий хулоса невролог томонидан чиқарилади.

Номзодлардаги жисмоний ривожланиш нуқсонлари, сүяк, мушак, бўғим, пай ва тоғайларнинг сурункали касаллуклари, жароҳат ва жаррохлик операциялари асоратлари, куйиш ва музлаш оқибатидаги чандиклар, уларнинг кучайиб бориши, ҳаракатлар ҳажми, мушак кучи, оёқ ва қўллар фаолиятининг чегараланиш даражалари, учувчи ўзлаштирган ҲҚ тури ва функционал бузилишлар даражасига кўра баҳоланади. Кийим ва оёқ кийим кийишни қийинлаштирувчи ёки унга тўсқинлик килувчи, оғриқ синдроми мавжуд бўлган, кучайиб (зўрайиб) борувчи, функционал бузилишларнинг аҳамиятга эга бўлган даражасида, номзодларга 25.1 модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Номзодларда касаллукнинг специфик (туберкулёз) этиологияси аниқланганда, фаолиятининг бузилиш даражасидан қатъий назар секвестрал бўшликларда битмайдиган ва даврий равища очилиб турадиган оқма яралар мавжудлигига, остеомиелит негизида оқма яраларда, сон суяги бошчаси остеохондропатиясида, йирик бўғимларнинг яққол

деформацияланувчи остеоартроз касалликларида фаолиятининг яққол ва мўътадил ифодаланган бузилишида 25.1 модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Даволашнинг ижобий натижаларида (оқма яранинг ёпилиши, рентгенологик текширувда секвестрларнинг йўқлигига) ва 6 ой кам бўлмаган ремиссияда учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Остеомиелитда барча номзодлар терапевтик ёки жарроҳлик услублари билан даволанадилар. Ремиссияда, хуружлар бўлмаса, секвестрал бўшлиқлар ва секвестрлар аниқланмаса, касалликнинг характеристи, локализацияси, фаолиятнинг бузилиш даражалари, номзоднинг касбий маҳорати ва иш тажрибасини хисобга олиб 25.2 модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Мазкур ҳолда учувчиликка ўқишга номзодларга 25.1 модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Остеохондроз, спондилоартроз каби умуртқа сукларидаги оғриқсиз, функцияси аҳамиятсиз чекланган дегенератив-дистрофик жараёнларда 25.2. модда бўйича номзодларга яроқлилик тўғрисида хулоса чиқарилади. Илдизчали синдромда тиббий хулоса невролог томонидан чиқарилади.

Бўйимлар чиқиши билан умуртқа поғоналарини таналарини синишида жараён фазаси ва функционал ҳолатидан қатъий назар умуртқа туберкулезида 25.1 модда бўйича номзодларга ўқишга ва учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Умуртқа поғоналари таналарини компрессион синишида 6 ойдан кейин, териости вертебропластикасида 2 ойдан кейин, жарроҳлик усули билан даволаниш натижалари ижобий бўлганда ва функциялар тўлиқ тикланганда 25.2 модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Умуртқанинг ўткир ва кўндаланг ўсимталарини синишида, функциялар тўлиқ тикланганда ва оғриқ синдроми бўлмагандага ўқишга ва учиш ишига рухсат берилади.

Умуртқалар шаклининг ўзгаришида, шакл ўзгаришини (эгрилик, қийшайиш) кўриниш даражалари ва этиологиясини, умуртқалар фаолиятини сақланганлигини, учувчининг касбий фаолиятини бажара олиш қобилиятини хисобга олиб ўқишга ва учиш ишига яроқлилиги аниқланади.

Ламинэктомиядан кейин, функциялар тикланганда ва оғриқ синдроми бўлмагандага учиш ишига 3 ойдан кейин 25.2. модда бўйича номзодларга ўқишга ва учиш ишига яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Умуртқа рентгенограммасида умуртқалар вентрал қирғонининг ўткирлашиши, қалинлашиши, якка ҳолдаги бигизсимон ўсимталар ва бошқа кўринишидаги морфологик ўзгаришлар аниқланганда, клиник белгилар бўлмаса модда қўлланилмайди.

Номзодларда остеохондроз аниқланганда уларга хирург ва невролог диспансер кузатуви белгиланади ва даволаш профилактика тадбирлари ўтказилади.

Дюпюитрен контрактурасининг I даражасида 25.2. модда бўйича номзодларга ўқишга ва учиш ишига яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади ва уларга хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади, ҳамда консерватив даволаш усуллари қўлланилади. Касалликнинг II даражасида учувчилар факат ўзлари ўзлаштирган ҳаво кемасига яроқли хисобланадилар. Уларга даволашнинг жарроҳлик усуллари тавсия қилинади ва натижаси ижобий бўлиб, функцияларнинг сақланганлигига учиш ишига яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Оғриқсиз, томирлар ва органлар фаолиятларида бузилишлари бўлмаган, сколиозда, V бел умуртқаси сакрализациясида, I думғаза умуртқаси люмбализациясида ўқишга ва учиш ишига

яроқли деб топилади.

Шморл чурраларида оғриқ синдромининг мавжудлигига, 25.1 модда бўйича невролог томонидан номзодларга ўқишга ва учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Тос сүякларининг бирлашган (консолидацияланган) синишида, жароҳатдан 6 ойдан сўнг, тўлиқ соғайгандан кейин, оғриқ синдроми ва органлар функцияларини бузилишлари бўлмагандага 25.2. модда бўйича ўқишга ва учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Тос чаноғи соҳасида алоҳида сүякларнинг чегараланган синиб ўсишида, чаноқ айланасининг шаклида деформация бўлмагандага модда қўлланилмайди.

Умуртқа погонаси ва тос сүяклари касаллуклари ва жароҳатларида яроқлилик хирург томонидан невролог билан биргаликда аниқланади.

Инфекцион-аллергик генезли спондилоартритларда (Бехтерев, Рейтер касаллуклари ва бошқалар) яроқлилик терапевт томонидан аниқланади.

Сүяклар, тогайлар, мушаклар, пай ва бўғимларда жарроҳлик операцияларидан кейин ўқишга ва учиш ишига яроқлилик органлар функциялари тиклангандан сўнг аниқланади. Жарроҳлик операциялари ёки жароҳатлар оқибатидаги қўл ёки оёқнинг 2 см.дан кўп калта бўлишида яроқли ҳисобланадилар. Жарроҳлик операциялари ёки жароҳатлар оқибатидаги ифодаланган дефектларда органларнинг функционал ҳолати учиш тренажерида текширув ўтказилиб (хаво кемасининг бошқарув қисмларига қўл, оёқни бемалол этиши ва осон бошқариш қобилиятини ҳисобга олиб), тренажер инструкторининг текшируви хуносасига асосан баҳоланади.

Жарроҳлик операцияларига кўрсатмалар бўлганда, номзод мазкур даволанишдан бош тортса, у холда 25.1 модда бўйича унга ўқишга ёки учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Остеосинтезда турли фиксацияловчи мосламалар ўрнатиш ва протез (ясама аъзо) қилиш билан боғлиқ жарроҳлик усуллари қўлланилганда, операциядан кейинги ҳолатни ижобийлигига, функциялар сақланганлигига, рентген ва бошқа текширувлар натижаси ижобийлигига травматолога-ортопеднинг хуносаси ва прогнозини ҳисобга олиб, 25.2. модда бўйича номзодларга якка тартибда ўқишга ва учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Номзодлардаги варусли ва вальгусли оёқлар қийшайишида тегишли нукталар орасидаги масофа 9 см.дан юқори бўлса, улар яроқсиз деб топилади.

Бўғимлар касаллукларида ва бириқтирувчи тўқиманинг тизимли касаллукларида, ремиссиянинг турғунлигига, органлар функцияларини сақланганлигига, бўғимлар ва органларнинг функционал ҳолатини ҳисобга олиб учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Турли сабабли қўл ва оёқ нуқсонлари мавжудлигига, улар фаолиятини сақланганлик даражаси ва касбий мажбуриятларини бажара олиш қобилиятига кўра яроқлилик аниқланади. Мунозарали ҳолларда тренажёр текшируви ўтказилади ва тренажёр инструкторининг текширув натижалари тўғрисидаги хуносаси асосида тиббий хулоса чиқарилади.

Оёқ панжаси йўқлигига ва функциясини бузилиши билан кечувчи, юришни ва оёқ кийим кийишни қийинлаштирувчи (тўсқинлик қилувчи) оёқ панжасининг туғма ёки ортирилган деформацияларида 25.1. модда бўйича яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

## 26 - модда.

Хавфли ўсмалар аниқланганда, номзодларга 26.1. модда бўйича ўқишга ва учиш ишига

яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Номзодлар ихтисослаштирилган тиббий муассасада даволангандан (жаррохлик усули, химиотерапия, нурли терапия ёки уларнинг комбинацияси) кейин, рецидивни турғунлигига, бош мияда метастаз мавжуд эмаслигига, организмда ўсманни ривожланиш жараёнини умумлашуви (қамраб олиши) бўлмагандага, организмни тўлиқ ва турғун функционал ҳолатида (аҳамиятга эга бўлмаган ўзгаришлар борлигига) б 6 ойдан кейин тиббий хulosса бериш аниқланади. Хавфли ўсмалар сабабли даволанган барча номзодларга якка тартибда чекловлар қўлланиб 26.2 модда бўйича тиббий хulosса чиқарилади ва уларга хирург ва онколог диспансер кузатуви белгиланади.

Хавфли ўсмаларда, даволашни касалликнинг илк босқичида ўтказилганлигини, кент қамровли патоморфологик хulosса (ўсма ўсишини анатомик типи ва унинг морфологик характеристикаси, регионар лимфотугунлар ҳолати), даволашдан кейинги клиник ҳолати динамикасини (тана вазни, лаборатор ва бошқа текширувлар) ижобийлигини, даволаш асосатлари ва рецидивнинг мавжуд эмаслигини, ўсманинг ривожланишини, гематологик қўрсаткичларнинг меъёрийлигини, органлар функцияларини бузилиш даражаларини, меҳнатга лаёқатлилик қобилиятини тикланиш муддатларини, касбий мажбуриятларини бажара олиш қобилияти ва тўсатдан иш қобилиятини йўқолиш хавфи каби омилларни хисобга олиб тиббий хulosса чиқарилади.

Рак *in situ* патоморфологик хulosасида, ўсманинг жойлашувидан (локализациясидан) қатъий назар, ўтказилган даволаш турини (операцияни) характеристидан келиб чиқиб, онколог хulosаси ва прогнози асосида чекловлар (“тропик мамлакатларда ишлашга яроқсиз”, “фақат ўзлаштирган ҳаво кемасида учиш ишига яроқли”, “авиакимёвий ишларда ишлашга яроқсиз” каби) қўлланилиб 26.2 модда бўйича ўқишига ва учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Ёмон сифатли эутиреоид тугунли буқоқда ва тугунли мастопатияда онколог маслаҳатига кўра комиссия оралиги даврида жаррохлик усули билан даволаниш лозим.

Хавфсиз ўсмаларда, ўсма тўлиқ бартараф этилганда, ўсманинг хавфсизлиги лаборатор текширувлар билан тасдиқлангандага, органлар функциялари сақланганлигига, жисмоний ва руҳий соғлиқ ҳолати меъёрдалигига 26.2 модда бўйича ўқишига ва учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

## 27- модда.

Моддага нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари, сийдик-таносил тизими, тери (ковоқ ва ташқи эшичув йўлаги териси бундан мустасно), сут бези, мушак, суяқ, бирлаштирувчи тўқима, тоғай (кулок, бурун ва ташқи эшичув йўлаги суяқ ва тоғайлари бундан мустасно) ва томирларнинг хавфсиз ўсмалари тегишли.

Хавфсиз ўсмалар жаррохлик йўли билан олиб ташлангандан кейин, операциянинг қўлами ва натижасини хисобга олиб, ўқишига ва учиш ишига рухсат бериш муддати хирургнинг шахсий кўруви асосида аниқланади.

Махсус либослар ва анжомлар ҳамда оёқ кийим кийишга монелик қилмайдиган, кичик ҳажмдаги, ўсишга мойил бўлмаган хавфсиз ўсмаларда (липоматоз, сўгалли ва пигментли невуслар, дермоидли кисталар, хондромалар ва бошқалар) модда қўлланилмайди, номзодларга хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади.

Жаррохлик усули билан даволанган хавфсиз ўсмаларда, учиш ишига (ўқишига) қабул қилинаётган барча номзодлар, хирургга ўсманинг гистологик текшируви ҳақида маълумот ва ўтказилган операциянинг характеристи тавсифланган қўчирма (тиббий маълумот) тақдим этадилар.

Ошқозон-ичак йўлида (кўпича полиплар) ва нафас олиш органларида хавфсиз ўсмалар мавжуд бўлган номзодларга, минерал ўғитлар билан ишлашга яроқли, лекин заҳарли кимёвий моддалар билан ишлашга яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, даволаш тактикасини ўсмани жойлашишига кўра онколог ёки проктолог белгилайди.

Липома ва бошқа териости ёғ қатлами хавфсиз ўсмалари олиб ташлангандан кейин, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгач, хирургнинг шахсий кўруви асосида ўқишга ва учиш ишига рухсат берилади.

Буйракнинг кичик ва ўртacha ҳажмдаги оддий кисталарида, ҳамда бир ёки икки томонлама жойлашган синусли кисталарида, клиник кўринишлар (оғриқ, артериал босим ошиши, сийдик таҳлилида ўзгаришлар) бўлмаса, шахслар учиш ишига яроқли ҳисобланади. Улар хирург ва заруриятга кўра уролог диспансер кузатувига олинади ва йилда 1 марта буйраклар УЗТ ўтказилади. Катта ҳажмли буйрак кисталарида ихтисослаштирилган муассасада киста пункцияси ўтказилади ва асоратлар бўлмаганда 2-3 ҳафтадан кейин учиш ишига рухсат берилади. Пункция ўтказишга кўрсатма бўлмаганда уролог тавсиясига кўра диспансер кузатуни белгиланади.

Калқонсимон безда 1 см.дан кичик тугунлар пайдо бўлганда, хирург-эндокринолог маслаҳати олинади, ҳар 6 ойда УЗТ ва диспансер кузатуни ўтказилади. Биринчи марта 1 см.дан катта тугунлар аниқлангандан ва уларнинг 6 ойда 0,5 см.га ўсишида пункцияли биопсия ўтказилиши керак. Рак, аденона ва 3 см.дан катта тугунларда оператив жарроҳлик усули билан даволаниш лозим. Тугуни буқоқ олиб ташланганидан кейин, хирург терапевт билан бирга эндокринолог маслаҳати ва прогнози асосида учиш ишига (ўқишга) яроқлиликни аниқлайди.

Ўсма хусусиятининг яхши сифатли эканлиги исботланганда, оператив даволаш зарурияти бўлмаганда, ўсма билан боғлиқ анатомик дефектлар ёки функционал бузилишлар мавжуд бўлмаганда, ўсишига тенденция йўқлигига, ўсманинг маҳсус либос ва анжомларни (кислород маскаси каби), оёқ кийимни кийишга тўсқинлик қилмаслигига номзодларга учиш ишига (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Простата безининг яхши сифатли гиперплазиясида ўртacha ва кучли ифодаланган симптоматик обструкция мавжудлигига авиаходимлар учиш ишидан четлатилади. Уларга трансабдоминал ва трансректал эхография, қон зардобида простатанинг специфик антигени даражаси текшируви ва уролог тавсиясига кўра бошқа текширувлар ўтказилади. Кам ифодаланган ва енгил симптомлар борлигига, оператив даволашга кўрсатма бўлмаганда, уролог хулосасига кўра 27.2 модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Простатанинг трансуретрал резекциясидан кейин 6 ой ўтгач, обструктив симптомлар асоратларсиз бартараф этилганда, органлар фаолиятини бузилишлари бўлмаганда, уролог хулосаси асосида якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Ташқи жинсий органларнинг яхши сифатли ўсмаларини жарроҳлик усули билан олиб ташлаш ҳақида қарор, гинеколог ёки уролог маслаҳатига кўра қабул қилинади.

Симптомларсиз кечувчи бачадон миомасида авиаходимлар диспансер кузатувига олинади. Миомани ўсишида ва ёнида жойлашган органлар фаолиятини бузилишида, бачадондан қон кетишида, оғриқ синдроми борлигига ва бошқа кўрсатмалар мавжудлигига авиаходимлар оператив даволанади. Операциядан кейин яроқсизлик муддати 4 ойгача деб белгиланади, учиш ишига (ўқишга) тикланишида операция тури, асоратларни йўқлиги, соғлигини тикланиши, органлар функциясини сақланганлиги, касбий вазифаларини бажаришда тўсатдан меҳнат қобилиятини йўқолишига олиб келувчи омиллар йўқлиги, текширувларнинг меъёрдаги натижаларини, гинеколог хулосасини ҳисобга олиб 27.2 модда бўйича тиббий хулоса чиқарилади.

Номзодлардаги күкрак оралиғи, плевра, бронхлар ичидаги ва бронхлардан ташқаридаги ўпканинг яхши сифатли ўсмаларни оператив даволашдан кейин 6 ой ўтгаң, умумий соғлиги тикланганида, торактомиядан кейинги күкрак қафасини деформацияси мавжуд бўлмаганда, рентгенологик ва бошқа текширувларда қўпол анатомик дефектлар бўлмаганда, ташқи нафас олиш ва юрак қон томирлари функцияларида бузилишлар йўклигига 27.2 модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уларга ҳар навбатдаги кўрикдан ўтишида спирография ва кўкрак қафаси органларининг ренгенографияси ўтказилади.

## **28 - модда.**

Ташқи нафас олиш функциясини кучли ифодаланган бузилишлари, уйқудаги обструктив апноэ синдроми мавжудлигига, касалликлар, ривожланиш нуқсонлари ва жароҳатлар сабабли кўкрак қафасидаги органларда ўтказилган йирик жарроҳлик операцияларида, пульмонэктомияда номзодларга 28.1 модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Жарроҳлик усули билан даволанганда, тўлиқ даволаниб, соғлиги тиклангандан кейин, Тиффно индекси 60 % кам бўлмаган нафас олиш функциясининг етарлича тикланганлигига, текширувлар натижалари ижобийлигига, хирург терапевт билан бирга учиш ишига яроқлиликни аниқлайди.

Жарроҳлик усули билан даволашга эҳтиёж бўлган паталогия (нуқсонлар), ўпканинг қолдик функционал ҳажми, юрак қон-томир тизимининг функцияси, кўкрак қафасидаги органлар силжиши эҳтимоли, босимнинг учиш давомидаги тафовути сабабли оғир асоратларни келиб чиқишини ва прогнозни ҳисобга олиб, номзоднинг соғлик ҳолати таҳлил қилинади ва тиббий хулоса чиқарилади.

Кўкрак девори ва ўпка тўқимасида йирик томирлар ва юракдан узоқда жойлашган ёт жисмлар мавжуд бўлганда, клиник белгилар бўлмаса ва ташқи нафас олиш функцияси яхши кўрсаткичларга эга бўлганда, 28.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Спонтан пневмотораксда клиник соғайишдан ташқари рецидив хавфи ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади. Биринчи марта спонтан пневмотораксдан кейин клиник соғайганда, тиббий текширувлар натижасида буллез эмфизема ёки бошқа нафас олиш органлари функцияларини бузилишлари аниқланмаса, 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда чекловлар қўлланиб учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Спонтан пневмоторакснинг қайта хуружида, операциядан кейин 3 ой ўтганда, тўлиқ соғайганда, ҳар томонлама ўтказилган маҳсус текширувлар натижасига кўра 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда чекловлар қўлланиб учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Ички органлар шикастланмаган кўкрак қафасини ичига кирган яраланишда, бутунлай соғайгандан кейин, тиббий текширувларнинг натижасига кўра учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Ўпканинг сурункали обструктурив касалликларида (ЎСОК), ремиссиянинг турғунлигига ва нафас олиш функциясини сақланганлигига, 28.2. модда бўйича номзодларга учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Нафас олиш функциясини кам ифодаланган бузилишларида ОФВ1, ЖЕЛ 70 % кам бўлмаганлигига, нафас олиш ва юрак қон-томир тизимларини текширувлар натижалари ижобийлигига, 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда чекловлар қўлланиб (TML) учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва хирургнинг диспансер қузатуви белгиланиб, ҳар кўрикдан ўтишида нафас олиш ва юрак қон-

томир тизимларини текширувлари ўтказилади

Саркоидознинг ўткир фазасида номзодларга 28.1 модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Касалликдан 6 ой ўтгач ремиссиянинг турғунлигига ва нафас олиш функциясини сақланганлигига, дорилар ва бошқа даволаш усуллари тўлиқ тўхтатилганда, 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда чекловлар кўлланиб (TML) учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва хирургнинг диспансер кузатуви белгиланиб, ҳар кўрикдан ўтишида нафас олиш ва юрак қон-томир тизимларини текширувлари ўтказилади.

Қисилишга мойил бўлган ёки қизилўнгач ва ошқозонда функционал бузилишларни келтириб чиқарувчи ва рефлюкс-эзофагит асорати мавжуд бўлган диафрагмал чурраларда учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик тўғрисида хулоса чиқарилади. Жарроҳлик усули билан даволашнинг ижобий натижасида, 3-6 ойдан кейин, бутунлай соғайганда, тиббий текширувларнинг натижасига кўра учиш ишига яроқлилик аниқланади.

## **29- модда.**

Моддага қизилўнгач касалликлари ва аномалиялари (эзофагит, Баррет синдроми, қизилўнгач яраси ва стенози, қон кетиши, дивертикуллар, кардиоспазм, кардия ахалазияси, қизилўнгачни чандиқли торайиши ва бошқалар) тегишли.

Дивертикулни жарроҳлик усули билан даволашни ижобий натижасида, касбига яроқлилик аниқланади. Қизилўнгач (эзофагоскопия ва бошқалар), ташки нафас олиш органлари ва юрак қон-томир системалари функцияларини чукурлаштирилган тиббий текширувлари натижасида органлар функцияларини бузилишлари ва дивертикул рецидиви мавжуд бўлмаганда, 29.2. модда бўйича номзодга якка тартибда учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Оператив даволанишни талаб қилмайдиган қизилўнгач дивертикулларида 29.2. модда бўйича номзодларга якка тартибда учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Қизилўнгач веналарини варикоз кенгайишида, этиологияси ва клиник кўринишларидан қатъий назар, барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, улар қайта ўқишга, касбига тикланмайдилар.

Қизилўнгачнинг чандиқли стенози сабабли ўтказилган қизилўнгач пластикасида ва функционал касалликлар туфайли ўтказилган пластикали эзофагокардиомиотомия каби жарроҳлик операцияларидан кейин, ҳар томонлама ўтказилган текширувлар натижаларини, касбий фаолиятини хавфсиз бажара олиши ва бошқаларни ҳисобга олиб, жарроҳ маслаҳати ва прогнози асосида якка тартибда учиш ишига яроқлилиги аниқланади.

Рефлюкс-эзофагит мавжуд бўлмаган, диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурраси билан боғлик бўлмаган қизилўнгач-ошқозон йўлагини етишмовчилигига номзодлар учиш ишига яроқли ҳисобланадилар.

## **30 - модда.**

Корин бўшлиғидаги жарроҳлик операцияларидан кейин, номзодлар, ташхис, операция ўтказилган сана ва унинг тўлиқ баённомаси, операциядан кейинги даврнинг кечиши, операцион препаратурнинг патоморфологик текшируви ва шунга оид бошқа маълумотлар кўрсатилган касаллик тарихидан кўчирмани хирургга тақдим этадилар.

Жарроҳлик операцияларининг ижобий натижасида, тўлиқ соғайиб, меҳнатга лаёқатсизлик ва рақаси ёпилгандан кейин, касбий мажбуриятларини бажаришда хавф омилларини мавжуд

эмаслигиди, органлар функциялари сақланганлигиди, гастроэнтрологик текширувлар натижалари ижобийлигиди, тегишли мутахассислар маслаҳати ва прогнози асосида учиш ишига (ўқишига) яроқлилик аниқланади. Жарроҳлик операцияларининг асоратлари мавжуд бўлганда (пневмония, тромбофлебит каби), спленектомияда, қорин бўшлиғидаги қўплаб органларининг шикастланиши сабабли ўтказилган лапаротомияда номзодларнинг учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик муддати якка тартибда аниқланади.

Симптомларсиз битта йирик конкретмент мавжуд бўлган холецистолитиазда, комиссия оралиги даврида режага мувофиқ жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади.

Ошқозон ва 12-бармоқли ичакнинг яра касаллиги ва асоратлари (рецидив, қон кетиши, перфорация, пенетрация каби) даволангандан кейин, эндоскопик текширув ўтказиб ярани битгани тасдиқланади ва дори-дармонлар қабул қилишга талаб бўлмаганда 8 ҳафтадан кейин учиш ишига (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Уларга ҳар 6 ойда ЭФГДС, қон таҳлили (гемоглобинга) ва гастроэнтеролог маслаҳати белгиланади.

Тизимли касаллик туфайли ўтказилган холецистэктомия ва спленектомиядан кейин тиббий хulosса терапевт билан биргаликда хирург томонидан чиқарилади. Тиббий хulosса чиқаришда, касаллик билан боғлиқ асоратлар хавфини мавжудлиги ва тегишли парҳезга риоя қилишида симптомларнинг йўқлиги, операциядан кейинги даврнинг кечиши, дори-дармонлар билан даволашга талаб йўқлиги, эндоскопиянинг ижобий натижалари, касбига доир мажбуриятларини бажаришда парвозлар хавфсизлигига доир хавфнинг йўқлиги ва бошқалар хисобга олиб, амал қилиш муддатига чекловлар қўйилиб тиббий хulosса чиқарилади. Ярокли деб топилган авиаходимларга, 3 йил давомида, хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади.

Чов, сон, диафрагма, киндик, қорин оқ чизиги чурраларида, оғриқ синдроми ва қисилиш хавфи борлигиди жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади. Жарроҳлик операциясининг ижобий натижасида, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгандан кейин, учиш ишига (ўқишига) яроқлилик аниқланади. Агар чурранинг қисилиш хавфи бўлмаса ва оғриқ синдроми йўқлигига, комиссия оралиги даврида режага мувофиқ жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади. Бу ҳолда 30.2. модда бўйича номзодга чекловлар қўлланиб (OML) учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади (ўқишига яроқли ҳисобланади). Жарроҳлик йўли билан даволанишдан бош тортган номзодларга 30.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Катта бўлмаган физиологик ҳалқа чегарасидаги киндик чуррасида, қорин пардасининг олди липомасида, жисмоний зўриқиши ва кучаниш вақтида чурра чиқиши кузатилмайдиган чов ҳалқасининг кентгайишида номзодлар ярокли ҳисобланади ва модда қўлланилмайди.

Сурункали колитларда, ремиссияни турғунлигиди, домий дори дармон воситаларини қабул қилишга заруриятни йўқлигига, асоратлар бўлмаганда, соғлиқ ҳолатини барқарор ижобийлигиди, номзодларга ўқишига ва учиш ишига (3 йил давомида TML чеклови қўлланади) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Крон касаллигиди ва ярали колитларда номзодларга 30.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Кучли ифодаланган клиник кўринишлар билан кечувчи қорин парда битишмаларида номзодларга 30.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Клиник кўринишлари бўлмаган долихосигмада учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилмайди.

Аёлларнинг кичик чаноқ органларида ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, гинеколог маслаҳати асосида хирург томонидан тиббий хулоса чиқарилади.

Радикал жарроҳлик операцияларидан кейин номзодларга 2-3 ойгача 30.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Асоратлари бўлмаган гистерэктомиядан кейин эса 3 ойдан сўнг, жисмоний ва руҳий ҳолати меъёрдалигида, органлар функциялари сақланганлигига номзодларнинг учиш ишига (ўқишга) яроқлилиги аниқланади.

Эндоскопик, шу жумладан лапароскопик жарроҳлик операциялардан сўнг 1,5-2 ойдан кейин учиш ишига (ўқишга) яроқлилиги аниқланади.

Номзоднинг соғлиги тўлиқ тикланганда, касбий вазифаларини хавфсиз бажаришига монелик қилувчи касаллик асоратлари йўқлигида, мутахассис маслаҳатини ижобий прогнозини ҳисобга олиниб, ваколатли органнинг тиббий эксперталари якка тартибда яроқсизлик муддатларини қисқартиришлари мумкин.

### **31 - модда.**

Моддага тўғри ичак ва параректал биритиравчи тўқималарининг касалликлари киради. Тез-тез хуружлар билан кечувчи, кучли ифодаланган клиник кўринишлари мавжуд бўлган тўғри ичак ва параректал биритиравчи тўқималарининг касалликларида, анусли торайиши ва органлар функцияларини бузилишларида, оқма яраларда ва бошқа патологик ҳолатлар аниқланганда терапевтик ёки жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия қилинади. Тавсия этилган усуллар билан билан даволанишдан бош тортган номзодларга 31.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Даволашларнинг натижаси ижобий ижобийлигида, шикоятлар, ва симптомлар бўлмагандан, тургун ремиссияда, жарроҳлик яраси асоратлариз тўлиқ битганда, тиббий текширувлар натижаси меъёрдалигида, ич келиши меъёрда бўлиб, функциялари тикланганда 31.2. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга - якка тартибда) яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уларга 2 йил давомида, ҳар 6 ойда хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади ва заруриятга кўра проктолог маслаҳати ўтказилади.

Касалликни зўрайиши ва функциялар бузилишлари бўлмаган, тўғри ичак тушишини бошланғич шаклида, номзодларнинг учиш ишига яроқлилиги якка тартибда аниқланади.

Чотнинг кондиломатозида дерматовенеролог маслаҳатига асосланиб номзодларнинг учиш ишига яроқлилиги аниқланади.

### **32 - модда.**

Моддага магистрал ва периферик томирлар касалликлари киради.

Аорта аневризми ташхисини аниқлашда, авиаходимларга трансторакал эхокардиография, МРТ ёки магнит-резонанс ангиография (бундан буён матнда МРА деб юритилади) текширувлари, заруриятга кўра аортография ўтказилади. Аорта ички диаметри  $> 4,0$  см. лекин  $< 5,0$  см. бўлганда номзодларга TML чеклови қўлланиб 6 ойга тиббий хулоса берилиши мумкин, диаметр  $> 5,0$  см. бўлганда 32.1. модда бўйича учиш ишига яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Жарроҳлик операцияларидан кейин, прогнозни ҳисобга олиб, оператив даволашнинг ижобий натижасида, хавф даражаси энг кам бўлган ва коронар артерия касалликлари истисно қилинган номзодларга учиш ишига яроқлилиги тўғрисида TML ва фақат кўп аъзоли экипаж таркибида учиш ишига яроқли чекловлари қўлланиб тиббий хулоса чиқарилиши мумкин. Яроқли деб топилган шахсларга доимий муддатга хирургнинг диспансер кузатуви ҳар 3 ойда белгиланади. Тегишли мутахассис маслаҳати ва бошқа текширувлар заруриятга кўра ўтказилади.

Периферик томирлар касалликлари аниқланганда, бош мия ва юрак қон-томир тизимларини тиббий текширувлари ўтказилади. Коронар томирлар билан боғлиқ патологияларни аниқлашда фармакологик юклама ва таллий билан ўтказиладиган миокард перфузиясини визуализацияси тести ўтказилиши мумкин.

Эндартерит ва атеросклероз облитерацияларида, касаллик босқичини, симптомлар мавжудлигини, текширувлар натижасини ҳисобга олиб номзодларнинг яроқлилиги аниқланади. Артерияларнинг облитерацияловчи касалликларида трофик бузилишлар ва оғриқ синдроми мавжудлигига 32.1. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга) яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Чуқур веналар тромбозида антикоагулант (варфарин, ксарелто, прадакса) билан даволаниш 3-6 ойгача давом этиши мумкинлигини ҳисобга олиб, мазкур дориларни қабул қилиш бутунлай тўхтатилгандан кейин 1 ҳафта ўтгач, учиш ишига яроқлилиги аниқланади.

Оёқ ва қўлларнинг магистрал артерия ва артерио-венозли аневризмаларида ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, натижаси ижобийлигига, қўл-оёқларда қон айланишининг бузилишлари бўлмаганда ва қон айланишини компенсациялангани функционал текширувлар билан тасдиқланганда, 32.2. модда бўйича номзодларга тегишли чекловлар қўлланиб учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Қон айланиши бузилишининг клиник белгилари бўлмаганда, лекин функционал текширувлар натижасида қон айланиши меъёрда бўлмаса, номзодга даволаниш тавсия этилади, даволангандан кейин ангиохирургнинг хulosаси ва прогнозини ҳисобга олиб яроқлилиги аниқланади, заруриятга кўра қўшимча текширувлар ўтказилади.

Функциясини вақтинча бузилиши билан кечувчи магистрал ва периферик томирларда ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, реабилитация ва иш қобилиятини тиклаш учун бир ойдан кўп муддат талаб қилинганда, 32.1. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга) яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Веналарнинг варикоз кенгайишида қон айланишининг декомпенсацияси ва трофик бузилишлар мавжудлигига, тугунлар устидаги тери юпқаланиб, томирнинг ёрилиш хавфи борлигига 32.1. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга) яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Оёклардаги томирларнинг варикоз кенгайишини жарроҳлик йўли билан даволанишнинг асоратларсиз ижобий натижасида, 3 ҳафтадан кейин ангиохирургнинг хulosаси ва прогнозини, ҳисобга олиб учиш ишига (ўқишга) яроқлилиги аниқланади, заруриятга кўра қўшимча текширувлар ўтказилади.

ФА ўкув юртларида ўқишга номзодларга веналарнинг варикоз кенгайишини компенсацияланган А даражасидагина 32.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали веналар ётишмовчилиги бўлмаган териости ёки чуқур веналарнинг ўткир тромбофлебитида, Мондор касаллигига номзодлар вақтинча учиш ишига (ўқишга) яроқсиз деб ҳисобланади. Касалликнинг ўткир белгилари бўлмаганда, вена йўли бўйича инфильтратни сўрилиб кетишида, қоннинг умумий таҳлили ва коагулограмма кўрсаткичлари меъёрда бўлса, ангиохирург хulosаси асосида хирург томонидан учиш ишига (ўқишга) рухсат берилади ва диспансер кузатуви белгиланади.

Лимфа тугунларининг шикастланишида авиаходимлар тегишли мутахассислар текширувидан ўтишлари шарт.

Лимфа тугунлари туберкулезида, тўлиқ клиник тузалиб, туберкулезга қарши диспансер

назоратидан чиқарилгандан кейин ёки III группага ўтказилганды, авиаходимларнинг касбий ишига қайта тикланиш масаласи фтизиатр билан биргаликда кўриб чиқилади.

Лимфа тугунлари туберкулези ва актиномикозини ўтказган учувчилар АКИда учиш ишига яроқсиз ҳисобланади.

Варикоцеле бўйича жарроҳлик операциясида, меҳнатга лаёқатсизлик ва рақаси ёпилгандан сўнг, хирург кўруви асосида учиш ишига рухсат этилади.

Оёқ-қўл томирларининг тромбангиити ва аортартериитида, атеросклероз облитерациясининг III-IV босқичларида, сурункали веноз етишмовчилиги билан кечувчи постстромботик ва варикоз касаллигига, фил оёқлиликнинг II-IV даражаларида, ангиотрофоневрозлар II-III босқичларида, уруғ тизимчasi вена қон томирларининг варикоз кенгайишининг III даражасида 32.1. модда бўйича барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Оғриқ синдроми ва функция бузилишлари билан кечувчи уруғ тизимчasi веналари варикозида номзодларга жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади ва даволанишнинг натижалари ижобийлигига яроқлилик аниқланади. Уруғ тизимчasi веналари варикозининг I даражасида (веналар конгломерати кам ифодаланганлигига ва қорин мусқуллари таранглигига унинг ортиқча кучайиши бўлмаганда) 32.2. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уруғ тизимчasi веналари варикозининг II-III даражаларида ва 32.1. модда бўйича номзодларга ўқишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

### **33 - модда.**

Номзодларда, тегишли гувоҳномада белгиланган касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришга монелик қилмайдиган сийдик-таносил системаси касалликлари ва аномалияларининг органик ва функционал бузилишлари, шикастланишлари мавжуд бўлмаганда, уларга 33.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Функционал бузилишлари бўлмаган нефроптознинг I ва II даражаларида номзодлар учиш ишига яроқли деб ҳисобланади, учувчиликка ўқишига номзодларга 33.1. модда бўйича ўқишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Нефроптознинг III даражасида 33.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Бирламчи гидронефрозда барча номзодлар яроқсиз ҳисобланади. Жарроҳлик усули билан муваффақиятли даволанган авиаходимлар, гидронефротик трансформация тўлиқ бартараф этилганда ва буйраклар функциясини яхши сақланганлигига учиш ишига яроқли деб топилади. Иккиласми гидронефрозда, гидронефротик трансформация сабаблари бартараф этилганда ва уларнинг қайта ривожланиши кузатилмаганда, буйраклар функциясини ўртача ва оғир бузилишлари бўлмаганда, авиаходимларга чекловлар кўлланиб 33.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Туғма бир буйракни йўқлигига ёки нефрэктомиядан кейин буйрак функциясини сақланганлик даражасини ҳисобга олиб номзодларга якка тартибда тиббий хулоса чиқарилади.

Моякни олиб ташлаш бўйича жарроҳлик операциясини (қоринда ушланиб қолиши, моякни пастга тушиши, эктопия) ўтказганлар ва қалпоқча шаклидаги гипоспадия билан номзодлар учиш ишига (ўқишига) яроқли деб ҳисобланади. Мояк ва уруғ найчаси истисқоси, уруғ тизимчasi венасини кенгайтириш, қрипторхизмда моякни тушириш билан боғлиқ жарроҳлик операцияларидан кейин, операция тури ва кўлланилган замонавий технологияларни ҳисобга олиб,

даволаш натижалари ижобийлигига камида 3 хафтадан кейин учиш ишига (ўқишига) рухсат берилади.

Простата безининг яхши сифатли гиперплазиясида, жарроҳлик усули билан даволанишга кўрсатмалар йўқлигига, функционал бузилишлар бўлмагандан 33.2. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Простата безининг яхши сифатли гиперплазиясининг симптоматик обструкциясида номзодлар вақтинча яроқсиз деб топилади. Простата безининг трансуретрал резекцияси ёки альфа адренергиклар антагонистлари (теразозин, празозин, доксазозин ва тамсулозин), 5-альфа-редуктаза блокаторлари билан даволанувчилар 3-6 ойгача яроқсиз деб топилади. Жарроҳлик усули ёки кўрсатилган дорилар билан даволаш тўлиқ тугагандан кейин, буйраклар ва сийдик йўллари функцияларининг бузилишлари мавжуд эмаслиги лаборатор ва бошқа текширувлар билан тасдиқланганда, пешоб текшируви натижаси меъёрдалигига, якка тартибда номзодларнинг учиш ишига яроқлилиги аниқланади. Уларга хирургнинг диспансер кузатуви ҳар 6 ойда доимий муддатга белгиланади.

Урологик касалликлар ва улар сабабли ўtkазилган жарроҳлик операцияларидан кейин, тегишлиси бўйича индивидуал ишлаб чиқилган антибактериал терапияга идиосинкритик реакцияни мавжуд эмаслигига, актив даволаниш бошлангандан кейин тўлиқ гемодинамик турғунликда, 14 кундан кам бўлмаган индивидуал антибактериал даволанганда (аёллардаги оддий цистит бундан мустасно), такрорий бактериологик экмаларда ҳеч қандай микроорганизмларнинг мавжуд эмаслигига, инфекция асоратлари бўлмагандан, урологик текширувлар билан ҳар қандай анатомик ёки бошқа аберрацияларнинг тўлиқ аниқланганлигига, органлар функцияларини сакланганлигига, уролог маслаҳати ва прогнози асосида яроқлилик аниқланади.

Рецидив эҳтимоли юқори бўлган, симптоматикаси тез ривожланадиган, сийдик йўллари инфекцияси мавжуд бўлган урологик касалликларда номзодлар учиш ишидан четлатилади, тўлиқ даволаниб, натижалар ижобий бўлганда, учиш ишига рухсат берилади.

Асоратларсиз кечувчи оддий циститда аёллар 5 кунга ишдан четлатилади.

Буйраклар ва сийдик-таносил органларидағи сил касаллигини фаол шаклида яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, тўлиқ даволаниб, соғайгандан кейин органлар фаолияти яхши сакланганлигига яроқлилик аниқланади.

Сийдик тутолмасликда, категориясига (доимий, стресс сабабли, ургент, сийдик пуфагини тўлиб кетиши) кўра якуний ташхис аниқланади ва тўлиқ даволаниш учун авиаходимлар учиш ишидан четлатилади. Соғайгандан кейин, касалликни келтириб чиқарувчи сабаблар бутунлай бартараф этилганда учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Буйрак ва сийдик йўлларининг сил касаллигига, тўлиқ даволангандан кейин, ихтисослаштирилган диспансер мутахассис шифокорининг хулосаси ва прогнози асосида учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Ўткир гломерулонефритда ва пиелонефритларда авиаходимлар 3-6 ойга учиш ишидан четлатиладилар. Тўлиқ соғайгандан кейин, симптоматикасини ифодаланиш даражаси кўра, ремиссияни турғунлигига, инфекция бартараф этилганда ва бошқа мезонларни ҳисобга олиб учиш ишига яроқлилик аниқланади ва тиббий хулоса чиқаришда TML, OML чекловлари қўлланилади. Мазкур номзодларга ҳар 3 ойда қондаги креатинин, пешоб ва заруриятга кўра бошқа текширувлар ўтказилади. Касалликларнинг ремиссия даврида қон босимининг 160/95 мм сим. уст. бўлишида, протеинурияни 2-3 г/л етишида, буйраклар етишмовчилигининг клиник кўринишлари мавжудлигига, қондаги креатинин миқдори 150-200 мкмоль/л.дан қўплигига номзодларга учиш ишига яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Буйракдан якка тош чиққанида, жаррохлик йўли билан тош олинганда, конкретментларни кўчиши ёки бошқа сабабларга кўра буйрак санчиғи пайдо бўлганда, даволаниб, тўлиқ соғайгандан сўнг, номзодларга навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилади. Тиббий кўрик ва текширувлар натижаларининг меъёрдалигида, пешоб ва сутка давомида йиғилган пешоб таҳлиллари ва бошқа текширув натижалари меъёрда бўлганда, пешоб экмасида микроорганизмларнинг йўқлигига, конкретмент тури маълум эканлигига, оғриқ синдроми бўлмагандан, буйраклар фаолияти яхши сақланганлигига, икки томонлама бошқариладиган ҳаво кемалари учувчиларига З йил муддат давомида OML чеклови кўлланилиб тиббий хулоса чиқарилади. Буйракдаги тош касаллигини рецидивида, тижорат авиацияси учувчисига “фақат иккинчи учувчи” ёки “фақат иккинчи учувчи мавжудлигига” каби эксплуатацион чекловлар қўлланиши мумкин, уларга ҳар 6 ойда уролог диспансер кузатуви доимий муддатга белгиланади. Бир томонлама бошқариладиган ҳаво кемалари учувчилари тўлиқ даволаниб, соғайгандан кейин даволаш ва текширув натижалари ижобийлигига учиш ишига яроқли деб топилиши мумкин. Уларга ҳар 6 ойда уролог диспансер кузатуви доимий муддатга белгиланади.

Буйрак ва пешоб чиқариш йўлларда микролитлар аниқланиши пешоб тош касаллиги ташҳисини қўйишга асос бўлмайди. Буйрак ва пешоб йўлларида морфологик ва функционал ўзгаришлар бўлмаса, авиаходимлар яроқли деб топиладилар. Асоратларсиз экстракорпорал литотрипсия ва тери орқали литотомияда, камидা 1 ойдан кейин номзодларнинг яроқлилиги аниқланади.

Клиник кўринишлари бўлмаган, иш қобилиятини тўсатдан йўқолишига олиб келмайдиган буйрак косачаси дивертикулида ёки буйрак паренхимаси ёки киста ичидаги жойлашган тошларда учиш ишига яроқлилик якка тартибда аниқланади.

### **3.1. Тери-таносил касалликлари**

#### **34 - модда.**

Номзодларда, тегишли гувохномада белгиланган касбий мажбуриятларини хавфсиз бажариши учун монелик қилмайдиган тери-таносил касалликлари мавжуд бўлмагандан, уларга 34.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали, қайталанувчи экземада номзодлар яроқсиз деб топилади. Экземанинг енгил шаклларида, терининг замбуруғли шикастланишлари, паразитар касалликлари (лейшманиоз, қўтири), пиодермиялар ва бошқа тери-таносил касалликларини ўткир даврида номзодлар даволаниши шарт. Даволаниш ва текширувлар натижалари ижобий бўлганда, соғайгандан кейин, дерматолог шифокор хулосаси ва прогнози асосида  
34.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Ихтиоз ва тангачали темираткининг жойлашуви чегараланган енгил турларида, номзоднинг умумий ахволи яхши бўлганида 34.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Барча тери ва тери остидаги бириктирувчи тўқима касалликларининг баданда кенг тарқалишида, даволаш натижалари салбий бўлганда, сурункали оғир кечувчи шаклларида, барча номзодларга 34.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Вирусли гепатит ва геморрагик безгакни ўтказганда 3-6 ойдан кейин, органлар функциялари сақланганлигига, текширувлар натижалари меъёрдалигига, соғлиги тикланганда, тегишли мутахассис шифокор хулосаси ва прогнозига кўра номзодларнинг яроқлилиги

аниқланади. АКИ билан бөглиқ учувчиликка 12 ойдан кейин рухсат этилади, минерал үғитлар билан ишлаш бундан мустасно.

### **35 - модда.**

Моддага таносил касаллуклари ва ОИТС киради.

ОИТС касаллиги ташхиси аниқланганда барча номзодларга 34.1. модда бүйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Жинсий йүл билан юқадиган инфекциялар ва юқумли тери касаллуклари аниқланганда ёки тахмин қилинганда, номзодлар тери-таносил касаллуклари диспансерида текширувдан ўтишлари ва даволанишлари лозим. Ташхис аниқланганда, касаллик түлік даволанганда, текширувлар натижалари меъёрдалигига, дерматовенеролог хулоаси ва прогнозига асосан яроқлилік аниқланади.

## **3.2. Гинекологик касаллуклар ва ҳомиладорлик**

### **36 - модда.**

Функционал бузилишлар ва оғриқ билан кечувчи анатомик дефектлари асоратлари бўлган сурункали гинекологик касаллукларда, яллигланиш жараёнини йилда 3 мартадан кўп рецидивида, қин девори ва бачадоннинг III даражали пастга тушишида, сийдик-таносил ва ичак-таносил оқма яраларида, ортқи чиқарув йўли сфинктерини функциясини бузилиши билан чтонинг йиртилишида, бачадонни нотўғри жойлашишида ва уни етилмаганлигига, икки шохли бачадонда функционал бузилишлар (бачадондан қон кетиши, оғриқ) мавжуд бўлса, 36.1. модда бүйича барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали гинекологик касаллукларнинг ўтқир даврида номзодлар даволаниши шарт. Даволаниш натижалари ижобий бўлиб, согайганда ишга рухсат этилади ва ремиссияни турғунлигини аниқлаш учун икки хайз цикли давомида гинекологнинг тиббий кузатуви белгиланади.

Кичик тосдаги оғриқ синдромисиз кечувчи чандиқли битишма мавжудлигига, функционал бузилишларсиз бачадон, тухумдан ва фаллопий найларини түфма йўқлигига, қиннинг атрезиясида ва бепуштиклида номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилмайди.

Бачадон найи касаллукларида (эндоцервицит, эрозия, электропион эрозияси каби), трихомонад кольпити ва трихомониазда номзодлар 3 ҳафтагача муддатга даволаниш учун учиш ишидан четлатиладилар.

Функционал бузилишларсиз қин девори ва бачадоннинг I-II даражали пастга тушишида авиаходимлар учиш ишига яроқли деб ҳисобланади ва уларга гинеколог диспансер кузатуви белгиланади.

Сийдик-таносил ва ичак-таносил оқма яраларининг жарроҳлик усули билан даволаниш натижалари ижобий бўлгандагина яроқлилік масаласи кўриб чиқилади.

Аёллар жинсий органларида ўтказилган асоратларсиз ва органлар функциялари бузилмаган жарроҳлик операцияларидан кейин, лапаротомияда 2 ойдан кейин, лапароскопик операцияларда 4-6 ҳафтадан кейин, тотал гистерэктомияда 6 ойдан кейин учиш ишига қайта тикланиш масаласи аниқланади. Мазкур ҳолатларда постовариэктомик, климактерик ва предменструал синдромлар мавжудлигига, руҳий эмоционал бузилишлар ва вегетатив дисфункциялар мавжудлиги ва унинг ифодаланиш даражасини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Аёллар жинсий органларида 5 см.дан катта киста сифатли ўсмалар мавжудлигига, авиаходимлар жаррохлик усули билан даволаниш учун учиш ишидан четлатилади. Даволаниш натижаси ижобийлигига, гинеколог хирург хulosасига асосан яроқлилиги аниқланади.

### **37 - модда.**

Симптомларсиз, клиник кўринишлари ва функционал бузилишлар бўлмаган кичик ҳажмдаги бачадон миомасида, эндометриозда, 5 см.дан катта бўлмаган эндометрий ва фолликулляр кисталарда авиаходимлар учиш ишига яроқли деб ҳисобланади.

Тухумдонлар дисфункциясида, авиаходимлар ишдан четлатилмаган ҳолда текширувлардан ўтишлари ва даволанишлари мумкин, эндокринолог ва гинеколог-эндокринолог маслаҳатлари ва касаллик прогнозини ҳисобга олиб авиаходимларга тиббий хулоса чиқарилади.

Бачадондан дисфункционал қон кетишида авиаходимлар даволаниши шарт. Бирламчи альгоменорея ва дисменореяда клиник белгиларнинг ифодаланиш даражаси, уларнинг давомийлиги, ўз функционал мажбуриятларини етарли даражада бажара олиши ва бошқаларни ҳисобга олиб, гинеколог маслаҳатига кўра, авиаходимларга якка тартибда тиббий хулоса чиқарилади. Иккиласми дисменореяда, ҳар томонлама ўтказилган текширув натижалари, мутахассис маслаҳати ва касаллик прогнозини ҳисобга олиб авиаходимларнинг яроқлилиги аниқланади.

Ҳайз кўриш даври оралиғида авиаходимлар тиббий кўрикдан ўтказилмайди ва учиш ишидан четлатилади.

12 ҳафтадан юқори бўлган катта ҳажмдаги миомада, миоманинг шиллик остида жойлашуви, тугуннинг центрипетал ўсиши, тугуннинг қинда жойлашуви каби клиник кўринишлардан қатъий назар, бачадондан қон кетиш, тугундаги модда алмашинувини бузилиши, иккиласми анемия, ёндош органлар функцияларини бузилишига олиб келувчи, пешоб ажралишини обструкцияси ёки ўткир пешоб тутилиши хавфлари бўлган миомаларда авиаходимлар жаррохлик усули билан оператив даволанадилар. Даволаш натижалари ижобий бўлганда, органлар функциялари сақланганлигига, тегишли текширувлар натижалари ва гинеколог-хирург маслаҳати ва прогнозини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Ички эндометриозда клиник белгилар мавжудлигига ва анемияни ривожланишида яроқсизлик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади. Оғриқсиз, симптомларсиз ёки кам ифодаланган симптомлар бўлган ташки генитал эндометриозда якка тартибда учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Тухумдонлардаги функционал кисталарнинг рецидивга мойил шаклида, фолликулляр ёки лютенили кисталарнинг бир йил давомида 2 мартадан кўп пайдо бўлишида учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

Бачадон бўйнининг туғма эрозияси, эктропион ёки эктопияси учиш ишидан четлатиш учун асос бўлмайди.

Бачадон бўйнининг I А даражали ички эпителиал ракида, органсақловчи операциядан кейин, онколог маслаҳати ва прогнозини ҳисобга олиб, текширув натижалари ижобийлигига учиш ишига яроқлилиги аниқланади.

### **38 - модда.**

Ҳомиладорлик аниқланганда авиаходимларга 39.1. модда бўйича учиш ишига яроқсизлик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади. Ҳомиладорлик сабабли ишдан четлатиш ва туғруқдан сўнг

ишга рухсат бериш, акушер-гинеколог хulosасига кўра хирург томонидан амалга оширилади.

Сунъий абортда (ҳомилани вакуум ёрдамида ёки дилатация йўли билан чиқариб ташлаш) ва кюретажда, 2 ҳафтадан сўнг, операция асоратлари бўлмаганда ва умумий соғлиги меъёрдалигида, ҳомиладорлик муддати билан боғлиқ асоратлар (қон кетиши, кичик тос органларини яллигланиши, перитонит ва септик ҳолатлар) мавжудлигини ёки пайдо бўлиш хавфини ҳисобга олиб, акушер-гинеколог хulosаси ва прогнози асосида, хирург томонидан учиш ишига рухсат берилади. Исталган ҳомиладорликда вақтидан илгари болани тушишида, номзоднинг абортдан кейинги руҳий ҳолатини ҳисобга олиб яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

#### **4. Офтальмологик касалликлар**

Номзодларда гувоҳномаси ва малака белгилари билан белгиланган ҳуқуқларини бажаришига монелик қилувчи ҳеч қандай туғма ёки орттирилган нуқсонлар, аномалиялар, ўткир ёки сурункали касалликлар, кўз ва унинг қўшимча аппаратининг жароҳатлари ёки улардаги жарроҳлик операцияларидан кейинги асоратлар, кўриш қобилиятини бузилишлари бўлмаслиги керак. Номзодларнинг кўриш майдони, кўз ички босими, бинокуляр кўриш функцияси ва ранг ажратиш қобилияти меъёра бўлиши ёки ўз касбий мажбуриятларини хавфсиз бажариш учун етарли даражада сақланган бўлиши керак.

Номзодлар кўзни ҳар қандай жарроҳлик усули билан даволашдан аввал, операция асоратлари ва учиш ишида яроқсизликка олиб келиши мумкин бўлган эҳтимолий сабаблар, учиш ишига қайта тикланиш муддатлари ҳақида офтальмолог билан сухбатдан ўтишлари лозим.

#### **39 - модда.**

Кўз химоясини ёмонлаштирувчи қовоқлар функциясини бузилишлари, қовоқларнинг ўзаро ёки кўз олмаси билан битишиб кетиши; кўриш майдонини бузилишига олиб келувчи птоз, қовоқ ва мускулларнинг фалажи (эктропион, энтропион), қовоқлар функциясини бузувчи катта ҳажмли ёйилган ўсмалар, кўриш функциясини бузилишига олиб келувчи рецидивли кератит, шоҳ парда яраси, дегенерацияси, чандиқларида, яллигланишлари, ваксуляризацияси ва функциясини бузилиши билан кечувчи турли этиологияли кератитлар, кератоконус, кўзнинг рангдор пардаси ёки томир пардасини колобомаси, асоратлари мавжуд бўлган увеитлар, кўзни доимо ёшланиб туришига сабаб бўлувчи кўз ёши нуқталарнинг нотўғри жойлашувида, кўз ёши йўлларининг торайиши ва обструкцияси, кўз ёши безининг яллигланиши, жароҳатли шикастланишлари, пигментли ретинопатиялар билан бирга тўр парданинг ҳар қандай турдаги тапеторетинал дегенерацияси, тўр парданинг кўчишида ёки ретиношизис, ҳар қандай сабабли сариқ доғдаги бузилишлар, ҳар қандай этиологияли ретробульбар неврит, патологик нистагм, кўриш нервини атрофияси, кўз корачиги меъёрий рефлексларини йўқолиши, кўриш ўткирлиги ёки кўриш майдонига салбий таъсир қилувчи ва кўрликка олиб келувчи катараракта, бир томонлама ёки икки томонлама афакия; кўз гавҳарининг тўлиқ ёки қисман силжиши; кўз ва унинг қўшимча аппарати, ҳамда кўз косасининг хавфли ўсмалари, кўз олмасини ҳаракатланишини қийинлаштирувчи ёки кўз косасининг ва бурунни ёндош бўшликлари ёки бош чаноғи бўшлиғи билан боғликлигини қийинлаштирувчи кўз косасини синиши, кўз ичидаги ёт жисмларда, тунги кўрлик (никталопия) каби номзоднинг ўз касбий вазифа ва мажбуриятларини хавфсиз бажаришига тўскىнлик қилувчи ҳар қандай кўриш тизимини бузилишига олиб келувчи жароҳатлар ва касалликларда 39.1 модда бўйича номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Кўз касалликлари ва жароҳатларини даволаш натижалари ижобий бўлганда, атрофлича ва пухта ўтказилган офтальмологик текширувлар натижалари ижобий бўлганда, кўриш функцияси етарлича

сақланганлигига, кўриш майдонинг бузилишлари бўлмаганда, кўз ёши аппарати функцияси тикланганида учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Оддий блефаритлар, кўриш функцияси бузилмаган туғма птоз (невролог маслаҳати олингандан кейин), кичик, симптомларсиз ва ривожланмайдиган хавфсиз ўсмалар, қовоқларда аҳамиятга эга бўлмаган чандиқли ўзгаришлар, кучли ифодаланмаган конъюнктивитлар, рецидивлари бўлмаган ва кўриш органларини функциялари бузилмаган кўз касалликларида яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилмайди. Мазкур касалликлар даволаниб, натижаси ижобийлигига учиш ишига (ўқишга) рухсат берилади.

Қовоқлардаги ўсмалар жарроҳлик усули билан даволангандан кейин, асоратлар, метастазлар ва ўсманинг рецидиви мавжуд бўлмаганда, онкологнинг хулососи ва прогнози ижобийлигига номзодларга учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Увеитларда, узок муддат давом этувчи, рецидивли иридоциклитларда, кератитларда, хориоретинитларда, невритларда, кўз олмаси жароҳатларида номзодлар даволанади ва тўлиқ клиник соғайгандан сўнг, ҳар томонлама ўтказилган маҳсус текширувлар натижалари ва кўриш тизими функциялари етарлича сақланганлигига, мутахассис маслаҳати ва прогнозини ҳисобга олиб, учиш ишига рухсат бериш тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Марказий серозли ретинопатияда, тўр пардани ажралишида (ёрилишида), номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Касаллик даволангандан кейин, кўриш функциясини касбий мажбуриятларини бажариш учун етарли даражада сақланганлигига, текширув натижалари ижобийлигига, офтальмолог хулососи ва прогнози асосда учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Тўр пардани ажралишида ёки периферик ёрилишини лазер билан ижобий даволанишида, кўриш функциясини ва периферик кўриш майдонини касбий мажбуриятларини бажариш учун етарли даражада сақланганлигига, текширув натижалари ижобийлигига, офтальмолог хулососи ва прогнози асосда чекловлар кўлланиб учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Кўриш функцияси етарлича сақланган кучайиб бормайдиган бошланғич қарилек катарактасида, кўз гавҳари хиралашини чегараланганилигига, макулодистрофияда, кўриш нервининг бошланғич кучайиб бормайдиган атрофиясида, шишасимон тананинг шикастланишида 39.2 модда бўйича номзодларга якка тартибда учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уларга офтальмологнинг диспансер кузатуви белгиланади.

Монофокаль интраокуляр линзани имплантациясида, даволанишдан 6-8 ҳафта ўтгач, операция асоратлари йўқлигига, кўриш функцияси тикланганда, дорилар билан даволаниш тўлиқ тамомланганда, ҳар томонлама ўтказилган текширувлар натижалари ижобийлигига якка тартибда учиш ишига яроқлилик аниқланади. Авиация ишида бир ёки икки кўзга фақат монофокаль интраокуляр линза имплантациясида учиш ишига яроқлилик аниқланади (мультифокал сунъий кўз гавҳари имплантацияси бундан мустасно).

Лазер билан жарроҳлик усули кўлланилганда (тўр парданинг лазерли коагуляциясида) 2 ҳафтадан кейин, лазер билан in-situ- кератомилезда 4-6 ҳафтадан кейин кўриш функциясини сақланганлик даражасини ҳисобга олиб яроқлилик аниқланади.

Рефракцион жарроҳлик усуллари билан даволангандан кейин, операция асоратлари бўлмаганда, кўриш функцияси ва кўриш ўткирлиги касбий мажбуриятларини бажариши учун етарли сақланганлигига, мугуз парда хиралашмагандан, нурни акс этишига (фотопсияга), ореол эффиқти ёки силжиб юрувчи тасвирлар ва бошқаларга шикоятлари бўлмагандан, қоронгиликка адаптация қониқарлилигига, текширувлар натижалари ижобийлигига, офтальмолог-хирург

хулосаси ва прогнозини ҳисобга олиб 39.2 модда бўйича якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. ФА ўкув юртларида ўқишга номзодларда рефракцион жарроҳлик усуллари қўлланилганда, операциядан аввалги рефракция +4.0D/-3.0D, cyl +/- 1.5D дан кўп бўлмагандагина ўқишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Рефракцион жарроҳлик усуллари қўлланилганда, қўлланилган усул, кўз функциясини тикланиши, рецидив эҳтимоли, прогноз ва бошқаларни ҳисобга олиб, учиш ишига тикланиш муддати 3 ойдан 6 ойгача ваколатли орган тиббий эксперталари томонидан якка тартибда белгиланади. Уларга офтальмологнинг диспансер кузатуви ҳар 6 ойда ўтказилади ва доимий муддатга белгиланади.

Кўз олмасининг яллиғланувчи-дегенератив касалликларида ва кўз томирлари функциясини бузилишларида яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Кўз гавҳари капсуласидаги майда бир-икки пигментлар, шишасимон танадаги артерия қолдиқлари, тўр пардадаги миелин толалари каби туғма асоратларда ФА ўкув юртларида ўқишга номзодлар яроқли ҳисобланади.

Ҳар галги тиббий кўрик ўтишда номзодларда қоронгиликка адаптация текширилади. Органик касаллик сабабли функционал характерга эга бўлган қоронгиликка адаптацияни пасайишида қайта текширув ўтказилади, қўрсаткичлар прибор қўлланмасида берилган меъёрий қўрсаткичларга тўғри келиши керак. Қўрсаткичлар меъёрда бўлмаганлигида, асосий касаллик аниқланади, даволанади ва натижаси ижобийлигида яроқлилик аниқланади.

Кўз гавҳари ва кўз рангдор пардаси колобомаларида, поликорияда, туғма катаректада, кўриш нерви дискининг касалликларида 39.1 модда бўйича ФА ўкув юртларида учувчиликка ўқишга номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

#### **40 - модда.**

Шикоятлар ва текширув натижалари асосида глаукомага гумонсираш бўлганда, ихтисослаштирилган муассасада номзоднинг ташхиси ва касаллик прогнози аниқланади. Импрессион тонометрияда Фриденвальд жадвали бўйича кўз ички босимини турғун қўрсаткичи 24 мм симоб устунига тенг ёки юқори бўлганда ёки кўзлар ички босими орасидаги фарқ 5 мм симоб устунида бўлса номзодларга қўшимча текширувлар (гониоскопия, фундоскопия, кўриш майдонини аниқлаш ва бошқалар) ўтказилади ва заруриятга кўра даволанади.

Кўз нерви шикастланмаган ва кўриш майдони сақланган яхши сифатли кўз ички босимини меъёрдан юқоридалигида (кўз ички гипертензиясида) ва кўз ички босими компенсацияланган бирламчи очиқбурчакли глаукомада, кўз ички босими меъёрга келганидан бошлаб авиаходимлар яроқли ҳисобланади ва уларга доимий локаль гипотензив терапия қўлланилади. Биринчи марта ташхис аниқланганда, ваколатли органнинг тиббий эксперталари томонидан тиббий хулоса чиқарилади.

Глаукома ташхиси аниқланганда, турига қараб даволанади, агар у асосий касалликни иккиласида кўриниши бўлса асосий касаллик даволанади. Дорилар ва лазер билан ижобий даволаниб, клиник соғайгандан кейин, кўриш ўткирлиги ва кўриш майдони меъёрда бўлиб, парацентрал скотома шаклидаги нерв толалари тутамларини дефектлари йўқлигида ва бошқа кўз функциясини текширув натижалари ижобийлигида авиаходимнинг яроқлилиги аниқланади.

Глаукомада авиаходимларга мунтазам равишда кўз ички босимини тонометрияси, кўриш ўткирлиги ва қўриш майдони текширувлари ўтказилади, кўриш нерви дискини ҳолати ва қабул қилаётган дори-дармонларнинг ножӯя таъсиrlари баҳоланиб борилади.

Трабекулэктомияда ёки дренаж системалар қўлланлиши билан антиглаукоматоз жарроҳлик операциясида З ойдан кейин, лазер ёки бошқа усуллар қўлланганда кўриш органи функциялари тўлиқ тикланганида, офтальмолог-хирургнинг операция ва текширувлар ҳақидаги тиббий маълумотлари, хулоса ва прогнози асосида авиаходимнинг яроқлилиги аниқланади.

#### **41 - модда.**

Барча номзодлар ўз касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришлари учун рангларни тўғри ажратиш қобилиятига эга бўлишлари керак.

Ранг ажратишнинг бузилишларида, тури, шакли ва даражасига кўра қабул қилинган тасниф бўйича ташхис қўйилади, VCL чеклови қўлланилади.

Ранг ажратиш қобилияти Ишихара рангли тести, Рабкиннинг полихроматик жадваллари, FALANT-тест, аномалоскоп (компьютерли) текширувлари ёрдамида аниқланади. Тиббий текширув натижалари қўлланилган услугуб ёки асбоб қўлланмасида кўрсатилган тегишли нормаларга мувофиқ маҳсус бланкаларда баҳоланади.

Дори-дармон воситаларини қабул қилиш ва касалликларнинг асоратлари сабабли юзага келувчи орттирилган ранг кўриш бузилишларида, кўриш функцияси сақланганлигига, кўриш органининг шикастланиш даражаси, даволаниш ва текширувлар натижалари, касалликни прогнози асосида якка тартибда чекловлар қўлланиб учиш ишига яроқлилик аниқланади. Мазкур ҳолда ташхисни аниқлашда аномалоскоп ёки FALANT-тест ёрдамида текширув ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Номзодларда “С”, “В” турларидаги дейтераномалия, “С”, “В” турларидаги протаномалия каби ранг ажратиш заифлигини мавжудлиги, уларга тиббий хулоса беришни рад этишга асос бўлмайди.

Номзодларда аномал трихромазиянинг (протаномалия, дейтераномалия, тританомалия) “А” турида, дихромазия (протанопия, дейтеранопия, тританопия), монохромазия каби ранг ажратишни бузилишлари мавжудлигига, уларга учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

#### **42 - модда.**

Номзодлар ўз касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришлари учун, уларда бинокуляр кўриш функциясини ва кўриш майдонини бузилишлари, ҳамда диплопия бўлмаслиги керак.

Кўз олмаси мускуллари балансини ва бинокуляр кўришни баҳолашда фория ва тропияни фарқлаш, кўриш марказидан оғиш даражасини, ортофорияни ва бошқа ҳолатларни аниқлаш учун Мэддокс таёқчasi билан текшируv, тегишли коррекцияловчи кўзойнак ёки контакт линзалари ёрдамида қўзни юмиш тести, қўзни навбатма-навбат юмиш, қўзни юмиб-очиб, синоптофор, Уорднинг 4 нуқтали тестлари ёрдамида текширувлар ўтказилади. Заруриятга кўра мутахассис-офтальмолог томонидан фузия амплитудаси аниқланади ва ортоптик текширувлар ўтказилади.

Нормада манфий фузион захиралар 5-8 градусни, мусбат фузион захиралар 15-20 градусни ташкил этади.

Эзофория-10 призматик диоптрий (бундан буён матнда D деб юритилади), экзофория-5 призматик D, гиперфория ёки гипофория-2 призматик D, циклофория-1 призматик Dдан юкори бўлган нормадан оғишлар аниқланганда, номзодлар тегишли мутахассис-офтальмолог текширувидан ўтишлари керак.

Номзодларда диплопия аниқланганда, учиш ишидан четлатилади ва сабаблари (хаддан зиёд кўп ишлаш, чарчоқ, стресс, седатив дорилар қабул қилиш, касаллик ва бошқа ҳолатлар) аниқланади, тегишли чора-тадбирлар ўтказилади. Сабабидан қатъий назар монокуляр диплопияда барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Юқорига ва четга қарашида нигоҳнинг энг четки зонасида диплопияни пайдо бўлишида чекловлар қўлланиб касбига яроқлилик аниқланади.

Кўз мушаклари балансини бинокуляр кўриш текширувларида кам ифодаланган ўзгаришлар аниқланганда, учиш ишига яроқли деб ҳисобланади.

Кўз соққаси фалажи ёки турғун парезида, қовоқ мускуларини фалажида, паралитик ва биргаликдаги ғилайликда, кўз соққаларининг яққол ифодаланган ихтиёrsиз тебранувчи харакатлари борлигида, кўз косасини жароҳатида кўз мускуларини шикастланиши сабабли юзага келган турғун диплопияда, фузион захиралари пасайган гетерофорияда, гетеротропияда, нотурғун (ўзгарувчанлик) фиксация синдромида, бинокуляр кўришни бузилишида номзодларга учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

6 метр масофада - вертикал бўйича 2.0 призматик D (1 градус), эзофорияда 10 призматик D (5 градус), экзофорияда 8.0 призматик D (4 градус) ва 33 см. масофада-вертикал бўйича 1.0 призматик D (0 градус), эзофорияда 8 призматик D (4 градус), экзофорияда 12 призматик D (6 градус)дан юқори кўрсаткичларда номзодларга учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Кўзни четга буришда нистагм бор бўлганда, невролог ва оториноларинголог маслаҳати олинади, бинокуляр кўриш бузилмаганда тиббий хулоса асосий касаллик бўйича чиқарилади.

Номзодлардаги ғилайликни (гетерофория) аниқлаш учун, даврий тиббий қўрикларда синоптофор ёрдамида кўзларнинг биргаликдаги харакатларини текширувлари ўтказилади. Гетерофорияни тури, даражаси ва фузион захиралар аниқланади, фузион захираларни камайишида даволаш машқлари ўтказилади.

#### **43 - модда.**

Кўз ўткирлиги, ёргулик даражаси белгиланган талабларга жавоб берувчи хонада, 5-6 метр масофадан туриб коррекциясиз ва коррекция билан текширилади ва ҳақиқий кўз ўткирлиги кўрсатилади.

ФА ўқув юртларида учувчиликка ўқишга номзодларда кўз ўткирлиги коррекциясиз ҳар бир кўзда алоҳида 0.7 бўлиши, бинокуляр кўришда коррекциясиз ва коррекция билан 1.0 бўлиши керак.

Гувоҳнома эгаларида, контакт линзалари ва (ёки) тегишли коррекцияловчи линзалари бўлган кўзойнаклар ёрдамида бинокуляр кўз ўткирлигини 1.0 га тўғри келишида ва кўриш майдонини меъёрдалигига, уларга коррекцияланмаган кўз ўткирлигига чекловлар кўйилмайди.

Номзод 5-сонли ёки унга эквивалент бўлган жадвални 30-50 см масофада; 14-сонли ёки эквивалент унга бўлган жадвални 100 см масофада коррекциялаб ўкиши керак.

Номзодларда кўз ўткирлиги коррекциясиз ҳар бир кўзда 0.7 юқори бўлишида ва кўз ўткирлиги коррекциясиз бир кўзда 0.7 пастлигига, агар бинокуляр кўриш ўткирлиги (коронғиликка адаптация шароитида ҳам) коррекциясиз 1.0 га эришилганда, у ҳолда узокни коррекциялаш талаб қилинмайди. Номзодларда турғун бинокуляр кўриш мавжуд бўлиши керак.

Номзодларда, оптимал кўриш функциясини таъминлайдиган, қулай ва авиациядаги иш

фаолиятига мос келадиган, умумий фойдаланиш учун тўғри келадиган захира кўзойнаги бўлиши керак. Улар узоқ масофани кўришни таъминловчи, монофокал, рангиз ва қулай контакт линзалардан фойдаланишлари лозим. Етарли даражадаги рефракцияга эга бўлмаган номзодлар, синдириш коэффициенти юқори бўлган контакт линзалари ёки кўзойнакли линзалардан фойдаланишлари лозим. Кўриш учун зарур бўлган шартга мувофиқ фақат битта кўзойнак тақилади. Кўриш қобилиятини пасайишида пресбиопия мавжуд бўлса, номзодларга коррекцияловчи бифокал кўзойнаклар ёки контакт линзалари билан учиш ишини бажаришлари ва ёнида захира кўзойнак тўпламини олиб юришлари талааб қилинади. Бу ҳолларда VDL, VML, VNL, CCL чекловлари кўлланади. Номзодларда кўзойнакларни (линзаларни) мавжудлиги ва уларнинг сифати тиббий кўришларида назорат қилинади.

Яқин масофага кўришни унифокал коррекцияси (ўкиш учун қўлланиувчи бир оптик куча эга бўлган яхлит линзали кўзойнаклар) катта масофаларга кўриш ўткирлигини анчагина пасайтириши сабабли қўлланишга рухсат этилмайди.

Номзодларда бир кўзда кўришни патологик пасайишида (марказий кўришни пасайишида), бинокуляр кўриш сақланганлигига, иккинчи кўзнинг узокка кўриш ўткирлиги коррекция билан ёки коррекциясиз 1.0 бўлиб оралиқ кўз ўткирлигига (яқин, ўрта дистанция) етишида, асосида ётган касаллик офтальмологик текширувда ижобий баҳоланса (рефракция аномалияси бор бўлган шахслар учун кўриш ўткирлиги коррекция билан ёки коррекциясиз 0.6 дан паст бўлмагандага), иккинчи кўзда аҳамиятга эга касалликлар бўлмагандага, 43.2 модда бўйича номзодларга учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Миопиянинг 0.5D даражасида, гиперметропиянинг 1.0D даражасида, астигматизмнинг 0.5D ва кўз ўткирлиги коррекциясиз 1.0 бўлганда, тиббий ҳужжатларда ташхис “соғлом” деб кўрсатилади ва “рефракция” қаторида тегишли ёзув VNL чеклови билан ёзилади.

Рефракция-+5.0D.дан юқори бўлмаган гиперметропияда, -6.0D.дан юқори бўлмаган миопияда, 2.0D.дан юқори бўлмаган астигматизмда, 2.0D.дан юқори бўлмаган анизометропияда оптимал коррекцияга эришилганда, номзодларга 43.2 модда бўйича, ташхисида рефракциянинг тури ва хатолик даражаси кўрсатилиб, учиш ишига ва ўқишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. 2.0 дан 3.0D.гача бўлган анизометропияда контакт линзаларни тақиши керак.

Рефракциянинг клиник текшируви ретиноскоп, автомат рефрактор ёки циклоплегик препаратлар ёрдамида ўтказилади.

ФА ўқув юртларига учувчиликка ўқишига номзодларда (abituriyentlarда) циклоплегия шароитида (1 % циклопентолат, 1 % атропин) текширув ўтказилиб, рефракция тури ва даражаси аниқланади.

ФА ўқув юртларига учувчиликка ўқишига номзодларда (abituriyentlarда) 3.0Dдан юқори бўлмаган миопияда, 4.0Dдан юқори бўлмаган гиперметропияда, +/- 1.5Dдан юқори бўлмаган астигматизмда, 2.0Dдан юқори бўлмаган анизометропияда ҳар бир кўзга оптимал коррекция 1.0га эришилганда, уларга 43.2 модда бўйича, ташхисида рефракциянинг тури ва хатолик даражаси кўрсатилиб, учувчиликка ўқишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

АКИ бажаришда учувчиларга контакт линзалар қўлланилиб кўришни коррекция қилиниши мумкин эмас.

#### **44 - модда.**

Пресбиопия даражаси ва аккомодацияни бузилиши, профессионал фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаш масофаси (60-80 см) ҳисобга олиб, сферик линза кучи билан

аниқланади.

Аккомодацияни бузилишида ва 3.5Д.дан юқори даражадаги пресбиопияда 44.1 модда бүйича учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Пресбиопия мавжуд бўлган контакт линзалардан фойдаланувчи номзодлар, линзалар устидан ўқиш учун кўзойнаклар тақиши мумкин.

## 5. Оториноларингология

Номзодларда, гувохномасига тегишли бўлган касбий вазифалари ва мажбуриятларини хавфсиз бажаришга тўсқинлик қиласиган қулоқ, томоқ, бурун, оғиз бўшлиғи, тишлар ва улар билан боғлиқ аъзоларнинг ҳеч қандай аномалиялари, касалликлари, обструкциялари, шикастланишлари, жароҳатлари, дисфункциялари, жарроҳлик амалиётининг асоратлари ва органлар фаолиятларини бузилишлари бўлмаслиги лозим.

### 45 - модда.

Мазкур моддага лор-органларининг, оғиз бўшлиғи ва қулоқлариниг ўткир ва сурункали касалликлари, нуқсонлари, аномалиялари, жароҳатлари ва жарроҳлик операцияларининг асоратлари киради.

Радиоалмашувни олиб боришга тўсқинлик қилувчи яққол ифодаланган нутқ бузилишларида ва дудукланишда номзодлар яроқсиз деб топилади. Нутқ бузилиши ва дудукланишнинг енгил ифодаланган даражаларида тижорат авиацияси учувчиси (самолёт, вертолёт, дирижабль, кўтариш кучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси) яроқли деб топилади. Аниқ тушунарли нутққа эга бўлган, баъзи бир товуш талаффузини бузилишида, логопед маслаҳати олинниб, номзодлар яроқли деб топилади.

Ечиб қўйиладиган тишлар протези мавжудлигига, нутқ функцияси протезлар ечилган ҳолда аниқланади.

Кўплаб тишлар йўқлиги сабали чайнаш функциясини кам аҳамиятли бузилишида, комиссия оралиги даврида протезлаш тавсия этилади.

Аллерген аниқланган ва уни бартараф қилиш осон кечадиган поллиноз, риноконьюктиваль синдром каби аллергик ҳолатларда, аллерголог хулоаси ва прогнози асосида якка тартибда номзоднинг яроқлилиги аниқланади.

Махсус анжомлардан (кислород маскаси каби) фойдаланишда қийинчилик туғдирувчи, лор-органлари функцияларини клиник аҳамиятга эга бўлган бузилишлари билан кечувчи (нафас олиш, нутқ функциялари каби), барча юқори нафас йўллари органлари, оғиз бўшлиғи ва қулоқларнинг туғма ёки орттирилган тургун нуқсонлари, касалликлари, жарроҳлик асоратлари, жароҳатлари, кўплаб тишларнинг йўқлиги, юқори нафас йўлларини дистрофияси кабилар мавжудлигига 45.1 модда бўйича номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Бурундан нафас олишни қийинлаштирувчи ёки нафас олишни тўлиқ йўқлиги мавжуд бўлган бурун тўсигининг қийшайишида, юқори нафас йўлларидағи шиллиқ қаватининг дистрофиясида, нафас олиш ва нутқ функцияларини бузилишига олиб келувчи бурун чиганоқларнинг гипертрофияси, аденоидлар каби касалликларда, жарроҳлик ёки даволашнинг бошқа усувлари қўлланилиб, уларнинг ижобий натижаларида, органлар функцияси тикланганда ўқишга ва учиш ишига яроқлилик аниқланади. ФА ўкув юртларига ўқишга киравчи номзодларга жарроҳлик операцияларини ижобий натижаларида, операциядан 2 ой ўтгандан сўнг тиббий қўрик ўтказилади.

Бурундан нафас олишни қийинлашуви ёки бурундан нафас олишни тўлиқ йўқлиги мавжуд бўлган бурун тўсифининг қийшайгандигида, нафас олиш ва нутқ функцияларини бузилишига олиб келувчи бурун чиганоқларининг гипертрофияси ва аденоидлари кабиларда 45.1 модда бўйича барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Гаймор бўшлиқлари шиллик қаватининг қалинлашишида учувчиликка ўқишга номзодлар яроқли деб ҳисобланади.

Бурун бўшлиғи ва ёндош бўшлиқлардаги жарроҳлик операцияларидан 2 ҳафта ўтгандан кейин, бурундан нафас олиш функцияси тўлиқ тикланганида номзодларга учиш ишига (ўқишга) рухсат берилади.

Шамоллаш белгилари мавжудлигига (йўтал, бурун битиши, бурун ёки томоқдан йиринг чиқиши каби) ва нафас олиш функциясини бузилиши билан кечувчи бурундаги ҳар қандай ҳолатларда номзодлар учиш ишидан (ўқишидан) четлатиладилар. Тўлиқ даволаниб, согайгандан сўнг отолариноларинголог томонидан учиш ишига рухсат берилади.

Асоратларсиз жарроҳлик усули билан даволанган сурункали декомпенсацияли тонзиллитда, операциядан 1 ой ўтгандан кейин учиш ишига (ўқишга) яроқли ҳисобланади.

Сурункали компенсацияланган тонзиллитда номзодларга даволаш профилактика тадбирлари ўtkазилади.

#### **47 - модда.**

Моддага хавфли ва хавфсиз ўсмалар киради.

Учиш ишига тўсқинлик қилмайдиган пешона бўшлиқлари остеомаларида номзодлар учиш ишига яроқли деб ҳисобланади.

Яхши сифатли ўсмаларда (фиброма, полип, гемангиома), жарроҳлик ёки бошқа даволаниш усууларини натижалари ижобий бўлганда, нафас олиш ва сўзлаш функциялари тикланганда, шикоятлар, оғриқ ва бош айланиши бўлмаганда, тиббий текширувлар натижалари ижобий бўлганда учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Гаймор бўшлиқларининг 2 см.дан кўп бўлган кисталари, пешона бўшлиқларини киста ва остеомалари сабабли ўтказилган ринопластикасидан кейин 2 ҳафта ўтгач, бурундан нафас олиш функцияси тўлиқ тикланганда номзодлар ўқишга яроқли деб топилади.

Акустик невриномада номзодларга 47.1 модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Органлар функциясини яққол бузилишлари мавжуд бўлган хавфли ва хавфсиз ўсмаларда 47.1 модда бўйича учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Хавфли ўсмалар сабабли даволангандан кейин, тўлиқ согайганда, органлар функциялари тикланганда, текширувлар натижалари ижобийлигига, онколог хулосаси ва прогнозини ҳисобга олиб учиш ишига яроқлилик аниқланади.

#### **48 - модда.**

Кулоқ ногора пардасининг оддий пункцияси ва оддий мастоидэктомиядан кейин, бош айланиши бўлмаса, эшитиш ўткирлиги ижобийлигига номзодлар учиш ишига яроқли деб ҳисобланади. Радикал мастоидэктомиядан кейин, монаурал эшитиш функциясини йўқолиши, инфекция, бош айланиши ва бош чаноғи ичидаги пайдо бўлиши мумкин бўлган асоратларни ҳисобга олиб тўлиқ отологик текширувдан кейин номзоднинг учиш ишига яроқлилиги

аниқланади.

Үрта қулоқ узангичасидаги жарроҳлик операциясидан кейин 3 ой ўтганда, натижалар ижобий бўлганда, қулоқ, томоқ ва бурунларнинг тўлиқ текширувлари меъёрдалигида, евстахиев найини ўтказувчанлигига, бош айланиши бўлмагандан, Вальсальва синамаси ва кучли бурун қоқишида бармок билан нотўғри кўрсатиш, нистагм ва нотурғунлик бўлмагандан тиббий хулоса чиқарилади. Номзодда 3 ой давомида бош айланиши кузатилмаса ва операциядан кейинги эшитиш функцияси меъёрда бўлса, эксплуатацион чекловлар қўлланилиб (2 йил давомида фақат иккинчи учувчи мавжудлигига ёки кафолотловчи яна бир учувчи мавжудлигига) учиш ишига яроқли деб топилиши мумкин. Бу ҳолда унга оториноларингологнинг диспансер кузатуви белгиланади ва ўрта қулоқ вентиляциясини бузилишига олиб келувчи юқори нафас йўллари инфекцияларини профилактикаси олиб борилади.

#### **49 - модда.**

Номзодларнинг вестибуляр функцияси (статокинетик таъсирчанлик) вестибуляр анамнезига, вестибулометрия (айланувчи кресло билан тест, Барани креслоси) натижаларига, узоқ муддатли учишларга чидамлилигига кўра аниқланади.

Вестибулометрияда енгил вестибуловегетатив реакциялар (рангини хиёл оқариши, кам ифодаланган гипергидроз) аниқланганда, соғлигига ўзгаришлар бўлмаса ва учиш ишига чидамли бўлса ташхис қўйилмайди.

Хавфсиз пароксизмал бош айланишда учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Тўлиқ даволангандан кейин 4 ой ўтганда, касаллик симптомлари бўлмагандан қайта тиббий кўриқдан ўтказилиши мумкин.

Менъер касаллигига, консерватив ёки хирургик усууллар билан даволаш қийин бўлган (даволаб бўлмайдиган) вестибуляр функциянинг тугма ёки орттирилган аномалияларида, сурункали вестибуляр бузилишларда, статокинетик таъсирчанликни юқори даражасида 49.1 модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва улар қайта кўриқдан ўтказилмайдилар.

#### **50 - модда.**

Полиплар, грануляция, нофора бўшлиғи деворларини кариеси билан кечувчи сурункали йирингли эпитетимпанит ва мезотимпанитларда, операцион бўшлиқ эпидермизацияси тугалланмаган (йиринг, полип, грануляция ёки холестеатома мавжудлиги) жарроҳлик операцияларини асоратларида 50.1 модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Грануляциясиз, полипларсиз, нофора бўшлиғи деворларини кариесисиз кечувчи, лабиринтда яллиғланиш аломатлари бўлмаган, сурункали хавфсиз кечувчи бир томонлама эпитетимпанит ва мезотимпанитларда, даволаш натижалари ижобийлигига, эшитиш ўткирлигини ҳисобга олиб номзодларнинг учиш ишига (ўқишига) яроқлилиги аниқланади. Барофункция ва эшитишнинг кам ифодаланган бузилишида, учиш ишида баротравматик ўзгаришлар бўлмагандан ва учиш ишига чидамли эканлигига, учувчилар учиш ишига яроқли деб топилади. Яроқли деб топилганларга оториноларинголог диспансер кузатуви 1 йил давомида ҳар 3 ойда белгиланади ва 6 ойда 1 марта аудиометрия теширизуви ўтказилади.

Ҳаво босимининг ўзгаришида Евстахиев найчаси ўтказувчанлигини бузилиши ёки қулоқнинг бароаккомодацион механизмларини етишмовчилиги сабабли қулоқ барофункциясини бузилишида, даволангандан кейин барофункция бузилишининг шаклига (органик ёки

функционал) кўра тиббий хулоса чиқарилади.

Ноғора парданинг яхши ҳаракатланишида, эшитиш функциясини меъёрдалиги аудиограмма билан тасдиқланганда ва барофункция сақланганлигига, перфорация жойида юпқалашмаган кичик чандиқларни мавжудлиги, қуруқ перфорация, ноғора пардада кальцификатлар борлиги ташҳис қўйишга асос бўлмайди.

Ташқи эшитиш йўлининг экзостазларида, қулоқ атрофи соҳасидаги остеомаларда ва сурункали йирингли мезо- ва эпитимпанитларнинг радикал операциясидан кейин, қулоқ функцияси тўлиқ тикланганида ва текширувлар натижалари ижобий бўлганда учиш ишига яроқлилиги аниқланади.

Қулоқ барофункцияси бузилишининг турғунлиги ва ифодаланиш даражаси, қулоқ манометрияси, отоскопия, қулоқларда ҳаво оқимини ўтказиш ёки катетеризация билан тасдиқланиши керак.

### **51 - модда.**

Ўз гувоҳномалари ва малака белгилари билан белгиланган мажбурият ва вазифаларини хавфсиз бажаришлари учун, номзодларнинг эшитиш қобилияти етарли даражада сақланган бўлиши керак.

Эшитиш қобилияти 6 метрдан кам бўлмаган масофадан туриб, бас ва дискант гуруҳдаги сўзларни шивирлаш (акуметрия) ва калибрланган (тиниктонал) аудиометрия ёрдамида аниқланади. Кўшимча равишда ультратовуш ва камертонлар ёрдамида текширувлар ўтказилади. Акуметрия ва камертонлар ёрдамида текширувларни фақат тажрибали оториноларинголог ўтказади ёки мазкур текширувлар натижалари аудиометриядага тасдиқланиши керак. Эшитиш функциясини аниқлашда, бас ёки дискант гуруҳдаги сўзларга тегишилигидан қатъий назар. Эшитиш қобилиятининг энг салбий кўрсаткичлари асос қилиб олинади.

Нутқ аудиометриясида номзоднинг сўзларни тўғри эшитиши ва такрорлаши 95-100% ташкил этганда эшитиш қобилияти меъёрда деб ҳисбланади, кўрсаткичнинг 80% камлиги яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқаришга асос бўлади.

Аудиометриядаги шовқинни қабул қилиш интенсивлиги -20 дБ.дан +100 дБ.гача ва 125 Гц.дан 8000 Гц.гача бўлган диапазонларда қайд этилади. Номзодларда калибрланган (тиниктонал) аудиометрияда, ҳар бир қулоқда алоҳида 500, 1000 ёки 2000 Гц частоталаридан бирида 35 дБ.дан юқори ёки 3000 Гц частотада 50 дБ.дан юқори эшитиш қобилиятини сақланганлиги бўлиши керак.

Тинч хонада, 2 метр узоклиқда, номзод текшираётган шифокорга тескари тургани ҳолда, ўртача баландликдаги сўзлашув нутқини иккала қулоқда эшитиш қобилиятига эга бўлмаса, 51.1 модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Эшитиш қобилиятини тиклаш бўйича радикал жарроҳлик операцияларидан кейин (тимпанопластика, стапедопластика), операцион бўшлиқнинг тўлиқ ва турғун эпидермизациясида, эшитиш функцияси тикланганда, маҳсус асбобни тақиши қоникарли бўлиб унда эшитиш қобилиятини сақланганлигига учиш ишига яроқлилиги аниқланади.

Учувчининг эшитиш қобилияти юқоридаги талабларга жавоб бермаганда, лекин ҳаво кемаси кабинасидаги сўзлашув ва радиомаяк сигналларига қўшилиб кетувчи оддий шовқин фонида (имитация қилинган ёки қайта тикланган шовқин фонида) унинг эшитиш қобилияти меъёрда бўлса, OAL чеклови қўлланиб учиш ишига яроқли деб топилади. Бу ҳолда шовқин фони номзоднинг гувоҳномаси ва малака белгилари орқали рухсат берилган ҳаво кемаси турининг шовқин фонига тўғри келиши лозим.

Шовқинли шароитда текширув ўтказишда фойдаланиладиган сўзлашувга оид материаллар авиация иши билан боғлик сўзлашувга ва фонетик жиҳатдан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Заруриятга қўра текширувлар тренажерда ўтказилади.

Эшитишни нейросенсор йўқолишида, эшитиш органининг бошқа касалликларидан дифференциациялаш ва неврит этиологияси (захарланиш ёки жароҳатдан кейинги асоратлар, атеросклероз ёки гипертония касалликлари фонида, инфекция, шовқин сабабли ва бошқалар) аниқланиб ташхисда кўрсатилиши керак.

4000-8000 Гц частоталарда айрим чегараларнинг 30-40 дБ.гача бўлиши клиник ташхис қўйишга асос бўлмайди. Мазкур номзодларга оториноларинголог диспансер кузатуви белгиланади.

Этиологиясидан қатъий назар, эшитишни нейросенсор йўқолишида учувчиларга учиш соатини ойлик санитар нормаси 60 соат этиб белгиланади ва уни узайтириш тақиқланади.

Эшитиш қобилиятини пасайиши аниқланганда кўриқдан ўтаётган учувчи, икки томонлама радиоалоқа олиб бориш маълумотлари ҳақидаги учиш ишига доир тавсифномани оториноларингологга тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида тиббий хулоса  
бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

2-илова

## **2 класс тиббий хулосасини олишга номзодларнинг соғлиқ ҳолатига қўйилган тиббий талаблар**

1. Неврологик тиббий кўрик ўтказишда қуйидагилар аниқланиши лозим: гувоҳнома эгасида неврологик касалликнинг мавжудлиги, мазкур касалликнинг статик ҳолатда функционал равишда парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкинлиги, мазкур ҳолатнинг мониторинг ўтказиши мумкин бўлган вақтинчалик прогрессивлашувчи кўринишга эгалиги, аҳамиятга эга бўлмаган қолдикли функционал неврологик бузилишларсиз касалликдан соғайтанлиги, авиаходим руҳий ҳолатининг бузилишлари, унинг иш қобилиятини тўсатдан ёки яширин йўқолишига олиб келиши сабабли, мазкур ҳолатнинг эҳтимоллиги ёки мавжудлиги аниқланиши зарур.

Аviaходимлар ва курсантларнинг руҳий ҳолатини кузатиш невролог, психолог ва бириктирилган авиация шифокорлари томонидан амалга оширилади.

2. Шахсада руҳий бузилишлар аниқланганда ёки руҳий касаллик гумон қилинганда ва бошқа тиббий кўрсатмалар мавжудлигида, у ўқишдан ёки ўз касбий функционал мажбуриятларини бажаришдан четлатилади ва ихтисослашган руҳий касалликлар тиббий муассасасига йўлланади. Мазкур шахснинг ижтимоий адаптация ҳолати билан руҳий соғлиги ҳақида психиатрларнинг комиссиян хуносаси олингандан кейин, тиббий кўрик ўтказиш масаласи ТУКда кўриб чиқилади. Психиатрлар тиббий қўриги (текширувлари) кўриқдан ўтувчининг розилиги билан амалга оширилади. Кўриқдан ўтувчининг психиатр кўригини (текширувини),

зарурият бўлганда даволанишни рад этиши унинг тиббий китобчасида қайд этилади ва бу тиббий хулоса бермасликка ёки амалдаги тиббий хуносани бекор қилинишига асос бўлади.

3. Когнитив функцияниг амалдаги ҳар қандай сусайиши авиаацияда жиддий оқибатларни юзага келтириши сабабли, функционал бузилишларга олиб келувчи ҳар қандай руҳий ҳолат бузилишини қайталаниш хавфи ҳисобга олининиб тиббий хулоса чиқарилади.

4. Учувчининг руҳий ва жисмоний ҳолатини тиббий экспертизадан ўтказишда, унинг ҳаво кемасини бошқариш қобилиятидаги асосий мезонлар ҳисобга олинади, яъни:

а) ҳаводаги вазиятни ва ўз ўрнини билиши учун яхши ривожланган сезги органларга эга эканлиги (кўриш, эштиши, мувозанат, кинестезия қобилияtlари ва бошқалар);

б) учиш шароитларини тўғри баҳолаши ва ҲКни белгиланган манзилга ҳавфсиз қўнишини таъминловчи йўналишни тўғри танлаш учун маълумотни қабул қила билиши, уни тўғри ишлаб чиқиши ва тегишли қарорлар қабул қилиш қобилиятига эгалиги;

в) белгиланган ҳаракатлар йўналишини амалга ошириш учун жисмонан ва руҳан тайёр эканлиги.

5. Шахснинг руҳий ҳолати экспертизасида қўйидагилар аниқланади:

а) табиий омиллар, тарбия ва ҳаётий тажрибанинг мужассамлигида унинг руҳий касалликларга бўлган мойиллиги;

б) кўпгина руҳий касалликлар, шу қаторда инсон темпераменти ҳам муҳим генетик компонентга эгалиги;

в) руҳий касалликларга генетик мойиллиги бўлган шахснинг тарбия ва ҳаётдаги ҳодисалар билан боғлиқ стресс-факторларга психиатрик симптомларсиз бардош беришга қодирлиги, лекин мазкур симптомлар хар бир шахсда жиддий стресс-омиллар таъсири остида намоён бўлиши мумкинлиги;

г) болаликдаги ҳодисалар, жамиятга зид аҳлоқ, ўқиши ўзлаштиришни пастлиги, доимий иш ўрнини излашдаги қийинчиликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш, кайфиятнинг тўсатдан ўзгариши ва яқин муносабатларни ўрната олмаслик каби руҳий касаллик аломатларини мавжудлиги.

Юқоридаги ҳолларда оила аъзоларидан, ўқув ва тиббий муассасалари ва бошқа тегишли манбалардан кўпроқ маълумот олинади.

Шахсларда пирсинг, имплантатлар ва териидаги татуировкалар бўлиши мумкин эмас.

Йўқотилган ёки функцияси йўқолган органнинг фаолиятини тиклаш мақсадида ўрнатилган имплантатларда (масалан тиш ёки баъзи бир онкологик касалликларида) тегишли шифокор мутахассис маслаҳатини олиб шахснинг яроқлилиги аниқланади.

## 1. Руҳий - асаб касалликлари

### 1 модда.

Шизофрения, паранойе, аффектив психозларда (маниакал-депрессив психоз, циклотимия ва бошқалар) тиббий хулоса ихтисослаштирилган психиатрик муассасаса текширувидан сўнг чиқарилади. Мазкур моддага кирувчи касалликлар авиаходимларда аниқланганда, улар ўз касбий

функционал мажбуриятларини бажаришга яроқсиз деб топилади ва касбий ишига қайта тикланмайдилар. Органик рухий бузилишларда барча класслар бўйича шахслар касбий фаолиятга яроқсиз деб топилади ва қайта тикланмайдилар.

## **2 модда.**

Модда юқумли касалликлар ва заҳарланиш оқибатидаги (алкоголли психоздан ташқари) психозлар, функционал реактив психозлар, вазиятларга (оилавий турмушда, ишлаб чиқаришда ва бошқалар) ёки ўткир рухий жароҳатларга жавоб сифатида юзага келувчи рухий бузилишлар ва неврозлар (неврастения, психастения, вассасали невроз), шахс ва хулқ-атвор бузилишлари, аффектив бузилишлар; суицидал уринишлар гурухини умумлаштиради. 10-ХКТ бўйича барча рухий ва хулқ-атворнинг бузилишларининг кўринишлари мазкур моддага тегишли.

Тиббий хулоса чиқаришда куйидагилар ҳисобга олинади:

- а) рухий-ҳиссиёт соҳасидаги реактив ҳолатларнинг ўткир ёки сурункали рухий жароҳатлар туфайли юзага келиши;
- б) жароҳатловчи омилнинг симптомлар ва клиник белгиларни шакллантириши;
- в) бузилишларни юзага келтирувчи омил йўқолиши билан реактив ҳолатнинг етарли даражада тез тугаши.

Авиация ҳодисаларидан (инцидентлари) кейинги қисқа рухий бузилишлар билан боғлиқ, тиббий кўрик ўтказиш ва учувчи экипаж аъзоларини яроқлилигини баҳолашда, ҳодисанинг келиб чиқиши, унинг сабаби ва ривожланиш ҳолати, бирламчи эмоционал реакция ҳолати, уларга командирлик раҳбарияти ва касбдошларнинг муносабати, дам олиш ва меҳнат тартибига риоя қилиниши ва бошқалар ҳисобга олинади. Авиация ҳодисаларидан кейинги рухий тушкунлик ва депрессия ҳолатини учувчилик ишини давом эттиришда салбий таъсирини, ҳамда узоқ давом этувчи текширув-кидирув-суриштирув жараёнларини учувчиларда турғун рухий бузилишларга олиб келишини инобатга олиб, уларга учишга яроқлилик хулоаси мумкин қадар тезроқ берилиши лозим. Стационар текширув ва психологик кўрик, учувчилар соғлиги ва авиация ҳодисаси ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, ваколатли органнинг тиббий эксперталари ва авиация ҳодисаларини текшируви раиси рухсатига кўра тиббий кўрсатмалар мавжудлигига ўтказилади. Соғлигига шикояти бўлганда, аниқ ифодаланган рухий бузилишлар ва тан жароҳатлари ва бошқалар стационар шароитида текширувга сабаб бўлади. Стационар текшируви жараёнида, учувчига ўз касбий мажбуриятларини бажариш вақтида қийинчилик туғдирган омиллар, шахсий фактор ва инсон фактори – ХК бошқарувидаги хато ҳаракатлар, ташкилий омиллар, унинг касбини давом эттиришга бўлган муносабати ва суриштирув жараёнидаги соғлигига бузилишларни келтириб чиқарувчи низоли ҳолатлар, касбдошининг қийин аҳволга тушиб қолиши ёки ўлими каби ҳоллар ва бу воқеаларга субъектив таъсиrlанишининг сабаблари аниқланиши лозим.

Енгил ифодаланган рухий ўзгаришларда, профилактик тиббий чора-тадбирлар ва тавсиялар лозим бўлмаса, невролог кўргири ўтказилиб, учувчилик ишига рухсат берилади.

Авиаходимларда авиация ҳодисаларидан кейинги рухий бузилишлар ва неврозларда, уларнинг давомийлиги, шахснинг касбини давом эттиришга командир - инструкторлар ва ўзини муносабати, психофизиологик, физиологик, жисмоний ва касбий омиллар ҳисобга олиниб яроқлилик аниқланади. Кечикиб ривожланадиган неврозлар, кўркув ва бошқа касбини давом эттиришда қийинчилик туғдирувчи психологик реакцияларга мойилликда, яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, авиаходимга ўтказилган реабилитация чора-тадбирларининг ижобий натижаларида ишига тикланиши мумкин.

Психопатиялар (шакли ва аниқ белгиларидан қатъий назар) ва шахснинг психотик бўймаган бузилишлари (паранойял, аффектив, шизоид, қўзғалувчи ва бошқа турлари)

2.1. моддага тегишли.

Ўткир психоз ва неврозларни ўтказган шахслар 2.1. модда бўйича ишга яроқсиз деб топиладилар. Ишга тиклаш масаласи 2 йилдан кейин, ихтисослаштирилган муассасанинг стационар текширувидан сўнг қўриб чиқилиши мумкин. Бунда, асаб-рухий фаолиятини узоқ вақт давомидаги компенсацияси, психоз (невроз) даврида руҳий ҳолатини хусусиятлари, тузилиши, руҳий бузилишларнинг чуқурлиги, касалликни кечиши ва уни қайталанмаслиги, психотроп дориларни қабул қилишга зарурат йўқлиги, ижобий прогноз ва бошқалар ҳисобга олинади.

Касаллик хусусиятига кўра кўрикдан ўтувчининг психотроп дориларни давомли равишда қабул қилишида, у яроқсиз деб топилади ва учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) қайта тикланмайди.

Суицидал уринишлар 2.1. моддага тегишли. Суицидал уринишнинг асосий сабаби шахснинг шахслараро ёки шахсдаги ички низолар вазиятларида ижтимоий-психологик дезадаптацияси бўлиб, бунда суицидент масаланинг адекват ечимини топа олмайди. Бу руҳий ҳолатнинг кризиси деб тавсифланади ва маниакал-депрессив психознинг депрессив фазасида, ажитация ҳолатидаги инволюцион депрессияда, алкогольни депрессияда, шизофренияда, эпилепсияда намоён бўлади. Ҳолатни ўрганиш ва текширув жараёнида, невролог гувоҳларни сўроқ қилиши, суицидал уриниш сабабини, шахсий ва оиласи анамнезни, аутоаггресив ҳаракатларнинг сабаб ва моҳиятини аниқлаши лозим. Психиатрик экспертиза ўтказилиб, психиатр хulosаси чиқарилиши лозим. Анамнезида суицидал уринишлар аниқланган шахслар барча класслар бўйича яроқсиз деб топилади ва учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) тикланмайди.

Вазиятга (ситуацияга) боғлиқ бўлган астеник ҳолатларда ёки неврастеник синдромда 2.2. модда қўлланилади. 4 - 6 ойдан сўнг, ҳолатни юзага келтирган сабаблар ва симптомлар бўймаганда, психологик тест, клиник текширувлар ва невролог диспансер кузатувининг натижалари ижобий бўлганда қайта кўрикдан ўтказилади.

Жисмоний (соматоген) касалликлар туфайли қисқа муддатли руҳий бузилишларни ўтказган шахслар, асосий касалликдан соғайгач, доимий қувватловчи терапия қўллаш лозим бўймаган асаб-рухий фаолиятларини тўлиқ компенсациясида, учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқли деб топиладилар.

Шахснинг бузилишида, у ҳиссий, интеллектуал ва ижтимоий мослашувчанликка эга бўлмай қолади ва бу унинг яхши, хавфсиз ва функционал учувчи ёки шахс бўлишига монелик қилади. Уларнинг атрофдагилар билан зиддиятда бўлиши, жамият ўрнатган хулқ-атвор қоидаларига эътиборсизлиги қўшимча стресс омили бўлади ва авиацияда талаб қилинадиган белгиланган касбий вазифаларни бажаришдаги дикқатни жамлашга ва эътиборсизликка олиб келади. Шахс бузилишининг кўринишлари аниқлаш ва эксперт баҳолаш учун невролог тиббий кузатув олиб бориши, сўроқлаш, экипаж аъзолари билан шахсий сухбат ўтказиши, оиласи ва шахсий анамнезини ўрганиши, психологик синов ўтказиши, жамоадаги психологик вазиятни баҳолаши лозим. Экспертиза ўтказишида, ёмон мослашувчи ва зиддиятларга олиб келувчи бузилишлари мавжуд бўлган шахсни, хулқ-атвор модели атрофдагиларга мақбул бўймаган шахсадан фарқлаш лозим. Ихтисослаштирилган муассасада ўтказилган текширув ва психиатр хulosаси асосида тиббий хulosаси чиқарилади. Тиббий кузатув маълумотлари салбий бўлган, турғун ва аниқ ифодаланган шахснинг бузилишларида яроқсизлик тўғрисида тиббий хulosаси чиқарилади.

Шахснинг аҳамиятсиз бузилишларида, касбий фазилатларни: иш стажи, тажрибаси, маҳорати, бажарилаётган вазифанинг сифати ва бошқаларни ҳисобга олган холда, яроқлилиги тўғрисидаги хулоса 2.2. модда бўйича чиқарилади.

Айрим, кам ифодаланган инфанилизм белгилари мавжудлигида, асаб-рухий фаолиятининг мақбул ижтимоий ва касбий компенсациясидаги шахс акцентуацияси яроқсизлик ҳакида тиббий хулоса чиқаришга асос бўлмайди.

Шахснинг ҳулқ-авторида илгари кузатилмаган ноадекват реакцияларнинг пайдо бўлиши психолог ва психиатр текширувига асос бўлади. Ташҳис йўқлигида модда қўлланилмайди. Психолог томонидан, шахснинг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларида бузилишлар аниқланганда, неврологик стационарда текширув ўтказилади. Кўрсатма бўлганда психиатр маслаҳати ўтказилади.

Турғун, салбий белгилари билан кучли ифодаланган шахсиятга доир гайритабиийликда яроқсизлик ҳакида хулоса чиқарилади. Кам ифодаланган ҳолларда касбий сифатларига: меҳнат стажи, иш тажрибаси, бажараётган ишини сифати ва бошқаларга кўра яроқлилик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

Алоҳида вазиятга алоқадор омиллар билан боғлиқ инсомния, диссония, циркад ритмининг ўзгаришларида авиаходим ўз касбий вазифаларини бажаришдан четлатилади ва даволаниш учун психологга юборилади. Даволаш жараёнида гипноз ва авиацияда тақиқланган седатив дориларни ишлатиш мумкин эмас. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алкогол истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган турғун инсомния ёки диссонияда барча шахслар яроқсиз деб топиладилар ва учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) қайта тикланмайдилар.

2.2. модда қўлланилганда, комиссия оралиқ даврида неврологнинг диспансер кузатуви ҳар 6 ойда ва психолог текшируви йилда 1 марта ўтказилади. Тиббий кўрсатмалар мавжудлигида психиатр маслаҳати ва психокоррекция муолажалари амалга оширилади. Ташҳисни олиб ташлаш муддатини невролог аниқлайди.

Маълум бир соматик касаллик билан боғлиқ бўлган қисқа муддатли руҳий фаолиятнинг бузилишини ўтказган шахслар, асосий касалликдан соғайгандан кейин, доимий равишдаги ёрдамчи даволаш усууларини қўллаш талаб қилмайдиган асаб-рухий фаолиятининг тўлиқ компенсациясида 2.2. модда билан учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқли деб топилишлари мумкин.

### **3 - модда.**

Алкогол ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш сабабли юзага келувчи руҳий ва ҳулқ-автор бузилишларида, сурункали алкоголизмда, мунтазам равища алкогол ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилишда (йил давомида ва ундан кўп) барча шахслар яроқсиз деб топиладилар ва қайта тикланмайдилар. Алкогол ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг ҳаддан зиёд истеъмол қилиш натижасида юзага келувчи жисмоний, психологик ва ҳулқ-автор бузилишлари ва оқибатларини ҳисобга олиб ташҳис қўйилади. Ўтқир (ўткиrosti) алкоголли психозни (алкоголли делирий, параноид, галлюциноз, рашк васвасаси ва бошқалар) ўтказганда, алкоголизмга гумон бўлганда нарколог маслаҳати олиниши лозим. Дори-дармон воситаларига қарамлик ёки уларни тиббий кўрсатмаларсиз сущистеъмол қилиш учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) монелик қиласди. Руҳий ҳолатини ўзгартириш учун нотиббий мақсадда дори воситаларни (седатив дорилар, транквилизаторлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари) қабул қилиш дорига қарамлик ёки уни сущистеъмол қилиш деб топилади.

Алкоголли қарамлик (алкоголизм) шаклланмаганда, яъни алкоголни заарлар иштеймөл қилишда ёки бир марталик алкогол билан ўткир захарланишда авиаходим ишдан четлатилади ва унга чукурлаштирилган тиббий ва психологияк текширувлар, нарколог маслаҳати, даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади. 2-4 ойдан сўнг, невролог тиббий кузатуви ва тиббий текширувлар натижалари ижобий бўлганда, нарколог хулосасининг ижобий прогнозида, хизмат тавсифномаси ижобий бўлганда, қайта тиббий кўриқдан ўтказилиб ўз касбига тикланиши мумкин, бунда модда қўлланилмайди. Шунга қарамай, авиаходимни ўз касбига ишлаш масаласи унга иш берувчи раҳбар томонидан ҳал қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алкогольга қарамлик, рационал фикрлашни, идрок қилишни, когнитив ва бошқа психофизиологик фаолиятлар ва реакцияларни заифлаштиради, муҳим аҳамиятга эга бўлган касбий, тиббий, ижтимоий ва ҳуқуқий қийинчиликларга олиб келади, шунинг учун мазкур ҳолатлар авиаация билан боғлик ўқишига ва ишлашга мутлақо мумкин бўлмаган ҳолатлар ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар иштеймөл қилганлигини аниқловчи текширув шахснинг ўз аризаси, сийдик, қон ва бошқа биологик материалларнинг объектив таҳлили ёки бошқа маълумотлар (шахсда мазкур моддаларнинг, клиник белгилар ва симптомларнинг мавжудлиги, учинчи манбадаги хабардор бўлганларнинг маълумотлари) асосида амалга оширилади. Маълумотлар бир неча манбадан олиниши керак. Гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни идентификацияловчи ва шахснинг ҳозирда ёки яқин ўтмишда ёки ўтмишда иштеймөл қилганлигини аниқловчи объектив лаборатория таҳлиллари муҳим далил сифатида қабул қилинади.

Шахснинг алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар иштеймөл қилгани ҳакида гумон қилинганда ёки маълумот олинганда, шифокор унинг жисмоний ва руҳий ҳолатини, иштеймөл қилиш далил ва сабаблари ҳамда бошқа жиҳатларини тавсифлаб акт тузади. Ташхисни аниқлаш учун, шахс тиббий ходим кузатуvida, тиббий ҳужжатлар ва ашёвий далиллар (шприц, дори воситаларнинг қолдиқлари ва ҳоказо) билан наркологга маслаҳатга юборилиши лозим.

Шахснинг алкоголь ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар иштеймөл қилганлигини аниқловчи текширувлардан бош тортиши, унга тиббий хулоса берилмаслигига ёки илгари берилган тиббий хулосани бекор қилинишига асос бўлади.

Анамнезида токсимкомания, наркомания ва алкогольизм касалликлари аниқланганда, ишдан ёки ўқишидан четлатилган муддатидан қатъий назар учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) қайта тикланмайдилар.

#### **4 - модда.**

Номзодда эпилепсия ташхиси аниқланганда, у барча класслар бўйича яроқсиз деб топилади ва қайта тикланмайди.

Эпилепсия борлигига гумон қилинган шахс ихтисослаштирилган тиббий муассасага стационар текширувга юборилади. Юборишидан аввал, гувоҳлар имзоси қўйилган тутқаноқ хусусиятлари баён қилинган, тиббий ходим томонидан тасдиқланган далолатнома тузилади. Ҳушдан кетиш ҳолатининг классификацияси ва дифференциал диагностикаси, текширув тартиби ва турлари, тавсифлаш баённомаси ЎзР АҚ - 69да белгиланган тартибда ўтказилади. Касаллик тарихини ўрганиш, тўлиқ неврологик текширув, электроэнцефалография (бундан буён матнда ЭЭГ деб юритилади), КТ, магнит-резонанс томография (бундан буён матнда МРТ деб юритилади),

психиатр ва эпилептолог хулосалари асосида ташхис қўйилади. ЭЭГдаги эпилептоид фаоллик эпилепсия ташхисини тасдиқлайди, унинг йўқлиги ташхисни инкор этмайди. Экспертиза ўтказиша, ЭЭГдаги эпилептиформ кўрсаткичларнинг ҳеч қачон эпилептик тутқаноқлари бўлмаган шахсларда ҳам учраш эҳтимоли борлиги асоссиз тиббий хулоса чиқарилишига олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим.

Моддага этиологияси аниқланмаган, бир марталик эпилептиформ тутқаноқлар киради. Симптоматик эпилепсияда асосий касалликка кўра тиббий хулоса чиқарилади. Текширув ўтказиша бош мия ўスマлари, томирлардаги бузилишлар, экзоген заҳарланишлар, гижжа инвазияси ва бошқа сабаблар истисно қилиниши лозим.

Биринчи марта ЭЭГсида пароксизмал активлик аниқланган шахслар ихтисослаштирилган тиббий муассасанинг неврология бўлимида текширувдан ўтказилиши лозим. ЭЭГда биринчи марта эпилептоид фаоллик (“чўққи - суст тўлқин”га хос турида) аниқланганда, эпилепсиянинг бошқа белгилари ёки марказий асад тизимининг органик касаллиги бўлмагандан, шахслар ихтисослаштирилган тиббий муассасанинг неврология бўлимида текширувдан ўтказилади. ЭЭГдаги мазкур ўзгаришларнинг турғунлиги (3-6 ой давомида) такрорий стационар текшируvida аниқланганда, яроқсизлик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

ЭЭГда пароксизмал, эпилептоид фаоллик ва аҳамиятга эга кучли ифодаланган ўзгаришлар аниқланганда барча шахсларга яроқсизлик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

Онгнинг пароксизмал бузилишларини ўтказган шахсларнинг тиббий хужжатлари ваколатли орган тиббий эксперталарига назорат учун юборилади.

## **5-модда.**

Моддага турли этиологияли бош ва орқа мия патологиялари киради. Мазкур гурухга бош ва орқа миянинг бирламчи (васкулитлар, ривожланишдаги аномалиялар, аневризмлар, атеросклероз ва бошқалар) ва соматоген, вертебробоген ва бошқа этиологияли томирларнинг иккиламчи касалликлари киради.

Мазкур касалликлар мавжуд бўлган шахсларда, иш қобилиятини йўқотувчи хавф омилларини (биринчи хуруж (криз), қайталаниш ёки инсультни) аниқлаш лозим. Этиологияси, кечиши, неврологик, руҳий, функционал ва бошқа бузилишларнинг даражаси, юкли синовларни бажариши, психологик текширув ва касбий функционал мажбуриятларини хавфсиз бажаришига таъсир этувчи бошқа ҳолатларни, ёндош кардиологик касалликлар, (гипертензия, юрак ритмининг бузилишлари ва бошқалар), диабет, гиперлипидемия, чекиш ва бошқа касалликни ривожланишида прогнозни ёмонлаштирувчи хавф омилларини ҳисобга олиб, яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

5.1. модда бўйича геморрагик ёки ишемик генезли мия қон айланишининг ўткир бузилишини, транзитор ишемик атака, субарахноидал қон қўйилиши ёки томир кризи ўтказган ва мия қон айланишининг сурункали бузилиши мавжуд бўлган шахслар тиббий кўриқдан ўтказилади.

5.2. модда бўйича, енгил ва кам ифодаланган белгилари мавжуд бўлган, марказий нерв системасини неврологик ва руҳий фаолиятлари сақланганлиги клиник ва инструментал текширув усуллари билан тасдиқланган, бош мия ёки орқа мия томирларининг атеросклеротик шикастланиши мавжуд бўлган шахслар тиббий кўриқдан ўтказилади.

Бош мия томирлари касалликлари мавжуд бўлган авиаходимларга тиббий хулосалар қуйидагича чиқарилади:

а) шикоятлар йўқлигига, БМА ДСда артерия интимасини 1 мм кўп қалинлашиши ва УТДГда кон окиш чизиқли тезлигини чегарага яқин асимметриялари аниқланганда, ҳамда конда гиперлипидемия, кўз тубида бошланғич склеротик ўзгаришлар, айrim неврологик микросимптомлар (кўз қорачиқларининг ёруғликка суст реакцияси, кафт-энгак рефлексини сустлиги каби), психологияк енгил когнитив ва ЭЭГда кам аҳамиятга эга ўзгаришлар бўлганда, “Бошланғич белгилари билан асаб-рухий функциялари етарлича сақланган, бош мия томирларининг атеросклерози” ташхиси чиқарилади ва барча шахслар яроқли деб топилади. Уларга атеросклерозни ривожланишига қарши профилактик чора-тадбирлар белгиланади.

б) БМА ДСда битта артериянинг яширин кечувчи 50% ва ундан кўп стенози ёки бир ёки бир ва ундан кўп томирларда турғун бўлмаган, эмбологен атеросклеротик дўмбоқча (бляшка) аниқланганда, номзодга ихтисослаштирилган қўшимча тиббий текширувлар, тегишли мутахассис маслаҳати ўтказилади. Маълумотлар тасдиқланганда, “Бош мияда кон айланишининг ўткир бузилиш хавфи юқори бўлган, бош мия томирларининг атеросклерози” ташхиси чиқарилади ва шахслар яроқсиз деб топилади.

в) атеросклеротик ўзгаришлар юқоридаги икки вариант ўртасида бўлганда:  
БМАнинг гемодинамик кам аҳамиятга эга стенозларида, турғун атеросклеротик бляшкаларда, меъёрдан ташқари бехатар психологик, биохимик ва ЭЭГ-кўрсаткичлар ўзгаришларда, “Асаб-рухий фаолиятлари етарлича сақланган, бош мия томирларининг атеросклерози” ташхиси чиқарилади. Тиббий кўрсатмалар бўлганда транскраниал дуплекс сканерлаш ва МРТ-ангиография текширувлари ўтказилади. Мазкур ҳолда, артериал гипертония, чекиш, гиперлипидемия, ортиқча тана вазни ва бошқа хавф омиллари мавжудлигини, неврологик ва руҳий фаолиятларнинг функционал сақланганлигини, ёшини ҳисобга олиб индивидуал равишда тиббий хулоса чиқарилади. Яроқли деб топилганларга неврологнинг диспансер кузатуви 6 ойда 1 марта белгиланади ва заруриятга кўра назорат текширувлари амалга оширилади.

г) бош мия кон айланишининг транзитор ишемик атакасини ўтказганда турли генезли беҳушлик ҳолатлари билан дифференциал диагностика ўтказилиши лозим. Мия кон айланишининг ўткир бузилишини ўтказган ёки мия кон айланишининг сурункали етишмовчилиги бўлган шахсларда, ишончли тиббий текширувлар ва тиббий баҳолаш натижасида, ўз гувоҳномалари ва малака белгилари орқали бериладиган вазифаларини хавфсиз бажаришга монелик аниқланмаганди, уларга якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Турли генезли васкулитларни ўтказган шахсларга, даволаниш якунлангандан сўнг, касаллик тури, даражаси, ремиссияси, касбига доир бажарадиган иши ва бошқа факторларни ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

МРТ да томирга оид генезли глиозлар ёки 2-3 ммли майдага кисталар аниқланганда, тегишли мутахассисларнинг (кардиолог, эндокринолог, терапевт ёки нейрохирург) маслаҳати ўтказилади, касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришга таъсир қилувчи клиник, органик ва функционал белгилар бўлмагандага учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқли деб топилади.

## 6- модда.

6.1-моддага нерв системасининг органик касалликлари:

рухий, интеллектуал-мнестик ва ҳулқ-атвор бузилишлари (хотира ва диққат-эътиборни бузилиши, агрессия, ҳулқ-атвор бузилишлари ноадекватлиги ва ҳоказо) билан кечувчи, турли

генезли органик касалліклар: ўсімталар, сирингомиелія, тарқоқ склероз, Паркинсон касаллігі ва бошқа кучайиб боруви касалліклар;

миядаги ва унинг қаватларидаги яллиғланиш жараёнлари, марказий асаб тизимининг ўткір ва сурункали юқумли касалліклари ва инвазиялар: менингит, арахноидит, энцефалит миелит, нейросифилис, ликвородинамик бузилишлар, тириштирувчи хурожулар билан инфекция ёки интоксикация асоратлари бўлган нерв системаси функциясини бузилиши, бош миянинг сил ёки сифилис билан шикастланиши (нейросифилис), цистицеркоз ва бошқалар;

нерв-мушак аппаратининг касалліклари: миастения, миопатия, миотония, миоплегиялар тегишли.

кучли заҳарланишлар: алкоголь энцефалопатия, қўрғошин билан заҳарланиш ва бошқалар киради ва мазкур модда бўйича кўрикдан ўтувчилар яроқсиз деб топилади.

Мия фаолиятини бузилишига олиб келувчи, мия тўқимаси структураси бузилишини қайтмас жараёнлари бўлган нерв системасининг органик касаллікларида шахслар мутлақо яроқсиз деб топилади. Авиаходимларда биринчи марта нерв системасининг органик шикастланиши аниқланганда, неврологик бўлимда чуқурлаштирилган текширув ва КТ, МРТ текширувлари ўтказилади.

Нерв тизимининг **юқумли касалліклари ва заҳарланишларини** ўтказган шахсларга, тўлиқ соғайгандан кейин, нерв-руҳий функцияси тўлиқ тикланганда ёки функциялари бузилмаган органик микросимптом кўринишидаги енгил қолдиқ белгилари борлигига, мия шикастланишининг белгилари бўлмаганда 6.2. модда бўйича тиббий хулоса чиқарилади.

6.2. модда, касбий муҳим функциялари етарлича сақланган, нерв-мушак аппарати ва нерв тизимининг суст прогредиент кечувчи бошланғич босқичдаги ирсий-дегенератив касалліклари бўлган шахсларга кўлланилади.

Гриппли энцефалит ўтказгандан кейин 1-2 йилдан сўнг, ўткір энцефаломиелитда - 2 йилдан сўнг, ўткір кана энцефалитида - 3 йилдан сўнг учиш ишига тикланиш учун кўрикдан ўтказилиши мумкин.

Эпидемик цереброспинал менингитни ўтказгандан кейин учиш ишига (парвозга, ўқишига) яроқлилигини аниқлаш учун кўрикдан ўтказилиши мумкин.

Менингококли ринит, фарингит, унча билинмайдиган менингокок инфекциясини ўтказган шахслар терапевт томонидан тиббий кўрикдан ўтказиладилар.

## **7-модда.**

### **7.1. моддага:**

бош миянинг очиқ ва ёпиқ ичига кирган ва ичига кирмаган жароҳатлари;

бош миянинг очиқ ва ёпиқ жароҳатларида марказий нерв системасининг кучли ифодаланган органик ўзгаришлари, руҳий бузилишлар, гипертензион ёки қалтироқ синдроми бўлган асоратлари;

харакатланиш, сезиш, тос органлари ва бошқа рефлектор бузилишлар бўлган орқа мия шикастланишининг асоратлари;

посттравматик синдром ва уларнинг асоратлари (эпилепсия, руҳий бузилишлар, гиперсомния, харакатланиш, координация ва нутқ фаолиятларининг бузилишлари; оғрикли синдром, аневризмалар, кисталарнинг шаклланиши, турғун ликвородинамик бузилишлар, бош

суюгининг 2×3 смдан ошиқ бўлган дефектлари ва бошқалар киради.

Бош мия жароҳатларини ўтказган шахслар, тўлиқ даволангандан кейин, неврологик бузилишлар бўлмаганда, чуқурлаштирилган клиник текширув натижалари асосида тиббий кўриқдан ўтказилиши мумкин.

Жароҳат механизми ва шароитларини баҳолашда, контактсиз бош мия жароҳати (мия силжиши, томирлар ёрилиши) ва жароҳат оқибатида атлант-окципитал бирикмаси структурасини шикастланишини ҳисобга олиш лозим.

Жароҳат характеристи ва оғирлик даражасидан ташқари, жароҳатдан кейинги босқичларда посттравматик эпилепсия ривожланиши эҳтимолини олдиндан тахмин қилган ҳолда бошқа хавф омиллари ҳам ҳисобга олинади.

Анамнез, ЭЭГ динамикаси, йўқотилган функцияларнинг компенсацияланиш даражаси, кўшимча юкли синовларни бажариши ва, психологик текширувлар натижаларини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Эксперт хулосаси, амнезия ва онгни ўзгарувчанлик даврларини давом этиш вақти, жароҳатнинг характеристи, соғлигига бўлган шикоятларнинг мавжудлиги ва характеристи, майший ва касбига оид кўпгина вазифаларни бажара олиш қобилияти, муҳим касбий психологик фазилатларини ва шахсиятга ҳамда хулқ-атворга оид функцияларни сақланганлиги, соғлигининг жароҳатдан олдинги ҳолати, жароҳатдан кейинги асоратлари (посткоммоцион синдроми, фокал неврологик бузилиши, когнитив функция бузилишидан кейинги асоратлар, посттравматик эпилепсия ва ҳоказолар), узок давом этувчи парвозларда ва иш фаолиятининг мураккаб жараёнларида соғлигини ёмонлашуви сабабли тўсатдан иш қобилиятини йўқотиш эҳтимолини, парвозлар хавфсизлигига салбий таъсир қилувчи дори-дармон воситаларини қабул қилиш билан боғлиқ масалалар ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда чиқарилади. Асаб-рухий функцияси тўлиқ тикланганда ёки етарлича сақланганда шахсларга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Асаб-рухий функциясининг турғун компенсация ҳолатида (посттравматик ҳолатларда: енгил вегетатив дисфункцияда, енгил неврологик симптоматикада ва бошқалар) шахсларга ўзлари ўзлаштирган авиация техникасидан бошқасига қайта ўқиш тавсия этилмайди. Касбига тиклангандан кейин 5 йилгача бўлган даврда неврологнинг диспансер кузатуви ўтказилади. Бош гумбазининг ичга ботган синишида, бош миянинг лат ейиши, паренхиматоз гематома, 1 кундан кўп давом этган посттравматик амнезия, бош суюгининг ичга ботган синиши, бош мия паренхимасида қоннинг мавжудлигига, субдурал гематомаларда посттравматик эпилепсияни пайдо бўлиш хавфи экспертиза ўтказишда ҳисобга олиниши лозим.

Бош гумбазининг чизиқли синишида, бош суюги тубини синишида (ликворејасиз) ёки субарахноидал қон қуилиши билан бош миянинг ўрта ва оғир даражадаги лат ейишида 1-2 йилдан кейин, тиббий кузатув ва текширувлар натижалари ижобий бўлганда ва ижобий прогнозда, касбига қайта тикланиш учун шахс кўриқдан ўтказилиши мумкин.

Паренхимада қон бўлмаган оддий асоратларсиз эпидурал гематомада 1-2 йилдан кейин, субдурал гематома билан бош миянинг лат ейишида 2 йилдан кейин, бош мия чайқалишида 1,5-3 ойдан кейин, бош миянинг енгил даражада лат ейишида 3-6 ойдан кейин, кўшалоқ бош мия шикастланишларидан кейин 6-24 ойдан кейин, посткоммоцион синдромида камида 3 ойдан кейин, неврологик ва когнитив функциялар сақланганлигига, юкли синамаларга чидамлилиги ижобий бўлганда, психолог, психиатр ва офтальмолог кўриги, бош мия МРТ, ЭЭГ ва заруриятга қараб қўшимча текширувлар ўтказилади ва якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хулоса 7.2. модда бўйича чиқарилади.

Ташхисни расмийлаштиришда, бош мия жароҳатларининг клиник кўриниши, санаси, текширув пайтидаги даври, посттравматик синдромнинг клиник тавсифномаси, нерв-рухий функциясининг ҳолати ҳақида маълумотлар кўрсатилади

#### **8-модда.**

Моддага вегетатив асаб тизимини (ВАТ) турли хил структура қисмларининг бирламчи шикастланиши натижасидаги ёки неврологик, соматик, эндокрин, руҳий, аллергик касалликлар ва заҳарланишларнинг иккиласми синдромлари натижасидаги ВАТ касалликларининг клиник кўринишлари киради. Касаллик сабабларини аниқлаш учун алоҳида дикқат билан анамнез йигилади, ҳар томонлама клиник текширув ўтказилиб, заруриятга кўра бошқа мутахассислар маслаҳати олинади.

ВАТ сурункали касалликларини пароксизмал кўринишларига, тез-тез қайталанувчи зўрайишлар ва кризли реакциялар (вазовагал, симпатик, вагоинсуляр, симпатаадренал, аралаш характердаги, адренал, диэнцефал турлари) билан кечувчи вегетатив-томир бузилишлари мавжуд бўлган шахслар 8.1. модда бўйича тиббий кўрикдан ўтказилади.

Мазкур гурухга қуйидаги касалликлар киради: мигренъ, солярит, Менъер ва умуртқа артерияси синдромлари, диэнцефал синдроми, ангионеврозлар (ангиотрофоневрозлар, Рейно касаллиги ва ҳоказо), қайталанувчи ангионевротик шиш (Квинке шиши) ва ортостатик эссенциал гиптония.

Аниқ маълумот олиш учун, заруриятга кўра умуртқа КТ ва орқа мия ва унинг илдизлари ҳолатини баҳолаш учун умуртқанинг МРТ ўтказилади. Ротацион синамаларни ўтказишда пайдо бўлувчи ёки кучайувчи вертеро-базилляр бассейндаги (ВББ)даги қон оқимини пасайишини аниқлаш учун, бош мия томирларининг дуплекс сканерлаш ва ультратовуш доплерографияси (бундан буён матнда УТДГ деб юритилади) ўтказилади. Церебрал тўқималардаги морфологик ўзгаришлар характерини аниқлаш учун бош мия МРТ ўтказилади. Визиометрия, периметрия, офтальмоскопия, аудиометрия, калорик синама ва бошқа текширувлар тиббий кўрсатмалар мавжудлигига ўтказилади.

Периферик нейроваскуляр синдромларда ва ганглионитларда тиббий хулоса 9- модда бўйича чиқарилади.

Конституционал-ирсий генезли дисфункцияси бўлган, ҳамда гормонал ўзгариш фонида ёки соматик касаллик ўтказгандан кейин, текширув пайтида ремиссия босқичини турғунлигига (асосий касалликдан соғайгач 2-3 ойдан кейин), шахсларга вегетатив-томирлардаги бузилишларнинг оғирлик даражасига, клиник текширув ва юкли синамаларга (ортосинама, вестибуляр синама ва бошқалар) чидамлилигига кўра 8.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Вегетатив томир бузилишларининг клиник тавсифида функционал кардиоваскуляр кўринишлар устун бўлган ҳолларда тиббий хулоса терапевт томонидан чиқарилади.

#### **9-модда.**

Моддага периферик асаб тизимининг турли этиологияли ўткир ва сурункали касалликлари: орқа мия илдизчалари, чигаллари, нерв стволлари ва ганглийларининг травматик шикастланишлари; умуртқа поғоналари, орқа мия илдизчалари, чигаллари ва нерв стволларида операциялар асоратлари; периферик нейроваскуляр синдромлар; умуртқа, орқа мия илдизчалари, чигаллари ва асаб стволларида операциялар асоратлари; умуртқа поғонаси илдизчаларининг компрессиялари киради.

Умурткааро диск чурраси олиб ташланганда, асоратлар бўлмаганда, динамикаси ижобийлигига, реабилитация давридан кейин 3-6 ой ўтганда, шахсларга тиббий кўрик ўtkазилади.

Сурункали радикулитда, иш қобилиятини йўқотишга олиб келувчи муҳим сабаблар - тўсатдан ва олдиндан билиб бўлмайдиган ўткир оғриқлар хуружини, касалликни қайталаниш хавфи ва функционал тикланиш даражалари, узок муддатли анальгетиклар ва мушаклар релаксантларини қабул қилиш оқибатлари ҳисобга олинган ҳолда тиббий хулоса чиқарилади.

Асаб илдизчалари функцияларини бузилиш белгилари бўлмаган умуртқа поғоналаридаги ҳаракатчанликни бузилишида, умуртқа поғоналари касалликлари бўйича хирург томонидан тиббий хулоса чиқарилади.

### **10-модда.**

Синкопал (бехушлик) ҳолатларни ўтказган шахслар ўқишдан ва ишдан четлатиладилар ва уларга терапевт-эксперт ва невролог-эксперт тиббий кўриги ўтказилгандан кейин неврология бўлимига текширувга юбориладилар. Синкопал ҳолат ҳақидаги актни мазкур шахсни ёнида бўлган биринчи шифокор расмийлаштиради ва экспертиза учун тақдим этади. Актда бехушликни клиник кўриниши, белгилари ва вазиятлари тўлиқ ва батафсил тавсифланади, гувоҳларнинг, шахснинг ва шифокорнинг имзолари кўйилади.

Актни расмийлаштириш, синкопал ҳолатларини классификациялаш, дифференциал диагностика, лозим бўлган текширувлар ҳажми ва яроқлиликни аниқлаш ЎзР АҚ-69 бўйича ўтказилади. Асаб тизими ёки ички органларнинг органик касалликларини истисно қилиш, онг пароксизмал бузилишларини дифференциал диагностикасини ўтказиш, бехушлик сабаби ва ҳарактерини аниқлаш, организмнинг функционал резервларини баҳолаш ва онг бузилишини такрорланиш эҳтимолини аниқлаб тиббий хулоса чиқарилади. Синкопал ҳолатни юзага келтирувчи сабаблар аниқлаганида, асосий касаллик бўйича, бехушликни такрорланиш эҳтимолини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Соғлом шахсдаги ҳаяжонга, оғриқка ёки кучли гипоксияга таъсирчанлик туфайли бир марталик бехушликда, ҳолатни келтириб чиқарувчи яширин муҳим механизмлар истисно килингандан ва унинг келиб чиқиши безарар деб топилса модда қўлланилмайди.

Соғлом шахсдаги маълум бир вақтда ситуациян, яхши сифатли деб аниқланган бехушликни 2 марта такрорланишида, 3 ойдан 12 ойгача бўлган муддатга авиаходим даволаниш ёки дам олиш учун ишдан четлатилади, невролог диспансер кузатувида бўлади.

Бехушликни кўп қайталанишида шахслар учиш ишига (ўқишига, парвозга) яроқсиз деб топилади. 2 йилдан кейин, вегетатив томир ўзгарувчанлиги, артериал гипотония, юкламали синамаларга чидамсизлик бўлмаганда яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Этиологияси аниқланмаган бехушликда учиш ишига (парвозга, ўқишига) яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

## **2. Ички касалликлар.**

### **11-модда.**

Моддага юқумли ва паразитар касалликлар: дизентерия, тиф, паратиф, малярия, бруцеллёз, геморрагик безгак, вирусли гепатит, гельминтозлар ва бошқалар тегишли. Касалликларнинг ўткир даврида, парвозлар хавфсизлигига салбий таъсири мавжудлигига 11.1.

модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Авиаходимлар инфекцион ва паразитар касалликлардан даволаниб, соғайгандаридан сўнг, уларга инфекционист маслаҳатининг ижобий прогнози ва чукурлаштирилган текширувларнинг ижобий натижаларига кўра 11.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Вирусли гепатит ва геморрагик безгак ўтказган шахсларга касаллик варакаси ёпилганидан кейин 11.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

## **12-модда.**

Моддага қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари: турли хил анемиялар, эритроцитоз, лейкемия, лимфома, тромбоцитопатиялар ва бошқалар киради.

Клиник прогнози салбий бўлган, қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари аниқланган шахсларга 12.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Мазкур касалликлар мавжудлигида, (гемоглобин концентрацияси 105 г/л паст) ихтисослаштирилган тиббий муассасада чукурлаштирилган текширув натижалари, даволаш якунлари ижобий бўлганда, гематолог хулоаси ва прогнози асосида, касалликнинг аниқланган сабабини ҳисобга олиб, лаборатор-клиник текширувлар кўрсаткичларини меъёрдалигини, касаллик ремиссияси, турини (постгеморрагик, темир танқислиги каби анемиялар ва бошқалар) ҳисобга олиб 12.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Мазкур касалликларда, ерда ва баландликда, тинч ҳолатда ҳамда жисмоний ва руҳий зўрикиш даврларида метаболик эҳтиёжларни қондириш учун, қоннинг етарли даражада кислород етказиб беришдек муҳим хусусияти ҳисобга олиниб 12.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Соғлом учувчиларда кондаги гемоглобин концентрацияси меъёри эркакларда 130 г/л (СИ бирлигига) ва аёлларда 120 г/л. Кўрсаткичларнинг пастлигига қўшимча текширув ўтказиш ва заруриятга қараб даволаниш учун учиш ишидан четлатилади. Гемоглобинопатияларда, касалликнинг хуружсиз кечишида, номзод тўлиқ ҳажмдаги функционал қобилияtlарга эга бўлса яроқли деб топилиши мумкин.

Вақтинчалик хусусиятга эга тромбоцитопенияларда (темир танқислиги сабабли анемия ёки дори воситаларини қабул қилиш сабабли суяқ илиги фаолиятини пасайишида) тромбоцитлар ва бошқа кўрсаткичлар нормал даражага етгандан сўнг, яроқлилик тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.  $75 \times 10^9/\text{л}$  кам тромбоцитопенияда номзодга яроқсизлиги тўғрисида хулоса чиқарилади. Сplenэктомия ўтказилган идиопатик тромбоцитопеник пурпурода, 6 ой давомида тромбоцитлар таркиби меъёрда бўлса, яроқлилик масаласи қўриб чиқилиши мумкин. Авиаходим яроқли деб топилганда, ундаги тромбоцитлар таркиби ҳар 6 ойда назорат қилинади.

Учиш ишида антикоагулянт (кумарин, варфарин ва шунга ўхшаш) ва антитромбоцитар (хлопидогрел ва шунга ўхшаш) дори воситаларини қабул қилиш дисквалификация омили ҳисобланади, кичик дозада аспирин қабул қилиш бундан мустасно.

Компенсацияланган, органлар фаолияти сақланган гемоглобинопатияларда ва геморрагик диатезда, рецидивлар бўлмаса, ишга яроқли деб белгиланади.

Ўроқсимонхужайра касаллиги аниқланганда номзодлар касбига яроқсиз деб белгиланади, ўроқсимонхужайра белгиларини ташувчиликда ишга яроқли

деб топилиши мумкин.

Чин (ҳақиқий) полицitemияда асоратлар бўлиши мумкинлиги сабабли номзодлар яроқсиз деб топиладилар.

Иккиламчи полицitemияда эритроцитлар миқдорининг ошиш сабаби (нафас олиш органлари касалликлари, баландликда гипоксия шароитида бўлиш ва бошқалар) аниқлангандан кейин хulosha чиқарилади.

### 13-модда.

Аллергологик анамнез, физикал ва клиник-лаборатор маълумотлар, аллергологик синамалар аниқланиб, аллерголог хulosasi асосида аллергик касаллигини ташхиси аниқланади. Касалликни аниқлашда, аллергияга ўхшаш симптомларни юзага келтирувчи касалликлар, турли текширув услубларини қўллаш орқали истисно қилинади. Аллергиянинг оғир кўринишларида, йилда 2 мартадан кўп касалликни рецидивида, аллерген аниқланмаган ҳолларда 13.1. модда бўйича яроқсизлик тўғрисида тиббий хulosha чиқарилади.

Тургун терапевтик эффектга эга бўлган аллергияларда, аллерген аниқланган ва бартараф этилганда, 3 ой давомида аллергия белгилари такрорланмаса ва иш жойида аллерген билан контакт мавжуд бўлмаса 13.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқлилик тўғрисида тиббий хulosha чиқарилади.

### 14-модда.

Моддага семизлик ва ортиқча тана вазни тегишли. Семизлик даражаси Кетле индексига мувофиқ аниқланади. Тана вазни индекси (бундан бўён матнда ТВИ деб юритилади) тана вазни (кг)/ бўй ўлчами ( $m^2$ ) формуласи бўйича ҳисобланади:

ТВИ баҳолаш жадвали

Тана вазни даражалари	ТВИ	Ёндош касалликлар хавфи
Тана вазни дефицити	<18,5	Паст (бошқа касалликлар хавфи юқори)
Нормал тана вазни	18,5-24,9	Одатдагича
Ортиқча тана вазни	25,0-29,9	Ўртача юқориликда
Семизликнинг I даражаси	30,0-34,9	Юқори
Семизликнинг II даражаси	35,0-39,9	Жуда юқори
Семизликнинг III даражаси	≥40	Хаддан зиёд юқори

Ортиқча тана вазни бўлган шахсларга семизлик характеристини аниқлаш учун клиник текширувлар ўтказилади. Симптоматик (иккиламчи) эндокрин, церебрал генезли семизлика тиббий хulosha асосий касаллик бўйича чиқарилади.

Мушак ва ёғ тўқималарининг нисбати ва организмдаги ёғ ҳажми фоизи аниқланиб тана вазни ҳисобланади.

ФА ўқув юртларида штурманликка ва бортинженерликка ўқишга номзодларга ТВИ 30,0дан юқорилигига 14.1 модда бўйича ўқишга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosha чиқарилади.

Борткузатувчиликка ўқишга номзодларга ва борткузатувчиларга бўйи ва тана вазни бўйича талаблар иш берувчи томонидан белгиланади.

ТВИ 35,0дан юқори бўлганда, эндокринолог ва заруриятга қараб тегишли мутахассислар маслаҳати, кардиоваскуляр хавф омиллари мавжудлигини (артериал гипертензия, қандли диабет, глюкозага толерантликни бузилиши, ёши, дислипидемия, заарарли одатлар мавжудлиги ва

бошқалар), метаболик синдромни ривожланиш хавфини, психологик ва кардиоваскуляр резерв текширувлари ва бошқа текширув натижаларини хисобга олиб, 14.2 модда бўйича якка тартибда учиш ишига (парвозга) яроқлилик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

### **15-модда.**

Моддага эндокрин тизимининг касалликлари: қандли диабет, қалқонсимон олди безлари, буйракусти безлари ва жинсий безлар касалликлари ва бошқалар киради.

Қандли диабетнинг I тури ва инсулин ёки бошқа гипогликемик дорилар билан доимий даволанишни талаб қилувчи турларида, тиреотоксикознинг барча шаклида 15.1. модда бўйича яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Қандли диабетнинг II турида, углевод алмашувининг тўлиқ компенсациясида, ЭКГнинг юкли синамаларига чидамлиликда, МСКТ ёки бошқа инвазив бўлмаган услублар билан коронар артерияларини текширув натижалари ва диабетолог (эндокринолог) хулосалари ижобийлигига, диабетнинг хавф омиллари: ёшнинг 60 дан юкориси, буйрак фаолиятининг бузилиши, нотўғри овқатланиш, кўп компонентли дорилар терапиясини ва бошқаларни хисобга олган ҳолда 15.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Қандли диабетнинг II турида, агар монотерапия сифатида альфа-глюкозидазанинг ингибитори – глюкобай ёки тиазолидиндион ёки метформинни қабул қилиш лозим бўлиб ва пархезга риоя қилинса, учувчилар юк ташиш билан боғлиқ учиш ишига 15.2. модда бўйича яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Инсулин ва бошқа гипогликемик дориларни қабул қилишга муҳтожлиги бўлмаган қандли диабетнинг II турида, кардио-респиратор тизими ва бошқа органлар фаолияти сақланганлигига, пархезга риоя қилинганда, штурман ва бортинженерларга пассажирлар ташиш билан боғлиқ учиш ишига 15.2. модда бўйича яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади. Бу ҳолда авиаходимларга ЭКГ ва терапевт ҳамда диабетолог (эндокринолог) назорат кўрувлари ҳар 6 ойда белгиланади, навбатдаги тиббий кўрикда эса юкламали ЭКГ синамалари ёки инвазив бўлмаган услублар билан коронар артериялар текшируви ўтказилади.

Авиацияда сульфонилмочевина ҳосилалари, бигуанидлар (метформиндан ташқари) ва турли гипогликемик препаратларни бирга қўшиб қабул қилиш мақбул эмас.

Тиреотоксикозда касалликнинг сабаби, шакли, клиник кўринишлари, оғирлик даражаси, даволаш тури, касаллик оқибатлари ва биохимик кўрсаткичлар натижаларига кўра авиаходимнинг учиш ишига қайта тикланиш муддати белгиланади. Диффуз-токсик буқоқда консерватив терапиянинг 2 йилгача давомийлигини хисобга олиб, дорилар қабул қилиш бекор қилинган шароитда 3 ойдан кам бўлмаган муддатда турғун эутиреоид ҳолати мавжудлигига учиш ишига (ишга, парвозга) қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилади.

Оғирлиги енгил ва ўрта даражадаги токсик буқоқнинг жарроҳлик ёки радиоактив йод билан даволашдан сўнг 6 ой ўтгач; оғир даражали токсик буқоқда қалқонсимон без фаолияти турғун меъёрда бўлиб, бошқа органлар ва тизимларда унинг асоратлари мавжуд бўлмаганда, 12 ойдан кейин эндокринологнинг ижобий прогнози ва хулосаси асосида учиш ишига (ўкишга, ишга, парвозга) қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилади.

Тиреотоксик аденоамадаги жарроҳлик операцияларидан кейин 6 ой ўтгач, учиш ишига қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Гипотиреоз ва аутоиммун тиреоидит ўтказганда, қалқонсимон без фаолияти мөйердалигига, касаллик сабаби аниқланган бўлса, текширув натижалари ва эндокринологнинг ижобий хulosаси асосида, якка тартибда 3 ойдан кейин учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин. Номзодга яроқлилик ҳақида тиббий хulosы чиқарилганда, эндокринолог диспансер кузатуви белгиланади ва доимий антитиреоид препаратларни қабул қилиши назоратга олинади.

Тиреоидит касаллигини зўрайишидан кейин, даволаш натижаларига кўра, учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) рухсат берилади.

Этутиреоид ҳолати сақланган эндемик буқоқда ва шу билан бирга йод препаратлари ёки тиреоид гормонлар билан ўтказилаётган профилактик терапияда, қалқонсимон безнинг I ва II даражали диффуз этутиреоид катталлашишида ва углеводларга толерантликни бузилишида, шахслар учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқли деб ҳисобланади ва модда қўлланилмайди.

Тиреотоксикоз ёки гипотиреознинг субклиник шаклида, Т3, Т4 – мөйёрда бўлиб, ТТГ тегишлича пасайган ёки кўпайганда, авиаходимларга эндокринологнинг диспансер кузатуви белгиланади ва 3 ойда 1 марта ТТГ ва тиреоид гормонларнинг назорат текшируви ўтказилади.

Эндокрин тизими касаллеклари мавжуд бўлган номзодларга, 15.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хulosы чиқарилади ва заруриятга кўра терапевт тавсияси асосида ҳар 6 ойда эндокринолог диспансер кузатуви белгиланади.

## **16-модда.**

Сил касаллигининг актив шаклида номзодларга 16.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosы чиқарилади.

Ўпка сили билан касалланиб, тегишли даволаш курсини тўлиқ якунлагандан кейин 3 ойдан сўнг, клиник симптомлар ва ўпканинг шикастланган бўлагида актив жараён мавжуд бўлмаса, нафас олиш тизими функцияси сақланганлигига, рентген текширувининг ижобий натижаларида, учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилади. Агар кўрикдан ўтвучига 16.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хulosы чиқарилса, 2 йил давомида терапевт диспансер кузатуви, заруриятга кўра фтизиатр маслаҳати белгиланади ва ҳар 3 ойда ўпка қафасининг рентген ёки бошқа услубдаги назорат текшируви ўтказилади.

Актив бўлмаган ёки даволанган сил касаллиги ёки касалликни ўтказгандан кейинги қолдиқ белгилари бўлган (чекланган фиброз, кальцификация ўчоқлари, бўлаклараро ва плеврал битишмалари), кўкс оралиғи органлари силжимаган ва ташқи нафас органлари фаолияти бузилмаган номзодларга 16.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosы чиқарилади.

Сил касаллигини ўтказган номзодлар, диспансер кузатув гурухи кўрсатилган, тўлиқ тузалгани тўғрисидаги фтизиатр хulosасини комиссияга тақдим этишлари лозим. Ташқи нафас фаолиятини баҳолаш учун, уларга кардио-респиратор тизими функционал захиралари ва рестриктив ёки обструктив бузилишлар мавжудлигини аниқловчи текширувлар ўтказилади. Нафас ва юрак қон-томир тизимлари фаолияти касбий фаолиятини бажариш учун етарлича сақланганлигига, сил касаллигини даволашда қўлланилган химиопрофилактик дориларнинг салбий оқибатлари мавжуд бўлмаганда

16.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosы чиқарилади.

Сил касаллигини ўпкадан ташқари шаклларида, фтизиатр хulosаси ва ижобий прогнози,

органларнинг функционал сақланганлиги асосида, 16.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уларга 2 йил давомида терапевт диспансер кузатуви белгиланади.

### **17-модда.**

Меҳнат қобилиятини йўқолишига олиб келиши мумкин бўлган, ўпканинг сурункали обструктив касаллкларида (ЎСОК), бронхиал астма, бронхоэкстатик касаллиги, саркоидоз, диффуз пневмосклероз, ўпка эмфиземаси, турли этиологияли зотилжам, сурункали бронхит ва бошқа ўпка касаллкларини тез-тез зўрайишида, касаллкларнинг актив даврида, аниқ ифодаланган симптомлар бўлган нафас олиш органлари фаолиятини бузилишларида номзодларга 17.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Нафас олиш системаси функциясини тўлиқ сақланганлигига, кардио-респиратор функциясини етарли даражада сақланганлигига, рестриктив ва обструктив бузилишлар бўлмаганда (ёки бузилиш даражалари ҳисобга олинниб), лаборатор текширувлар натижалари ижобийлигига, кўкрак қафаси рентгенограммаси меъёрда бўлганда, симптомлари мавжуд бўлмаган ёки кам ифодаланган симптомлари бўлган, чекмайдиган, ЎСОКнинг бошланғич даврида, сурункали бронхитнинг ремиссия даврида, чегаралangan пневмосклерозда, кўкрак қафасидаги жарроҳлик операцияларидан кейин, номзодларнинг узоқ давомли ва мураккаб парвозлар давомида касбий мажбуриятларини бажариш қобилиятини ҳисобга олиб 17.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Кўкрак қафасидаги жарроҳлик операцияларидан кейин 4-6 ойдан сўнг, спонтанли пневмотораксдан кейин 3 ойдан сўнг, ҳар томонлама пухта ўтказилган чукурлаштирилган текширувлар асосида якка тартибда учиш ишига (ишга, парвозга) яроқлилик масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Сурункали бронхитнинг зўрайиши даврида авиаходимлар касбий вазифаларини бажаришдан четлатилади, актив яллиғланиш жараёни бартараф этилиб, тўлиқ даволангандан ва соғайгандан сўнг, ташки нафас олиш аъзолари функцияси текширувлари натижалари меъёрда бўлганда учиш ишига (ишга) руҳсат берилади.

Йирингли, обструктив бронхитда ва такрорий пневмотораксда штурман, бортинженер, ҳаваскор учувчи (самолет, вертолет), ФА ўқув юртлари ўкувчиларига ва бортказувчиларга 17.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва улар ишга қайта тикланмайдилар.

Ҳаваскор учувчиларга, учувчи – планеристларга, эркин аэростат учувчисига, ўта енгил ҳаво кемаси (бундан буён матнда ЎЕҲК деб юритилади) учувчиларига, нафас ва юрак қон-томир тизимларининг чукурлаштирилган текширувларининг ижобий натижалари асосида 17.2. модда бўйича якка тартибда парвозга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

### **18-модда.**

Моддага юрак қон-томир системасининг касаллклари киради. Юрак ритми ва ўтказувчанлигини аниқ ифодаланган асоратли бузилишларида, синус тугунининг кучсизлик (заифлик) синдромида, юрак қисқаришларининг такрорий тушиб қолиши билан бирга кечувчи ўтказувчанликни бузилишларида (иккита қисқаришга ва ундан кўп), мерцал аритмия хуружларида, юрак бўлмачаларининг ҳилпиллашларида, суправентрикуляр тахикардияда (дақиқада тезлиги 120 зарба ва ундан кўп, тўртта ва ундан кўп комплекслар), қоринчалар экстрасистолиясининг би-, тригеминия даврларини такрорийлигига, жуфтлашган қоринчалар

экстрасистолаларнинг такрорий эпизодларида, қоринчалар тахикардиясининг эпизодларида (дақиқада тезлиги 120 зарба ва ундан кўп, учтадан ва ундан кўп комплекслар билан), спонтан суправентрикуляр тахикардия мавжуд бўлган Вольф-Паркинсон-Уайт синдромида, миокард инфарктида, стенокардияда, юрак касалликларининг суст кечувчи ўткир даврида ва касаллик оқибатлари билан боғлиқ бўлган аниқ ифодаланган ритм ва ўтказувчанликни бузилиши, юрак етишмовчилиги ва оғриқ синдроми мавжудлигида, мўтадил ва аниқ ифодаланган комбинацияланган юрак нуқсонларида, митрал клапаннинг 6 мм дан кўп бўлган пролапсида, дилатацион, гипертрофик ва рестриктив кардиомиопатияларда, номзодларга 18.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

18- моддага туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари, митрал клапаннинг пролапси, юрак мушагида кечаётган яллиғланиш жараёнлари, миокардиодистрофиялар, миокардитик кардиосклерози, кардиомиопатиялар ва бошқа юрак касалликлари ҳам киради. Юрак касалликларнинг клиник аломатлари мавжудлигида, касалликни анамнези ўрганилиб, ҳар томонлама ўтказилган клиник ва кардиологик текширувларнинг ижобий натижалари, касалликнинг ривожланиш жараёни ва прогнозини, ёндош касалликлар, номзоднинг ёши, хавфли омиллар ва бошқаларни ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Ревматизмнинг актив фазасини ўтказгандан кейин, актив ревматик жараён ва юракда нуқсонлар бўлмаганда, бир йилдан сўнг 18.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Миокардит ўтказгандан кейин тўлиқ соғайганда ёки миокардитик кардиосклероз ривожланишида 3-6 ойдан сўнг, инфекция ўчоғи бартараф қилинганда, юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилишининг кам ифодаланган ўзгаришларида, лаборатория текширувлари ва ЭКГда яллиғланиш белгилари аниқланмаганда авиаходимга 18.2. модда бўйича учиш ишига (ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Миокардиодистрофияларда асосий касаллик аниқланиб, юрак функцияси сақланганлигида, симптомлар кам ифодаланган ҳолда, касалликни оғирлаштирувчи заарли омиллар бўлмаганда, авиаходимга 18.2. модда бўйича учиш ишига (ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва 3 йил давомида терапевт диспансер кузатуви белгиланади. З йил давомида ЭКГ хулосасини меъёрдалигида ва юкли синамалар натижасини ижобийлигида ташҳис олиб ташланади.

Митрал клапаннинг 3 мм.дан 6 мм.гача пролапсида, аҳамиятга эга бўлмаган, изоляцияланган ва тургун компенсацияланган юрак нуқсонларида, оқим йўлларида обструкция аломатлари бўлмаган қоринчалараро тўсиқнинг асимметрик гипертрофиясида, гипертрофик кардиомиопатиянинг апикал шаклида юрак фаолиятининг яхши сақланганлигида ва 18.1. моддага тегишли тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлмаганда 18.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, ишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Юрак яллиғланиши билан боғлиқ касалликларни ўтказган авиаходимлар, даволангларидан кейин 3 ойдан сўнг, учиш ишига (ишга) терапевт тиббий кўриги ўтказилиб ишга рухсат берилади, бошқа номзодларга эса меҳнатга лаёкатсизлик ва рақаси ёпилгандан сўнг, терапевт тиббий кўриги ўтказилиб ўқишга ва парвозга рухсат берилади.

Кучли ифодаланган ритмнинг суправентрикуляр бузилишларида электрофизиологик текширув ўтказилади ва сунъий равишда юкоридаги кўрсатилган ритм бузилишлари юзага келганда, унинг натижалари салбий деб хисобланади.

Ритм ифодаланишини баҳолаш учун сутка давомида ЭКГ-мониторинги (кузатуви)

ўтказилади.

Юракдаги ритм бузилишлари муваффақиятли даволанганда номзодлар қайта кўрикдан ўтказилади.

18.1. моддага кирмаган юрак ритми ва ўтказувчанинг бузилишларида, ЭКГда қоринча комплексини якуний қисмидаги (ST и T) бекарор ўзгаришларнинг бета-блокаторлар ёрдамида меъёрга келишида, соғлик ҳолатига шикоятлари бўлмагандан, номзодларга 18.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

B.Lown и M.Wolf бўйича M.Ryan модификациясида симптомларсиз қоринчалар экстрасистолиясининг 1 градациясида (ЭКГ маълумотлари бўйича 1 минутда 5 экстрасистолиядан камлигига ва ЭКГнинг суткалик мониторингида 1 соатда 30 дан камлигига) кардиологик текширувлар ўтказилмайди ва яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилмайди.

B.Lown и M.Wolf бўйича M.Ryan модификациясида симптомларсиз қоринчалар экстрасистолиясининг 2, 3 ва 4а градацияларида номзодларга кардиологик текширувлар ўтказилади.

B.Lown и M.Wolf бўйича M.Ryan модификациясида симптомларсиз қоринчалар экстрасистолиясининг 4б ва 5 градацияларида қоринчалар тахикардияси мавжудлигига кардиологик текширувлар натижасида ташхис аниланганда, номзодларга учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Кардиологик текширувлар натижасида, симптоматик бўлмаган синусли брадикардия ва <3,0 сек. симптомларсиз синусли паузаларда кучли ифодаланган юрак структураси касалликлари ва клиник кўринишлар мавжуд бўлмагандан, чекловлар қўлланиб 18.2. модда бўйича учиш ишига (парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Юрак қон-томир системасининг функционал бузилишларида уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва қасбий фаолиятига доир заарли омилларнинг соғлигига таъсири аниқланиб, нейроциркулятор дистонияга хос бўлган симптомлар билан кечувчи юракнинг бошқа органик касалликларини, яллигланиш жараёни ва бошқа экстракардиал патологиялар мавжудлигини истисно қилиб тиббий хулоса чиқарилади. Сутка давомидаги ритм бузилишлари вегетатив дисфункцияни асосий маркери эканлагини ҳисобга олиб, ЭКГнинг сутка давомида текшируви (холтер мониторлаш) ўтказилади. Заруриятга қараб, ЭКГ-синовлари, ВЭП, миокард сцинтиграфияси юкли синовлари ва коронарография текширувлари ўтказилади.

Митрал клапан етишмовчилигининг турғун компенсациясида, миокардитик кардиосклероз, турғун компенсациясиланган, чегараланган ва кам ифодаланган юрак нуқсонларида, гипертрофик кардиомиопатиянинг апикаль шаклида 18.2. модда бўйича якка тартибда учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Тож томир ва (ёки) умумий қон айланишининг етишмовчилиги билан кечувчи юрак, аорта, тож артериялари, перикард мушакларининг органик касалликларда, даволанмайдиган, юрак ритмининг ва ўтказувчанинг турғун бузилишларда

18.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Номзодларда (ФА ўқув юртларига ўқишга номзодлар ва ўқувчилар бундан мустасно) Гисс тутами чап оёққасининг блокадаси биринчи марта аниланганда, унга кейинги келтирилган талаблар асосида якка тартибда яроқлилига чекловлар қўллаб тиббий хулоса берилиши мумкин:

чап қоринча функцияси мөйерда бўлиши, масалан ЭхоКГда отилиб чиқиш фракцияси >50%, юкламали ЭКГда Брюс протоколини

IV босқичини бажаришда миокард ишемияси, кучли ифодаланган ритм бузилишлари ва симптомлар бўлмаслиги, холтер мониторлашда ритм бузилишлари мавжуд бўлмаслиги ёки кам ифодаланган бўлиши лозим. Заруриятга қараб коронар ангиографияси ўтказилади ва унинг натижасида йирик томирларда < 50%, проксимал томирларда < 30% стеноз аниқланишида яроқлилик ҳақида тиббий хulosса берилади. Бу ҳолда авиаходимларга йилда 1 марта кардиолог маслаҳати ўтказилади. Юкламали ЭКГ тестда ST сегменти

2 ммга горизонтал пасайганда, тож артериялар касаллиги аниқланмаслиги мумкин, шунинг учун асосий дикқатни юришни давомийлигига, симптомларга (агар мавжуд бўлса) ва ўзгаришларнинг характеристига қаратилади.

Номзодларда (ФА ўқув юртларига ўқишига номзодлар ва ўқувчилар бундан мустасно) битта тож артерияга стент ўрнатилганда, операциядан кейин 6 ой ўтгандан сўнг, операциядан кейинги давр асоратлари бўлмагандан ёки кам ифодаланган бўлганда, заарарли омиллар (чекищ, ортиқча тана вазни, АГ хуружли кечиши ва ҳоказо) мавжуд бўлмаса, юкламали ЭКГ ёки сцинтографияда ишемик касалликнинг орқага қайтиш белгилари ва қандли диабет касаллиги бўлмагандан, 18.2. модда бўйича якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Мазкур ҳолда номзодга терапевт диспансер кузатуви белгиланади, йилда 1 марта кардиолог маслаҳати олинади, ҳар ойда бир марта КБ кўрсаткичи, 6 ойда бир марта кондаги қанд миқдори ва тана вазни текширувлари ўтказилади

Стент биттадан кўп бўлса учувчиларга (самолет, вертолет) ва борткузатувчиларга яроқсизлиги ҳақида 18.1. модда бўйича тиббий хulosса чиқарилади.

Авиаходим ўткир безарар асептик перикардит ўтказгандан кейин 3-6 сўнг, касаллик симптомлари мавжуд бўлмагандан, ЭхоКГнинг кўрсаткичлари мөйерда бўлса, ўтказилган 24 соатли ЭКГ кузатуви (ритм бузилишларини аниқлаш учун) ва юкламали ЭКГ натижалари ижобий бўлса (қўшимча чуқурлаштирилган текширувлар заруриятга қараб ўтказилади), 18.2. модда бўйича якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хulosса берилиши мумкин. Мазкур ҳолда 2 йил давомида терапевт ва кардиологнинг диспансер кузатувлари белгиланади ва заруриятга кўра тегишли текширувлар ўтказилади. Касалликни қайталанишида ва оғриқ мавжудлигига 18.1. модда бўйича учиш ишига (ишига, парвозга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади ва қайта учиш ишига тикланмайди.

Авиаходим миокардит ўтказгандан кейин 3-6 сўнг, инфекция ўчоги бартараф этилиб, касаллик симптомлари мавжуд бўлмагандан, қоринчалар мураккаб ритм бузилишлари, ўтказувчанликнинг бузилишлари ё/ёки бўлмачалар фибрилляцияси мавжудлигини аниқлаш учун 24 соатли ЭКГ кузатуви, юкламали ЭКГ, ЭхоКГ тешибувлари ўтказилади. Заруриятга қараб учун МРТ-сканерлаш ва холтер мониторлаш ўтказилиши мумкин. Текширув натижалари мөйерда бўлиб, ЭхоКГда чап ва ўнг қоринчалар функцияларининг бузилиш белгилари мавжуд бўлмаса 18.2. модда бўйича якка тартибда тиббий хulosса берилиши мумкин. Бу ҳолда доимий равища йилда бир марта ЭхоКГ ўтказилади.

Аорта илдизи диаметри >5,0 см;

чап қоринчанинг якуний диастолик ўлчами (КДР ЛЖ) > 6,5 см;

чап қоринчанинг якуний систолик ўлчами (КСР ЛЖ) > 4,4 см;

юрак қоринчалари ўртасидаги парданинг >1,4 см. кўп қалинлашувида номзодларга юрак структура касалликлари ва касбий функционал мажбуриятларини бажариш қобилияти ҳисобга

олиниб якка тартибда тиббий хulosы чиқарилади.

Қон айланиши бузилмаган умумий ва тож томирлар, юрак мушаклари касалларидан, учувчиларга (самолет, вертолет) юкламали ЭКГ текшируви (заруриятта қараб стационар шароитида) ўтказилади ва юрак-қон томир системасини функционал сақланганлигига касбига яроқлилиги ҳақида тиббий хulosы чиқарилади.

Миокард дистрофияси ва миокардитдан кейинги кардиосклерозларда, юрақдаги ўзгаришларнинг касбий фаолиятига салбий таъсири аниқланмаса, юрак мушакларининг функционал сақланганлигига, касбига яроқлилиги ҳақида тиббий хulosы чиқарилади.

Аортадаги кам ифодаланган атеросклеротик ўзгаришларда, аорта деворлари қалинлашганда, юрак-қон томир системаси функционал сақланган бўлса, яроқлилиги ҳақида тиббий хulosы чиқарилади.

Асоратларсиз миокард инфарктини ўтказган номзодлар б ойдан сўнг, юрак қон-томир тизимининг яхши функционал ҳолатида, шикоятлари ва касалликни оғирлаштирувчи хавфли омиллар бўлмагандан, ишемия касаллигини даволашга мухтожликлари бўлмагандан (профилактика учун қабул қилинадиган аспирин, кичик дозадаги бета-блокаторлар ва айрим ҳоллардаги АПФ ингибиторлари бундан мустасно), бўлмагандан, юкли синамаларда жисмоний иш қобилияти сақланганлигига, ЭхоКГда юрак бўшликлари кенгаймагандан ва отилиш фракцияси 50% кам бўлмагандан, сутка давомидаги ЭКГ мониторлашда кучли ифодаланган ўзгаришлар бўлмагандан, коронароангиографияда миокард инфаркти зонасидан ташқари, тож томирлардаги (коринчалараро парданинг олд артерияси, айланиб ўтувчи артерия, қоринчалараро парданинг орка артерияси, ўнг коронар артерияси) стеноз 50% кўп бўлмагандан якка тартибда касбий фаолиятларига учиш ишига (парвозга, ишга) яроқли деб топилади.

ЭКГда паталогик Q тишчаси аниқланса, лекин миокард инфаркти клиник тасдиқланмаса, сўров йўли билан анамнез ўрганилади ва ЭхоКГ ҳамда сцинтография текшируви ўтказилади. Текширув натижалари ижобий бўлиб, юрак функцияси яхши сақланганлигига номзодлар учиш ишига (парвозга, ишга) яроқли деб топилишлари мумкин.

## 19 - модда.

Гипертония касаллигига қон босими  $>160/95$  мм. сим. уст.да турғун бўлиб, касалликни хуружли кечишида (бир марталик асоратларсиз хуруж бундан мустасно)

3 ва 4 даражали юрак қон томирларининг асоратлари мавжудлигига 19.1. модда бўйича учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хulosы чиқарилади. Стационар текширувлар ўтказилиб, юрак қон томир тизимининг сақланганлигига, даволаш натижалари ижобийлигига якка тартибда 19.2. модда бўйича учиш ишига (парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosы берилиши мумкин.

Текширув натижалари билан тасдиқланган “оқ халат”га бўлган артериал гипертензияда яроқлилиги ҳақида тиббий хulosы чиқарилади ва модда қўйилмайди.

Дори-дармонларсиз К.Б. меъёрга келишида ёки авиацияда рухсат этилган дори воситалари ёрдамида К.Б. 160/95 мм. сим. уст.дан юкори бўлмаса, номзодларга

19.2. модда бўйича учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишига) яроқлилиги ҳақида тиббий хulosы берилади. Заруриятта кўра сутка давомида ҚБ-мониторинги ва бошқа текширувлар ўтказилади.

Тиббий хulosы чиқаришда, гипертония касаллиги бўлган авиаходимларни юрак қон-томир асоратларини хавф даражасига (“нишон-аъзоларнинг” заарланиши, семизлик, чекиш, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, камҳарақатлик ва ҳоказо) қараб стратификация принципи қўлланиб гурухларга ажратилади. Хавф даражаси паст ва ўрта бўлганда авиаходимлар касбига

фаолиятларини бажаришга яроқли деб топилади. Хавф даражаси юқори бўлган авиаходимни, даволаш-соғломлаштириш тадбирларини қўллаган ҳолда, хавф даражасини паст ёки ўрта даражага келтириш мумкин бўлганда, 1 ойгача бўлган муддатга этапли тиббий хулоса қабул қилинади. Бу ҳолда авиаходим 1 ой муддатга ўз касбий вазифаларини бажаришдан четлатилади ва унга даволаш-соғломлаштириш тадбирлари билан бирга кардиолог маслаҳати ўтказилади. Тадбирлар самарали ва барқарор бўлиб, хавф омиллари камайганда ёки мавжуд бўлмаганда, кардиологнинг ижобий хулососи асосида учиш ишига (парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Учиш ишига (самолет, вертолет) ўқишига номзодларнинг ҚБ 140/90 мм. сим. уст.дан юқори бўлиши мумкин эмас.

## 20 - модда.

Моддага ошқозон ва ичак касалликлари (ощозон ва ўн икки бармоқ яра касаллиги, гастритлар, колитлар ва бошқалар) тегишли. Касалликларнинг ўткир даврида, оғриқ ва касалликнинг клиник белгилари, иш қобилиятини йўқотишга олиб келувчи асоратлари мавжудлигига номзодларга 20.1. модда бўйича яроқизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Асоратлари бўлмаган ошқозон яраси касаллигини ўтказган номзодларга, даволаш натижалари ижобий бўлганда, 2 ойдан сўнг, Н. руioғi инфекцияси ва клиник белгилар бартараф этилганда, эндоскопик текширувда яранинг битгани тасдиқланганда, хавфли ўсмалар мавжудлиги мустасно бўлганда, яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса бериш мумкин.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасининг бир мартали рецидивида, оддий ёки тегишли парҳез сақланиб касаллик симптомлари бўлмаса, клиник соғайиш белгилари бўлганда учиш ишига (парвозга, ишга) яроқли деб топилади.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасида қон кетиш билан боғлиқ бир мартали асоратида, 2 ой давомидаги кузатувда касаллик симптомлари бўлмаса, дори-дармон воситалари билан даволаниш талаб этилмаса ва эндоскопияда соғайиш белгилари бўлса авиаходим ишга яроқли деб топилади. Бу ҳолда 3 йил давомида тиббий хулоса муддати 6 ой этиб белгиланади ва ҳар галги ТУК тиббий хулососи, даволаган хирург хулососи асосида, ваколатли орган тиббий экспертларида эксперт баҳоланади. Авиаходимга авиация шифокорининг диспансер кузатуви ҳар 3 ойда белгиланади ва йилда бир марта эндоскопик текширув ўтказилади.

Биттадан қўп рецидив ёки асоратли ҳолларнинг мавжудлигига тиббий хулоса якка тартибда ҳар томонлама ўтказилган тиббий текширувлар асосида, ваколатли органнинг тиббий эксперклари томонидан чиқарилади.

Гастритлар ва колитларда даволаш ва тегишли тиббий текширув натижалари ижобий бўлиб, клиник симптомлар бўлмаганда учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилиги тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси операцияларидан сўнг, авиаходим бутунлай соғайганда ва асоратлар билан боғлиқ хавф бартараф этилганда, кейинги ремиссия даврида асоратларсиз яра касаллиги деб топилса, эндоскопик ва бошқа тиббий текширувларнинг ижобий натижалари асосида яроқлилиги тўғрисида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Ўн икки бармоқли ичакда биринчи марта чандиқли деформация аниқланганда, клиник белгилар бўлмаса номзодлар касбий вазифаларини бажаришдан четлатилмайди.

Ошқозон-ичак касалликларида, авиаходимларнинг иш жадвали ва овқатланиш тартибининг номунтазамлиги, касалликни оғирлаштирувчи бошқа ташқи омиллар ва тўсатдан иш

қобилиятини йўқолишига олиб келувчи ҳоллар мавжудлиги ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали гастрит ва гастродуodenитда рецидивлар бўлмаганда, умумий аҳволи қониқарли бўлиб иш қобилияти сақланганда, меъда секрециясида аниқ ифодаланган салбий ўзгаришлар бўлмаса номзодларга учиш ишига (ўқишга, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Мазкур ҳолда, учиш ишига ўқишга (самолет, вертолет) ва борткузатувчиликка ўқишга ва ишга номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

## **21 - модда.**

Панкреатит ва гепатитларнинг орган фаолиятини яққол ёки мўътадил ифодаланган бузилиши билан кечувчи фаол босқичида, жигар циррозида, тез-тез хуруж қилувчи (йилда 2 мартадан ортиқ) сурункали холециститда, ўт пуфаги фаолияти сақланганлиги билан кўп сонли тошлар аниқланганда, номзодларга 21.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Фаол бўлмаган, орган фаолиятининг кам ифодаланган бузилиши билан кечувчи сурункали гепатит ва панкреатитларда, даволаниш натижалари ижобий бўлган, кам хуружлари бўлган сурункали холецистларда, ўт пуфагининг холестерозида, яхши сифатли функционал билирубинемияларда, оғриқсиз кечувчи ўт чиқариш йўлларининг дискинезиясида номзодларга 21.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Асоратлари бўлмаган лапароскопик холецистэктомия ва литотрипсиядан сўнг 2-3 ойдан кейин шикоятлар йўқлигида, клиник белгилар бўлмаганда ва иш қобилияти сақланганлигига авиаходимлар ишга яроқли деб топиладилар.

Сурункали, касаллик алматларсиз, фаол бўлмаган гепатитнинг В ва С туридаги вирус ташувчилиқда, авиаходимлар касбий вазифаларини бажаришга яроқли деб ҳисобланади.

Гепатитни В ва С турини ўтказган авиаходимлар турғун ремиссиядан сўнг 6 ойдан кейин ишга яроқли деб топиладилар.

Ўт пуфагида симптомсиз кечувчи, йирик, бир дона тош аниқланганда авиаходимларга якка тартибда TML чеклови қўлланиб 21.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, режа бўйича жарроҳлик усули қўлланиб даволаниш тавсия этилади, хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади.

## **22 - модда.**

Буйрак ва сийдик йўли касалликларининг орган фаолиятини бузилиши билан кечувчи фаол даврида ва уларнинг асоратларида, жарроҳлик операцияларидан кейинги асоратлар (сийдик йўлларининг торайиши, сиқилиши ва хоказо) ва оғриқ синдроми мавжудлигига номзодларга 22.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Буйрак, сийдик йўллари ва сийдик пуфагида инфекция сабабли яллиғланиш касалликларини ўтказгандан кейин, 14 кундан кам бўлмаган индивидуал антибактериал терапия ўтказилгач (аёллардаги оддий цистит терапияси бундан мустасно), актив даволаниш бошлангандан кейин гемодинамик тўлиқ турғунлиқда, сийдик, қон ва тегишли лаборатория тахлиллари натижалари меъёрда бўлиб, нефролог (уролог) маслаҳати хуносаси ва прогнози ижобий бўлганда, клиник симптомлар, инфекция, қайта яллиғланиш рецидиви ва бошқа хавфли омиллар бартараф этилганда, яроқлилик тўғрисидаги тиббий хулоса жараённинг

кечиши ва буйраклар фаолияти сақланганлиги, иккиламчи гипертензион синдром ва бошқа факторларнинг ифодаланиш даражасига кўра якка тартибда ваколатли органнинг тиббий экспертлари билан биргалиқда чиқарилади ёки ТУК тиббий хulosा чиқариш ваколатини тиббий экспертларга беради.

Пиелонефрит ва гломерулонефрит ўтказган авиаходимларга 2 йил давомида авиация шифокорининг диспансер кузатуви белгиланади, ҳар 3 ойда қон, сийдик, креатинин тахлиллари ва заруриятга қараб бошқа текширувлар ўтказилади.

Бир вактда бактериурия билан пиурия аниқланганда туберкулезга, конкретментларга ва хавфли ўсмаларга текширувлар ўтказилади.

### **23 - модда.**

Моддага бўғимларнинг ялиғланиш, аллергик, модда алмашинувини бузилиши ва бошқа этиологиялар билан боғлиқ касалликлари, бириктирувчи тўқиманинг тизимли шикастланишлари (кизил тери сили (волчанка), склеродермия, дерматомиозит, тугунчали периартериит, ревматоид артрит Бехтерев касаллиги ва хоказо) касалликлари киради.

Касалликларнинг фаол даврида, бўғимлар ва органлар фаолияти бузилиши билан кечишида, оғриқ ва бошқа симптомлар мавжудлигига, сурункали касалликларнинг бир йилда 2 мартадан кўп бўлган хуружида 23.1. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқсизлик тўғрисида тиббий хulosा чиқарилади. Касалликнинг оғирлашуви, ривожланиш даражаси, мушак-сүяклар ва ҳаракат-таянч тизими фаолиятининг сақланганлиги, бўғимларда ҳаракатчанликни чегаралангандиги, узоқ даволанишнинг салбий оқибатларини, хуружлар ва тўсатдан иш қобилиятини йўқолишига олиб келувчи сабабларни ҳисобга олиб номзодларга тиббий хulosा чиқарилади. Тўлиқ даволаш курси ва реабилитацион муюалажалар ўтказилгандан кейин соғайганда, органлар функциялари сақланганлигига, турғун ремиссияда номзодларга учиш ишига, ишга (якка тартибда) ва ўқишига, парвозга яроқлилик ҳақида тиббий хulosा чиқарилади, учиш ишига ва борткузатувчиликка ўқишига номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosা чиқарилади. Авиаходимларга авиация шифокорининг диспансер кузатуви белгиланади.

## **3. Жарроҳлик касалликлари**

### **24 - модда.**

Номзодларда тегишли гувоҳнома билан белгиланадиган касбий мажбуриятларини бажаришга тўқсинглик қилмайдиган сүяк-мушак тизимининг туғма ва орттирилган бузилишлари мавжуд эмаслигига, уларга 24.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хulosा чиқарилади. Борткузатувчиликка ўқишига ва ишга номзодларнинг бўйи ва тана вазнига талаблар иш берувчи томонидан белгиланади.

Бўғимлар ҳаракатчанлиги 23-иловага мувофиқ аниқланади. Номзодларда тананинг пропорционал ривожланганлиги етарли ҳисобланади. 20 ёшгача бўлган ФА учиш ишига ўқишига киравчи (учувчилар таркибига) номзодларда тана вазнининг 25% гача камлиги, бошқа жисмоний кўрсаткичлар яхши бўлганда (тана тузилишининг мутаносиблиги, мушак системасининг ривожланганлиги, спирометрия ва динамометриянинг кўрсаткичлари) жисмоний ривожланишнинг етишмовчилиги деб баҳоланмайди, чунки организм ривожланишининг интенсив даврида тана вазни бўй ўсишидан орқада қолиши мумкин.

Номзод, гувоҳнома билан белгиланадиган касбий мажбуриятларини хавфсиз бажариш

учун етарли бўлган ўтирган ҳолдаги бўй узунлигига, кўл ва оёқлар узунлигига, мушак кучига эга бўлиши лозим.

Мунозарали ҳолларда учиш тренажерида текширув ўтказилади, тренажер инструкторининг текшируви хulosасига асосан тиббий хulosha чиқарилади.

Инфантлизмда эндокринолог маслаҳати хulosasiga кўра яроқлилик аниқланади.

## **25 - модда.**

Моддага бош суяги ва ҳаракат-таянч аппаратининг специфик ва носпецифик этиологияли касалликлари: суяк ва бўғимлар сили, остеомиелитлар, дегенератив-дистрофик жараёнлар (деформациялашган артрозлар, остеохондропатиялар, асептик некрозлар ва бошқалар), товон шпоралари, калькулёзли бурсит, Дюпюитрен контрактураси, эозинофил гранулёма, қсантома, гемангиома, фиброз дисплазияси, юз суякларнинг сурункали касалликлари, спондилитлар, умуртқа поғонасининг қийшайишлари (кифозлар, сколиозлар), барча босқичдаги деформацияловчи спондилёз, Шморл чурралари, спондилоартритлар ва бошқалар тегишли.

Бош жароҳатларида, бош суяги ва бош миядаги жарроҳлик операцияларининг асоратларида тиббий хulosha невролог томонидан чиқарилади.

Номзодлардаги жисмоний ривожланиш нуқсонлари, суяк, мушак, бўғим, пай ва тоғайларнинг сурункали касалликлари, жароҳат ва жарроҳлик операциялари асоратлари, куйиш ва музлаш оқибатидаги чандиклар, уларнинг кучайиб бориши, ҳаракатлар ҳажми, мушак кучи, оёқ ва қўллар фаолиятининг чегараланиш даражалари, учувчи ўзлаштирган ҲК тури, функционал бузилишлар даражаси ва бошқа мезонларга кўра баҳоланади. Кийим ва оёқ кийим кийишни қийинлаштирувчи ёки унга тўсқинлик қилувчи, оғриқ синдроми мавжуд бўлган, кучайиб (зўрайиб) борувчи, функционал бузилишларнинг аҳамиятга эга бўлган даражасида, номзодларга 25.1 модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хulosha чиқарилади.

Номзодларда касалликнинг специфик (туберкулёз) этиологияси аниқланганда, фаолиятининг бузилиш даражасидан қатъий назар секвестрал бўшлиқларда битмайдиган ва даврий равища очилиб турадиган оқма яралар мавжудлигига, остеомиелит негизида оқма яраларда, сон суяги бошчаси остеохондропатиясида, йирик бўғимларнинг яққол деформацияланувчи остеоартроз касалликларида фаолиятининг яққол ва мўътадил ифодаланган бузилишида 25.1 модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хulosha чиқарилади. Даволашнинг ижобий натижаларида (оқма яранинг ёпилиши, рентгенологик текширувда секвестрларнинг йўқлигига) ва 6 ой кам бўлмаган ремиссияда учиш ишига яроқлилик аниқланади, борткузатувчиликка ўқишига ва ишга номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosha чиқарилади.

Остеомиелитда барча номзодлар терапевтик ёки жарроҳлик услублари билан даволанадилар. Ремиссияда, хуружлар бўлмаса, секвестрал бўшлиқлар ва секвестрлар аниқланмаса, касалликнинг ҳарактери, локализацияси, фаолиятининг бузилиш даражалари, номзоднинг касбий маҳорати ва иш тажрибасини ҳисобга олиб 25.2 модда бўйича учиш ишига (парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosha чиқарилади, борткузатувчиликка ўқишига ва ишга номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosha чиқарилади.

Остеохондроз, спондилоартроз каби умуртқа суякларидаги оғриқсиз, функцияси аҳамиятсиз чекланган дегенератив-дистрофик жараёнларда 25.2. модда бўйича номзодларга яроқлилик тўғрисида хulosha чиқарилади, борткузатувчиликка ўқишига номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosha чиқарилади. Илдизчали синдромда тиббий хulosha невролог томонидан чиқарилади.

Бўғимлар чиқиши билан умуртқа поғоналарини таналарини синишида жараён фазаси ва функционал ҳолатидан қатъий назар умуртқа туберкулезида 25.1 модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Умуртқа поғоналари таналарини компрессион синишида 6 ойдан кейин, териости вертебропластикасида 2 ойдан кейин, жарроҳлик усули билан даволаниш натижалари ижобий бўлганда ва функциялар тўлиқ тикланганда 25.2 модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Умуртқанинг ўткир ва кўндаланг ўсимталарини синишида, функциялар тўлиқ тикланганда ва оғриқ синдроми бўлмагандан учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) рухсат берилади, борткузатувчиликка ўқишига ва ишга номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Умуртқалар шаклининг ўзгаришида, шакл ўзгаришини (эгрилик, қийшайиш) кўриниш даражалари ва этиологиясини, умуртқалар фаолиятини сақланганлигини, учувчининг касбий фаолиятини бажара олиш қобилиятини ҳисобга олиб учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилиги аниқланади.

Ламинэктомиядан кейин, функциялар тикланганда ва оғриқ синдроми бўлмагандан учиш ишига 3 ойдан кейин, ўқишига, парвозга, ишга эса меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилганидан кейин 25.2. модда бўйича номзодларга яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Умуртқа рентгенограммасида умуртқалар вентрал қирғоининг ўткирлашиши, қалинлашиши, якка ҳолдаги бигизсимон ўсимталар ва бошқа кўринишидаги морфологик ўзгаришлар аниқланганда, клиник белгилар бўлмаса модда кўлланилмайди.

Номзодларда остеохондроз аниқланганда уларга хирург ва невролог диспансер кузатуви белгиланади ва даволаш профилактика тадбирлари ўтказилади.

Дюпюитрен контрактурасининг I даражасида 25.2. модда бўйича номзодларга ўқишига ва учиш ишига яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади ва уларга хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади, ҳамда консерватив даволаш усуллари кўлланилади. Касалликнинг II даражасида учувчилар факат ўзлари ўзлаштирган ҳаво кемасига яроқли ҳисобланадилар. Уларга даволашнинг жарроҳлик усуллари тавсия қилинади ва натижаси ижобий бўлиб, функцияларнинг сақланганлигига учиш ишига яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Оғриқсиз, томирлар ва органлар фаолиятларида бузилишлари бўлмаган, сколиознинг ўспиринликка оид I даражасида жисмоний ривожланиш меъёрда бўлганда,  
V бел умуртқаси сакрализациясида, I думгаза умуртқаси люмбализациясида, кўрсатилган умуртқалар ёйларининг ўсмай қолишида, номзодлар учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқли деб топилади, борткузатувчиликка ўқишига номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Шморл чурраларида оғриқ синдромининг мавжудлигига, 25.1 модда бўйича невролог томонидан номзодларга учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Тос суюкларининг бирлашган (консолидацияланган) синишида, жароҳатдан 6 ойдан сўнг, тўлиқ соғайгандан кейин, оғриқ синдроми ва органлар функцияларини бузилишлари бўлмаганда 25.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилик аниқланади, борткузатувчиликка ўқишига номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, якка тартибда ишга яроқлилик аниқланади.

Тос чаноги соҳасида алоҳида суюкларнинг чегараланган синиб ўсишида, чаноқ

айланасининг шаклида деформация бўлмаганда модда қўлланилмайди. Умуртқа погонаси ва тос суяклари касалликлари ва жароҳатларида яроқлилик хирург томонидан невролог билан биргаликда аниқланади.

Инфекцион-аллергик генезли спондиоартритларда (Бехтерев, Рейтер касалликлари ва бошқалар) яроқлилик терапевт томонидан аниқланади.

Суяклар, тоғайлар, мушаклар, пай ва бўғимларда жарроҳлик операцияларидан кейин ўқишига ва учиш ишига яроқлилик органлар функциялари тиклангандан сўнг аниқланади. Жарроҳлик операциялари ёки жароҳатлар оқибатидаги қўл ёки оёкнинг 2 см.дан кўп калта бўлишида яроқли ҳисобланадилар (борткузатувчиликка ишга (ўқишига) номзодлар бундан мустасно). Жарроҳлик операциялари ёки жароҳатлар оқибатидаги ифодаланган дефектларда органларнинг функционал ҳолати учиш тренажерида текширув ўтказилиб (ҳаво кемасининг бошқарув қисмларига қўл, оёқни бемалол этиши ва осон бошқариш қобилиятини ҳисобга олиб), тренажер инструкторининг текшируви хулосасига асосан баҳоланади.

Жарроҳлик операцияларига тиббий кўрсатмалар бўлганда, номзод мазкур даволанишдан бош торгса, у ҳолда 25.1 модда бўйича унга учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Остеосинтезда турли фиксацияловчи мосламалар ўрнатиши ва протез (ясама аъзо) қилиш билан боғлик жарроҳлик усувлари қўлланилганда, операциядан кейинги ҳолатни ижобийлигида, функциялар сақланганлигида, рентген ва бошқа текширувлар натижаси ижобийлигида травматолога-ортопеднинг хулосаси ва прогнозини ҳисобга олиб, 25.2. модда бўйича номзодларга якка тартибда учиш ишига (ўқишига, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, борткузатувчиликка ишга (ўқишига) номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Бўғимлар касалликларида ва биритиравчи тўқиманинг тизимли касалликларида, ремиссиянинг турғунлигида, органлар функцияларини сақланганлигида, бўғимлар ва органларнинг функционал ҳолатини ҳисобга олиб учиш ишига (ўқишига, парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Турли сабабли қўл ва оёқ нуқсонлари мавжудлигида, улар фаолиятини сақланганлик даражаси ва касбий мажбуриятларини бажара олиш қобилиятига кўра яроқлилик аниқланади, борткузатувчиликка ишга (ўқишига) номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Мунозарали ҳолларда тренажёр текшируви ўтказилади ва тренажёр инструкторининг текширув натижалари тўғрисидаги хулосаси асосида тиббий хулоса чиқарилади.

Оёқ панжаси йўқлигида ва функциясини бузилиши билан кечувчи, юришни ва оёқ кийим кийишни қийинлаштиравчи (тўскинлик қилувчи) оёқ панжасининг туфма ёки орттирилган деформацияларида 25.1. модда бўйича яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

## **26 - модда.**

Хавфли ўスマлар аниқланганда, номзодларга 26.1. модда бўйича ўқишига ва учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Номзодлар ихтисослаштирилган тиббий муассасада даволангандан (жарроҳлик усули, химиотерапия, нурли терапия ёки уларнинг комбинацияси) кейин, рецидивни турғунлигида, бош мияда метастаз мавжуд эмаслигида, организмда ўсмани ривожланиш жараёнини умумлашуви (қамраб олиши) бўлмаганда, организмни тўлиқ ва турғун функционал ҳолатида (аҳамиятга эга бўлмаган ўзгаришлар борлигида) б ойдан кейин тиббий хулоса бериш аниқланади. Хавфли ўスマлар сабабли

даволанган номзодларга якка тартибда чекловлар қўлланиб 26.2 модда бўйича учиш ишига (самолет, вертолет) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва уларга хирург ва онколог диспансер кузатуви белгиланади. Бошқа таркибдаги номзодларга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилганда чекловлар қўлланилмайди ва уларга хирург ва онколог диспансер кузатуви белгиланади.

Хавфли ўスマЛАРДА, даволашни касалликнинг илк босқичида ўтказилганлигини, кенг қамровли патоморфологик хулоса (ўсма ўсишини анатомик типи ва унинг морфологик характеристикаси, регионар лимфотугунлар ҳолати), даволашдан кейинги клиник ҳолати динамикасини (тана вазни, лаборатор ва бошқа текширувлар) ижобийлигини, даволаш асоратлари ва рецидивнинг мавжуд эмаслигини, ўсманинг ривожланишини, гематологик қўрсаткичларнинг меъёрийлигини, органлар функцияларини бузилиш даражаларини, меҳнатга лаёқатлилик қобилиятини тикланиш муддатларини, касбий мажбуриятларини бажара олиш қобилияти ва тўсатдан иш қобилиятини йўқолиш хавфи каби омилларни ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Рак *in situ* патоморфологик хулоасида, ўсманинг жойлашувидан (локализациясидан) қатъий назар, ўтказилган даволаш турини (операцияни) характеристидан келиб чиқиб, онколог хулоаси ва прогнози асосида чекловлар (“тропик мамлакатларда ишлашга яроқсиз”, “фақат ўзлаштирган ҳаво кемасида учиш ишига яроқли”, “авиакимёвий ишларда ишлашга яроқсиз” каби) қўлланилиб 26.2 модда бўйича ўқишига ва учиш ишига (самолет, вертолет) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Бошқа таркибдаги номзодларга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилганда чекловлар қўлланилмайди ва уларга хирург ва онколог диспансер кузатуви белгиланади.

Ёмон сифатли эутиреоид тугунли буқоқда ва тугунли мастопатияда онколог маслаҳатига кўра комиссия оралиги даврида жарроҳлик усули билан даволаниш лозим.

Хавфсиз ўスマЛАРДА, ўсма тўлиқ бартараф этилганда, ўсманинг хавфсизлиги лаборатор текширувлар билан тасдиқланганда, органлар функциялари сақланганлигига, жисмоний ва руҳий соғлик ҳолати меъёрдалигига 26.2 модда бўйича учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, борткузатувчиликка ўқишига номзодларга ўқишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, якка тартибда ишга яроқлилик аниқланади.

## 27- модда.

Моддага нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари, сийдик-таносил тизими, тери (ковоқ ва ташқи эшитув йўлаги териси бундан мустасно), сут бези, мушак, суж, бирлаштирувчи тўқима, тоғай (кулок, бурун ва ташқи эшитув йўлаги суж ва тоғайлари бундан мустасно) ва томирларнинг хавфсиз ўスマЛАРИ тегишли.

Хавфсиз ўスマЛАР жарроҳлик йўли билан олиб ташлангандан кейин, операциянинг қўлами ва натижасини ҳисобга олиб, учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) рухсат бериш муддати хирургнинг шахсий кўруви асосида аниқланади.

Maxsus либослар ва анжомлар ҳамда оёқ кийим кийишга монелик қилмайдиган, кичик ҳажмдаги, ўсишига мойил бўлмаган хавфсиз ўスマЛАРДА (липоматоз, сўгалли ва пигментли невуслар, дермоидли кисталар, хондромалар ва бошқалар) модда қўлланилмайди, номзодларга хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади.

Жарроҳлик усули билан даволанган хавфсиз ўスマЛАРДА, учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) қабул қилинаётган барча номзодлар, хирургга ўсманинг гистологик текшируви ҳақида маълумот ва ўтказилган операциянинг характеристи тавсифланган кўчирма (тиббий маълумот)

тақдим этадилар.

Ошқозон-ичак йўлида (кўпича полиплар) ва нафас олиш органларида хавфсиз ўсмалар мавжуд бўлган номзодларга учиш ишига (парвозга) минерал ўғитлар билан ишлашга яроқли, лекин заҳарли кимёвий моддалар билан ишлашга яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, даволаш тактикасини ўсмани жойлашишига кўра онколог ёки проктолог белгилайди.

Липома ва бошқа териости ёғ қатлами хавфсиз ўсмалари олиб ташлангандан кейин, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгач, хирургнинг шахсий кўруви асосида учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) рухсат берилади.

Буйракнинг кичик ва ўртacha ҳажмдаги оддий кисталарида, ҳамда бир ёки икки томонлама жойлашган синусли кисталарида, клиник кўринишлар (оғриқ, артериал босим ошиши, сийдик таҳлилида ўзгаришлар) бўлмаса, шахслар учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқли ҳисобланади. Улар хирург ва заруриятга кўра уролог диспансер кузатувига олинади ва йилда 1 марта буйраклар УЗТ ўтказилади. Катта ҳажмли буйрак кисталарида ихтисослаштирилган муассасада киста пункцияси ўтказилади ва асоратлар бўлмаганда 2-3 ҳафтадан кейин учиш ишига рухсат берилади. Пункция ўтказишга кўрсатма бўлмаганда уролог тавсиясига кўра диспансер кузатуви белгиланади.

Қалқонсимон безда 1 см.дан кичик тугунлар пайдо бўлганда, хирург-эндокринолог маслаҳати олинади, ҳар 6 ойда УЗТ ва диспансер кузатуви ўтказилади. Биринчи марта 1 см.дан катта тугунлар аниқланганда ва уларнинг 6 ойда 0,5 см.га ўсишида пункцияли биопсия ўтказилиши керак. Рак, аденона ва 3 см.дан катта тугунларда оператив жарроҳлик усули билан даволаниш лозим. Тугуни буқоқ олиб ташланганидан кейин, хирург терапевт билан бирга эндокринолог маслаҳати ва прогнози асосида учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлиликни аниқлайди.

Ўсма хусусиятининг яхши сифатли эканлиги исботланганда, оператив даволаш зарурияти бўлмаганда, ўсма билан боғлик анатомик дефектлар ёки функционал бузилишлар мавжуд бўлмаганда, ўсишга тенденция йўқлигига, ўсманинг маҳсус либос ва анжомларни (кислород маскаси каби), оёқ кийимни кийишга тўсқинлик қилмаслигига номзодларга учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Простата безининг яхши сифатли гиперплазиясида ўртacha ва кучли ифодаланган симптоматик обструкция мавжудлигига авиаходимлар учиш ишидан четлатилади. Уларга трансабдоминал ва трансректал эхография, қон зардобида простатанинг специфик антигени даражаси текшируви ва уролог тавсиясига кўра бошқа текширувлар ўтказилади. Кам ифодаланган ва енгил симптомлар борлигига, оператив даволашга кўрсатма бўлмаганда, уролог хуносасига кўра 27.2 модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Простатанинг трансуретрал резекциясидан кейин 6 ой ўтгач, обструктив симптомлар асоратларсиз бартараф этилганда, органлар фаолиятини бузилишлари бўлмаганда, уролог хуносаси асосида якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Ташки жинсий органларнинг яхши сифатли ўсмаларини жарроҳлик усули билан олиб ташлаш ҳақида қарор, гинеколог ёки уролог маслаҳатига кўра қабул қилинади.

Симптомларсиз кечувчи бачадон миомасида авиаходимлар диспансер кузатувига олинади. Миомани ўсишида ва ёнида жойлашган органлар фаолиятини бузилишида, бачадондан қон кетишида, оғриқ синдроми борлигига ва бошқа кўрсатмалар мавжудлигига авиаходимлар оператив даволанади. Операциядан кейин яроқсизлик муддати 4 ойгача деб белгиланади, учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) тикланишида операция тури, асоратларни йўқлиги, соғлигини

тикланиши, органлар функциясини сақланғанлиги, касбий вазифаларини бажаришда түсатдан мәннат қобилиятини йүқолишига олиб келувчи омиллар йүқлиги, текширувларнинг меъёрдаги натижаларини, гинеколог хulosасини ҳисобга олиб 27.2 модда бўйича тиббий хulosса чиқарилади.

Номзодлардаги кўкрак оралиғи, плевра, бронхлар ичидаги ва бронхлардан ташқаридаги ўпканинг яхши сифатли ўсмаларни оператив даволашдан кейин 6 ой ўтгач, умумий соғлиги тикланганида, торактомиядан кейинги кўкрак қафасини деформацияси мавжуд бўлмагандан, рентгенологик ва бошқа текширувларда қўпол анатомик дефектлар бўлмагандан, ташки нафас олиш ва юрак қон томирлари функцияларида бузилишлар йўқлигига 27.2 модда бўйича учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Уларга ҳар навбатдаги кўриқдан ўтишида спирография ва кўкрак қафаси органларининг ренгенографияси ўтказилади.

## **28 - модда.**

Ташки нафас олиш функциясини кучли ифодаланган бузилишлари, уйкудаги обструктив апноэ синдроми мавжудлигига, касаллуклар, ривожланиш нуқсонлари ва жароҳатлар сабабли кўкрак қафасидаги органларда ўтказилган йирик жарроҳлик операцияларида, пульмонэктомияда номзодларга 28.1 модда бўйича учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Жарроҳлик усули билан даволанганда, тўлиқ даволаниб, соғлиги тиклангандан кейин, Тиффно индекси 60 % кам бўлмаган нафас олиш функциясининг етарлича тикланғанлигига, текширувлар натижалари ижобийлигига, хирург терапевт билан бирга учиш ишига (парвозга, ишга) яроқлиликни аниқлайди.

Жарроҳлик усули билан даволашга эҳтиёж бўлган патология (нуқсонлар), ўпканинг қолдиқ функционал ҳажми, юрак қон-томир тизимининг функцияси, кўкрак қафасидаги органлар силжиши эҳтимоли, босимнинг учиш давомидаги тафовути сабабли оғир асоратларни келиб чиқишини ва прогнозни ҳисобга олиб, номзоднинг соғлик ҳолати таҳлил қилинади ва тиббий хulosса чиқарилади.

Кўкрак девори ва ўпка тўқимасида йирик томирлар ва юракдан узоқда жойлашган ёт жисмлар мавжуд бўлганда, клиник белгилар бўлмаса ва ташки нафас олиш функцияси яхши кўрсаткичларга эга бўлганда, 28.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Спонтан пневмотораксда клиник соғайишдан ташқари рецидив хавфи ҳисобга олиб тиббий хulosса чиқарилади. Биринчи марта спонтан пневмотораксдан кейин клиник соғайганда, тиббий текширувлар натижасида буллез эмфизема ёки бошқа нафас олиш органлари функцияларини бузилишлари аниқланмаса, 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда чекловлар қўлланиб учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилиши мумкин.

Спонтан пневмоторакснинг қайта хуружида, операциядан кейин 3 ой ўтганда, тўлиқ соғайганда, ҳар томонлама ўтказилган маҳсус текширувлар натижасига кўра 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда чекловлар қўлланиб учиш ишига (парвозга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилиши мумкин.

Ички органлар шикастланмаган кўкрак қафасини ичига кирган яраланишда, бутунлай соғайгандан кейин, тиббий текширувларнинг натижасига кўра учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик аниқланади.

Ўпканинг сурункали обструктурив касаллукларида (ЎСОК), ремиссиянинг турғунлигига ва нафас олиш функциясини сақланғанлигига, 28.2. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга,

парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Нафас олиш функциясини кам ифодаланган бузилишларида ОФВ1, ЖЕЛ 70 % кам бўлмаганинига, нафас олиш ва юрак қонтомир тизимларини текширувлар натижалари ижобийлигида, 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда чекловлар кўлланиб (TML) учиш ишига (самолет, вертолет) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади ва хирургнинг диспансер кузатуви белгиланиб, ҳар кўрикдан ўтишида нафас олиш ва юрак қон-томир тизимларини текширувлари ўтказилади. Бошқа таркибдаги номзодларга якка тартибда тиббий хulosса чиқарилади.

Саркоидознинг ўткир фазасида номзодларга 28.1 модда бўйича учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Касалликдан 6 ой ўтгач ремиссиянинг турғунлигида ва нафас олиш функциясини сақланганлигида, дорилар ва бошқа даволаш усуллари тўлиқ тўхтатилганда, 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда чекловлар кўлланиб (TML) учиш ишига (самолет, вертолет) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади ва хирургнинг диспансер кузатуви белгиланиб, ҳар кўрикдан ўтишида нафас олиш ва юрак қон-томир тизимларини текширувлари ўтказилади. Бошқа таркибдаги номзодларга якка тартибда тиббий хulosса чиқарилади.

Қисилишга мойил бўлган ёки қизилўнгач ва ошқозонда функционал бузилишларни келтириб чиқарувчи ва рефлюкс-эзофагит асорати мавжуд бўлган диафрагмал чурраларда учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқсизлик тўғрисида хulosса чиқарилади. Жарроҳлик усули билан даволашнинг ижобий натижасида, 3-6 ойдан кейин, бутунлай соғайганда, тиббий текширувларнинг натижасига кўра учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик аниқланади.

## **29- модда.**

Моддага қизилўнгач касалликлари ва аномалиялари (эзофагит, Баррет синдроми, қизилўнгач яраси ва стенози, қон кетиши, дивертикуллар, кардиоспазм, кардия ахалазияси, қизилўнгачни чандиқли торайиши ва бошқалар) тегишли.

Дивертикулни жарроҳлик усули билан даволашни ижобий натижасида, касбига яроқлилик аниқланади. Қизилўнгач (эзофагоскопия ва бошқалар), ташқи нафас олиш органлари ва юрак қонтомир системалари функцияларини чукурлаштирилган тиббий текширувлари натижасида органлар функцияларини бузилишлари ва дивертикул рецидиви мавжуд бўлмаганда, 29.2. модда бўйича номзодга учиш ишига (самолет, вертолет) якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Бошқа таркибдаги номзодларга касбий мажбуриятларини бажара олиш қобилиятини ҳисобга олиб тиббий хulosса чиқарилади.

Оператив даволанишни талаб қилмайдиган қизилўнгач дивертикулларида 29.2. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Қизилўнгач веналарини варикоз кенгайишида, этиологияси ва клиник кўринишларидан қатъий назар, барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади, улар қайта ўқишга, касбига тикланмайдилар.

Қизилўнгачнинг чандиқли стенози сабабли ўтказилган қизилўнгач пластикасида ва функционал касалликлар туфайли ўтказилган пластикали эзофагокардиомиотомия каби жарроҳлик операцияларидан кейин, ҳар томонлама ўтказилган текширувлар натижаларини, касбий фаолиятини хавфсиз бажара олиши ва бошқаларни ҳисобга олиб, жарроҳ маслаҳати ва прогнози асосида учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилиги аниқланади.

Рефлюкс-эзофагит мавжуд бўлмаган, диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурраси билан боғлик бўлмаган қизилўнгач-ошқозон йўлагини етишмовчилигида номзодлар учиш ишига

(ўқишига, парвозга, ишга) яроқли ҳисобланадилар.

### **30 - модда.**

Корин бўшлиғидаги жарроҳлик операцияларидан кейин, номзодлар, ташхис, операция ўтказилган сана ва унинг тўлиқ баённомаси, операциядан кейинги даврнинг кечиши, операцион препаратурнинг патоморфологик текшируви ва шунга оид бошқа маълумотлар кўрсатилган касаллик тарихидан кўчирмани хирургга тақдим этадилар.

Жарроҳлик операцияларининг ижобий натижасида, тўлиқ соғайиб, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгандан кейин, касбий мажбуриятларини бажаришда хавф омилларини мавжуд эмаслигига, органлар функциялари сақланганлигига, гастроэнтрологик текширувлар натижалари ижобийлигига, тегишли мутахассислар маслаҳати ва прогнози асосида учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилик аниқланади. Жарроҳлик операцияларининг асоратлари мавжуд бўлганда (пневмония, тромбофлебит каби), спленэктомияда, корин бўшлиғидаги кўплаб органларининг шикастланиши сабабли ўтказилган лапаротомияда номзодларнинг учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқсизлик муддати якка тартибда аниқланади.

Симптомларсиз битта йирик конкретмент мавжуд бўлган холецистолитиазда, комиссия оралиги даврида режага мувофиқ жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади.

Ошқозон ва 12-бармоқли ичакнинг яра касаллиги ва асоратлари (рецидив, қон кетиши, перфорация, пенетрация каби) даволангандан кейин, эндоскопик текширув ўтказиб ярани битгани тасдиқланади ва дори-дармонлар қабул қилишига талаб бўлмаганда 8 ҳафтадан кейин учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, борткузатувчиликка ўқишига номзодларга ўқишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, ишга яроқлилик якка тартибда аниқланади. Уларга ҳар 6 ойда ЭФГДС, қон таҳлили (гемоглобинга) ва гастроэнтеролог маслаҳати белгиланади.

Тизимли касаллик туфайли ўтказилган холецистэктомия ва спленэктомиядан кейин тиббий хулоса терапевт билан биргаликда хирург томонидан чиқарилади. Тиббий хулоса чиқаришда, касаллик билан боғлиқ асоратлар хавфини мавжудлиги ва тегишли пархезга риоя қилишида симптомларнинг йўқлиги, операциядан кейинги даврнинг кечиши, дори-дармонлар билан даволашга талаб йўқлиги, эндоскопиянинг ижобий натижалари, касбига доир мажбуриятларини бажаришда парвозлар хавфсизлигига доир хавфнинг йўқлиги ва бошқалар ҳисобга олиб, амал қилиш муддатига чекловлар қўйилиб тиббий хулоса чиқарилади. Яроқли деб топилган номзодларга, 3 йил давомида, хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади.

Чов, сон, диафрагма, киндик, қорин оқ чизиги чурраларида, оғриқ синдроми ва қисилиш хавфи борлигига жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади. Жарроҳлик операциясининг ижобий натижасида, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгандан кейин, учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилик аниқланади. Агар чурранинг қисилиш хавфи бўлмаса ва оғриқ синдроми йўқлигига, комиссия оралиги даврида режага мувофиқ жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади. Бу ҳолда 30.2. модда бўйича номзодга чекловлар қўлланиб учиш ишига (самолет, вертолёт) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, бошқа таркибдаги номзодлар ўқишига (парвозга, ишга) яроқли ҳисобланади (борткузатувчиликка ўқишига ва ишга номзодлар бундан мустасно). Жарроҳлик йўли билан даволанишдан бош тортган номзодларга 30.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Катта бўлмаган физиологик ҳалқа чегарасидаги киндик чуррасида, қорин пардасининг олди липомасида, жисмоний зўриқиши ва кучаниш вақтида чурра чиқиши кузатилмайдиган чов

ҳалқасининг кенгайишида номзодлар яроқли ҳисобланади ва модда кўлланилмайди.

Сурункали колитларда, ремиссияни турғунлигида, домий дори дармон воситаларини қабул қилишга заруриятни йўқлигида, асоратлар бўлмаганда, соғлиқ ҳолатини барқарор ижобийлигида, номзодларга ўкишга ва учиш ишига (самолет, вертолет учувчилари га 3 йил давомида TML чеклови кўлланади) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Крон касаллигида ва ярали колитларда номзодларга 30.1. модда бўйича учиш ишига (ўкишга, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Кучли ифодаланган клиник кўринишлар билан кечувчи қорин парда битишмаларида номзодларга 30.1. модда бўйича учиш ишига (ўкишга, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Клиник кўринишлари бўлмаган долихосигмада учиш ишига (ўкишга, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилмайди.

Аёлларнинг кичик чаноқ органларида ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, гинеколог маслаҳати асосида хирург томонидан тиббий хulosса чиқарилади.

Радикал жарроҳлик операцияларидан кейин номзодларга 2-3 ойгача 30.1. модда бўйича учиш ишига (ўкишга, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Асоратлари бўлмаган гистерэктомиядан кейин эса 3 ойдан сўнг, жисмоний ва руҳий ҳолати меъёрдалигида, органлар функциялари сақланганлигида номзодларнинг учиш ишига (ўкишга, парвозга, ишга) яроқлилиги аниқланади.

Эндоскопик, шу жумладан лапароскопик жарроҳлик операциялардан сўнг 1-2 ойдан кейин учиш ишига (ўкишга, парвозга, ишга) яроқлилиги аниқланади.

Номзоднинг соғлиги тўлиқ тикланганда, касбий вазифаларини хавфсиз бажаришига монелик қилувчи касаллик асоратлари йўқлигида, мутахассис маслаҳатини ижобий прогнозини ҳисобга олиниб, ваколатли органнинг тиббий экспертлари якка тартибда яроқсизлик муддатларини қисқартиришлари мумкин.

### **31 - модда.**

Моддага тўғри ичак ва парапектал бириктирувчи тўқималарининг касаллуклари киради. Тез-тез хуружлар билан кечувчи, кучли ифодаланган клиник кўринишлари мавжуд бўлган тўғри ичак ва парапектал бириктирувчи тўқималарининг касаллукларида, анусли торайиши ва органлар функцияларини бузилишларида, оқма яраларда ва бошқа патологик ҳолатлар аниқланганда терапевтик ёки жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия қилинади. Тавсия этилган усувлар билан билан даволанишдан бош тортган номзодларга 31.1. модда бўйича учиш ишига (ўкишга, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Даволашларнинг натижаси ижобийлигида, шикоятлар, ва симптомлар бўлмаганда, турғун ремиссияда, жарроҳлик яраси асоратларсиз тўлиқ битганда, тиббий текширувлар натижаси меъёрдалигида, ич келиши меъёрда бўлиб, функциялари тикланганда 31.2. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўкишга, парвозга, борткузатувчиларга якка тартибда - ишга ва ўкишга) яроқлилиги ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Уларга 2 йил давомида, ҳар 6 ойда хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади ва заруриятта кўра проктолог маслаҳати ўтказилади.

Касалликни зўрайиши ва функциялар бузилишлари бўлмаган, тўғри ичак тушишини бошланғич шаклида, номзодларнинг учиш ишига (самолет, вертолет) яроқлилиги якка тартибда аниқланади.

Чотнинг кондиломатозида дерматовенеролог маслаҳатига асосланиб номзодларнинг учиш ишига яроқлилиги аниқланади.

### **32 - модда.**

Моддага магистрал ва периферик томирлар касалликлари киради.

Аорта аневризми ташхисини аниқлашда, авиаходимларга трансторакал эхокардиография, МРТ ёки магнит-резонанс ангиография (бундан буён матнда МРА деб юритилади) текширувлари, заруриятга кўра аортография ўтказилади. Аорта ички диаметри  $> 4,0$  см. лекин  $< 5,0$  см. бўлганда номзодларга ТМЛ чеклови қўлланиб 6 ойга тиббий хulosса берилиши мумкин, диаметр  $> 5,0$  см. бўлганда 32.1. модда бўйича учиш ишига яроқсизлиги ҳакида тиббий хulosса чиқарилади. Жарроҳлик операцияларидан кейин, прогнозни ҳисобга олиб, оператив даволашнинг ижобий натижасида, хавф даражаси энг кам бўлган ва коронар артерия касалликлари истисно қилинган номзодларга учиш ишига ТМЛ чеклови қўлланиб тиббий хulosса чиқарилиши мумкин. Яроқли деб топилган шахсларга доимий муддатга хирургнинг диспансер кузатуви ҳар 3 ойда белгиланади. Тегишли мутахассис маслаҳати ва бошқа текширувлар заруриятга кўра ўтказилади.

Периферик томирлар касалликлари аниқланганда, бош мия ва юрак қон-томир тизимларини тиббий текширувлари ўтказилади. Коронар томирлар билан боғлиқ патологияларни аниқлашда фармакологик юклама ва таллий билан ўтказиладиган миокард перфузиясини визуализацияси тести ўтказилиши мумкин.

Эндартерит ва атеросклероз облитерацияларида, касаллик босқичини, симптомлар мавжудлигини, текширувлар натижасини ҳисобга олиб номзодларнинг яроқлилиги аниқланади. Артерияларнинг облитерацияловчи касалликларида трофик бузилишлар ва оғриқ синдроми мавжудлигига 32.1. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқсизлиги ҳакида тиббий хulosса чиқарилади.

Чуқур веналар тромбозида антикоагулант (варфарин, ксарелто, прадакса) билан даволаниш 3-6 ойгача давом этиши мумкинлигини ҳисобга олиб, мазкур дориларни қабул қилиш бутунлай тўхтатилгандан кейин 1 хафта ўтгач, учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилиги аниқланади, борткузатувчиликка ўқишга ва ишга номзодлар бундан мустасно.

Оёқ ва қўлларнинг магистрал артерия ва артерио-венозли аневризмаларида ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, натижаси ижобийлигига, қўл-оёқларда қон айланишининг бузилишлари бўлмагандан ва қон айланишини компенсациялангани функционал текширувлар билан тасдиқланганда, 32.2. модда бўйича номзодларга тегишли чекловлар қўлланиб учиш ишига (самолет, вертолёт) яроқлилик ҳакида тиббий хulosса чиқарилади. Бошқа таркибдаги номзодларга яроқлилик ҳакида тиббий хulosса чиқарилади, борткузатувчиликка ўқишга ва ишга номзодлар бундан мустасно. Қон айланиши бузилишининг клиник белгилари бўлмагандан, лекин функционал текширувлар натижасида қон айланиши меъёрда бўлмаса, номзодга даволаниш тавсия этилади, даволангандан кейин ангиохирургнинг хulosаси ва прогнозини ҳисобга олиб яроқлилиги аниқланади, заруриятга кўра қўшимча текширувлар ўтказилади.

Функциясини вактинча бузилиши билан кечувчи магистрал ва периферик томирларда ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, реабилитация ва иш қобилиятини тиклаш учун бир ойдан кўп муддат талаб қилинганда, 32.1. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқсизлиги ҳакида тиббий хulosса чиқарилади.

Веналарнинг варикоз кенгайишида қон айланишининг декомпенсацияси ва трофик бузилишлар мавжудлигига, тугунлар устидаги тери юпқаланиб, томирнинг ёрилиш хавфи борлигига 32.1. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқсизлиги

ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Оёқлардаги томирларнинг варикоз кенгайишини жарроҳлик йўли билан даволанишнинг асоратларсиз ижобий натижасида, З хафтадан кейин ангиохирургнинг хulosаси ва прогнозини, ҳисобга олиб учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилиги аниқланади, заруриятга кўра кўшимча текширувлар ўтказилади, борткузатувчиликка ўқишга ва ишга номзодлар бундан мустасно.

ФА ўқув юртларида ўқишга номзодларга (борткузатувчиликка ўқишга номзодлар бундан мустасно) веналарнинг варикоз кенгайишини компенсацияланган А-Б даражаларида 32.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Сурункали веналар етишмовчилиги бўлмаган териости ёки чуқур веналарнинг ўткир тромбофлебитида, Мондор касаллигида номзодлар вақтинча учиш ишига (ўқишга) яроқсиз деб ҳисобланади. Касалликнинг ўткир белгилари бўлмаганда, вена йўли бўйича инфильтратни сўрилиб кетишида, қоннинг умумий таҳлили ва коагулограмма кўрсаткичлари меъёрда бўлса, ангиохирург хulosаси асосида хирург томонидан учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) рухсат берилади ва диспансер кузатуви белгиланади, борткузатувчиликка ўқишга ва ишга номзодлар бундан мустасно.

Лимфа тугунларининг шикастланишида авиаходимлар тегишли мутахассислар текширувидан ўтишлари шарт.

Лимфа тугунлари туберкулезида, тўлиқ клиник тузалиб, туберкулезга қарши диспансер назоратидан чиқарилгандан кейин ёки III группага ўтказилгандан, номзодларнинг касбий ишига қайта тикланиш масаласи фтизиатр билан биргаликда кўриб чиқилади.

Лимфа тугунлари туберкулези ва актиномикозини ўтказган учувчилар АКИда учиш ишига яроқсиз ҳисобланади.

Варикоцеле бўйича жарроҳлик операциясида, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгандан сўнг, хирург кўруви асосида учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) рухсат этилади.

Оёқ-қўл томирларининг тромбангиити ва аортоarterиитида, атеросклероз облитерациясининг III-IV босқичларида, сурункали веноз етишмовчилиги билан кечувчи постстромботик ва варикоз касаллигида, фил оёқлиликнинг II-IV даражаларида, ангиотрофоневрозлар II-III босқичларида, уруғ тизимчasi вена қон томирларининг варикоз кенгайишининг III даражасида 32.1. модда бўйича барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Оғриқ синдроми ва функция бузилишлари билан кечувчи уруғ тизимчasi веналари варикозида номзодларга жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади ва даволанишнинг натижалари ижобийлигида яроқлилик аниқланади. Уруғ тизимчasi веналари варикозининг I даражасида (веналар конгломерати кам ифодаланганлигида ва қорин мускуллари таранглигига унинг ортиқча кучайиши бўлмаганда) 32.2. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Уруғ тизимчasi веналари варикозининг II-III даражаларида ва 32.1. модда бўйича учувчиликка (самолет, вертолет), бортинженерликка, штурманликка, борткузатувчиликка ўқишга номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

### **33 - модда.**

Номзодларда, тегишли гувоҳномада белгиланган касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришга монелик қилмайдиган сийдик-таносил системаси касалликлари ва аномалияларининг органик ва функционал бузилишлари, шикастланишлари мавжуд бўлмаганда, уларга 33.2. модда

бўйича учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Функционал бузилишлари бўлмаган нефроптознинг I ва II даражаларида номзодлар учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқли деб ҳисобланади, лекин учувчиликка (самолет, вертолет), боркузатувчиликка ўқишига номзодларга 33.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Нефроптознинг III даражасида 33.1. модда бўйича барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Бирламчи гидронефрозда барча номзодлар яроқсиз ҳисобланади. Жарроҳлик усули билан муваффақиятли даволанган авиаходимлар, гидронефротик трансформация тўлиқ бартараф этилганда ва буйраклар функциясини яхши сақланганлигига учиш ишига яроқли деб топилади. Иккиласми гидронефрозда, гидронефротик трансформация сабаблари бартараф этилганда ва уларнинг қайта ривожланиши кузатилмаганда, буйраклар функциясини ўртача ва оғир бузилишлари бўлмаганди, учувчиларга (самолет, вертолет) ва бортинженерларга чекловлар кўлланиб 33.2. модда бўйича учиш ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади (борткузатувчиликка ўқишига ва ишга номзодлар бундан мустасно).

Туғма бир буйракни йўқлигига ёки нефрэктомиядан кейин буйрак функциясини сақланганлик даражасини ҳисобга олиб номзодларга якка тартибда тиббий хулоса чиқарилади (борткузатувчиликка ўқишига ва ишга номзодлар бундан мустасно).

Моякни олиб ташлаш бўйича жарроҳлик операциясини (коринда ушланиб қолиши, моякни пастга тушиши, эктопия) ўтказгандар ва қалпоқча шаклидаги гипоспадия билан номзодлар учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқли деб ҳисобланади. Мояк ва уруғ найчаси истисқоси, уруғ тизимчasi венасини кенгайтириш, крипторхизмда моякни тушириш билан боғлиқ жарроҳлик операцияларидан кейин, операция тури ва қўлланилган замонавий технологияларни ҳисобга олиб, даволаш натижалари ижобийлигига камида 3 хафтадан кейин учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) рухсат берилади.

Простата безининг яхши сифатли гиперплазиясида, жарроҳлик усули билан даволанишга кўрсатмалар йўқлигига, функционал бузилишлар бўлмаганди 33.2. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Простата безининг яхши сифатли гиперплазиясининг симптоматик обструкциясида номзодлар вақтинча яроқсиз деб топилади. Простата безининг трансуретрал резекцияси ёки альфа адренергиклар антагонистлари (теразозин, празозин, доксазозин ва тамсулозин), 5-альфа-редуктаза блокаторлари билан даволанувчилар

3-6 ойгача яроқсиз деб топилади. Жарроҳлик усули ёки кўрсатилган дорилар билан даволаш тўлиқ тугагандан кейин, буйраклар ва сийдик йўллари функцияларининг бузилишлари мавжуд эмаслиги лаборатор ва бошқа текширувлар билан тасдиқланганда, пешоб текшируви натижаси меъёрдалигига, якка тартибда номзодларнинг учиш ишига яроқлилиги аниқланади. Уларга хирургнинг диспансер кузатуви ҳар 6 ойда доимий муддатга белгиланади.

Урологик касалликлар ва улар сабабли ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, тегишлиси бўйича индивидуал ишлаб чиқилган антибактериал терапияга идиосинкритик реакцияни мавжуд эмаслигига, актив даволаниш бошлангандан кейин тўлиқ гемодинамик турғунликда, 14 кундан кам бўлмаган индивидуал антибактериал даволанганди (аёллардаги оддий цистит бундан мустасно), такрорий бактериологик экмаларда ҳеч қандай микроорганизмларнинг мавжуд эмаслигига, инфекция асоратлари бўлмаганди, урологик текширувлар билан ҳар қандай анатомик ёки бошқа аберрацияларнинг тўлиқ аниқланганлигига, органлар функцияларини сақланганлигига, уролог маслаҳати ва прогнози асосида яроқлилик аниқланади.

Рецидив эҳтимоли юқори бўлган, симптоматикаси тез ривожланадиган, сийдик йўллари

инфекцияси мавжуд бўлган урологик касалликларда номзодлар учиш ишидан (ўқишдан, парвоздан, ишдан) четлатилади, тўлиқ даволаниб, натижалар ижобий бўлганда, учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) рухсат берилади (борткузатувчиликка ўқишига ва ишга номзодлар бундан мустасно).

Асоратларсиз кечувчи оддий циститда аёллар 5 кунга учиш ишидан (ўқишдан, парвоздан, ишдан) четлатилади.

Буйраклар ва сийдик-таносил органларидағи сил касаллигини фаол шаклида яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, тўлиқ даволаниб, соғайгандан кейин органлар фаолияти яхши сақланганлигида яроқлилик аниқланади.

Сийдик тутолмасликда, категориясига (доимий, стресс сабабли, ургент, сийдик пуфагини тўлиб кетиши) кўра якуний ташхис аниқланади ва тўлиқ даволаниш учун авиаходимлар учиш ишидан (ўқишдан, парвоздан, ишдан) четлатилади. Соғайгандан кейин, касалликни келтириб чиқарувчи сабаблар бутунлай бартараф этилганда яроқлилик аниқланади.

Буйрак ва сийдик йўлларининг сил касаллигида, тўлиқ даволанганданн кейин, ихтисослаштирилган диспансер мутахассис шифокорининг хулоаси ва прогнози асосида учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Ўткир гломерулонефритда ва пиелонефритларда номзодлар 3-6 ойга учиш ишидан (ўқишдан, парвоздан, ишдан) четлатиладилар. Тўлиқ соғайгандан кейин, симптоматикасини ифодаланиш даражаси кўра, ремиссияни турғунлигида, инфекция бартараф этилганда ва бошқа мезонларни ҳисобга олиб учиш ишига яроқлилик аниқланади ва тиббий хулоса чиқаришда чекловлар қўлланилади. Мазкур номзодларга ҳар 3 ойда қондаги креатинин, пешоб ва заруриятга кўра бошқа текширувлар ўтказилади. Касалликларнинг ремиссия даврида қон босимининг 160/95 мм сим. уст. бўлишида, протеинурияни 2-3 г/л етишида, буйраклар етишмовчилигининг клиник кўринишлари мавжудлигида, қондаги креатинин миқдори 150-200 мкмоль/л.дан кўплигига номзодларга учиш ишига яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Буйракдан якка тош чиққанида, жарроҳлик йўли билан тош олинганда, конкретментларни кўчиши ёки бошқа сабабларга кўра буйрак санчиғи пайдо бўлганда, даволаниб, тўлиқ соғайгандан сўнг, номзодларга навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилади. Тиббий кўрик ва текширувлар натижаларининг меъёрдалигида, пешоб ва сутка давомида йигилган пешоб таҳлиллари ва бошқа текширув натижалари меъёрда бўлганда, пешоб экмасида микроорганизмларнинг йўқлигига, конкретмент тури маълум эканлигига, оғриқ синдроми бўлмагандага, буйраклар фаолияти яхши сақланганлигида, икки томонлама бошқариладиган ҳаво кемалари учувчиларига 3 йил муддат давомида OML чеклови қўлланилиб тиббий хулоса чиқарилади. Буйракдаги тош касаллигини рецидивида, тижорат авиацияси учувчисига “фақат иккинчи учувчи” ёки “фақат иккинчи учувчи мавжудлигида” каби эксплуатацион чекловлар қўлланиши мумкин, уларга ҳар 6 ойда уролог диспансер кузатуви доимий муддатга белгиланади. Бир томонлама бошқариладиган ҳаво кемалари учувчилари тўлиқ даволаниб, соғайгандан кейин даволаш ва текширув натижалари ижобийлигига учиш ишига яроқли деб топилиши мумкин. Уларга ҳар 6 ойда уролог диспансер кузатуви доимий муддатга белгиланади.

Буйрак ва пешоб чиқариш йўлларда микролитлар аниқланиши пешоб тош касаллиги ташҳисини қўйишга асос бўлмайди. Буйрак ва пешоб йўлларида морфологик ва функционал ўзгаришлар бўлмаса, номзодлар яроқли деб топиладилар. Асоратларсиз экстракорпорал литотрипсия ва тери орқали литотомияда, камидаги 1 ойдан кейин номзодларнинг яроқлилиги аниқланади.

Клиник күринишлари бўлмаган, иш қобилиятини тўсатдан йўқолишига олиб келмайдиган буйрак косачаси дивертикулида ёки буйрак паренхимаси ёки киста ичида жойлашган тошларда учиш ишига яроқлилик якка тартибда аниқланади.

### **3.1. Тери-таносил касалликлари**

#### **34 - модда.**

Номзодларда, тегишли гувохномада белгиланган касбий мажбуриятларини хавфсиз бажариши учун монелик қилмайдиган тери-таносил касалликлари мавжуд бўлмаганда, уларга 34.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали, қайталанувчи экземада номзодлар яроқсиз деб топилади. Экземанинг енгил шаклларида, терининг замбуруғли шикастланишлари, паразитар касалликлари (лейшманиоз, кўтири), пиодермиялар ва бошқа тери-таносил касалликларини ўткир даврида номзодлар даволаниши шарт. Даволаниш ва текширувлар натижалари ижобий бўлганда, соғайгандан кейин, дерматолог шифокор хулоаси ва прогнози асосида 34.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Ихтиоз ва тангачали темираткининг жойлашуви чегараланган енгил турларида, номзоднинг умумий аҳволи яхши бўлганида 34.2. модда бўйича учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Барча тери ва тери остидаги бириклирувчи тўқима касалликларининг баданда кенг тарқалишида, даволаш натижалари салбий бўлганда, сурункали оғир кечувчи шаклларида, барча номзодларга 34.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Вирусли гепатит ва геморрагик безгакни ўтказганда 3-6 ойдан кейин, органлар функциялари сақланганлигига, текширувлар натижалари меъёрдалигига, соғлиги тикланганда, тегишли мутахассис шифокор хулоаси ва прогнозига кўра номзодларнинг яроқлилиги аниқланади. АКИ билан боғлиқ учувчиликка 12 ойдан кейин рухсат этилади, минерал ўғитлар билан ишлаш бундан мустасно.

#### **35 - модда.**

Моддага таносил касалликлари ва ОИТС киради.

ОИТС касаллиги ташҳиси аниқланганда барча номзодларга 34.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва юқумли тери касалликлари аниқланганда ёки тахмин қилинганда, номзодлар тери-таносил касалликлари диспансерида текширувдан ўтишлари ва даволанишлари лозим. Ташҳис аниқланганда, касаллик тўлиқ даволанганди, текширувлар натижалари меъёрдалигига, дерматовенеролог хулоаси ва прогнозига асосан яроқлилик аниқланади.

### **3.2. Гинекологик касалликлар ва ҳомиладорлик**

#### **36 - модда.**

Функционал бузилишлар ва оғриқ билан кечувчи анатомик дефектлари асоратлари бўлган сурункали гинекологик касалликларда, яллигланиш жараёнини йилда 3 мартадан қўп рецидивида, кин девори ва бачадоннинг III даражали пастга тушишида, сийдик-таносил

ва ичак-таносил оқма яраларыда, орткы чиқарув йўли сфинктерини функциясини бузилиши билан чотнинг йиртилишида, бачадонни нотўғри жойлашишида ва уни етилмаганлигига, икки шохли бачадонда функционал бузилишлар (бачадондан қон кетиши, оғриқ) мавжуд бўлса, 36.1. модда бўйича барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали гинекологик касалликларнинг ўткир даврида номзодлар даволаниши шарт. Даволаниш натижалари ижобий бўлиб, соғайганда учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) рухсат этилади ва ремиссияни турғунлигини аниқлаш учун икки хайз цикли давомида гинекологнинг тиббий кузатуви белгиланади.

Кичик тосдаги оғриқ синдромисиз кечувчи чандиқли битишма мавжудлигига, функционал бузилишларсиз бачадон, тухумдан ва фаллопий найларини түфма йўқлигига, қиннинг атрезиясида ва бепуштликда номзодларга учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилмайди.

Бачадон найи касалликларида (эндоцервицит, эрозия, эктропион эрозияси каби), трихомонад кольпити ва трихомониазда номзодлар З ҳафтагача муддатга даволаниш учун учиш ишидан (ўқишидан, парвоздан, ишдан) четлатиладилар.

Функционал бузилишларсиз қин девори ва бачадоннинг I-II даражали пастга тушишида авиаходимлар учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқли деб ҳисобланади (борткузатувчиликка ўқишга ва ишга номзодлар бундан мустасно) ва уларга гинеколог диспансер кузатуви белгиланади.

Сийдик-таносил ва ичак-таносил оқма яраларининг жарроҳлик усули билан даволаниш натижалари ижобий бўлгандагина яроқлилик масаласи кўриб чиқилади.

Аёллар жинсий органларида ўтказилган асоратларсиз ва органлар функциялари бузилмаган жарроҳлик операцияларидан кейин, лапаротомияда 2 ойдан кейин, лапароскопик операцияларда 4-6 ҳафтадан кейин, тотал гистерэктомияда 6 ойдан кейин учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) қайта тикланиш масаласи аниқланади, борткузатувчиликка ўқишга номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Мазкур холатларда постовариэктомик, климактерик ва предменструал синдромлар мавжудлигига, руҳий эмоционал бузилишлар ва вегетатив дисфункцияниң мавжудлиги ва унинг ифодаланиш даражасини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Аёллар жинсий органларида 5 см.дан катта киста сифатли ўсмалар мавжудлигига, борткузатувчиликка ўқишга номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, авиаходимлар эса жарроҳлик усули билан даволаниш учун учиш ишидан (ўқишидан, парвоздан, ишдан) четлатилади. Даволаниш натижаси ижобийлигига, гинеколог хирург хуносасига асосан яроқлилиги аниқланади.

### **37 - модда.**

Симптомларсиз, клиник кўринишлари ва функционал бузилишлар бўлмаган кичик ҳажмдаги бачадон миомасида, эндометриозда, 5 см.дан катта бўлмаган эндометрий ва фолликулляр кисталарда авиаходимлар учиш ишига (ўқишга, парвозга, ишга) яроқли деб ҳисобланади.

Тухумдонлар дисфункциясида, авиаходимлар ишдан четлатилмаган ҳолда текширувлардан ўтишлари ва даволанишлари мумкин, эндокринолог ва гинеколог-эндокринолог маслаҳатлари ва касаллик прогнозини ҳисобга олиб авиаходимларга тиббий хулоса чиқарилади.

Бачадондан дисфункционал қон кетишида авиаходимлар даволаниши шарт. Бирламчи альгоменорея ва дисменореяда клиник белгиларнинг ифодаланиш даражаси, уларнинг давомийлиги, ўз функционал мажбуриятларини етарли даражада бажара олиши ва бошқаларни ҳисобга олиб, гинеколог маслаҳатига кўра, авиаходимларга якка тартибда тиббий хулоса чиқарилади. Иккиламчи дисменореяда, ҳар томонлама ўтказилган текширув натижалари, мутахассис маслаҳати ва касаллик прогнозини ҳисобга олиб авиаходимларнинг яроқлилиги аниқланади.

Ҳайз кўриш даври оралиғида авиаходимлар тиббий кўриқдан ўтказилмайди  
ва учиш ишидан (парвоздан, ишдан) четлатилади.

12 ҳафтадан юқори бўлган катта ҳажмдаги миомада, миоманинг шиллиқ остида жойлашуви, тугуннинг центрипетал ўсиши, тугуннинг қинда жойлашуви каби клиник кўринишлардан қатъий назар, бачадондан қон кетиш, тугундаги модда алмашинувини бузилиши, иккиламчи анемия, ёндош органлар функцияларини бузилишига олиб келувчи, пешоб ажралишини обструкцияси ёки ўткир пешоб тутилиши хавфлари бўлган миомаларда авиаходимлар жаррохлик усули билан оператив даволанадилар. Даволаш натижалари ижобий бўлганда, органлар функциялари сақланганлигига, тегишли текширувлар натижалари ва гинеколог-хирург маслаҳати ва прогнозини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Ички эндометриозда клиник белгилар мавжудлигига ва анемияни ривожланишида барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Оғриқсиз, симптомларсиз ёки кам ифодаланган симптомлар бўлган ташқи генитал эндометриозда якка тартибда учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилик аниқланади.

Тухумдонлардаги функционал кисталарнинг рецидивга мойил шаклида, фолликуляр ёки лютенили кисталарнинг бир йил давомида 2 мартадан кўп пайдо бўлишида учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Бачадон бўйнининг туғма эрозияси, эктропион ёки эктопияси учиш ишидан (ўқишидан, парвоздан, ишдан) четлатиш учун асос бўлмайди.

Бачадон бўйнининг I А даражали ички эпителиал ракида, органсақловчи операциядан кейин, онколог маслаҳати ва прогнозини ҳисобга олиб, текширув натижалари ижобийлигига учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқлилик аниқланади, борткузатувчиликка ўқишига номзодларга 37.1 модда бўйича ўқишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

### **38 - модда.**

Ҳомиладорлик аниқланганда номзодларга 39.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Ҳомиладорлик сабабли ишдан четлатиш ва туғруқдан сўнг ишга рухсат бериш, акушер-гинеколог хulosasiga кўра хирург томонидан амалга оширилади. Асоратлари бўлмаган туғруқдан кейинги даврда ва тўлиқ соғлиги тиклангандан кейин, туғруқдан 4-6 ҳафтадан кейин ишга тикланиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин, (борткузатувчиликка ишга ва ўқишига номзодлар бундан мустасно).

Сунъий абортда (ҳомилани вакуум ёрдамида ёки дилатация йўли билан чиқариб ташлаш) ва кюретажда, 2 ҳафтадан сўнг, операция асоратлари бўлмаганда ва умумий соғлиги меъёрдалигига, ҳомиладорлик муддати билан боғлиқ асоратлар (қон кетиши, кичик тос органларини яллиғланиши, перитонит ва септик ҳолатлар) мавжудлигини ёки пайдо бўлиш хавфини ҳисобга олиб, акушер-гинеколог хulosasi ва прогнози асосида, хирург томонидан учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) рухсат берилади. Исталган ҳомиладорликда вақтидан илгари болани тушишида, номзоднинг абортдан кейинги рухий ҳолатини ҳисобга олиб

яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

#### **4. Офтальмологик касаллуклар**

#### **4. Офтальмологик касаллуклар**

#### **4. Офтальмологик касаллуклар**

Номзодларда гувоҳномаси ва малака белгилари билан белгиланган ҳуқуқларини бажаришига монелик қилувчи ҳеч қандай туғма ёки орттирилган нуксонлар, аномалиялар, ўткір ёки сурункали касаллуклар, кўз ва унинг қўшимча аппаратининг жароҳатлари ёки улардаги жарроҳлик операцияларидан кейинги асоратлар, кўриш қобилиятини бузилишлари бўлмаслиги керак. Номзодларнинг кўриш майдони, кўз ички босими, бинокуляр кўриш функцияси ва ранг ажратиш қобилияти меъёрда бўлиши ёки ўз касбий мажбуриятларини хавфсиз бажариш учун етарли даражада сақланган бўлиши керак.

Номзодлар кўзни ҳар қандай жарроҳлик усули билан даволашдан аввал, операция асоратлари ва учиш ишида яроқсизликка олиб келиши мумкин бўлган эҳтимолий сабаблар, учиш ишга қайта тикланиш муддатлари ҳақида офтальмолог билан сұхбатдан ўтишлари лозим.

#### **39 - модда.**

Кўз ҳимоясини ёмонлаштирувчи қовоқлар функциясини бузилишлари, қовоқларнинг ўзаро ёки кўз олмаси билан битишиб кетиши; кўриш майдонини бузилишига олиб келувчи птоз, қовоқ ва мускулларнинг фалажи (эктропион, энтропион), қовоқлар функциясини бузувчи катта ҳажмли ёйилган ўсмалар, кўриш функциясини бузилишига олиб келувчи рецидивли кератит, шоҳ парда яраси, дегенерацияси, чандиқларида, яллиғланишлари, ваксуляризацияси ва функциясини бузилиши билан кечувчи турли этиологияли кератитлар, кератоконус, кўзнинг рангдор пардаси ёки томир пардасини колобомаси, асоратлари мавжуд бўлган увеитлар, кўзни доимо ёшланиб туришига сабаб бўлувчи кўз ёши нуқталарнинг нотўғри жойлашувида, кўз ёши йўлларининг торайиши ва обструкцияси, кўз ёши безининг яллиғланиши, жароҳатли шикастланишлари, пигментли ретинопатиялар билан бирга тўр парданинг ҳар қадай турдаги тапеторетинал дегенерацияси, тўр парданинг кўчишида ёки ретиношизис, ҳар қандай сабабли сариқ доғдаги бузилишлар, ҳар қандай этиологияли ретробульбар неврит, патологик нистагм, кўриш нервини атрофияси, кўз корачиги меъёрий рефлексларини йўқолиши, кўриш ўткирлиги ёки кўриш майдонига салбий таъсир қилувчи ва кўрликка олиб келувчи катаракта, бир томонлама ёки икки томонлама афакия; кўз гавҳарининг тўлиқ ёки кисман силжиши; кўз ва унинг қўшимча аппарати, ҳамда кўз косасининг хавфли ўсмалари, кўз олмасини ҳаракатланишини қийинлаштирувчи ёки кўз косасининг ва бурунни ёндош бўшлиқлари ёки бош чаноғи бўшлиғи билан боғликлигини қийинлаштирувчи кўз косасини синиши, кўз ичидаги ёт жисмларда, тунги кўрлик (никталопия) каби номзоднинг ўз касбий вазифа ва мажбуриятларини хавфсиз бажаришига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай кўриш тизимини бузилишига олиб келувчи жароҳатлар ва касаллукларда 39.1 модда бўйича номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Кўз касаллуклари ва жароҳатларини даволаш натижалари ижобий бўлганда, атрофлича ва пухта ўтказилган офтальмологик текширувлар натижалари ижобий бўлганда, кўриш функцияси етарлича сақланганлигига, кўриш майдонинг бузилишлари бўлмаганда, кўз ёши аппарати функцияси тикланганида учиш ишига (парвозга, ишга) яроқлилик аниқланади.

Оддий блефаритлар, кўриш функцияси бузилмаган туғма птоз (невролог маслаҳати олингандан кейин), кичик, симптомларсиз ва ривожланмайдиган хавфсиз ўスマлар, қовоқларда аҳамиятга эга бўлмаган чандиқли ўзгаришлар, кучли ифодаланмаган конъюнктивитлар, рецидивлари бўлмаган ва кўриш органларини функциялари бузилмаган кўз касалликларида яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилмайди. Мазкур касалликлар даволаниб, натижаси ижобийлигига учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишга) рухсат берилади.

Қовоқлардаги ўスマлар жарроҳлик усули билан даволангандан кейин, асоратлар, метастазлар ва ўсманинг рецидиви мавжуд бўлмаганда, онкологнинг хулосаси ва прогнози ижобийлигига номзодларга учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Увеитларда, узок муддат давом этувчи, рецидивли иридоциклитларда, кератитларда, хориоретинитларда, невритларда, кўз олмаси жароҳатларида номзодлар даволанади ва тўлиқ клиник соғайгандан сўнг, ҳар томонлама ўтказилган маҳсус текширувлар натижалари ва кўриш тизими функциялари етарлича сақланганлигига, мутахассис маслаҳати ва прогнозини ҳисобга олиб, учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишга) рухсат бериш тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Марказий серозли ретинопатияда, тўр pardani ажралишида (ёрилишида), номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Касаллик даволангандан кейин, кўриш функциясини касбий мажбуриятларини бажариш учун етарли даражада сақланганлигига, текширув натижалари ижобийлигига, офтальмолог хулосаси ва прогнози асосда учиш ишига (парвозга, ишга) яроқлилик аниқланади.

Тўр pardani ажралишида ёки периферик ёрилишини лазер билан ижобий даволанишида, кўриш функциясини ва периферик кўриш майдонини касбий мажбуриятларини бажариш учун етарли даражада сақланганлигига, текширув натижалари ижобийлигига, офтальмолог хулосаси ва прогнози асосда чекловлар кўлланиб учиш ишига (парвозга, ишга) яроқлилик аниқланади.

Кўриш функцияси етарлича сақланган кучайиб бормайдиган бошланғич қарилик катарактасида, кўз гавҳари хиралашини чегараланганлигига, макулодистрофияда, кўриш нервининг бошланғич кучайиб бормайдиган атрофиясида, шишасимон тананинг шикастланишида 39.2 модда бўйича номзодларга якка тартибда учиш ишига (парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уларга офтальмологнинг диспансер кузатуви белгиланади.

Монофокаль интраокуляр линзани имплантациясида, даволанишдан 6-8 ҳафта ўтгач, операция асоратлари йўқлигига, кўриш функцияси тикланганда, дорилар билан даволаниш тўлиқ тамомланганда, ҳар томонлама ўтказилган текширувлар натижалари ижобийлигига якка тартибда учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишга) яроқлилик аниқланади. Авиация ишида бир ёки икки кўзга фақат монофокаль интраокуляр линза имплантациясида учиш ишига яроқлилик аниқланади (мультифокал сунъий кўз гавҳари имплантацияси бундан мустасно).

Лазер билан жарроҳлик усули кўлланилганда (тўр pardanining лазерли коагуляциясида) 2 ҳафтадан кейин, лазер билан in-situ- кератомилезда 4-6 ҳафтадан кейин кўриш функциясини сақланганлик даражасини ҳисобга олиб яроқлилик аниқланади.

Рефракцион жарроҳлик усуллари билан даволангандан кейин, операция асоратлари бўлмагандан, кўриш функцияси ва кўриш ўткирлиги касбий мажбуриятларини бажариши учун етарли сақланганлигига, мугуз парда хиралашмагандан, нурни акс этишига (фотопсияга), ореол эффиқти ёки силжиб юрувчи тасвиirlар ва бошқаларга шикоятлари бўлмагандан, коронгиликка адаптация қониқарлилигига, текширувлар натижалари ижобийлигига, офтальмолог-хирург хулосаси ва прогнозини ҳисобга олиб 39.2 модда бўйича якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий

хулоса чиқарилади. ФА ўкув юртларида ўқишга номзодларда рефракцион жарроҳлик усуллари қўлланилганда, операциядан аввалги рефракция +4.0D/-3.0D, cyl +/- 1.5D дан кўп бўлмагандагина ўқишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Рефракцион жарроҳлик усуллари қўлланилганда, қўлланилган усул, кўз функциясини тикланиши, рецидив эҳтимоли, прогноз ва бошқаларни ҳисобга олиб, учиш ишига тикланиши муддати 3 ойдан 6 ойгача ваколатли орган тиббий эксперталари томонидан якка тартибда белгиланади. Уларга офтальмологнинг диспансер кузатуви ҳар 6 ойда ўтказилади ва доимий муддатга белгиланади.

Кўз олмасининг яллиғланувчи-дегенератив касалликларида ва кўз томирлари функциясини бузилишларида яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Кўз гавҳари капсуласидаги майда бир-икки пигментлар, шишасимон танадаги артерия қолдиқлари, тўр пардадаги миелин толалари каби туғма асоратларда ФА ўкув юртларида ўқишга номзодлар яроқли ҳисобланади.

Ҳар галги тиббий кўрик ўтишда номзодларда коронғиликка адаптация текширилади. Органик касаллик сабабли функционал характерга эга бўлган коронғиликка адаптацияни пасайишида қайта текширув ўтказилади, кўрсаткичлар прибор қўлланмасида берилган меъёрий кўрсаткичларга тўғри келиши керак. Кўрсаткичлар меъёрда бўлмаганлигига, асосий касаллик аниқланади, даволанади ва натижаси ижобийлигига яроқлилик аниқланади.

Кўз гавҳари ва кўз рангдор пардаси колобомаларида, поликорияда, туғма катаректада, кўриш нерви дискининг касалликларида 39.1 модда бўйича ФА ўкув юртларида учувчиликка (самолет, вертолет), бортинженерликка, штурманликка ўқишга номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

#### **40 - модда.**

Шикоятлар ва текширув натижалари асосида глаукомага гумонсираш бўлганда, ихтисослаштирилган муассасада номзоднинг ташхиси ва касаллик прогнози аниқланади. Импрессион тонометрияда Фриденвальд жадвали бўйича кўз ички босимини турғун кўрсаткичи 24 мм симоб устунига тенг ёки юқори бўлганда ёки кўзлар ички босими орасидаги фарқ 5 мм симоб устунида бўлса номзодларга қўшимча текширувлар (гониоскопия, фундоскопия, кўриш майдонини аниқлаш ва бошқалар) ўтказилади ва заруриятга кўра даволанади.

Кўз нерви шикастланмаган ва кўриш майдони сақланган яхши сифатли кўз ички босимини меъёрдан юқоридалигига (кўз ички гипертензиясида) ва кўз ички босими компенсацияланган бирламчи очиқбурчакли глаукомада, кўз ички босими меъёрга келганидан бошлаб авиаходимлар яроқли ҳисобланади ва уларга доимий локаль гипотензив терапия қўлланилади.

Глаукома ташхиси аниқланганда, турига қараб даволанади, агар у асосий касалликни иккиламчи кўриниши бўлса асосий касаллик даволанади. Дорилар ва лазер билан ижобий даволаниб, клиник соғайгандан кейин, кўриш ўткирлиги ва кўриш майдони меъёрда бўлиб, парацентрал скотома шаклидаги нерв толалари тутамларини дефектлари йўқлигига ва бошқа кўз функциясини текширув натижалари ижобийлигига авиаходимнинг яроқлилиги аниқланади.

Глаукомада авиаходимларга мунтазам равишда кўз ички босимини тонометрияси, кўриш ўткирлиги ва кўриш майдони текширувлари ўтказилади, кўриш нерви дискини ҳолати ва қабул қилаётган дори-дармонларнинг ножӯя таъсиrlари баҳоланиб борилади.

Трабекулэктомияда ёки дренаж системалар қўлланлиши билан антиглаукоматоз жарроҳлик операциясида 3 ойдан кейин, лазер ёки бошқа усуллар қўлланганда кўриш органи

функциялари түлиқ тикланганида, офтальмолог-хирургнинг операция ва текширувлар ҳақидағи тиббий маълумотлари, хулоса ва прогнози асосида номзоднинг яроқлилиги аниқланади.

#### **41 - модда.**

Барча номзодлар ўз касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришлари учун рангларни түғри ажратиш қобилиятига эга бўлишлари керак.

Ранг ажратишнинг бузилишларида, тури, шакли ва даражасига кўра қабул қилинган тасниф бўйича ташхис қўйилади, VCL (самолет, вертолет учувчилари) чеклови қўлланилади.

Ранг ажратиш қобилияти Ишихара рангли тести, Рабкиннинг полихроматик жадваллари, FALANT-тест, аномалоскоп (компьютерли) текширувлари ёрдамида аниқланади. Тиббий текширув натижалари қўлланилган услуг ёки асбоб қўлланмасида кўрсатилган тегишли нормаларга мувофиқ маҳсус бланкаларда баҳоланади.

Дори-дармон воситаларини қабул қилиш ва касалликларнинг асоратлари сабабли юзага келувчи орттирилган ранг кўриш бузилишларида, кўриш функцияси сақланганлигига, кўриш органининг шикастланиш даражаси, даволаниш ва текширувлар натижалари, касалликни прогнози асосида якка тартиба чекловлар қўлланиб учиш ишига яроқлилик аниқланади. Мазкур ҳолда ташхисни аниқлашда аномалоскоп ёки FALANT-тест ёрдамида текширув ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Номзодларда “С”, “В” турларидаги дейтераномалия, “С”, “В” турларидаги протаномалия каби ранг ажратиш заифлигини мавжудлиги, уларга тиббий хулоса беришни рад этишга асос бўлмайди.

Номзодларда аномал трихромазиянинг (протаномалия, дейтераномалия, тританомалия) “А” турида, дихромазия (протанопия, дейтеранопия, тританопия), монохромазия каби ранг ажратишни бузилишлари мавжудлигига, уларга учиш ишига ва ўқишига, борткузатувчиликка ўқишига ва ишга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

#### **42 - модда.**

Номзодлар ўз касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришлари учун, уларда бинокуляр кўриш функциясини ва кўриш майдонини бузилишлари, ҳамда диплопия бўлмаслиги керак.

Кўз олмаси мускуллари балансини ва бинокуляр кўришни баҳолашда фория ва тропияни фарқлаш, кўриш марказидан оғиши даражасини, ортофорияни ва бошқа ҳолатларни аниқлаш учун Мэддокс таёқчаси билан текширув, тегишли коррекцияловчи кўзойнак ёки контакт линзалари ёрдамида кўзни юмиш тести, кўзни навбатма-навбат юмиш, кўзни юмб-очиб, синоптофор, Уорднинг 4 нуқтали тестлари ёрдамида текширувлар ўтказилади. Заруриятга кўра мутахассис-офтальмолог томонидан фузия амплитудаси аниқланади ва ортоптик текширувлар ўтказилади.

Нормада манфий фузион захиралар 5-8 градусни, мусбат фузион захиралар 15-20 градусни ташкил этади.

Эзофория-10 призматик диоптрий (бундан буён матнда D деб юритилади), экзофория-5 призматик D, гиперфория ёки гипофория-2 призматик D, циклофория-1 призматик Dдан юкори бўлган нормадан оғишилар аниқланганда, номзодлар тегишли мутахассис-офтальмолог текширувидан ўтишлари керак.

Номзодларда диплопия аниқланганда, касбий мажбуриятларини бажаришдан четлатилади ва сабаблари (ҳаддан зиёд кўп ишлаш, чарчоқ, стресс, седатив дорилар қабул қилиш, касаллик ва

бошқа ҳолатлар) аниқланади, тегишли чора-тадбирлар ўтказилади. Сабабидан қатъий назар монокуляр диплопияда барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Юқорига ва четга қарашида нигоҳнинг энг четки зонасида диплопияни пайдо бўлишида якка тартибда касбига яроқлилик аниқланади.

Кўз мушаклари балансини бинокуляр кўриш текширувларида кам ифодаланган ўзгаришлар аниқланганда, номзодлар касбий мажбуриятларини бажаришга яроқли деб ҳисобланади.

Кўз соққаси фалажи ёки турғун парезида, қовоқ мускулларини фалажида, паралитик ғилайликда, 10 градусдан ошган биргаликдаги ғилайликда, кўз соққаларининг яққол ифодаланган ихтиёрсиз тебранувчи ҳаракатлари борлигига, кўз косасини жароҳатида кўз мускулларини шикастланиши сабабли юзага келган турғун диплопияда, фузион захиралари пасайган гетерофорияда, гетеротропияда, нотурғун (ўзгарувчанлик) фиксация синдромида, бинокуляр кўришни бузилишида номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

6 метр масофада - вертикал бўйича 2.0 призматик D (1 градус), эзофорияда 10 призматик D (5 градус), экзофорияда 8.0 призматик D (4 градус) ва 33 см. масофада - вертикал бўйича 1.0 призматик D (0 градус), эзофорияда 8 призматик D (4 градус), экзофорияда 12 призматик D (6 градус)дан юқори кўрсаткичларда номзодларга учиш ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Ғилайлик жарроҳлик усули билан даволанганда, операциядан 3-6 ойдан кейин, бинокуляр кўриш функциясини ва кўриш майдонининг бузилишлари бўлмагандан, диплопия мавжуд эмаслигига, офтальмологик текширувлар натижалари ижобийлигига офтальмолог-хирург хулосаси ва прогнози асосида касбига яроқлилиги аниқланади.

Кўзни четга буришда нистагм бор бўлганда, невролог ва оториноларинголог маслаҳати олинади, бинокуляр кўриш бузилмаганда тиббий хулоса асосий касаллик бўйича чиқарилади.

Номзодлардаги ғилайликни (гетерофория) аниқлаш учун, даврий тиббий кўрикларда синоптофор ёрдамида кўзларнинг биргаликдаги ҳаракатларини текширувлари ўтказилади. Гетерофорияни тури, даражаси ва фузион захиралар аниқланади, фузион захираларни камайишида даволаш машқлари ўтказилади.

#### **43 - модда.**

Кўз ўткирлиги, ёруғлик даражаси белгиланган талабларга жавоб берувчи хонада, 5-6 метр масофадан туриб коррекциясиз ва коррекция билан текширилади ва ҳақиқий кўз ўткирлиги кўрсатилади.

ФА ўқув юртларида учувчиликка ўқишга номзодларда кўз ўткирлиги коррекциясиз ҳар бир кўзда алоҳида 0.7 бўлиши, бинокуляр кўришда коррекциясиз ва коррекция билан 1.0 бўлиши керак.

2 класс номзодларида, контакт линзалари ва (ёки) тегишли коррекцияловчи линзалари бўлган кўзойнаклар ёрдамида бинокуляр кўз ўткирлигини 1.0 га тўғри келишида ва кўриш майдони меъёрдалигига, уларга коррекцияланмаган кўз ўткирлигига чекловлар кўйилмайди.

Номзод 5-сонли ёки унга эквивалент бўлган жадвални 30-50 см масофада (кўз ўткирлиги 0.6); 14-сонли (8-сонли) ёки унга эквивалент бўлган жадвални 100 см масофада (кўз ўткирлиги 0.3) ўкиши керак, заруриятга кўра коррекция қилинади.

Номзодларда кўз ўткирлиги коррекция билан ҳар бир кўзда 0.8 юқори бўлишида ва кўриш

майдони мөйөрдалигига коррекциясиз күриш ўткирлигига талаблар күйилмайды.

Бинокуляр күриш ўткирлиги коррекциясиз (коронгиликка адаптация шароитида ҳам) 0.7 ва ундан юқори бўлганда узоқни коррекциялаш (кўзойнак ёки линзалар) талаб қилинмайди.

Агар рефракция хатоси туфайли коррекция қилинмаган күриш ўткирлиги икки кўзда 0.7дан паст бўлса ёки астенопия симптомлари пайдо бўлса рефракция коррекция қилинади.

Номзодларда турғун бинокуляр күриш мавжуд бўлиши керак.

Номзод учун қулай бўлганда мультифокаль линзалар (кўзойнаклар) ёрдамидаги коррекциянинг барча турлари қўлланилиши мумкин.

Номзодларда, оптималь күриш функциясини таъминлайдиган, қулай ва авиациядаги иш фаолиятига мос келадиган, умумий фойдаланиш учун тўғри келадиган захира кўзойнаги бўлиши керак. Улар узоқ масофани кўришни таъминловчи, монофокал, рангсиз ва қулай контакт линзалардан фойдаланишлари лозим. Етарли даражадаги рефракцияга эга бўлмаган номзодлар, синдириш коэффициенти юқори бўлган контакт линзалари ёки кўзойнакли линзалардан фойдаланишлари лозим. Кўриш учун зарур бўлган шартга мувофиқ фақат битта кўзойнак тақилади. Кўриш қобилиятини пасайишида пресбиопия мавжуд бўлса, номзодларга коррекцияловчи бифокал кўзойнаклар ёки контакт линзалари билан учиш ишини бажаришлари ва ёнида захира кўзойнак тўпламини олиб юришлари талаб қилинади. Бу ҳолларда VDL, VML, VNL, CCL чекловлари қўлланади. Номзодларда кўзойнакларни (линзаларни) мавжудлиги ва уларнинг сифати тиббий кўрик ўтишларида назорат қилинади.

Яқин масофага кўришни унифокал коррекцияси (ўкиш учун кўлланилувчи бир оптик кучага бўлган яхлит линзали кўзойнаклар) катта масофаларга кўриш ўткирлигини анчагина пасайтириши сабабли қўлланишга рухсат этилмайди.

Номзодларда бир кўзда кўришни патологик пасайишида (марказий кўришни пасайишида), бинокуляр кўриш сақланганлигига, иккинчи кўзнинг узокка кўриш ўткирлиги коррекция билан ёки коррекциясиз 1.0 бўлиб оралиқ кўз ўткирлигига (яқин, ўрта дистанция) етишида, асосида ётган касаллик офтальмологик текширувда ижобий баҳоланса (рефракция аномалияси бор бўлган шахслар учун кўриш ўткирлиги коррекция билан ёки коррекциясиз 0.6 дан паст бўлмагандага), иккинчи кўзда аҳамиятга эга касалликлар бўлмагандага, 43.2 модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўкишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Миопиянинг 0.5D даражасида, гиперметропиянинг 1.0D даражасида, астигматизмнинг 0.5D ва кўз ўткирлиги коррекциясиз 1.0 бўлганда, тиббий хужжатларда ташхис “соғлом” деб кўрсатилади ва “рефракция” қаторида тегишли ёзув VNL чеклови билан ёзилади.

Рефракция - +5.0D.дан юқори бўлмаган гиперметропияда, -6.0D.дан юқори бўлмаган миопияда, 2.0D.дан юқори бўлмаган астигматизмда, 2.0D.дан юқори бўлмаган анизометропияда оптималь коррекцияга эришилганда, номзодларга 43.2 модда бўйича, ташхисида рефракциянинг тури ва хатолик даражаси кўрсатилиб, учиш ишига (ўкишга, парвозга, ишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. 2.0 дан 3.0D.гача бўлган анизометропияда контакт линзаларни такиши керак.

Рефракциянинг клиник текшируви ретиноскоп, автомат рефрактор ёки циклоплегик препаратлар ёрдамида ўтказилади.

ФА ўкув юртларига ўкишга номзодларда (абитуриентларда) циклоплегия шароитида (1 % циклопентолат, 1 % атропин) текширув ўтказилиб, рефракция тури ва даражаси аниқланади.

ФА ўқув юртларига учувчиликка (самолет, вертолет) ўқишига номзодларда (абитуриентларда) 3.0Ддан юқори бўлмаган миопияда, 4.0Ддан юқори бўлмаган гиперметропияда, +/- 1.5Ддан юқори бўлмаган астигматизмда, 2.0Ддан юқори бўлмаган анизометропияда ҳар бир кўзга оптимал коррекция 1.0га эришилганда, уларга 43.2 модда бўйича, ташхисида рефракциянинг тури ва хатолик даражаси кўрсатилиб, учувчиликка ўқишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

АКИ бажаришда учувчиларга контакт линзалар қўлланилиб кўришни коррекция қилиниши мумкин эмас.

#### **44 - модда.**

Пресбиопия даражаси ва аккомодацияни бузилиши, профессионал фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаш масофаси (60-80 см) хисобга олиб, сферик линза кучи билан аниқланади.

Аккомодацияни бузилишида ва 3.5Д.дан юқори даражадаги пресбиопияда 44.1 модда бўйича учиш ишига (ўқишига, парвозга, ишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Пресбиопия мавжуд бўлган контакт линзалардан фойдаланувчи номзодлар, линзалар устидан ўқиш учун кўзойнаклар тақиши мумкин.

### **5. Оториноларингологик касалликлар**

#### **5. Оториноларингология**

Номзодларда, гувоҳномасига тегишли бўлган касбий вазифалари ва мажбуриятларини хавфсиз бажаришга тўсқинлик қиласиган қулоқ, томок, бурун, оғиз бўшлиғи, тишлар ва улар билан боғлиқ аъзоларнинг ҳеч қандай аномалиялари, касалликлари, обструкциялари, шикастланишлари, жароҳатлари, дисфункциялари, жарроҳлик амалиётининг асоратлари ва органлар фаолиятларини бузилишлари бўлмаслиги лозим.

#### **45 - модда.**

Мазкур моддага лор-органларининг, оғиз бўшлиғи ва қулоқлариниг ўткир ва сурункали касалликлари, нуқсонлари, аномалиялари, жароҳатлари ва жарроҳлик операцияларининг асоратлари киради.

Радиоалмашувни олиб боришга тўсқинлик қилувчи яққол ифодаланган нутқ бузилишларида ва дудукланишда номзодлар яроқсиз деб топилади. Нутқ бузилиши ва дудукланишнинг енгил ифодаланган даражаларида тижорат авиацияси учувчиси (самолёт, вертолёт, дирижабль, кўтариш қучини ошириш системасига эга ҳаво кемаси) яроқли деб топилади. Аниқ сўзлашув нутқига эга бўлиб, баъзи товушлар талаффузини бузилишида номзодлар яроқли деб топилади.

Кўплаб тишлар йўқлиги сабабли чайнаш функциясини кам аҳамиятли бузилишида, комиссия оралиги даврида протезлаш тавсия этилади.

Аллерген аниқланган ва уни бартараф қилиш осон кечадиган поллиноз, риноконыюктиваль синдром каби аллергик ҳолатларда, аллерголог хулоаси ва прогнози асосида номзоднинг яроқлилиги аниқланади.

Махсус анжомлардан (кислород маскаси каби) фойдаланишга тўсқинлик қилувчи, лор-органлари функцияларини яққол бузилишлари билан кечувчи (нафас олиш, нутқ функциялари

каби), барча юқори нафас йўллари органлари, оғиз бўшлиғи ва қулоқларнинг туғма ёки орттирилган турғун нуқсонлари, касалликлари, жарроҳлик асоратлари, жароҳатлари, кўплаб тишларнинг йўқлиги, юқори нафас йўлларини дистрофияси кабилар мавжудлигига 45.1 модда бўйича номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Касалликлар ва нуқсонларни жарроҳлик ёки бошқа даволаш усуллари қўлланилиб, натижалари ижобийлигига, органлар функцияси тикланганда учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишига) яроқлилик аниқланади.

Гаймор бўшлиқлари шиллиқ қаватининг қалинлашишида номзодлар яроқли деб ҳисобланади.

Бурун бўшлиғи ва ёндош бўшлиқлардаги жарроҳлик операцияларидан 2 хафта ўтгандан кейин, бурундан нафас олиш функцияси тўлиқ тикланганида номзодларнинг яроқлилиги аниқланади.

Шамоллаш белгилари мавжудлигига (йўтал, бурун битиши, бурун ёки томоқдан йиринг чиқиши каби) ва нафас олиш функциясини бузилиши билан кечувчи бурундаги ҳар қандай ҳолатларда номзодлар даволанишлари шарт.

Сурункали компенсацияланган тонзиллитда номзодларга даволаш профилактика тадбирлари ўtkазилади.

#### **47 - модда.**

Моддага хавфли ва хавфсиз ўсмалар киради.

Учиш ишига тўсқинлик қилмайдиган пешона бўшлиқлари остеомаларида номзодлар учиш ишига яроқли деб ҳисобланади.

Яхши сифатли ўсмаларда (фиброма, полип, гемангиома), жарроҳлик ёки бошқа даволаниш усулларини натижалари ижобий бўлганда, нафас олиш ва сўзлаш функциялари тикланганда, шикоятлар, оғриқ ва бош айланиши бўлмагандан, тиббий текширувлар натижалари ижобий бўлганда учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишига) яроқлилик аниқланади.

Ринопластикадан кейин, бурундан нафас олиш функцияси тўлиқ тикланганда номзодларга учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишига) рухсат берилади.

Хавфли ўсмалар сабабли даволангандан кейин, тўлиқ согайганда, органлар функциялари тикланганда, текширувлар натижалари ижобийлигига, онколог хулососи ва прогнозини ҳисобга олиб учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишига) яроқлилик аниқланади.

#### **48 - модда.**

Кулоқ ноғора пардасининг оддий пункцияси ва оддий мастоидэктомиядан кейин, бош айланиши бўлмаса, эшитиш ўткирлиги ижобийлигига номзодлар учиш ишига яроқли деб ҳисобланади. Радикал мастоидэктомиядан кейин, монаурал эшитиш функциясини йўқолиши, инфекция, бош айланиши ва бош чаноғи ичидаги пайдо бўлиши мумкин бўлган асоратларни ҳисобга олиб тўлиқ отологик текширувдан кейин номзоднинг учиш ишига ва яроқлилиги аниқланади.

Ўрта қулоқ узангичасидаги жарроҳлик операциясидан кейин, текширувлар натижалари ижобий бўлганда, евстахиев найини ўтказувчанлигига, бош айланиши бўлмагандага номзодларга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Бу ҳолда унга оториноларингологнинг диспансер кузатуви белгиланади ва ўрта қулоқ вентиляциясини бузилишига олиб келувчи юқори нафас

йўллари инфекцияларини профилактикаси олиб борилади.

#### **49 - модда.**

Номзодларнинг вестибуляр функцияси (статокинетик таъсирчанлик) вестибуляр анамнезига, вестибулометрия натижаларига кўра аниқланади.

Енгил вестибуловегетатив реакциялар мавжудлигида ташхис қўйилмайди.

Менъер касаллигида, консерватив ёки хирургик усууллар билан даволаш қийин бўлган (даволаб бўлмайдиган) вестибуляр функциянинг туғма ёки орттирилган аномалияларида, сурункали вестибуляр бузилишларда, статокинетик таъсирчанликни юқори даражасида 49.1 модда бўйича номзодларга учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

#### **50 - модда.**

Сурункали эпитимпанит ва мезотимпанитларда даволаш натижалари ижобийлигида, эшлиши функциясини ўз касбий мажбуриятларини бажариш учун етарли даражада сақланганлигида, учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Яроқли деб топилганларга оториноларинголог диспансер кузатуви белгиланади.

Ҳаво босимининг ўзгаришида Евстахиев найдаси ўтказувчанлигини бузилиши ёки қулоқнинг бароаккомодацион механизмларини етишмовчилиги сабабли қулоқ барофункциясини бузилишида, даволангандан кейин барофункция бузилишининг шаклига (органик ёки функционал) кўра тиббий хулоса чиқарилади.

Ногора парданинг яхши ҳаракатланишида, эшлиши функциясини меъёрдалиги аудиограмма билан тасдиқланганда ва барофункция сақланганлигида, перфорация жойида юпқалашмаган кичик чандикларни мавжудлиги, куруқ перфорация, ногора пардада кальцификатлар борлиги ташхис қўйишга асос бўлмайди.

Радикал операциялардан кейин, қулоқ функцияси тўлиқ тикланганида ва текширувлар натижалари ижобий бўлганда учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишга) яроқлилиги аниқланади.

#### **51 - модда.**

Ўз гувоҳномалари ва малака белгилари билан белгилangan мажбурият ва вазифаларини хавфсиз бажаришлари учун, номзодларнинг эшлиши қобилияти етарли даражада сақланган бўлиши керак.

Эшлиши қобилияти 6 метрдан кам бўлмаган масофадан туриб, бас ва дискант гуруҳдаги сўзларни шивирлаш (акуметрия) ва калибрланган (тиниктонал) аудиометрия ёрдамида аниқланади. Эшлиши функциясини аниқлашда, бас ёки дискант гуруҳдаги сўзларга тегишилигидан қатъий назар. эшлиши қобилиятининг энг салбий кўрсаткичлари асос қилиб олинади.

Нутқ аудиометриясида номзоднинг сўзларни тўғри эшлиши ва такрорлаши 95-100% ташкил этганда эшлиши қобилияти меъёрда деб хисобланади, кўрсаткичнинг 80% камлиги яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқаришга асос бўлади.

Аудиометрияда шовқинни қабул қилиш интенсивлиги -20 дБ.дан +100 дБ.гача ва 125 Гц.дан 8000 Гц.гача бўлган диапазонларда қайд этилади. Номзодларда калибрланган (тиниктонал) аудиометрияда, ҳар бир қулоқда алоҳида 500, 1000 ёки 2000 Гц частоталаридан бирида 35 дБ.дан юқори ёки 3000 Гц частотада 50 дБ.дан юқори эшлиши қобилиятини сақланганлиги бўлиши керак.

Тинч хонада, 2 метр узокликда, номзод текшираётган шифокорга тескари тургани ҳолда, ўртача баландликдаги сўзлашув нутқини иккала қулоқда эшлиши қобилиятига эга бўлмаса, 51.1 модда бўйича учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хуроса чиқарилади.

Эшлиши қобилиятини тиклаш бўйича радикал жаррохлик операцияларидан кейин (тимпанопластика, стапедопластика), операцион бўшлиқнинг тўлиқ ва турғун эпидермизациясида, эшлиши функцияси тикланганда, махсус асбобни тақиши қониқарли бўлиб унда эшлиши қобилиятини сақланганлигига учиш ишига (парвозга, ишга, ўқишга) яроқлилиги аниқланади.

Учувчининг (самолёт, вертолет) эшлиши қобилияти юқоридаги талабларга жавоб бермаганда, лекин ҳаво кемаси кабинасида сўзлашув ва радиомаяк сигналларига кўшилиб кетувчи оддий шовқин фонида (имитация қилинган ёки қайта тикланган шовқин фонида) унинг эшлиши қобилияти меъёрда бўлса, OAL чеклови қўлланиб учиш ишига яроқли деб топилади. Бу ҳолда шовқин фони номзоднинг гувоҳномаси ва малака белгилари орқали рухсат берилган ҳаво кемаси турининг шовқин фонига тўғри келиши лозим.

Шовқинли шароитда текширув ўтказишда фойдаланиладиган сўзлашувга оид материаллар авиаация иши билан боғлиқ сўзлашувга ва фонетик жиҳатдан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Заруриятга қўра текширувлар тренажерда ўтказилади.

Эшлиши нейросенсор йўқолишида, эшлиши органининг бошқа касалликларидан дифференциациялаш ва неврит этиологияси (захарланиш ёки жароҳатдан кейинги асоратлар, атеросклероз ёки гипертония касалликлари фонида, инфекция, шовқин сабабли ва бошқалар) аниқланиб ташҳисда кўрсатилиши керак.

4000-8000 Гц частоталарда айрим чегараларнинг 30-40 дБ.гача бўлиши клиник ташхис қўйишга асос бўлмайди.

Эшлиши қобилиятини пасайиши аниқланганда кўрикдан ўтаётган учувчи (самолёт, вертолет) икки томонлама радиоалоқа олиб бориш маълумотлари ҳақидаги учиш ишига доир тавсифномани оториноларингологга тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаациясида  
тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида тиббий хуроса  
бериш тўғрисидаги авиаация қоидаларига

3-илова

### **З класс тиббий хулосасини олишга номзодларнинг соғлиқ ҳолатига**

#### **қўйилган тиббий талаблар**

1. Неврологик тиббий қўрик ўтказиша қўйидагилар аниқланиши лозим: гувохнома эгасида неврологик касалликнинг мавжудлиги, мазкур касалликнинг статик ҳолатда функционал равишда парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкинлиги, мазкур ҳолатнинг мониторинг ўтказиш мумкин бўлган вақтинчалик прогрессивлашувчи қўринишга эгалиги, аҳамиятга эга бўлмаган қолдиқли функционал неврологик бузилишларсиз касалликдан соғайганлиги, авиаходим руҳий ҳолатининг бузилишлари, унинг иш қобилиятини тўсатдан ёки яширин йўқолишига олиб келиши сабабли, мазкур ҳолатнинг эҳтимоллиги ёки мавжудлиги аниқланиши зарур.

Авиаходимлар ва ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини кузатиш невролог, психолог ва бириктирилган авиация шифокорлари томонидан амалга оширилади.

2. Шахсада руҳий бузилишлар аниқланганда ёки руҳий касаллик гумон қилинганда ва бошқа тиббий кўрсатмалар мавжудлигига, у ўқишиндан ёки ўз касбий функционал мажбуриятларини бажаришдан четлатилади ва ихтисослашган руҳий касалликлар тиббий муассасасига йўлланади. Мазкур шахснинг ижтимоий адаптация ҳолати билан руҳий соғлиги ҳакида психиатрларнинг комиссион хулосаси олингандан кейин, тиббий қўрик ўтказиш масаласи ТУКда кўриб чиқилади. Психиатрлар тиббий қўриги (текширувлари) қўриқдан ўтувчининг розилиги билан амалга оширилади. Кўриқдан ўтувчининг психиатр қўригини (текширувини), зарурият бўлганда даволанишни рад этиши унинг тиббий китобчасида қайд этилади ва бу тиббий хулоса бермасликка ёки амалдаги тиббий хулосани бекор қилинишига асос бўлади.

3. Когнитив функцияниң амалдаги ҳар қандай сусайиши авиацияда жиддий оқибатларни юзага келтириши сабабли, функционал бузилишларга олиб келувчи ҳар қандай руҳий ҳолат бузилишини қайталаниш хавфи хисобга олиниб тиббий хулоса чиқарилади.

4. Авиаходимнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини экспертизадан ўтказиша, белгиланган вазифа ва мажбуриятларини амалга ошириш учун жисмонан ва руҳан тайёрлиги.

5. Шахснинг руҳий ҳолати экспертизасида қўйидагилар аниқланади:

а) табиий омиллар, тарбия ва ҳаётий тажрибанинг мужассамлигига унинг руҳий касалликларга бўлган мойиллиги;

б) қўпгина руҳий касалликлар, шу каторда инсон темпераменти ҳам муҳим генетик компонентга эгалиги;

в) руҳий касалликларга генетик мойиллиги бўлган шахснинг тарбия ва ҳаётдаги ҳодисалар билан боғлиқ стрес-факторларга психиатрик симптомларсиз бардош беришга қодирлиги, лекин мазкур симптомлар ҳар бир шахсада жиддий стрес-омиллар таъсири остида намоён бўлиши мумкинлиги;

г) болалиқдаги ҳодисалар, жамиятга зид ахлоқ, ўқишини ўзлаштиришни пастлиги, доимий иш ўрнини излашдаги қийинчиликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш, кайфиятнинг тўсатдан ўзгариши ва яқин муносабатларни ўрната олмаслик каби руҳий касаллик аломатларини мавжудлиги.

Юқоридаги ҳолларда оила аъзоларидан, ўқув ва тиббий муассасалари ва бошқа тегишли манбалардан кўпроқ маълумот олинади.

Шахсларда пирсинг, имплантатлар ва теридаги татуировкалар бўлиши мумкин эмас.

Йўқотилган ёки функцияси йўқолган органнинг фаолиятини тиклаш мақсадида ўрнатилган имплантатларда (масалан тиш ёки баъзи бир онкологик касалликларида) тегишли шифокор мутахассис маслаҳатини олиб шахснинг яроқлилиги аниқланади.

## **1. Руҳий - асаб касалликлари**

### **1 модда.**

Шизофрения, паранойе, аффектив психозларда (маниакал-депрессив психоз, циклотимия ва бошқалар) тиббий хулоса ихтисослаштирилган психиатрик муассасаса текширувидан сўнг чиқарилади. Мазкур моддага киравчи касалликлар авиаходимларда аниқланганда, улар ўз касбий функционал мажбуриятларини бажаришга яроқсиз деб топилади ва касбий ишига қайта тикланмайдилар. Органик руҳий бузилишларда барча класслар бўйича шахслар касбий фаолиятга яроқсиз деб топилади ва қайта тикланмайдилар.

### **2 модда.**

Модда юкумли касалликлар ва заҳарланиш оқибатидаги (алкоголли психоздан ташқари) психозлар, функционал реактив психозлар, вазиятларга (оилавий турмушда, ишлаб чиқаришда ва бошқалар) ёки ўткир руҳий жароҳатларга жавоб сифатида юзага келувчи руҳий бузилишлар ва неврозлар (неврастения, психастения, васвасали невроз), шахс ва хулқ-атвор бузилишлари, аффектив бузилишлар; суицидал уринишлар гурухини умумлаштиради. 10-ХКТ бўйича барча руҳий ва хулқ-атворнинг бузилишларининг кўринишлари мазкур моддага тегишли.

Тиббий хулоса чиқаришда кўйидагилар ҳисобга олинади:

- а) руҳий-ҳиссийт соҳасидаги реактив ҳолатларнинг ўткир ёки сурункали руҳий жароҳатлар туфайли юзага келиши;
- б) жароҳатловчи омилнинг симптомлар ва клиник белгиларни шакллантириши;
- в) бузилишларни юзага келтирувчи омил йўқолиши билан реактив ҳолатнинг етарли даражада тез тугаши.

Авиация ҳодисаларидан (инцидентлари) кейинги қисқа руҳий бузилишлар билан боғлик, тиббий кўрик ўтказиш ва авиаходимлар яроқлилигини баҳолашда, ҳодисанинг келиб чиқиши, унинг сабаби ва ривожланиш ҳолати, бирламчи эмоционал реакция ҳолати, уларга раҳбарият ва касбдошларнинг муносабати, дам олиш ва меҳнат тартибига риоя килиниши ва бошқалар ҳисобга олинади. Авиация ҳодисаларидан кейинги руҳий тушкунлик ва депрессия ҳолатини ҲҲБ диспетчерлик ишини давом эттиришда салбий таъсирини, ҳамда узоқ давом этувчи текширув-кидирув-суриштирув жараёнларини уларда турғун руҳий бузилишларга олиб келишини инобатга олиб, яроқлилик хулосаси мумкин қадар тезроқ берилиши лозим. Стационар текширув ва психологик кўрик, авиаходимнинг соғлиги ва авиация ҳодисаси ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, ваколатли органнинг тиббий экспертлари ва авиация ҳодисаларини текшируви раиси рухсатига кўра тиббий кўрсатмалар мавжудлигига ўтказилади. Соғлигига шикояти бўлганда, аниқ ифодаланган руҳий бузилишлар ва тан жароҳатлари ва бошқалар стационар шароитида текширувга сабаб бўлади. Стационар текшируви жараённида, авиаходимга ўз касбий мажбуриятларини бажариш вақтида қийинчилек туғдирган омиллар, шахсий фактор ва инсон факторидаги хато ҳаракатлар, ташкилий омиллар, унинг касбини давом эттиришга бўлган муносабати ва суриштирув жараёнидаги соғлигига бузилишларни келтириб чиқарувчи низоли

холатлар, касбдошининг қийин аҳволга тушиб қолиши ёки ўлими каби ҳоллар ва бу воқеаларга субъектив таъсирланишининг сабаблари аниқланниши лозим.

Енгил ифодаланган руҳий ўзгаришларда, профилактик тиббий чора-тадбирлар ва тавсиялар лозим бўлмаса, невролог кўриги ўтказилиб, ҲҲБ диспетчерлик ишига рухсат берилади.

Авиаходимларда авиация ҳодисаларидан кейинги руҳий бузилишлар ва неврозларда, уларнинг давомийлиги, шахснинг касбини давом эттиришга инструкторлар ва ўзини муносабати, психофизиологик, физиологик, жисмоний ва касбий омиллар хисобга олиниб яроқлилик аниқланади. Кечикиб ривожланадиган неврозлар, қўркув ва бошқа касбини давом эттиришда қийинчилик туғдирувчи психологик реакцияларга мойилликда, яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади, авиаходимга ўтказилган реабилитация чора-тадбирларининг ижобий натижаларида ишига тикланиши мумкин.

Психопатиялар (шакли ва аниқ белгиларидан қатъий назар) ва шахснинг психотик бўлмаган бузилишлари (паранойял, аффектив, шизоид, қўзғалувчи ва бошқа турлари)  
2.1. моддага тегишли.

Ўткир психоз ва неврозларни ўтказган шахслар 2.1. модда бўйича ишига яроқсиз деб топиладилар. Ишига тиклаш масаласи 2 йилдан кейин, ихтисослаштирилган муассасанинг стационар текширувидан сўнг кўриб чиқилиши мумкин. Бунда, асаб-руҳий фаолиятини узоқ вақт давомидаги компенсацияси, психоз (невроз) даврида руҳий ҳолатини хусусиятлари, тузилиши, руҳий бузилишларнинг чуқурлиги, касалликни кечиши ва уни қайталанмаслиги, психотроп дориларни қабул қилишга зарурат йўқлиги, ижобий прогноз ва бошқалар хисобга олинади.

Касаллик хусусиятига кўра кўриқдан ўтувчининг психотроп дориларни давомли равища қабул қилишида, у яроқсиз деб топилади ва ишига (ўқишга) қайта тикланмайди.

Суицидал уринишлар 2.1. моддага тегишли. Суицидал уринишнинг асосий сабаби шахснинг шахслараро ёки шахсдаги ички низолар вазиятларида ижтимоий-психологик дезадаптацияси бўлиб, бунда суицидент масаланинг адекват ечимини топа олмайди. Бу руҳий ҳолатнинг кризиси деб тавсифланади ва маниакал-депрессив психознинг депрессив фазасида, ажитация ҳолатидаги инволюцион депрессияда, алкоголли депрессияда, шизофренияда, эпилепсияда намоён бўлади. Ҳолатни ўрганиш ва текширув жараёнида, невролог гувоҳларни сўрқ қилиши, суицидал уриниш сабабини, шахсий ва оилавий анамнезни, аутоаггресив ҳаракатларнинг сабаб ва моҳиятини аниқлаши лозим. Психиатрик экспертиза ўтказилиб, психиатр хulosаси чиқарилиши лозим. Анамнезида суицидал уринишлар аниқланган шахслар барча класслар бўйича яроқсиз деб топилади ва қайта ишига (ўқишга) тикланмайди

Вазиятга (ситуацияга) боғлиқ бўлган астеник ҳолатларда ёки неврастеник синдромда 2.2. модда қўлланилади. 4 - 6 ойдан сўнг, ҳолатни юзага келтирган сабаблар ва симптомлар бўлмаганда, психологик тест, клиник текширувлар ва невролог диспансер кузатувининг натижалари ижобий бўлганда қайта кўриқдан ўтказилади.

Жисмоний (соматоген) касалликлар туфайли қисқа муддатли руҳий бузилишларни ўтказган шахслар, асосий касалликдан соғайгач, доимий кувватловчи терапия қўллаш лозим бўлмаган асаб-руҳий фаолиятларини тўлиқ компенсациясида, ишига ёки ўқишга яроқли деб топиладилар.

Шахснинг бузилишида, у ҳиссий, интеллектуал ва ижтимоий мослашувчанликка эга бўлмай қолади ва бу унинг яхши, хавфсиз ва функционал ҲҲБ диспетчери бўлишига монелик

қилади. Уларнинг атрофдагилар билан зиддиятда бўлиши, жамият ўрнатган ҳулқ-автор қоидаларига эътиборсизлиги қўшимча стресс омили бўлади ва авиацияда талаб қилинадиган белгиланган касбий вазифаларни бажаришдаги диққатни жамлашга

ва эътиборсизликка олиб келади. Шахс бузилишининг кўринишлари аниқлаш ва эксперт баҳолаш учун невролог тиббий кузатув олиб бориши, сўроқлаш, экипаж аъзолари билан шахсий сұхбат ўтказиши, оиласирий ва шахсий анамнезини ўрганиши, психологик синов ўтказиши, жамоадаги психологик вазиятни баҳолаши лозим. Экспертиза ўтказишида, ёмон мослашувчи ва зиддиятларга олиб келувчи бузилишлари мавжуд бўлган шахсни, ҳулқ-автор модели атрофдагиларга мақбул бўлмаган шахсдан фарқлаш лозим. Ихтисослаштирилган муассасада ўтказилган текширув ва психиатр хulosаси асосида тиббий хулоса чиқарилади. Тиббий кузатув маълумотлари салбий бўлган, турғун ва аниқ ифодаланган шахснинг бузилишларида яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Шахснинг аҳамиятсиз бузилишларида, касбий фазилатларни: иш стажи, тажрибаси, маҳорати, бажарилаётган вазифанинг сифати ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда, яроқлилиги тўғрисидаги хулоса 2.2. модда бўйича чиқарилади.

Айрим, кам ифодаланган инфантлиизм белгилари мавжудлигида, асаб-руҳий фаолиятининг мақбул ижтимоий ва касбий компенсациясидаги шахс акцентуацияси яроқсизлик ҳакида тиббий хулоса чиқаришга асос бўлмайди.

Шахснинг ҳулқ-авторида илгари кузатилмаган ноадекват реакцияларнинг пайдо бўлиши психолог ва психиатр текширувига асос бўлади. Таҳхис йўқлигига модда қўлланилмайди. Психолог томонидан, шахснинг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларида бузилишлар аниқланганда, неврологик стационарда текширув ўтказилади. Кўрсатма бўлганда психиатр маслаҳати ўтказилади.

Турғун, салбий белгилари билан кучли ифодаланган шахсиятга доир ғайритабийликда яроқсизлик ҳакида хулоса чиқарилади. Кам ифодаланган ҳолларда касбий сифатларига: меҳнат стажи, иш тажрибаси, бажарилаётган ишини сифати ва бошқаларга кўра яроқлилик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

Алоҳида вазиятга алоқадор омиллар билан боғлиқ инсомния, диссония, циркад ритмининг ўзгаришларида авиаходим ўз касбий вазифаларини бажаришдан четлатилади ва даволаниш учун психологга юборилади. Даволаш жараёнида гипноз ва авиацияда тақиқланган седатив дориларни ишлатиш мумкин эмас. Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алкогол истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган турғун инсомния ёки диссонияда барча шахслар яроқсиз деб топиладилар ва ишга (ўқишга) қайта тикланмайдилар.

2.2. модда қўлланилганда, комиссия оралиқ даврида неврологнинг диспансер кузатуви ҳар 6 ойда ва психолог текшируви йилда 1 марта ўтказилади. Тиббий кўрсатмалар мавжудлигида психиатр маслаҳати ва психокоррекция муолажалари амалга оширилади. Таҳхисни олиб ташлаш муддатини невролог аниқлайди.

Маълум бир соматик касаллик билан боғлиқ бўлган қисқа муддатли руҳий фаолиятнинг бузилишини ўтказган шахслар, асосий касалликдан соғайгандан кейин, доимий равишдаги ёрдамчи даволаш усууларини қўллаш талаб қилмайдиган асаб-руҳий фаолиятининг тўлиқ компенсациясида 2.2. модда билан ишга (ўқишга) яроқли деб топилишлари мумкин.

### **3 - модда.**

Алкогол ва гиёхвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш сабабли

юзага келувчи рухий ва ҳулқ-атвор бузилишларида, сурункали алкоголизмда, мунтазам равишида алкогол ва гиёхвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилишда (йил давомида ва ундан кўп) барча шахслар яроқсиз деб топиладилар ва қайта тикланмайдилар. Алкогол ва гиёхвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг ҳаддан зиёд истеъмол қилиш натижасида юзага келувчи жисмоний, психологик ва ҳулқ-атвор бузилишлари ва оқибатларини ҳисобга олиб ташхис қўйилади. Ўткир (ўткирости) алкоголли психозни (алкоголли делирий, параноид, галлюциноз, рашк власвасаси

ва бошқалар) ўтказганда, алкоголизмга гумон бўлганда нарколог маслаҳати олиниши лозим. Дори-дармон воситаларига қарамлик ёки уларни тиббий кўрсатмаларсиз сустеъмол қилиш ишга (ўқишига) монелик қиласди. Рухий ҳолатини ўзгартирин учун нотиббий мақсадда дори воситаларни (седатив дорилар, транквилизаторлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари) қабул қилиш дорига қарамлик ёки уни сустеъмол қилиш деб топилади.

Алкоголли қарамлик (алкоголизм) шаклланмаганда, яъни алкоголни зарарли истеъмол қилишда ёки бир марталик алкогол билан ўткир захарланишда авиаходим ишдан четлатилади ва унга чукурлаштирилган тиббий ва психологик текширувлар, нарколог маслаҳати, даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади. 2-4 ойдан сўнг, невролог тиббий кузатуви ва тиббий текширувлар натижалари ижобий бўлганда, нарколог хулосасининг ижобий прогнозида, хизмат тавсифномаси ижобий бўлганда, қайта тиббий кўриқдан ўтказилиб ўз касбига тикланиши мумкин, бунда модда қўлланилмайди. Шунга қарамай, авиаходимни ўз касбida ишлаш масаласи унга иш берувчи раҳбар томонидан ҳал қилинади.

Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алкогольга қарамлик, рационал фикрлашни, идрок қилишни, когнитив ва бошқа психофизиологик фаолиятлар ва реакцияларни заифлаштиради, муҳим аҳамиятга эга бўлган касбий, тиббий, ижтимоий ва ҳукукий қийинчиликларга олиб келади, шунинг учун мазкур ҳолатлар авиация билан боғлиқ ўқишига ва ишлашга мутлақо мумкин бўлмаган ҳолатлар ҳисобланади.

Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилганлигини аниқловчи текширув шахснинг ўз аризаси, сийдик, қон ва бошқа биологик материалларнинг объектив таҳлили ёки бошқа маълумотлар (шахсда мазкур моддаларнинг, клиник белгилар ва симптомларнинг мавжудлиги, учинчи манбадаги хабардор бўлганларнинг маълумотлари) асосида амалга оширилади. Маълумотлар бир неча манбадан олиниши керак. Гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни идентификацияловчи ва шахснинг ҳозирда ёки яқин ўтмишда ёки ўтмишда истеъмол қилганлигини аниқловчи объектив лаборатория таҳлиллари муҳим далил сифатида қабул қилинади.

Шахснинг алкогол, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилгани хақида гумон қилинганда ёки маълумот олинганда, шифокор унинг жисмоний ва рухий ҳолатини, истеъмол қилиш далил ва сабаблари ҳамда бошқа жиҳатларини тавсифлаб акт тузади. Ташхиси аниқлаш учун, шахс тиббий ходим кузатуvida, тиббий ҳужжатлар ва ашёвий далиллар (шприц, дори воситаларнинг қолдиклари ва хоказо) билан наркологга маслаҳатга юборилиши лозим.

Шахснинг алкогол ва гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилганлигини аниқловчи текширувлардан бош тортиши, унга тиббий хулоса берилмаслигига ёки илгари берилган тиббий хулосани бекор қилинишига асос бўлади.

Анамнезида токсимкомания, наркомания ва алкоголизм касалликлари аниқланганда, ишдан ёки ўқищдан четлатилган муддатидан қатъий назар ишга ёки ўқишига қайта тикланмайдилар.

#### **4 - модда.**

Номзода эпилепсия ташхиси аниқланганда, у барча класслар бўйича яроқсиз деб топилади ва қайта тикланмайди.

Эпилепсия борлигига гумон қилинган шахс ихтисослаштирилган тиббий муассасага стационар текширувга юборилади. Юборишдан аввал, гувоҳлар имзоси қўйилган тутқаноқ хусусиятлари баён қилинган, тиббий ходим томонидан тасдиқланган далолатнома тузилади. Хушдан кетиш ҳолатининг классификацияси ва дифференциал диагностикаси, текширув тартиби ва турлари, тавсифлаш баённомаси

ЎЗР АҚ - 69да белгиланган тартибда ўтказилади. Касаллик тарихини ўрганиш, тўлиқ неврологик текширув, электроэнцефалография (бундан буён матнда ЭЭГ деб юритилади), КТ, магнитрезонанс томография (бундан буён матнда МРТ деб юритилади), психиатр ва эпилептолог хulosалари асосида ташхис қўйилади. ЭЭГдаги эпилептоид фаоллик эпилепсия ташхисини тасдиқлади, унинг йўқлиги ташхисни инкор этмайди. Экспертиза ўтказишида, ЭЭГдаги эпилептиформ кўрсаткичларнинг ҳеч қачон эпилептик тутқаноқлари бўлмаган шахсларда ҳам учраш эҳтимоли борлиги асоссиз тиббий хulosы чиқарилишига олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим.

Моддага этиологияси аниқланмаган, бир марталик эпилептиформ тутқаноқлар киради. Симптоматик эпилепсияда асосий касалликка кўра тиббий хulosы чиқарилади. Текширув ўтказишида бош мия ўсмалари, томирлардаги бузилишлар, экзоген захарланишлар, гижжа инвазияси ва бошқа сабаблар истисно қилиниши лозим.

Биринчи марта ЭЭГсида пароксизмал активлик аниқланган шахслар ихтисослаштирилган тиббий муассасанинг неврология бўлимида текширувдан ўтказилиши лозим. ЭЭГда биринчи марта эпилептоид фаоллик (“чўққи - суст тўлқин”га хос турида) аниқланганда, эпилепсиянинг бошқа белгилари ёки марказий асад тизимининг органик касаллиги бўлмаганда, шахслар ихтисослаштирилган тиббий муассасанинг неврология бўлимида текширувдан ўтказилади. ЭЭГдаги мазкур ўзгаришларнинг турғунлиги (3-6 ой давомида) такрорий стационар текшируvida аниқланганда, яроқсизлик ҳакида тиббий хulosы чиқарилади.

ЭЭГда пароксизмал, эпилептоид фаоллик ва аҳамиятга эга кучли ифодаланган ўзгаришлар аниқланганда барча шахсларга яроқсизлик ҳакида тиббий хulosы чиқарилади.

Онгнинг пароксизмал бузилишларини ўтказган шахсларнинг тиббий ҳужжатлари ваколатли орган тиббий эксперталига назорат учун юборилади.

#### **5-модда.**

Моддага турли этиологияли бош ва орқа мия патологиялари киради. Мазкур гурухга бош ва орқа миянинг бирламчи (васкулитлар, ривожланишдаги аномалиялар, аневризмлар, атеросклероз ва бошқалар) ва соматоген, вертеброген ва бошқа этиологияли томирларнинг иккиласи касалликлари киради.

Мазкур касалликлар мавжуд бўлган шахсларда, иш қобилиятини йўқотувчи хавф омилларини (биринчи хуруж (криз), қайталаниш ёки инсультни) аниқлаш лозим. Этиологияси, кечиши, неврологик, руҳий, функционал ва бошқа бузилишларнинг даражаси, юкли синовларни бажариши, психологик текширув ва касбий функционал мажбуриятларини хавфсиз бажаришига таъсир этувчи бошқа ҳолатларни, ёндош кардиологик касалликлар, (гипертензия, юрак ритмининг бузилишлари ва бошқалар), диабет, гиперлипидемия, чекиш ва бошқа касалликни ривожланишида прогнозни ёмонлаштирувчи хавф омилларини ҳисобга олиб, яроқлилик тўғрисида тиббий хulosы чиқарилади.

5.1. модда бўйича геморрагик ёки ишемик генезли мия қон айланишининг ўткир бузилишини, транзитор ишемик атака, субарахноидал қон қўйилиши ёки томир кризи ўтказган ва мия қон айланишининг сурункали бузилиши мавжуд бўлган шахслар тиббий кўрикдан ўтказилади.

5.2. модда бўйича, енгил ва кам ифодаланган белгилари мавжуд бўлган, марказий нерв системасини неврологик ва руҳий фаолиятлари сақланганлиги клиник ва инструментал текширув усуллари билан тасдиқланган, бош мия ёки орқа мия томирларининг атеросклеротик шикастланиши мавжуд бўлган шахслар тиббий кўрикдан ўтказилади.

Бош мия томирлари касалликлари мавжуд бўлган авиаходимларга тиббий хulosалар қўйидаги чиқарилади:

а) шикоятлар йўклигига, БМА ДСда артерия интимасини 1 мм кўп қалинлашиши ва УТДГда қон оқиши чизиқли тезлигини чегарага яқин асимметриялари аниқланганда, ҳамда қонда гиперлипидемия, кўз тубида бошлангич склеротик ўзгаришлар, айrim неврологик микросимптомлар (кўз қорачиқларининг ёруғликка суст реакцияси, кафт-энгак рефлексини сустлиги каби), психологик енгил когнитив ва ЭЭГда кам аҳамиятта эга ўзгаришлар бўлганда, “Бошлангич белгилари билан асаб-руҳий функциялари етарлича сақланган, бош мия томирларининг атеросклерози” ташхиси чиқарилади ва барча шахслар ярокли деб топилади. Уларга атеросклерозни ривожланишига қарши профилактик чора-тадбирлар белгиланади

б) БМА ДСда бигта артериянинг яширин кечувчи 50% ваундан кўп стенози ёки бир ёки бир ваундан кўп томирларда турғун бўлмаган, эмбологен атеросклеротик дўмбоқча (бляшка) аниқланганда, номзодга ихтисослаштирилган қўшимча тиббий текширувлар, тегишли мутахассис маслаҳати ўтказилади. Маълумотлар тасдиқланганда, “Бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиш хавфи юқори бўлган, бош мия томирларининг атеросклерози” ташхиси чиқарилади ва шахслар яроқсиз деб топилади.

в) атеросклеротик ўзгаришлар юқоридаги икки вариант ўртасида бўлганда:  
БМАнинг гемодинамик кам аҳамиятга эга стенозларида, турғун атеросклеротик бляшкаларда, меъёрдан ташқари бехатар психологик, биохимик ва ЭЭГ-кўрсаткичлар ўзгаришларда, “Асаб-руҳий фаолиятлари етарлича сақланган, бош мия томирларининг атеросклерози” ташхиси чиқарилади. Тиббий кўрсатмалар бўлганда транскраниал дуплекс сканерлаш ва МРТ-ангиография текширувлари ўтказилади. Мазкур ҳолда, артериал гипертония, чекиш, гиперлипидемия, ортиқча тана вазни ва бошқа хавф омиллари мавжудлигини, неврологик ва руҳий фаолиятларининг функционал сақланганлигини, ёшини ҳисобга олиб индивидуал равишда тиббий хulosга чиқарилади. Яроқли деб топилганларга неврологнинг диспансер кузатуви 6 ойда 1 марта белгиланади ва заруриятга кўра назорат текширувлари амалга оширилади.

г) бош мия қон айланишининг транзитор ишемик атакасини ўтказганда турли генезли бехушлик ҳолатлари билан дифференциал диагностика ўтказилиши лозим. Мия қон айланишининг ўткир бузилишини ўтказган ёки мия қон айланишининг сурункали етишмовчилиги бўлган шахсларда, ишончли тиббий текширувлар ва тиббий баҳолаш натижасида, ўз гувоҳномалари ва малака белгилари орқали бериладиган вазифаларини хавфсиз бажаришга монелик аниқланмагандаги, уларга якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хulosса чиқарилиши мумкин.

Турли генезли васкулитларни ўтказган шахсларга, даволаниш якунлангандан сўнг, касаллик тури, даражаси, ремиссияси, касбига доир бажарадиган иши ва бошқа факторларни

хисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

МРТда томирга оид генезли глиозлар ёки 2-3 ммли майда кисталар аниқланганда, тегишли мутахассисларнинг (кардиолог, эндокринолог, терапевт ёки нейрохирург) маслаҳати ўтказилади, касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришга таъсир қилувчи клиник, органик ва функционал белгилар бўлмаганда ишга (ўқишга) яроқли деб топилади.

## **6- модда.**

6.1-моддага нерв системасининг органик касалликлари:

рухий, интеллектуал-мнестик ва хулк-атвор бузилишлари (хотира ва диққат-эътиборни бузилиши, агрессия, хулк-атвор бузилишлари ноадекватлиги ва ҳоказо) билан кечувчи, турли генезли органик касалликлар: ўсимталар, сирингомиелия, тарқоқ склероз, Паркинсон касаллиги ва бошқа кучайиб борувчи касалликлар;

миядаги ва унинг қаватларидаги яллиғланиш жараёнлари, марказий асаб тизимининг ўткир ва сурункали юқумли касалликлари ва инвазиялар: менингит, арахноидит, энцефалит миелит, нейросифилис, ликвородинамик бузилишлар, тириштирувчи хуружлар билан инфекция ёки интоксикация асоратлари бўлган нерв системаси функциясини бузилиши, бош миянинг сил ёки сифилис билан шикастланиши (нейросифилис), цистицеркоз ва бошкалар;

нерв-мушак аппаратининг касалликлари: миастения, миопатия, миотония, миоплегиялар тегишли.

кучли заҳарланишлар: алкоголь энцефалопатия, қўрғошин билан заҳарланиш ва бошқалар киради ва мазкур модда бўйича кўриқдан ўтувчилар яроқсиз деб топилади.

Мия фаолиятини бузилишига олиб келувчи, мия тўқимаси структураси бузилишини қайтмас жараёнлари бўлган нерв системасининг органик касалликларида авиаходимлар мутлақо яроқсиз деб топилади. Авиаходимларда биринчи марта нерв системасининг органик шикастланиши аниқланганда, неврологик бўлимда чукурлаштирилган текширув ва КТ, МРТ текширувлари ўтказилади.

Нерв тизимининг **юқумли касалликлари ва заҳарланишларини** ўтказган шахсларга, тўлиқ согайгандан кейин, нерв-рухий функцияси тўлиқ тикланганда ёки функциялари бузилмаган органик микросимптом кўринишидаги енгил қолдиқ белгилари борлигига, мия шикастланишининг белгилари бўлмаганда 6.2. модда бўйича тиббий хулоса чиқарилади.

6.2. модда, касбий муҳим функциялари етарлича сақланган, нерв-мушак аппарати ва нерв тизимининг суст прогредиент кечувчи бошланғич босқичдаги ирсий-дегенератив касалликлари бўлган шахсларга қўлланилади.

Гриппли энцефалит ўтказгандан кейин 1-2 йилдан сўнг, ўткир энцефаломиелитда - 2 йилдан сўнг, ўткир кана энцефалитида - 3 йилдан сўнг учиш ишига тикланиш учун кўриқдан ўтказилиши мумкин.

Эпидемик цереброспинал менингитни ўтказгандан кейин 1 йилдан сўнг, диспетчерлик ишига (ўқишга) яроқлилигини аниқлаш учун кўриқдан ўтказилиши мумкин.

Менингококли ринит, фарингит, унча билинмайдиган менингокок инфекциясини ўтказган шахслар терапевт томонидан тиббий кўриқдан ўтказиладилар.

## **7-модда.**

7.1. моддага:

бош миянинг очиқ ва ёпиқ ичига кирган ва ичига кирмаган жароҳатлари;

бош миянинг очиқ ва ёпиқ жароҳатларида марказий нерв системасининг кучли ифодаланган органик ўзгаришлари, руҳий бузилишлар, гипертензион ёки қалтироқ синдроми бўлган асоратлари;

ҳаракатланиш, сезиш, тос органлари ва бошқа рефлектор бузилишлар бўлган орқа мия шикастланишининг асоратлари;

посттравматик синдром ва уларнинг асоратлари (эпилепсия, руҳий бузилишлар, гиперсомния, ҳаракатланиш, координация ва нутқ фаолиятларининг бузилишлари; оғрикли синдром, аневризмалар, кисталарнинг шаклланиши, турғун ликвородинамик бузилишлар, бош суюгининг  $2\times 3$  смдан ошиқ бўлган дефектлари ва бошқалар киради.

Бош мия жароҳатларини ўтказган шахслар, тўлиқ даволангандан кейин, неврологик бузилишлар бўлмаганда, чуқурлаштирилган клиник текширув натижалари асосида тиббий кўриқдан ўтказилиши мумкин.

Жароҳат механизми ва шароитларини баҳолашда, контактсиз бош мия жароҳати (мия силжиши, томирлар ёрилиши) ва жароҳат оқибатида атлант-окципитал бирикмаси структурасини шикастланишини хисобга олиш лозим.

Жароҳат характеристи ва оғирлик даражасидан ташқари, жароҳатдан кейинги босқичларда посттравматик эпилепсия ривожланиши эҳтимолини олдиндан тахмин қилган ҳолда бошқа хавф омиллари ҳам хисобга олинади.

Анамнез, ЭЭГ динамикаси, йўқотилган функцияларнинг компенсацияланиш даражаси, қўшимча юкли синовларни бажариши ва, психологик текширувлар натижаларини хисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Эксперт хулосаси, амнезия ва онгни ўзгарувчанлик даврларини давом этиш вақти, жароҳатнинг характеристи, соғлигига бўлган шикоятларнинг мавжудлиги ва характеристи, майший ва касбига оид кўпгина вазифаларни бажара олиш қобилияти, муҳим касбий психологик фазилатларини ва шахсиятга ҳамда ҳулқ-атворга оид функцияларни сақланганлиги, соғлигининг жароҳатдан олдинги ҳолати, жароҳатдан кейинги асоратлари (посткоммоцион синдроми, фокал неврологик бузилиши, когнитив функция бузилишидан кейинги асоратлар, посттравматик эпилепсия ва ҳоказолар), узоқ давом этувчи парвозларда ва иш фаолиятининг мураккаб жараёнларида соғлигини ёмонлашуви сабабли тўсатдан иш қобилиятини йўқотиш эҳтимолини, парвозлар хавфсизлигига салбий таъсир қилувчи дори-дармон воситаларини кабул килиш билан боғлиқ масалалар ва бошқа омилларни хисобга олган ҳолда чиқарилади. Асаб-руҳий функцияси тўлиқ тикланганда

ёки етарлича сақланганда шахсларга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Асаб-руҳий функциясининг турғун компенсация ҳолатида (посттравматик ҳолатларда: енгил вегетатив дисфункцияда, енгил неврологик симптоматикада ва бошқалар) шахсларга, касбига тиклангандан кейин 5 йилгача бўлган даврда неврологнинг диспансер кузатуви ўтказилади

Бош гумбазининг ичга ботган синишида, бош миянинг лат ейиши, паренхиматоз гематома, 1 кундан кўп давом этган посттравматик амнезия, бош суюгининг ичга ботган синиши, бош мия паренхимасида қоннинг мавжудлигига, субдуран гематомаларда посттравматик эпилепсияни пайдо бўлиш хавфи экспертиза ўтказишда хисобга олиниши лозим. Оддий асоратсиз, паренхимага қон қуйилмаган эпидурал гематомада 1-2 йилдан кейин, интрапаренхиматоз гематомада 2 йилдан сўнг тиббий кўрик ўтказилиши мумкин.

Бош гумбазининг чизиқли синишида, бош суяги тубини синишида (ликвореясиз) ёки субарахноидал қон қуйилиши билан бош миянинг ўрта ва оғир даражадаги лат ейишида 1-2 йилдан кейин, тиббий кузатув ва текширувлар натижалари ижобий бўлганда ва мақбул прогнозда, касбига қайта тикланиш учун шахс кўрикдан ўтказилиши мумкин.

Паренхимада қон бўлмаган оддий асоратларсиз эпидурал гематомада 1-2 йилдан кейин, субдурал гематома билан бош миянинг лат ейишида 2 йилдан кейин, бош мия чайқалишида 1,5-3 ойдан кейин, бош миянинг енгил даражада лат ейишида 3-6 ойдан кейин, кўшалоқ бош мия шикастланишларидан кейин 6-24 ойдан кейин, посткоммоцион синдромида камида 3 ойдан кейин, неврологик ва когнитив функциялар сақланганлигига, юкли синамаларга чидамлилиги ижобий бўлганда, психолог, психиатр ва офтальмолог кўриги, бош мия МРТ, ЭЭГ ва заруриятга қараб кўшимча текширувлар ўтказилади  
ва якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хулоса 7.2. модда бўйича чиқарилади.

Ташхисни расмийлаштиришда, бош мия жароҳатларининг клиник кўриниши, санаси, текширув пайтидаги даври, посттравматик синдромнинг клиник тавсифномаси, нерв-рухий функциясининг ҳолати ҳақида маълумотлар кўрсатилади

#### **8-модда.**

Моддага вегетатив асаб тизими (ВАТ) турли хил структура қисмларининг бирламчи шикастланиши натижасидаги ёки неврологик, соматик, эндокрин, руҳий, аллергик касалликлар ва заҳарланишларнинг иккиласи синдромлари натижасидаги ВАТ касалликларининг клиник кўринишлари киради. Касаллик сабабларини аниқлаш учун алоҳида дикқат билан анамнез йиғилади, ҳар томонлама клиник текширув ўтказилиб, заруриятга кўра бошқа мутахассислар маслаҳати олинади.

ВАТ сурункали касалликларини пароксизмал кўринишларига, тез-тез қайталанувчи зўрайишлар ва кризли реакциялар (вазовагал, симпатик, вагоинсуляр, симптоадренал, аралаш характердаги, адренал, диэнцефал турлари) билан кечувчи вегетатив-томир бузилишлари мавжуд бўлган шахслар 8.1. модда бўйича тиббий кўрикдан ўтказилади.

Мазкур гурухга қуйидаги касалликлар киради: мигренъ, солярит, Менъер ва умуртқа артерияси синдромлари, диэнцефал синдроми, ангионеврозлар (ангиотрофоневрозлар, Рейно касаллиги ва ҳоказо), қайталанувчи ангионевротик шиш (Квинке шиши) ва ортостатик эссенцијал гипотония.

Аниқ маълумот олиш учун, заруриятга кўра умуртқа КТ ва орқа мия ва унинг илдизлари ҳолатини баҳолаш учун умуртқанинг МРТ ўтказилади. Ротацион синамаларни ўтказишида пайдо бўлувчи ёки кучайувчи вертеро-базилляр бассейндаги (ВББ)даги қон оқимини пасайишини аниқлаш учун, бош мия томирларининг дуплекс сканерлаш ва ультратовуш доплерографияси (бундан буён матнда УТДГ деб юритилади) ўтказилади. Церебрал тўқималардаги морфологик ўзгаришлар характеристини аниқлаш учун бош мия МРТ ўтказилади. Визиометрия, периметрия, офтальмоскопия, аудиометрия, калорик синама ва бошқа текширувлар тиббий кўрсатмалар мавжудлигига ўтказилади.

Периферик нейроваскуляр синдромларда ва ганглионитларда тиббий хулоса 9- модда бўйича чиқарилади.

Конституционал-ирсий генезли дисфункцияси бўлган, ҳамда гормонал ўзгариш фонида ёки соматик касаллик ўтказгандан кейин, текширув пайтида ремиссия босқичини турғунлигига (асосий касалликдан соғайгач 2-3 ойдан кейин), шахсларга вегетатив-томирлардаги бузилишларнинг оғирлик даражасига, клиник текширув ва юкли синамаларга (ортосинама,

вестибуляр синама ва бошқалар) чидамлилигига кўра 8.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Вегетатив томир бузилишларининг клиник тавсифида функционал кардиоваскуляр кўринишлар устун бўлган ҳолларда тиббий хулоса терапевт томонидан чиқарилади.

#### **9-модда.**

Моддага периферик асаб тизимининг турли этиологияли ўткир ва сурункали касалликлари: орқа мия илдизчалари, чигаллари, нерв стволлари ва ганглийларининг травматик шикастланишлари; умуртқа поғоналари, орқа мия илдизчалари, чигаллари ва нерв стволларидағи операциялар асоратлари; периферик нейроваскуляр синдромлар; умуртқа, орқа мия илдизчалари, чигаллари ва асаб стволларидағи операциялар асоратлари; умуртқа поғонаси илдизчаларининг компрессиялари киради.

Умуртқааро диск чурраси олиб ташланганда, асоратлар бўлмаганда, динамикаси ижобийлигига, реабилитация давридан кейин 3-6 ой ўтганда, шахсларга тиббий кўрик ўтказилади.

Сурункали радикулитда, иш қобилиятини йўқотишга олиб келувчи муҳим сабаблар - тўсатдан ва олдиндан билиб бўлмайдиган ўткир оғриқлар хуружини, касалликни қайталаниш хавфи ва функционал тикланиш даражалари, узок муддатли анальгетиклар ва мушаклар релаксантларини қабул қилиш оқибатлари ҳисобга олинган ҳолда тиббий хулоса чиқарилади.

Асаб илдизчалари функцияларини бузилиш белгилари бўлмаган умуртқа поғоналаридағи ҳаракатчанликни бузилишида, умуртқа поғоналари касалликлари бўйича хирург томонидан тиббий хулоса чиқарилади.

#### **10-модда.**

Синкопал (бехушлик) ҳолатларни ўтказган шахслар ўқишдан ва ишдан четлатиладилар ва уларга терапевт-эксперт ва невролог-эксперт тиббий кўрги ўтказилгандан кейин неврология бўлимига текширувга юбориладилар. Синкопал ҳолат ҳақидаги актни мазкур шахсни ёнида бўлган биринчи шифокор расмийлаштиради ва экспертиза учун тақдим этади. Актда бехушликни клиник кўриниши, белгилари ва вазиятлари тўлиқ ва батафсил тавсифланади, гувоҳларнинг, шахснинг ва шифокорнинг имзолари қўйилади.

Актни расмийлаштириш, синкопал ҳолатларини классификациялаш, дифференциал диагностика, лозим бўлган текширувлар ҳажми ва яроқлиликни аниқлаш ЎзР АҚ-69 бўйича ўтказилади. Асаб тизими ёки ички органларнинг органик касалликларини истисно қилиш, онг пароксизмал бузилишларини дифференциал диагностикасини ўтказиши, бехушлик сабаби ва ҳарактерини аниқлаш, организмнинг функционал резервларини баҳолаш ва онг бузилишини такрорланиш эҳтимолини аниқлаб тиббий хулоса чиқарилади. Синкопал ҳолатни юзага келтирувчи сабаблар аниқлаганида, асосий касаллик бўйича, бехушликни такрорланиш эҳтимолини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Соғлом шахсдаги ҳаяжонга, оғриқка ёки қучли гипоксияга таъсирчанлик туфайли бир марталик бехушликда, ҳолатни келтириб чиқарувчи яширин муҳим механизмлар истисно қилинганда ва унинг келиб чиқиши безарар деб топилса модда қўлланилмайди.

Соғлом шахсдаги маълум бир вақтда ситуациян, яхши сифатли деб аниқланган бехушликни 2 марта такрорланишида, 3 ойдан 12 ойгача бўлган муддатга авиаходим даволаниш ёки дам олиш учун ишдан четлатилади, невролог диспансер кузатувида бўлади. Ишга маълум муддат давомида чегараланган ҳолда, фақат иккинчи диспетчер таркибида ёки фаолияти

парвозлар хавфсизлигига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда рухсат берилади.

Бехушликни кўп қайталанишида шахслар ишга яроқсиз деб топилади. 2 йилдан кейин, вегетатив томир ўзгарувчанлиги, артериал гипотония, юкламали синамаларга чидамсизлик бўлмаганда ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Этиологияси аниқланмаган бехушликда ишга (ўқишга) яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

## **2. Ички касалликлар.**

### **11-модда.**

Моддага юқумли ва паразитар касалликлар: дизентерия, тиф, паратиф, малярия, бруцеллоз, геморрагик безгак, вирусли гепатит, гельминтозлар ва бошқалар тегишли. Касалликларнинг ўткир даврида, парвозлар хавфсизлигига салбий таъсири мавжудлигига 11.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Авиаходимлар инфекцион ва паразитар касалликлардан даволаниб, согайганларидан сўнг, уларга инфекционист маслаҳатининг ижобий прогнози ва чукурлаштирилган текширувларнинг ижобий натижаларига кўра 11.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Вирусли гепатит ва геморрагик безгак ўтказган ХХБ диспетчерларига касаллик варақаси ёпилганидан кейин 11.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

### **12-модда.**

Моддага қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари: турли хил анемиялар, эритроцитоз, лейкемия, лимфома, тромбоцитопатиялар ва бошқалар киради.

Клиник прогнози салбий бўлган, қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари аниқланган шахслар 12.1. модда бўйича ўқишга ёки касбига яроқсиз деб топиладилар.

Мазкур касалликлар мавжудлигига, (гемоглобин концентрацияси 105 г/л паст)ихтисослаштирилган тиббий муассасада чукурлаштирилган текширув натижалари, даволаш якунлари ижобий бўлганда, гематолог хулосаси ва прогнози асосида, касаллиknинг аниқланган сабабини ҳисобга олиб, лаборатор-клиник текширувлар кўрсаткичларини меъёрдалигини, касаллик ремиссияси, турини (постгеморрагик, темир танқислиги каби анемиялар ва бошқалар) ҳисобга олиб 12.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Мазкур касалликларда, ерда ва баландликда, тинч ҳолатда ҳамда жисмоний ва руҳий зўриқиши даврларида метаболик эҳтиёжларни қондириш учун, қоннинг етарли даражада кислород етказиз беришдек муҳим хусусияти ҳисобга олиниб 12.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Соғлом авиаходимларда қондаги гемоглобин концентрацияси меъёри эркакларда 130 г/л (СИ бирлигига) ва аёлларда 120 г/л. Кўрсаткичларнинг пастлигида заруриятга кўра кўшимишча текширув ўтказиш ва даволаниш учун ишдан четлатилади.

Гемоглобинопатияларда, касаллиknинг хуружсиз кечишида, номзод тўлиқ ҳажмдаги функционал қобилияtlарга эга бўлса яроқли деб топилиши мумкин.

Вақтинчалик хусусиятга эга тромбоцитопатияларда (темир танқислиги сабабли анемия ёки дори воситаларини қабул қилиш сабабли суюк илиги фаолиятини пасайишида) тромбоцитлар

ва бошқа күрсаткичлар нормал даражага етгандан сўнг, яроқлилик тўғрисида хulosса чиқариш мумкин.  $75 \times 10^9/\text{л}$  кам тромбоцитопенияда номзодга яроқсизлиги тўғрисида хulosса чиқарилади. Сplenэктомия ўтказилган идиопатик тромбоцитопеник пурпурада, 6 ой давомида тромбоцитлар таркиби мөъёрда бўлса, яроқлилик масаласи қўриб чиқилиши мумкин. Авиаходим яроқли деб топилганда, ундаги тромбоцитлар таркиби ҳар 6 ойда назорат қилинади.

Антикоагулянт (кумарин, варфарин ва шунга ўхшаш) ва антитромбоцитар (хлопидогрел ва шунга ўхшаш) дори воситаларини қабул қилиш фақат терапевт тавсиясига кўра белгиланади.

Компенсацияланган, органлар фаолияти сақланган гемоглобинопатияларда ва геморрагик диатезда, рецидивлар бўлмаса, ишга яроқли деб белгиланади.

Ўроқсимонхужайра касаллиги аниқланганда номзодлар касбига яроқсиз деб белгиланади, ўроқсимонхужайра белгиларини ташувчиликда ишга яроқли деб топилиши мумкин.

Чин (ҳақиқий) полицитемияда асоратлар бўлиши мумкинлиги сабабли номзодлар яроқсиз деб топиладилар.

Иккиламчи полицитемияда эритроцитлар микдорининг ошиш сабаби (нафас олиш органлари касаллклари, баландликда гипоксия шароитида бўлиш ва бошқалар) аниқлангандан кейин хulosса чиқарилади.

### 13-модда.

Аллергологик анамнез, физикал ва клиник-лаборатор маълумотлар, аллергологик синамалар аниқланиб, аллерголог хulosаси асосида аллергик касаллигини ташхиси аниқланади. Касалликни аниқлашда, аллергияга ўхшаш симптомларни юзага келтирувчи касаллклар, турли текширув услубларини кўллаш орқали истисно қилинади. Аллергиянинг оғир кўринишларида, йилда 2 мартадан кўп касалликни рецидивида, аллерген аниқланмаган ҳолларда 13.1. модда бўйича яроқсизлик тўғрисида тиббий хulosса чиқарилади.

Турғун терапевтик эффектга эга бўлган аллергияларда, аллерген аниқланган ва бартараф этилганда, 3 ой давомида аллергия белгилари такрорланмаса ва иш жойида аллерген билан контакт мавжуд бўлмаса 13.2. модда бўйича ишига яроқлилик тўғрисида тиббий хulosса чиқарилади.

### 14-модда.

Моддага семизлик ва ортиқча тана вазни тегишли. Семизлик даражаси Кетле индексига мувофиқ аниқланади. Тана вазни индекси (бундан бўён матнда ТВИ деб юритилади) тана вазни ( $\text{кг}$ )/ бўй ўлчами ( $\text{м}^2$ ) формуласи бўйича ҳисобланади:

ТВИ баҳолаш жадвали

Тана вазни даражалари	ТВИ	Ёндош касаллклар хавфи
Тана вазни дефицити	<18,5	Паст (бошқа касаллклар хавфи юқори)
Нормал тана вазни	18,5-24,9	Одатдагича
Ортиқча тана вазни	25,0-29,9	Ўртача юқориликда
Семизликнинг I даражаси	30,0-34,9	Юқори
Семизликнинг II даражаси	35,0-39,9	Жуда юқори
Семизликнинг III даражаси	≥40	Хаддан зиёд юқори

Ортиқча тана вазни бўлган шахсларга семизлик характерини аниқлаш учун клиник

текширувлар ўтказилади. Симптоматик (иккиламчи) эндокрин, церебрал генезли семизлика тиббий хulosса асосий касаллик бўйича чиқарилади.

Мушак ва ёғ тўқималарининг нисбати ва организмдаги ёғ ҳажми фоизи аниқланиб тана вазни ҳисобланади.

ФА ўқув юртларида ўқишига номзодларга ТВИ 30,0дан юқорилигига 14.1 модда бўйича ўқишига яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

ТВИ 35,0дан юқори бўлганда, эндокринолог ва заруриятга қараб тегишли мутахассислар маслаҳати, кардиоваскуляр хавф омиллари мавжудлигини (артериал гипертензия, қандли диабет, глюкозага толерантликни бузилиши, ёши, дислипидемия, заарарли одатлар мавжудлиги ва бошқалар), метаболик синдромни ривожланиш хавфини, психологик ва кардиоваскуляр резерв текширувлари ва бошқа текширув натижаларини ҳисобга олиб, якка тартибда тиббий хulosса чиқарилади.

### **15-модда.**

Моддага эндокрин тизимиning касалликлари: қандли диабет, қалқонсимон олди безлари, буйракусти безлари ва жинсий безлар касалликлари ва бошқалар киради.

Қандли диабетнинг I тури ва инсулин ёки бошқа гипогликемик дорилар билан доимий даволанишни талаб қилувчи турларида, тиреотоксикознинг барча шаклида 15.1. модда бўйича яроқсизлик тўғрисида тиббий хulosса чиқарилади.

Қандли диабетнинг II турида, углевод алмашуvinинг тўлиқ компенсациясида, ЭКГнинг юкли синамаларига чидамлилика, МСКТ ёки бошқа инвазив бўлмаган услублар билан коронар артерияларини текширув натижалари ва диабетолог (эндокринолог) хulosалари ижобийлигига, диабетнинг хавф омиллари: ёшнинг 60 дан юкориси, буйрак фаолиятининг бузилиши, нотўғри овқатланиш, кўп компонентли дорилар терапиясини ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда 15.2. модда бўйича ишга яроқлилик тўғрисида тиббий хulosса чиқарилади.

Қандли диабетнинг II турида, агар монотерапия сифатида альфа-глюкозидазанинг ингибитори-глюкобай ёки тиазолидиндион ёки метформинни қабул қилиш лозим бўлиб ва парҳезга риоя қилинганда, иккинчи ҲҲБ диспетчери мавжудлигига ишига 15.2. модда бўйича яроқлилик тўғрисида тиббий хulosса чиқарилади.

Инсулин ва бошқа гипогликемик дориларни қабул қилишга муҳтоҷлиги бўлмаган қандли диабетнинг II турида, кардио-респиратор тизими ва бошқа органлар фаолияти сақланганлигига, парҳезга риоя қилинганда, иккинчи ҲҲБ диспетчери мавжудлигига 15.2. модда бўйича тиббий хulosса чиқарилади. Бу ҳолда авиаходимларга ЭКГ ва терапевт ҳамда диабетолог (эндокринолог) назорат кўрувлари ҳар 6 ойда белгиланади, навбатдаги тиббий кўрикда эса юкламали ЭКГ синамалари ёки инвазив бўлмаган услублар билан коронар артериялар текшируви ўтказилади.

Авиацияда сульфонилмочевина ҳосилалари, бигуанилар (метформиндан ташқари) ва турли гипогликемик препаратларни бирга қўшиб қабул қилиш мақбул эмас.

Тиреотоксикозда касалликнинг сабаби, шакли, клиник кўринишлари, оғирлик даражаси, даволаш тури, касаллик оқибатлари ва биохимик кўрсаткичлар натижаларига кўра авиаходимнинг ишига қайта тикланиш муддати белгиланади. Диффуз-токсик буқоқда консерватив терапиянинг 2 йилгача давомийлигини ҳисобга олиб, дорилар қабул қилиш бекор қилинган шароитда 3 ойдан кам бўлмаган муддатда турғун эутиреоид ҳолати мавжудлигига ишига қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилади.

Оғирлиги енгил ва ўрта даражадаги токсик буқоқнинг жарроҳлик ёки радиоактив йод билан даволашдан сўнг 6 ой ўтгач; оғир даражали токсик буқоқда қалқонсимон без фаолияти турғун меъёрда бўлиб, бошқа органлар ва тизимларда унинг асоратлари мавжуд бўлмагандан, 12 ойдан кейин эндокринологнинг ижобий прогнози ва хulosаси асосида ишига (ўқишга) қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилади.

Тиреотоксик adenомадаги жарроҳлик операцияларидан кейин 6 ой ўтгач ишига қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Гипотиреоз ва аутоиммун тиреоидит ўтказганда, қалқонсимон без фаолияти меъёрдалигида, касаллик сабаби аниқланган бўлса, текширув натижалари ва эндокринологнинг ижобий хulosаси асосида, якка тартибда 3 ойдан кейин ишига (ўқишга) қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин. Номзодга яроқлилик ҳақида тиббий хulosа чиқарилганда, эндокринолог диспансер кузатуви белгиланади ва доимий антитиреоид препаратларни қабул қилиши назоратга олинади.

Тиреоидит касаллигини зўрайишидан кейин, даволаш натижаларига кўра ишига (ўқишга) рухсат берилади.

Эутиреоид ҳолати сақланган эндемик буқоқда ва шу билан бирга йод препаратлари ёки тиреоид гормонлар билан ўтказилаётган профилактик терапияда, қалқонсимон безнинг I ва II даражали диффуз эутиреоид катталлашишида ва углеводларга толерантликни бузилишида, шахслар ишга (ўқишга) яроқли деб хисобланади ва модда кўлланилмайди.

Тиреотоксикоз ёки гипотиреознинг субклиник шаклида, T3, T4 меъёрда бўлиб, ТТГ тегишилича пасайган ёки кўпайганда, авиаходимларга эндокринологнинг диспансер кузатуви белгиланади ва 3 ойда 1 марта ТТГ ва тиреоид гормонларнинг назорат текшируви ўтказилади.

Эндокрин тизими касаллклари мавжуд бўлган номзодларга, 15.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хulosа чиқарилади ва заруриятга кўра терапевт тавсияси асосида ҳар 6 ойда эндокринолог диспансер кузатуви белгиланади.

## 16-модда.

Сил касаллигининг актив шаклида номзодларга 16.1. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosа чиқарилади.

Ўпка сили билан касалланиб, тегишли даволаш курсини тўлиқ якунлагандан кейин 3 ойдан сўнг, клиник симптомлар ва ўпканинг шикастланган бўлагида актив жараён мавжуд бўлмаса, нафас олиш тизими функцияси сақланганлигида, рентген текширувининг ижобий натижаларида, ишга (ўқишга) қайта тикланиш масаласи кўриб чиқилади. Агар кўрикдан ўтувчига 16.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хulosа чиқарилса, 2 йил давомида терапевт диспансер кузатуви, заруриятга кўра фтизиатр маслаҳати белгиланади ва ҳар 3 ойда ўпка қафасининг рентген ёки бошқа услубдаги назорат текшируви ўтказилади.

Актив бўлмаган ёки даволанган сил касаллиги ёки касалликни ўтказгандан кейинги қолдик белгилари бўлган (чекланган фиброз, кальцификация ўчоқлари, бўлаклараро ва плеврал битишмалари), кўкс оралиғи органлари силжимаган ва ташқи нафас органлари фаолияти бузилмаган номзодларга 16.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хulosа чиқарилади.

Сил касаллигини ўтказган номзодлар, диспансер кузатув гурухи кўрсатилган, тўлиқ тузалгани тўғрисидаги фтизиатр хulosасини комиссияга тақдим этишлари лозим. Ташқи нафас фаолиятини баҳолаш учун, уларга кардио-респиратор тизими функционал захиралари ва

рестриктив ёки обструктив бузилишлар мавжудлигини аниқловчи текширувлар ўтказилади. Нафас ва юрак қон-томир тизимлари фаолияти касбий фаолиятини бажариш учун етарлича сақланганлигига, сил касаллигини даволашда қўлланилган химиопрофилактик дориларнинг салбий оқибатлари мавжуд бўлмаганда

16.2. модда бўйича ишга (ўқишига) яроқлилик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

Сил касаллигини ўпкадан ташқари шаклларида, фтизиатр хулососи ва ижобий прогнози, органларнинг функционал сақланганлиги асосида, 16.2. модда бўйича ишга (ўқишига) яроқлилик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади. Уларга 2 йил давомида терапевт диспансер кузатуви белгиланади

### **17-модда.**

Мехнат қобилиятини йўқолишига олиб келиши мумкин бўлган, ўпканинг сурункали обструктив касалликларида (ЎСОК), бронхиал астма, бронхоэкстактик касаллиги, саркоидоз, диффуз пневмосклероз, ўпка эмфиземаси, турли этиологияли зотилжам, сурункали бронхит ва бошқа ўпка касалликларини тез-тез зўрайишида, касалликларнинг актив даврида, аниқ ифодаланган симптомлар бўлган нафас олиш органлари фаолиятини бузилишларида номзодларга 17.1. модда бўйича ишга (ўқишига) яроқсизлик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

Нафас олиш системаси функциясини тўлиқ сақланганлигига, кардио-респиратор функциясини етарли даражада сақланганлигига, рестриктив ва обструктив бузилишлар бўлмаганда (ёки бузилиш даражалари хисобга олиниб), лаборатор текширувлар натижалари ижобийлигига, кўкрак қафаси рентгенограммаси меъёрда бўлганда, симптомлари мавжуд бўлмаган ёки кам ифодаланган симптомлари бўлган, чекмайдиган, ЎСОКнинг бошланғич даврида, сурункали бронхитнинг ремиссия даврида, чегаралangan пневмосклерозда, кўкрак қафасидаги жарроҳлик операцияларидан кейин, номзодларнинг узоқ давомли ва мураккаб парвозлар давомида касбий мажбуриятларини бажариш қобилиятини хисобга олиб 17.2. модда бўйича ишга (ўқишига) яроқлилик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

Кўкрак қафасидаги жарроҳлик операцияларидан кейин 4-6 ойдан сўнг, спонтанли пневмотораксдан кейин 3 ойдан сўнг, ҳар томонлама пухта ўтказилган чукурлаштирилган текширувлар асосида якка тартибда ишга яроқлилик масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Сурункали бронхитнинг зўрайиш даврида авиаходимлар касбий вазифаларини бажаришдан четлатилади, актив яллиғаниш жараёни бартараф этилиб, тўлиқ даволангандан ва соғайгандан сўнг, ташқи нафас олиш аъзолари функцияси текширувлари натижалари меъёрда бўлганда ишга рухсат берилади. Йирингли, обструктив бронхитда ва такрорий пневмотораксда ХХБ диспетчерларига, нафас ва юрак қон-томир тизимларининг чукурлаштирилган текширувларининг ижобий натижалари асосида 17.2. модда бўйича якка тартибда ишга яроқлилик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

### **18-модда.**

Моддага юрак қон-томир системасининг касалликлари киради. Юрак ритми ва ўтказувчанигина аниқ ифодаланган асоратли бузилишларида, синус тугунининг кучсизлик (заифлик) синдромида, юрак қисқаришларининг такрорий тушиб қолиши билан бирга кечувчи ўтказувчаникни бузилишларида (иккита қисқаришга ва ундан кўп), мерцал аритмия хуружларида, юрак бўлмачаларининг ҳилпиллашларида, суправентрикуляр тахикардияда (дақиқада тезлиги 120 зарба ва ундан кўп, тўртта ва ундан кўп комплекслар), қоринчалар экстрасистолиясининг би-, тригеминия даврларини такрорийлигига, жуфтлашган қоринчалар экстрасистолаларнинг такрорий эпизодларида, қоринчалар тахикардиясининг эпизодларида

(дақиқада тезлиги 120 зарба ва ундан күп, учтадан ва ундан күп комплекслар билан), спонтан суправентрикуляр тахикардия мавжуд бўлган Вольф-Паркинсон-Уайт синдромида, миокард инфарктида, стенокардияда, юрак касалликларининг суст кечувчи ўткир даврида ва касаллик оқибатлари билан боғлиқ бўлган аниқ ифодаланган ритм ва ўтказувчаникни бузилиши, юрак етишмовчилиги ва оғриқ синдроми мавжудлигига, мўтадил ва аниқ ифодаланган комбинацияланган юрак нуқсонларида, митрал клапанинг 6 мм дан күп бўлган пролапсида, диллятацион, гипертрофик ва рестриктив кардиомиопатияларда, номзодларга 18.1. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

18- моддага туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари, митрал клапанинг пролапси, юрак мушагида кечеётган яллиғланиш жараёнлари, миокардиострофиялар, миокардитик кардиосклерози, кардиомиопатиялар ва бошқа юрак касалликлари ҳам киради. Юрак касалликларининг клиник алломатлари мавжудлигига, касалликни анамнези ўрганилиб, ҳар томонлама ўтказилган клиник ва кардиологик текширувларнинг ижобий натижалари, касалликнинг ривожланиш жараёни ва прогнозини, ёндош касалликлар, номзоднинг ёши, хавфли омиллар ва бошқаларни ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Ревматизмнинг актив фазасини ўтказгандан кейин, актив ревматик жараён ва юракда нуқсонлар бўлмаганда, бир йилдан сўнг 18.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Миокардит ўтказгандан кейин тўлиқ соғайганда ёки миокардитик кардиосклероз ривожланишида 3-6 ойдан сўнг, инфекция ўчоғи бартараф қилинганда, юрак ритми ва ўтказувчанилиги бузилишининг кам ифодаланган ўзгаришларида, лаборатория текширувлари ва ЭКГда яллиғланиш белгилари аниқланмаганда авиаходимга 18.2. модда бўйича ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Миокардиострофияларда асосий касаллик аниқланиб, юрак функцияси сақланганлигига, симптомлар кам ифодаланган ҳолда, касалликни оғирлаштирувчи заарли омиллар бўлмаганда, авиаходимга 18.2. модда бўйича ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва 3 йил давомида терапевт диспансер кузатуви белгиланади. 3 йил давомида ЭКГ хулосасини меъёрдалигига ва юкли синамалар натижасини ижобийлигига ташҳис олиб ташланади.

Митрал клапанинг 3 мм.дан 6 мм.гача пролапсида, аҳамиятга эга бўлмаган, изоляцияланган ва турғун компенсацияланган юрак нуқсонларида, оқим йўлларида обструкция алломатлари бўлмаган қоринчалараро тўсиқнинг асимметрик гипертрофиясида, гипертрофик кардиомиопатиянинг апикал шаклида юрак фаолиятининг яхши сақланганлигига ва 18.1. моддага тегишли тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлмаганда 18.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Юрак яллиғланиши билан боғлиқ касалликларни ўтказган авиаходимларга, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгандан сўнг, терапевт тиббий кўриги ўтказилиб ишга рухсат берилади.

Кучли ифодаланган ритмнинг суправентрикуляр бузилишларида электрофизиологик текширув ўтказилади ва сунъий равишда юқоридаги кўрсатилган ритм бузилишлари юзага келганда, унинг натижалари салбий деб ҳисобланади.

Ритм ифодаланишини баҳолаш учун сутка давомида ЭКГ-мониторинги (кузатуви) ўтказилади.

Юракдаги ритм бузилишлари муваффақиятли даволанганда номзодлар қайта кўрикдан ўтказилади.

18.1. моддага кирмаган юрак ритми ва ўтказувчанлигини бузилишларида, ЭКГда коринча комплексини якуний қисмидаги (ST и T) бекарор ўзгаришларнинг бета-блокаторлар ёрдамида меъёрга келишида, соғлик ҳолатига шикоятлари бўлмаганда, авиаходимларга 18.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

B.Low и M.Wolf бўйича M.Ryan модификациясида симптомларсиз коринчалар экстрасистолиясининг 1 градациясида (ЭКГ маълумотлари бўйича 1 минутда 5 экстрасистолиядан камлигига ва ЭКГнинг суткалик мониторингига 1 соатда 30 дан камлигига) кардиологик текширувлар ўтказилмайди ва яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилмайди.

B.Low и M.Wolf бўйича M.Ryan модификациясида симптомларсиз коринчалар экстрасистолиясининг 2, 3 ва 4а градацияларида номзодларга кардиологик текширувлар ўтказилади.

B.Low и M.Wolf бўйича M.Ryan модификациясида симптомларсиз қоринчалар экстрасистолиясининг 4б ва 5 градацияларида қоринчалар тахикардияси мавжудлигига кардиологик текширувлар натижасида ташхис аниқланганда, номзодларга ишга (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Кардиологик текширувлар натижасида, симптоматик бўлмаган синусли брадикардия ва  $<3,0$  сек. симптомларсиз синусли паузаларда кучли ифодаланган юрак структураси касалликлари ва клиник кўринишлар мавжуд бўлмаганда, чекловлар қўлланиб 18.2. модда бўйича ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Юрак қон-томир системасининг функционал бузилишларида уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва касбий фаолиятига доир заарарли омилларнинг соғлигига таъсири аниқланиб, нейроциркулятор дистонияга хос бўлган симптомлар билан кечувчи юракнинг бошқа органик касалликларини, яллиғланиш жараёни ва бошқа экстракардиал патологиялар мавжудлигини истисно қилиб тиббий хулоса чиқарилади. Сутка давомидаги ритм бузилишлари вегетатив дисфункцияни асосий маркери эканлагини ҳисобга олиб, ЭКГнинг сутка давомида текшируви (холтер мониторлаш) ўтказилади. Заруриятга қараб, ЭКГ-синовлари, ВЭП, миокард сцинтиграфияси юкли синовлари ва коронарография текширувлари ўтказилади.

Митрал клапан етишмовчилигининг турғун компенсациясида, миокардитик кардиосклероз, турғун компенсациясиланган, чегараланган ва кам ифодаланган юрак нуқсонларида, гипертрофик кардиомиопатиянинг апикаль шаклида 18.2. модда бўйича якка тартибда ишга (ўқишига) яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Тож томир ва (ёки) умумий қон айланишининг етишмовчилиги билан кечувчи юрак, аорта, тож артериялари, перикард мушакларининг органик касалликларда, даволанмайдиган, юрак ритмининг ва ўтказувчалигининг турғун бузилишларда

18.1. модда бўйича ишга (ўқишига) яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Авиаходимда Гисс тутами чап оёқчасининг блокадаси биринчи марта аниқланганда, унга кейинги келтирилган талаблар асосида якка тартибда яроқлилига чекловлар қўллаб тиббий хулоса берилиши мумкин: чап қоринча функцияси меъёрда бўлиши, масалан ЭхоКГда отилиб чиқиш фракцияси  $>50\%$ , юкламали ЭКГда Брюс протоколини IV босқичини бажаришда миокард ишемияси, кучли ифодаланган ритм бузилишлари ва симптомлар бўлмаслиги, холтер мониторлашда ритм бузилишлари мавжуд бўлмаслиги ёки кам ифодаланган бўлиши лозим. Заруриятга қараб коронар ангиографияси ўтказилади ва унинг натижасида йирик томирларда  $< 50\%$ , проксимал томирларда  $< 30\%$  стеноз аниқланишида яроқлилик ҳақида тиббий хулоса

берилади.

Бу ҳолда авиаходимларга йилда 1 марта кардиолог маслаҳати ўтказилади. Юкламали ЭКГ тестда ST сегменти 2 ммга горизонтал пасайганда, тож артериялар касаллиги аниқланмаслиги мумкин, шунинг учун асосий диққатни юришни давомийлигига, симптомларга (агар мавжуд бўлса) ва ўзгаришларнинг характерига қаратилади.

Авиаходимда битта тож артерияга стент ўрнатилганда, операциядан кейин 6 ой ўтгандан сўнг, операциядан кейинги давр асоратлари бўлмаганда ёки кам ифодаланган бўлганда, зарарли омиллар (чекиш, ортиқча тана вазни, АГ хуружли кечиши ва ҳоказо) мавжуд бўлмаса, юкламали ЭКГ ёки сцинтографияда ишемик касалликнинг орқага қайтиш белгилари ва қандли диабет касаллиги бўлмаганда, яроқлилиги чегараланган тиббий хulosса берилиши мумкин. Мазкур ҳолда номзодга терапевт диспансер кузатуви белгиланади, йилда 1 марта кардиолог маслаҳати олинади, ҳар ойда бир марта

АБ кўрсаткичи, 6 ойда бир марта қондаги қанд миқдори ва тана вазни текширувлари ўтказилади

Авиаходим ўткир безарар асептик перикардит ўтказгандан кейин 3-6 сўнг, касаллик симптомлари мавжуд бўлмаганда, ЭхоКГнинг кўрсаткичлари меъёрда бўлса, ўтказилган 24 соатли ЭКГ кузатуви (ритм бузилишларини аниқлаш учун) ва юкламали ЭКГ натижалари ижобий бўлса (қўшимча чуқурлаштирилган текширувлар заруриятга қараб ўтказилади), 18.2. модда бўйича якка тартибда яроқлилига чекловлар қўлланиб тиббий хulosса берилиши мумкин. Мазкур ҳолда 2 йил давомида терапевт

ва кардиологнинг диспансер кузатувлари белгиланади ва заруриятга кўра тегишли текширувлар ўтказилади. Касалликни қайталанишида ва оғриқ мавжудлигига 18.1. модда бўйича ишга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади ва қайта ХХБ ишига тикланмайди.

Авиаходим миокардит ўтказгандан кейин 3-6 сўнг, инфекция ўчиғи бартараф этилиб, касаллик симптомлари мавжуд бўлмаганда, қоринчалар мураккаб ритм бузилишлари, ўтказувчанликнинг бузилишлари ё/ёки бўлмачалар фибрилляцияси мавжудлигини аниқлаш учун 24 соатли ЭКГ кузатуви, юкламали

ЭКГ, ЭхоКГ теширувлари ўтказилади. Заруриятга қараб учун МРТ-сканерлаш ва холтер мониторлаш ўтказилиши мумкин. Текширув натижалари меъёрда бўлиб, ЭхоКГда чап ва ўнг қоринчалар функцияларининг бузилиш белгилари мавжуд бўлмаса 18.2. модда бўйича якка тартибда тиббий хulosса берилиши мумкин. Бу ҳолда доимий равишда йилда бир марта ЭхоКГ ўтказилади.

Аорта илдизи диаметри  $>5,0$  см;

чап қоринчанинг якуний диастолик ўлчами (КДР ЛЖ)  $>6,5$  см;

чап қоринчанинг якуний систолик ўлчами (КСР ЛЖ)  $>4,4$  см;

юрак қоринчалари ўртасидаги парданинг  $>1,4$  см. кўп қалинлашувида авиаходимларга юрак структура касалликлари ва касбий функционал мажбуриятларини бажариш қобилияти хисобга олинниб якка тартибда тиббий хulosса чиқарилади.

Қон айланиши бузилмаган умумий ва тож томирлар, юрак мушаклари касалликларида, авиаходимларга юкламали ЭКГ текшируви (заруриятга қараб стационар шароитида) ўтказилади ва юрак-қон томир системасини функционал сақланганлигига касбига яроқлилиги ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Миокард дистрофияси ва миокардитдан кейинги кардиосклерозларда, юракдаги ўзгаришларнинг касбий фаолиятига салбий таъсири аниқланмаса, юрак мушакларининг функционал сақланганлигига, касбига яроқлилиги ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Аортадаги кам ифодаланган атеросклеротик ўзгаришларда, аорта деворлари қалинлашганда, юрак-қон томир системаси функционал сақланган бўлса, яроқлилиги ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Асоратларсиз миокард инфарктини ўтказган авиаходимлар 12 ойдан сўнг, юрак қон-томир тизимининг яхши функционал ҳолатида, шикоятлари ва касалликни оғирлаштирувчи хавфли омиллар бўлмаганда, ишемия касаллигини даволашга мухтожликлари бўлмаганда (профилактика учун қабул қилинадиган аспирин, кичик дозадаги бета-блокаторлар ва айрим ҳоллардаги АПФ ингибиторлари бундан мустасно), бўлмаганда, юкли синамаларда жисмоний иш қобилияти сақланганлигига, ЭхоКГда юрак бўшлиқлари кенгаймаганда ва отилиш фракцияси 50% кам бўлмаганда, сутка давомидаги ЭКГ мониторлашда кучли ифодаланган ўзгаришлар бўлмаганда, коронароангиографияда миокард инфаркти зonasидан ташқари, тож томирлардаги (коринчалараро парданинг олд артерияси, айланиб ўтувчи артерия, коринчалараро парданинг орка артерияси, ўнг коронар артерияси) стеноз 50% кўп бўлмаганда якка тартибда ишга яроқли деб топилишлари мумкин.

ЭКГда паталогик Q тишчаси аниқланса, лекин миокард инфаркти клиник тасдиқланмаса, сўров йўли билан анамнез ўрганилади ва ЭхоКГ ҳамда сцинтография текшируви ўтказилади. Текширув натижалари ижобий бўлиб, юрак функцияси яхши сақланганлигига номзодлар ишга яроқли деб топилади.

#### **19 - модда.**

Гипертония касаллигига қон босими  $>160/95$  мм. сим. уст.да турғун бўлиб, касалликни хуружли кечишида (бир марталик асоратларсиз хуруж бундан мустасно)

3 ва 4 даражали юрак қон томирларининг асоратлари мавжудлигига 19.1. модда бўйича ишга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади. Стационар текширувлар ўтказилиб, юрак қон томир тизимининг сақланганлигига, даволаш натижалари ижобийлигига якка тартибда чекловлар кўлланиб 19.2. модда бўйича ишга яроқлилик ҳақида тиббий хulosса берилиши мумкин.

Текширув натижалари билан тасдиқланган “оқ халат”га бўлган артериал гипертензияда яроқлилиги ҳақида тиббий хulosса чиқарилади ва модда қўйилмайди.

Дори-дармонларсиз Қ.Б. меъёрга келишида ёки авиацияда рухсат этилган дори воситалари ёрдамида Қ.Б. 160/95 мм. сим. уст.дан юқори бўлмаса, номзодларга

19.2. модда бўйича ишга (ўқишига) яроқлилиги ҳақида тиббий хulosса берилади. Заруриятга кўра сутка давомида ҚБ-мониторинги ва бошқа текширувлар ўтказилади.

Эксперт хulosасини чиқаришда, гипертония касаллиги бўлган авиаходимларни юрак қон-томир асоратларини хавф даражасига (“нишон-аъзоларнинг” зарарланиши, семизлик, чекиши, спиртли ичимликларга ружу кўйиш, камҳаракатлик ва ҳоказо) қараб гурухларга ажратиш (стратификация принципи) лозим. Хавф даражаси паст ва ўрта бўлганда авиаходимлар касбий фаолиятларини бажаришга яроқли деб топиладилар. Хавф даражаси юқори бўлган авиаходимни, даволаш-соғломлаштириш тадбирларини кўллаган ҳолда, хавф даражасини паст ёки ўрта даражага келтириш мумкин бўлганда, 1 ойгача бўлган муддатга этапли тиббий хulosса қабул қилинади. Бу ҳолда авиаходим 1 ой муддатга ўз касбий вазифаларини бажаришдан четлатилади ва унга даволаш-соғломлаштириш тадбирлари билан бирга кардиолог маслаҳати ўтказилади. Тадбирлар самарали

ва барқарор бўлиб, хавф омиллари камайганда ёки мавжуд бўлмаганда, кардиологнинг ижобий хulosаси асосида яроқлилиги ҳақида хulosса чиқарилади.

ҲҲБ диспетчерликка ўқишига номзодларнинг ҚБ 140/90 мм. сим. уст.дан юқори бўлиши

мумкин эмас.

## **20 - модда.**

Моддага ошқозон ва ичак касаллуклари (ощозон ва ўн икки бармоқ яра касаллиги, гастритлар, колитлар ва бошқалар) тегишли. Касаллукларнинг ўткир даврида, оғрик ва касалликнинг клиник белгилари, иш қобилиятини йўқотишга олиб келувчи асоратлари мавжудлигига номзодларга 20.1. модда бўйича яроқизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Асоратлари бўлмаган ошқозон яраси касаллигини ўтказган номзодларга, даволаш натижалари ижобий бўлганда, 2 ойдан сўнг, Н. рујори инфекцияси ва клиник белгилар бартараф этилганда, эндоскопик текширувда яранинг битгани тасдиқланганда, хавфли ўсмалар мавжудлиги мустасно бўлганда, яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса бериш мумкин.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасининг бир мартали рецидивида, оддий ёки тегишли парҳез сақланиб касаллик симптомлари бўлмаса, клиник соғайиш белгилари бўлганда ишга яроқли деб топилади.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасида қон кетиш билан боғлиқ бир мартали асоратида, 2 ой давомидаги кузатувда касаллик симптомлари бўлмаса, дори-дармон воситалари билан даволаниш талаб этилмаса ва эндоскопияда соғайиш белгилари бўлса авиаходим ишга яроқли деб топилади. Бу холда 3 йил давомида тиббий хулоса муддати 6 ой этиб белгиланади ва ҳар галги ТУК тиббий хулососи, даволаган хирург хулососи асосида, ваколатли орган тиббий эксперкларида эксперт баҳоланади. Авиаходимга авиация шифокорининг диспансер кузатуви ҳар 3 ойда белгиланади ва йилда бир марта эндоскопик текширув ўтказилади.

Биттадан кўп рецидив ёки асоратли ҳолларнинг мавжудлигига тиббий хулоса якка тартибда ҳар томонлама ўтказилган тиббий текширувлар асосида, ваколатли органнинг тиббий эксперклари томонидан чиқарилади.

Гастритлар ва колитларда даволаш ва тегишли тиббий текширув натижалари ижобий бўлиб, клиник симптомлар бўлмагандан ишга (ўқишига) яроқлилиги тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси операцияларидан сўнг, авиаходим бутунлай соғайганда ва асоратлар билан боғлиқ хавф бартараф этилганда, кейинги ремиссия даврида асоратларсиз яра касаллиги деб топилса, эндоскопик ва бошқа тиббий текширувларнинг ижобий натижалари асосида яроқлилиги тўғрисида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Ўн икки бармоқли ичакда биринчи марта чандиқли деформация аникланганда, клиник белгилар бўлмаса авиаходимлар касбий вазифаларини бажаришдан четлатилмайди.

Ошқозон-ичак касаллукларида, авиаходимларнинг иш жадвали ва овқатланиш тартибининг номунгашамлиги, касалликни оғирлаштирувчи бошқа ташқи омиллар ва тўйсатдан иш қобилиятини йўқолишига олиб келувчи ҳоллар мавжудлиги ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали гастрит ва гастродуоденитда рецидивлар бўлмагандан, умумий аҳволи қониқарли бўлиб иш қобилияти сақланганда, меъда секрециясида аниқ ифодаланган салбий ўзгаришлар бўлмаса номзодларга ишга (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

## **21-модда.**

Панкреатит ва гепатитларнинг орган фаолиятини яқзол ёки мўътадил ифодаланган бузилиши билан кечувчи фаол босқичида, жигар циррозида, тез-тез хуруж қилувчи (йилда 2

маргадан ортиқ) сурункали холециститда, ўт пуфаги фаолияти сақланганлиги билан күп сонли тошлар аникланганда, номзодларга 21.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Фаол бўлмаган, орган фаолиятининг кам ифодаланган бузилиши билан кечувчи сурункали гепатит ва панкреатитларда, даволаниш натижалари ижобий бўлган, кам хуружлари бўлган сурункали холецистларда, ўт пуфагининг холестерозида, яхши сифатли функционал билирубинемияларда, оғриқсиз кечувчи ўт чиқариш йўлларининг дискинезиясида номзодларга 21.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Асоратлари бўлмаган лапароскопик холецистэктомия ва литотрипсиядан сўнг 2-3 ойдан кейин шикоятлар йўқлигида, клиник белгилар бўлмагандан ва иш қобилияти сақланганлигига авиаходимлар ишга яроқли деб топиладилар.

Сурункали, касаллик алматларсиз, фаол бўлмаган гепатитнинг В ва С туридаги вирус ташувчиликда, авиаходимлар касбий вазифаларини бажаришга яроқли деб ҳисобланади.

Гепатитни В ва С турини ўтказган авиаходимлар турғун ремиссиядан сўнг 6 ойдан кейин ишга яроқли деб топиладилар.

Ўт пуфагида симптомсиз кечувчи, йирик, бир дона тош аникланганда авиаходимларга якка тартибда ODL чеклови қўлланиб 21.2. модда бўйича ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, режа бўйича жарроҳлик усули қўлланиб даволаниш тавсия этилади, хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади.

## **22 - модда.**

Буйрак ва сийдик йўли касалликларининг орган фаолиятини бузилиши

билан кечувчи фаол даврида ва уларнинг асоратларида, жарроҳлик операцияларидан кейинги асоратлар (сийдик йўлларининг торайиши, сикилиши ва ҳоказо) ва оғриқ синдроми мавжудлигига номзодларга 22.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Буйрак, сийдик йўллари ва сийдик пуфагида инфекция сабабли яллиғланиш касалликларини ўтказгандан кейин, 14 кундан кам бўлмаган индивидуал антибактериал терапия ўтказилгач (аёллардаги оддий цистит терапияси бундан мустасно), актив даволаниш бошлангандан кейин гемодинамик тўлиқ турғунликда, сийдик, қон ва тегишли лаборатория тахлиллари натижалари меъёрда бўлиб, нефролог (уролог) маслаҳати хулосаси ва прогнози ижобий бўлганда, клиник симптомлар, инфекция, қайта яллиғланиш рецидиви ва бошқа хавфли омиллар бартараф этилганда, яроқлилик тўғрисидаги тиббий хулоса жараённинг кечиши ва буйраклар фаолияти сақланганлиги, иккиламчи гипертензион синдром ва бошқа факторларнинг ифодаланиш даражасига кўра якка тартибда ваколатли органнинг тиббий эксперtlари билан биргаликда чиқарилади ёки ТУК тиббий хулоса чиқариш ваколатини тиббий эксперtlарга беради.

Пиелонефрит ва гломерулонефрит ўтказган авиаходимларга 2 йил давомида авиация шифокорининг диспансер кузатуви белгиланади, ҳар 3 ойда қон, сийдик, креатинин тахлиллари ва заруриятга қараб бошқа текширувлар ўтказилади.

Бир вактда бактериурия билан пиурия аникланганда туберкулезга, конкретментларга ва хавфли ўсмаларга текширувлар ўтказилади.

## **23 - модда.**

Моддага бўғимларнинг ялиғланиш, аллергик, модда алмашинувини бузилиши ва бошқа этиологиялар билан боғлик касалликлари, биритириувчи тўқиманинг тизимли шикастланишлари (кизил тери сили (волчанка), склеродермия, дерматомиозит, тугунчали периартериит, ревматоид артрит Бехтерев касаллиги ва ҳоказо) касалликлари киради.

Касалликларнинг фаол даврида, бўғимлар ва органлар фаолияти бузилиши билан кечишида, оғриқ ва бошқа симптомлар мавжудлигига, сурункали касалликларнинг бир йилда 2 мартадан кўп бўлган хуружида 23.1. модда бўйича номзодларга ишга (ўқишга) яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади. Касалликнинг оғирлашуви, ривожланиш даражаси, мушак-сүяклар ва ҳаракат-таянч тизими фаолиятининг сақланганлиги, бўғимларда ҳаракатчанликни чегаралангандиги, узоқ даволанишнинг салбий оқибатларини, хуружлар ва тўсатдан иш қобилиятини йўқолишига олиб келувчи сабабларни ҳисобга олиб номзодларга тиббий хулоса чиқарилади. Тўлик даволаш курси ва реабилитацион муродларга ўтказилгандан кейин соғайганда, органлар функциялари сақланганлигига, тургун ремиссияда номзодларга ишга яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади, ўқишга номзодларга тиббий хулоса якка тартибда чиқарилади. Авиаходимларга авиация шифокорининг диспансер кузатуви белгиланади.

### 3. Жарроҳлик касалликлари

#### 24-модда.

Номзодларда тегишли гувоҳнома билан белгиланадиган касбий мажбуриятларини бажаришга тўқсинглик қилмайдиган сүяк-мушак тизимининг туғма ва орттирилган бузилишлари мавжуд эмаслигига, уларга 24.2. модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Бўғимлар ҳаракатчанлиги 23-иловага мувофиқ аниқланади. Номзодларда тананинг пропорционал ривожланганлиги етарли ҳисобланади.

Номзод, гувоҳнома билан белгиланадиган касбий мажбуриятларини хавфсиз бажариш учун етарли бўй узунлигига, кўл ва оёқлар узунлигига эга бўлиши лозим.

Инфанилизмда эндокринолог маслаҳати хулосасига кўра яроқлилик аниқланади.

#### 25 - модда.

Моддага бош суюги ва ҳаракат-таянч аппаратининг специфик ва носпецифик этиологияли касалликлари: сүяк ва бўғимлар сили, остеомиелитлар, дегенератив-дистрофик жараёнлар (деформациялашган артрозлар, остеохондропатиялар, асептик некрозлар ва бошқалар), товон шпоралари, калькулёзли бурсит, Дюпюитрен контрактураси, эозинофил гранулёма, ксантома, гемангиома, фиброз дисплазияси, юз суюкларнинг сурункали касалликлари, спондилитлар, умуртқа поғонасининг қийшайишлари (кифозлар, сколиозлар), барча босқичдаги деформацияловчи спондилёз, Шморл чурралари, спондилоартритлар ва бошқалар тегишли.

Бош жароҳатларида, бош суюги ва бош миядаги жарроҳлик операцияларининг асоратларида тиббий хулоса невролог томонидан чиқарилади.

Номзодлардаги жисмоний ривожланиш нуқсонлари, сүяк, мушак, бўғим, пай ва тоғайларнинг сурункали касалликлари, жароҳат ва жарроҳлик операциялари асоратлари, куйиш ва музлаш оқибатидаги чандиклар, уларнинг кучайиб бориши, ҳаракатлар ҳажми, мушак кучи, оёқ ва қўллар фаолиятининг чегараланиш даражалари, учувчи ўзлаштирган ҲК тuri ва функционал бузилишлар даражасига кўра баҳоланади. Кийим ва оёқ кийим кийишни қийинлаштирувчи ёки унга тўқсинглик қилувчи, оғриқ синдроми мавжуд бўлган, кучайиб (зўрайиб) борувчи, функционал

бузилишларнинг аҳамиятга эга бўлган даражасида, номзодларга 25.1 модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Номзодларда касалликнинг специфик (туберкулёз) этиологияси аниқланганда, фаолиятининг бузилиш даражасидан қатъий назар секвестрал бўшликларда битмайдиган ва даврий равиша очилиб турадиган оқма яралар мавжудлигига, остеомиелит негизида оқма яраларда, сон суяги бошчаси остеохондропатиясида, йирик бўғимларнинг яққол деформацияланувчи остеоартроз касалликларида фаолиятининг яққол ва мўйтадил ифодаланган бузилишида 25.1 модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Даволашнинг ижобий натижаларида (оқма яранинг ёпилиши, рентгенологик текширувда секвестрларнинг йўқлигига) ва 6 ой кам бўлмаган ремиссияда учиш ишига яроқлилик аниқланади.

Остеомиелитда барча номзодлар терапевтик ёки жарроҳлик услублари билан даволанадилар. Ремиссияда, хуружлар бўлмаса, секвестрал бўшликлар ва секвестрлар аниқланмаса, касалликнинг характеристики, локализацияси, фаолиятининг бузилиш даражалари, номзоднинг касбий маҳорати ва иш тажрибасини ҳисобга олиб 25.2 модда бўйича ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Остеохондроз, спондилоартроз каби умуртқа сукларидаги оғриқсиз, функцияси аҳамиятсиз чекланган дегенератив-дистрофик жараёнларда 25.2. модда бўйича номзодларга яроқлилик тўғрисида хулоса чиқарилади. Илдизчали синдромда тиббий хулоса невролог томонидан чиқарилади.

Бўғимлар чиқиши билан умуртқа поғоналарини таналарини синишида жараён фазаси ва функционал холатидан қатъий назар умуртқа туберкулезида 25.1 модда бўйича номзодларга ўқишга ва ишга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Умуртқа поғоналари таналарини компрессион синишида 6 ойдан кейин, териости вертебропластикасида 2 ойдан кейин, жарроҳлик усули билан даволаниш натижалари ижобий бўлганда ва функциялар тўлиқ тикланганда 25.2 модда бўйича яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Умуртқанинг ўткир ва кўндаланг ўсимталарини синишида, функциялар тўлиқ тикланганда ва оғриқ синдроми бўлмагандага ўқишга ва ишга рухсат берилади.

Умуртқалар шаклининг ўзгаришида, шакл ўзгаришини (эгрилик, қийшайиш) кўриниш даражалари ва этиологиясини, умуртқалар фаолиятини сақланганлигини, учувчининг касбий фаолиятини бажара олиш қобилиятини ҳисобга олиб ўқишга ва ишга яроқлилиги аниқланади.

Ламинэктомиядан кейин, функциялар тикланганда ва оғриқ синдроми бўлмагандага, меҳнатга лаёқатсизлик ва рақаси ёпилганидан кейин 25.2. модда бўйича номзодларга ўқишга ишга яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Умуртқа рентгенограммасида умуртқалар вентрал қирғонинг ўткирлашиши, қалинлашиши, якка ҳолдаги бигизсимон ўсимталар ва бошқа кўринишидаги морфологик ўзгаришлар аниқланганда, клиник белгилар бўлмаса модда қўлланилмайди.

Номзодларда остеохондроз аниқланганда уларга хирург ва невролог диспансер кузатуви белгиланади ва даволаш профилактика тадбирлари ўтказилади.

Дюпюитрен контрактурасининг I даражасида 25.2. модда бўйича номзодларга ўқишга ва ишга яроқлилик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади ва уларга хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади, ҳамда консерватив даволаш усуллари қўлланилади. Касалликнинг II даражасида уларга даволашнинг жарроҳлик усуллари тавсия қилинади ва натижаси ижобий бўлиб,

функцияларнинг сақланганлигига учиш ишига яроқлилик түғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Оғриксиз, томирлар ва органлар фаолиятларида бузилишлари бўлмаган, сколиознинг ўспиринликка оид I даражасида жисмоний ривожланиш меъёрда бўлганда,  
V бел умурткаси сакрализациясида, I думғаза умурткаси люмбализациясида, кўрсатилган умурткалар ёйларининг ўсмай қолишида, номзодлар ўқишга ва ишга яроқли деб топилади.

Шморл чурраларида оғриқ синдромининг мавжудлигига, 25.1 модда бўйича невролог томонидан номзодларга ўқишга ва ишга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Тос суюкларининг бирлашган (консолидацияланган) синишида, жароҳатдан 6 ойдан сўнг, тўлиқ соғайгандан кейин, оғриқ синдроми ва органлар функцияларини бузилишлари бўлмаганда 25.2. модда бўйича ўқишга ва ишга яроқлилик аниқланади.

Тос чаноғи соҳасида алоҳида суюкларнинг чегараланган синиб ўсишида, чаноқ айланасининг шаклида деформация бўлмаганда модда қўлланилмайди. Умуртқа погонаси ва тос суюклари касалликлари ва жароҳатларида яроқлилик хирург томонидан невролог билан биргаликда аниқланади.

Инфекцион-аллергик генезли спондиоартритларда (Бехтерев, Рейтер касалликлари ва бошқалар) яроқлилик терапевт томонидан аниқланади.

Суюклар, тоғайлар, мушаклар, пай ва бўғимларда жарроҳлик операцияларидан кейин ўқишга ва ишга яроқлилик органлар функциялари тиклангандан сўнг аниқланади. Жарроҳлик операциялари ёки жароҳатлар оқибатидаги қўл ёки оёқнинг 2 см.дан кўп калта бўлишида яроқли ҳисобланадилар. Жарроҳлик операциялари ёки жароҳатлар оқибатидаги ифодаланган дефектларда органларнинг функционал ҳолати тренажер текшируви ўтказилиб, тренажер инструкторининг хулоасига асосан баҳоланади.

Жарроҳлик операцияларига кўрсатмалар бўлганда, номзод мазкур даволанишдан бош тортса, у ҳолда 25.1 модда бўйича унга ўқишга ёки учиш ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Остеосинтезда турли фиксацияловчи мосламалар ўрнатиш ва протез (ясама аъзо) қилиш билан боғлиқ жарроҳлик усуслари қўлланилганда, операциядан кейинги ҳолатни ижобийлигига, функциялар сақланганлигига, рентген ва бошқа текширувлар натижаси ижобийлигига травматолога-ортопеднинг хулоаси ва прогнозини ҳисобга олиб, 25.2. модда бўйича номзодларга якка тартибда ўқишга ва ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Бўғимлар касалликларида ва бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликларида, ремиссиянинг турғунлигига, органлар функцияларини сақланганлигига, бўғимлар ва органларнинг функционал ҳолатини ҳисобга олиб ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Турли сабабли қўл ва оёқ нуқсонлари мавжудлигига, улар фаолиятини сақланганлик даражаси ва касбий мажбуриятларини бажара олиш қобилиятига кўра яроқлилик аниқланади. Мунозарали ҳолларда тренажёр текшируви ўтказилади  
ва тренажёр инструкторининг текширув натижалари тўғрисидаги хулоаси асосида тиббий хулоса чиқарилади.

Оёқ панжаси йўқлигига ва функциясини бузилиши билан кечувчи, юришни ва оёқ кийим кийишни қийинлаштирувчи (тўскинлик қилувчи) оёқ панжасининг тугма ёки орттирилган деформацияларида 25.1. модда бўйича яроқсизлик тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

## **26-модда.**

Хавфли ўсмалар аниқланганда, номзодларга 26.1. модда бўйича ўқишига ва учиш ишига яроқизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Номзодлар ихтисослаштирилган тиббий муассасада даволангандан (жарроҳлик усули, химиотерапия, нурли терапия ёки уларнинг комбинацияси) кейин, рецидивни турғунлигида, бош мияда метастаз мавжуд эмаслигига, организмда ўсманни ривожланиш жараёнини умумлашуви (қамраб олиши) бўлмаганда, организмни тўлиқ ва турғун функционал ҳолатида (ахамиятга эга бўлмаган ўзгаришлар борлигида) 6 ойдан кейин тиббий хулоса бериш аниқланади. Хавфли ўсмалар сабабли даволанган номзодларга якка тартибда заруриятга кўра чекловлар қўлланиб 26.2 модда бўйича тиббий хулоса чиқарилади ва уларга хирург ва онколог диспансер кузатуви белгиланади.

Хавфли ўсмаларда, даволашни касалликнинг илк босқичида ўтказилганлигини, кент қамровли патоморфологик хулоса (ўсма ўсишини анатомик типи ва унинг морфологик характеристикаси, регионар лимфотугунлар ҳолати), даволашдан кейинги клиник ҳолати динамикасини (тана вазни, лаборатор ва бошқа текширувлар) ижобийлигини, даволаш асосатлари ва рецидивнинг мавжуд эмаслигини, ўсманинг ривожланишини, гематологик кўрсаткичларнинг меъёрийлигини, органлар функцияларини бузилиш даражаларини, меҳнатга лаёқатлилик қобилиятини тикланиш муддатларини, касбий мажбуриятларини бажара олиш қобилияти ва тўсатдан иш қобилиятини йўқолиш хавфи каби омилларни хисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Рак *in situ* патоморфологик хулосасида, ўсманинг жойлашувидан (локализациясидан) қатъий назар, ўтказилган даволаш турини (операцияни) характеристидан келиб чиқиб, онколог хулосаси ва прогнози асосида чекловлар қўлланилиб 26.2 модда бўйича ўқишига ва ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Ёмон сифатли эутиреоид тугунли буқоқда ва тугунли мастопатияда онколог маслаҳатига кўра комиссия оралиги даврида жарроҳлик усули билан даволаниш лозим.

Хавфсиз ўсмаларда, ўсма тўлиқ бартараф этилганда, ўсманинг хавфсизлиги лаборатор текширувлар билан тасдиқланганда, органлар функциялари сақланганлигида, жисмоний ва руҳий соғлик ҳолати меъёрдалигига 26.2 модда бўйича ўқишига ва ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

## **27- модда.**

Моддага нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари, сийдик-таносил тизими, тери (қовоқ ва ташқи эшитув йўлаги териси бундан мустасно), сут бези, мушак, суяқ, бирлаштирувчи тўқима, тоғай (қулок, бурун ва ташқи эшитув йўлаги суяқ ва тоғайлари бундан мустасно) ва томирларнинг хавфсиз ўсмалари тегишли.

Хавфсиз ўсмалар жарроҳлик йўли билан олиб ташлангандан кейин, операциянинг қўлами ва натижасини хисобга олиб, ишга (ўқишига) рухсат бериш муддати хирургнинг шахсий қўруви асосида аниқланади.

Махсус либослар ва анжомлар ҳамда оёқ кийим кийишга монелик қилмайдиган, кичик ҳажмдаги, ўсишига мойил бўлмаган хавфсиз ўсмаларда (липоматоз, сўгалли ва пигментли невуслар, дермоидли кисталар, хондромалар ва бошқалар) модда қўлланилмайди, номзодларга хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади.

Жарроҳлик усули билан даволанган хавфсиз ўсмаларда, ишга (ўқишига) қабул қилинаётган

барча номзодлар, хиуррга ўсманинг гистологик текшируви ҳақида маълумот ва ўтказилган операциянинг характеристики тавсифланган кўчирма (тиббий маълумот) тақдим этадилар.

Липома ва бошқа териости ёғ қатлами хавфсиз ўсмалари олиб ташлангандан кейин, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгач, хиургнинг шахсий кўруви асосида ишга (ўқишга) рухсат берилади.

Буйракнинг кичик ва ўртача ҳажмдаги оддий кисталарида, ҳамда бир ёки икки томонлама жойлашган синусли кисталарида, клиник кўринишлар (огриқ, артериал босим ошиши, сийдик таҳлилида ўзгаришлар) бўлмаса, номзодлар ишга (ўқишга) ярокли ҳисобланади. Улар хиург ва заруриятга кўра уролог диспансер кузатувига олинади

ва йилда 1 марта буйраклар УЗТ ўтказилади. Катта ҳажмли буйрак кисталарида ихтисослаштирилган муассасада киста пункцияси ўтказилади ва асоратлар бўлмаганда 2-3 ҳафтадан кейин ишга (ўқишга) рухсат берилади. Пункция ўтказишга кўрсатма бўлмаганда уролог тавсиясига кўра диспансер кузатуви белгиланади.

Қалқонсимон безда 1 см.дан кичик тугунлар пайдо бўлганда, хиург-эндокринолог маслаҳати олинади, ҳар 6 ойда УЗТ ва диспансер кузатуви ўтказилади. Биринчи марта 1 см.дан катта тугунлар аниқланганда ва уларнинг 6 ойда 0,5 см.га ўсишида пункцияли биопсия ўтказилиши керак. Рак, аденона ва 3 см.дан катта тугунларда оператив жарроҳлик усули билан даволаниш лозим. Тугуни буқоқ олиб ташланганидан кейин, хиург терапевт билан бирга эндокринолог маслаҳати ва прогнози асосида ишга (ўқишга) яроқлиликни аниқлайди.

Ўсма хусусиятининг яхши сифатли эканлиги исботланганда, оператив даволаш зарурияти бўлмаганда, ўсма билан боғлиқ анатомик дефектлар ёки функционал бузилишлар мавжуд бўлмаганда, ўсишга тенденция йўқлигига, ўсманинг кийим ва оёқ кийимни кийишга тўсқинлик килмаслигига номзодларга ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Простата безининг яхши сифатли гиперплазиясида ўртача ва кучли ифодаланган симптоматик обструкция мавжудлигига авиаходимлар ишдан четлатилади. Уларга трансабдоминал ва трансректал эхография, қон зардобида простатанинг специфик антигени даражаси текшируви ва уролог тавсиясига кўра бошқа текширувлар ўтказилади. Кам ифодаланган ва енгил симптомлар борлигига, оператив даволашга кўрсатма бўлмаганда, уролог хулосасига кўра 27.2 модда бўйича ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Простатанинг трансуретрал резекциясидан кейин 6 ой ўтгач, обструктив симптомлар асоратларсиз бартараф этилганда, органлар фаолиятини бузилишлари бўлмаганда, уролог хулосаси асосида якка тартибда ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Ташқи жинсий органларнинг яхши сифатли ўсмаларини жарроҳлик усули билан олиб ташлаш ҳақида қарор, гинеколог ёки уролог маслаҳатига кўра қабул қилинади.

Симптомларсиз кечувчи бачадон миомасида авиаходимлар диспансер кузатувига олинади. Миомани ўсишида ва ёнида жойлашган органлар фаолиятини бузилишида, бачадондан қон кетишида, оғриқ синдроми борлигига ва бошқа кўрсатмалар мавжудлигига авиаходимлар оператив даволанади. Операциядан кейин яроқсизлик муддати 4 ойгача деб белгиланади, ишга (ўқишга) тикланишида операция тури, асоратларни йўқлиги, соғлигини тикланиши, органлар функциясини сақланганлиги, касбий вазифаларини бажаришда тўсатдан меҳнат қобилиятини йўқолишига олиб келувчи омиллар йўқлиги, текширувларнинг меъёрдаги натижаларини, гинеколог хулосасини ҳисобга олиб 27.2 модда бўйича тиббий хулоса чиқарилади.

Номзодлардаги кўкрак оралиғи, плевра, бронхлар ичидаги ва бронхлардан ташқаридаги ўпканинг яхши сифатли ўсмаларни оператив даволашдан кейин 6 ой ўтгач, умумий соғлиги

тикланганида, торакотомиядан кейинги күкрап қафасини деформацияси мавжуд бўлмаганда, рентгенологик ва бошқа текширувларда қўпол анатомик дефектлар бўлмаганда, ташки нафас олиш ва юрак қон томирлари функцияларида бузилишлар йўқлигига 27.2 модда бўйича ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уларга ҳар навбатдаги кўрикдан ўтишида спирография ва кўкрап қафаси органларининг ренгенографияси ўтказилади.

## **28 - модда.**

Ташки нафас олиш функциясини кучли ифодаланган бузилишлари, уйкудаги обструктив апноэ синдроми мавжудлигига, касалликлар, ривожланиш нуқсонлари ва жароҳатлар сабабли кўкрап қафасидаги органларда ўтказилган йирик жарроҳлик операцияларида, пульмонэктомияда номзодларга 28.1 модда бўйича ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Жарроҳлик усули билан даволангандан, тўлиқ даволаниб, соғлиги тиклангандан кейин, Тиффно индекси 60 % кам бўлмаган нафас олиш функциясининг етарлича тикланганинига, текширувлар натижалари ижобийлигига, хирург терапевт билан бирга учиш ишига яроқлиликни аниқлади.

Жарроҳлик усули билан даволашга эҳтиёж бўлган паталогия (нуқсонлар), ўпканинг қолдик функционал ҳажми, юрак қон-томир тизимининг функцияси, кўкрап қафасидаги органлар силжиши эҳтимоли, босимнинг учиш давомидаги тафовути сабабли оғир асоратларни келиб чиқишини ва прогнозни ҳисобга олиб, номзоднинг соғлик ҳолати таҳлил қилинади ва тиббий хулоса чиқарилади.

Кўкрап девори ва ўпка тўқимасида йирик томирлар ва юрақдан узоқда жойлашган ёт жисмлар мавжуд бўлганда, клиник белгилар бўлмаса ва ташки нафас олиш функцияси яхши кўрсаткичларга эга бўлганда, 28.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Спонтан пневмотораксда клиник соғайишдан ташқари рецидив хавфи ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади. Биринчи марта спонтан пневмотораксдан кейин клиник соғайганда, тиббий текширувлар натижасида буллез эмфизема ёки бошқа нафас олиш органлари функцияларини бузилишлари аниқланмаса, 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда чекловлар қўлланиб ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Спонтан пневмоторакснинг қайта хуружида, операциядан кейин 3 ой ўтганда, тўлиқ соғайганда, ҳар томонлама ўтказилган маҳсус текширувлар натижасига кўра 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда чекловлар қўлланиб ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилиши мумкин.

Ички органлар шикастланмаган кўкрап қафасини ичига кирган яраланишда, бутунлай соғайгандан кейин, тиббий текширувларнинг натижасига кўра ишга (ўқишга) яроқлилик аниқланади.

Ўпканинг сурункали обструктив касалликларида (ЎСОК), ремиссиянинг турғунлигига ва нафас олиш функциясини сақланганлигига, 28.2. модда бўйича номзодларга ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Нафас олиш функциясини кам ифодаланган бузилишларида ОФВ1, ЖЕЛ 70 % кам бўлмаганлигига, нафас олиш ва юрак қон-томир тизимларини текширувлар натижалари ижобийлигига, 28.2. модда бўйича номзодга якка тартибда ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва хирургнинг диспансер кузатуви белгиланиб, ҳар кўрикдан ўтишида нафас олиш ва юрак қон-томир тизимларини текширувлари ўтказилади

Саркоидознинг ўткир фазасида номзодларга 28.1 модда бўйича ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Касалликдан 6 ой ўтгач ремиссиянинг турғунлигига ва нафас

олиш функциясини сақланғанлигига, дорилар ва бошқа даволаш усууллари түлиқ тұхтатылғанда, 28.2. модда бүйіча номзодға якка тартибда ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади ва хирургнинг диспансер кузатуви белгиланиб, ҳар күрикдан ўтишида нафас олиш ва юрак қонтомир тизимларини текширувлари ўтказилади.

Кисилишга мойил бўлган ёки қизилўнгач ва ошқозонда функционал бузилишларни келтириб чиқарувчи ва рефлюкс-эзофагит асорати мавжуд бўлган диафрагмал чурраларда ишга (ўқишига) яроқсизлик тўғрисида хулоса чиқарилади. Жарроҳлик усули билан даволашнинг ижобий натижасида, 3-6 ойдан кейин, бутунлай соғайганда, тиббий текширувларнинг натижасига кўра ишга (ўқишига) яроқлилик аниқланади.

### **29-модда.**

Моддага қизилўнгач касаллуклари ва аномалиялари (эзофагит, Баррет синдроми, қизилўнгач яраси ва стенози, қон кетиши, дивертикуллар, кардиоспазм, кардия ахалазияси, қизилўнгачни чандиқли торайиши ва бошқалар) тегишли.

Дивертикулни жарроҳлик усули билан даволашни ижобий натижасида, касбига яроқлилик аниқланади. Қизилўнгач (эзофагоскопия ва бошқалар), ташқи нафас олиш органлари ва юрак қонтомир системалари функцияларини чукурлаштирилган тиббий текширувлари натижасида органлар функцияларини бузилишлари ва дивертикул рецидиви мавжуд бўлмагандан, 29.2. модда бүйіча номзодға ишга (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Оператив даволанишни талаб қилмайдиган қизилўнгач дивертикулларида 29.2. модда бүйіча номзодларга ишга (ўқишига) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Қизилўнгач веналарини варикоз кенгайишида, этиологияси ва клиник кўринишларидан қатъий назар, барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, улар қайта ўқишига, касбига тикланмайдилар.

Қизилўнгачнинг чандиқли стенози сабабли ўтказилган қизилўнгач пластикасида ва функционал касаллуклар туфайли ўтказилган пластикали эзофагокардиомиотомия каби жарроҳлик операцияларидан кейин, ҳар томонлама ўтказилган текширувлар натижаларини, касбий фаолиятини хавфсиз бажара олиши ва бошқаларни ҳисобга олиб, жарроҳ маслаҳати ва прогнози асосида якка тартибда ишга (ўқишига) яроқлилиги аниқланади.

Рефлюкс-эзофагит мавжуд бўлмаган, диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурраси билан боғлиқ бўлмаган қизилўнгач-ошқозон йўлагини етишмовчилигига номзодлар ишга (ўқишига) яроқли ҳисобланадилар.

### **30 - модда.**

Қорин бўшлиғидаги жарроҳлик операцияларидан кейин, номзодлар, ташхис, операция ўтказилган сана ва унинг түлиқ баённомаси, операциядан кейинги даврнинг кечиши, операцион препаратнинг патоморфологик текшируви ва шунга оид бошқа маълумотлар кўрсатылган касаллик тарихидан кўчирмани хирургга тақдим этадилар.

Жарроҳлик операцияларининг ижобий натижасида, түлиқ соғайиб, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгандан кейин, касбий мажбуриятларини бажаришда хавф омилларини мавжуд эмаслигига, органлар функциялари сақланғанлигига, гастроэнтрологик текширувлар натижалари ижобийлигига, тегишли мутахассислар маслаҳати ва прогнози асосида ишга (ўқишига) яроқлилик аниқланади. Жарроҳлик операцияларининг асоратлари мавжуд бўлганда (пневмония, тромбофлебит каби), спленектомияда, қорин бўшлиғидаги кўплаб органларининг шикастланиши сабабли ўтказилган лапаротомияда номзодларнинг ишга (ўқишига) яроқсизлик муддати якка

тартибда аниқланади.

Симптомларсиз битта йирик конкретмент мавжуд бўлган холецистолитиазда, комиссия оралиги даврида режага мувофиқ жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади.

Ошқозон ва 12-бармоқли ичакнинг яра касаллиги ва асоратлари (рецидив, қон кетиши, перфорация, пенетрация каби) даволангандан кейин, эндоскопик текширув ўтказиб ярани битгани тасдиқланади ва дори-дармонлар қабул қилишга талаб бўлмагандан 8 ҳафтадан кейин ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уларга ҳар 6 ойда ЭФГДС, қон таҳлили (гемоглобинга) ва гастроэнтеролог маслаҳати белгиланади.

Тизимли касаллик туфайли ўтказилган холецистэктомия ва спленэктомиядан кейин тиббий хулоса терапевт билан биргаликда хирург томонидан чиқарилади. Тиббий хулоса чиқаришда, касаллик билан боғлиқ асоратлар хавфини мавжудлиги ва тегишли пархезга риоя қилишида симптомларнинг йўқлиги, операциядан кейинги даврнинг кечиши, дори-дармонлар билан даволашга талаб йўқлиги, эндоскопиянинг ижобий натижалари, касбига доир мажбуриятларини бажаришда парвозлар хавфсизлигига доир хавфнинг йўқлиги ва бошқалар ҳисобга олиб, амал қилиш муддатига чекловлар қўйилиб тиббий хулоса чиқарилади. Яроқли деб топилган авиаходимларга, 3 йил давомида, хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади.

Чов, сон, диафрагма, киндик, қорин оқ қизиги чурраларида, оғриқ синдроми ва қисилиш хавфи борлигига жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади. Жарроҳлик операциясининг ижобий натижасида, меҳнатга лаёқатсизлик варакаси ёпишгандан кейин, ишга (ўқишга) яроқлилик аниқланади. Агар чурранинг қисилиш хавфи бўлмаса ва оғриқ синдроми йўқлигига, комиссия оралиги даврида режага мувофиқ жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади. Бу ҳолда 30.2. модда бўйича номзодга ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Жарроҳлик йўли билан даволанишдан бош тортган номзодларга 30.1. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Катта бўлмаган физиологик ҳалқа чегарасидаги киндик чуррасида, қорин пардасининг олди липомасида, жисмоний зўриқиши ва кучаниш вақтида чурра чиқиши кузатилмайдиган чов ҳалқасининг кенгайишида номзодлар яроқли ҳисбланади ва модда қўлланилмайди.

Сурункали колитларда, ремиссияни турғунлигига, домий дори дармон воситаларини қабул қилишга заруриятни йўқлигига, асоратлар бўлмагандан, соғлиқ ҳолатини барқарор ижобийлигига, номзодларга ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Крон касаллигига ва ярали колитларда номзодларга 30.1. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Кучли ифодаланган клиник кўринишлар билан кечувчи қорин парда битишмаларида номзодларга 30.1. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Клиник кўринишлари бўлмаган долихосигмада ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилмайди.

Аёлларнинг кичик чаноқ органларида ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, гинеколог маслаҳати асосида хирург томонидан тиббий хулоса чиқарилади.

Радикал жарроҳлик операцияларидан кейин номзодларга 2-3 ойгача 30.1. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Асоратлари бўлмаган гистерэктомиядан кейин эса 3 ойдан сўнг, жисмоний ва руҳий ҳолати меъёрдалигига, органлар функциялари сақланганлигига номзодларнинг ишга (ўқишга) яроқлилиги аниқланади.

Эндоскопик, шу жумладан лапароскопик жаррохлик операциялардан сўнг 1,5-2 ойдан кейин учиш ишига (ўқишига) яроқлилиги аниқланади.

Номзоднинг соғлиги тўлиқ тикланганда, касбий вазифаларини хавфсиз бажаришига монелик қилувчи касаллик асоратлари йўқлигига, мутахассис маслаҳатини ижобий прогнозини ҳисобга олиниб, ваколатли органнинг тиббий эксперталари якка тартибда яроқсизлик муддатларини қисқартиришлари мумкин.

### **31 - модда.**

Моддага тўғри ичак ва парапектал биритиравчи тўқималарининг касаллклари киради. Тез-тез хуружлар билан кечувчи, кучли ифодаланган клиник қўринишлари мавжуд бўлган тўғри ичак ва парапектал биритиравчи тўқималарининг касаллкларида, анусли торайиши ва органлар функцияларини бузилишларида, оқма яраларда ва бошқа патологик ҳолатлар аниқланганда терапевтик ёки жаррохлик усули билан даволаниш тавсия қилинади. Тавсия этилган усувлар билан билан даволанишдан бош тортган номзодларга 31.1. модда бўйича учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Даволашларнинг натижаси ижобийлигига, шикоятлар, ва симптомлар бўлмагандан, турғун ремиссияда, жаррохлик яраси асоратлариз тўлиқ битганда, тиббий текширувлар натижаси меъёрдалигига, ич келиши меъёрда бўлиб, функциялари тикланганда 31.2. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишига - якка тартибда) яроқлилиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уларга 2 йил давомида, ҳар 6 ойда хирургнинг диспансер кузатуви белгиланади ва заруриятга кўра проктолог маслаҳати ўтказилади.

Касалликни зўрайиши ва функциялар бузилишлари бўлмаган, тўғри ичак тушишини бошланғич шаклида, номзодларнинг учиш ишига яроқлилиги якка тартибда аниқланади.

Чотнинг кондиломатозида дерматовенеролог маслаҳатига асосланиб номзодларнинг учиш ишига яроқлилиги аниқланади.

### **32 - модда.**

Моддага магистрал ва периферик томирлар касаллклари киради.

Аорта аневризми ташхисини аниқлашда, авиаходимларга трансторакал эхокардиография, МРТ ёки магнит-резонанс ангиография (бундан буён матнда МРА деб юритилади) текширувлари, заруриятга кўра аортография ўтказилади. Аорта ички диаметри  $> 4,0$  см. лекин  $< 5,0$  см. бўлганда номзодларга ТМЛ чеклови қўлланиб 6 ойга тиббий хулоса берилиши мумкин, диаметр  $> 5,0$  см. бўлганда 32.1. модда бўйича ишига (ўқишига) яроқсизлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Жаррохлик операцияларидан кейин, прогнозни ҳисобга олиб, оператив даволашнинг ижобий натижасида, хавф даражаси энг кам бўлган ва коронар arterия касаллклари истисно қилинган шахсларга ишига яроқлилиги тўғрисида чекловлар қўлланиб тиббий хулоса чиқарилиши мумкин. Яроқли деб топилган шахсларга доимий муддатга хирургнинг диспансер кузатуви ҳар 3 ойда белгиланади. Тегишли мутахассис маслаҳати ва бошқа текширувлар заруриятга кўра ўтказилади.

Периферик томирлар касаллклари аниқланганда, бош мия ва юрак қон-томир тизимларини тиббий текширувлари ўтказилади. Коронар томирлар билан боғлиқ патологияларни аниқлашда фармакологик юклама ва таллий билан ўтказиладиган миокард перфузиясини визуализацияси тести ўтказилиши мумкин.

Эндартерит ва атеросклероз облитерацияларида, касаллик босқичини, симптомлар мавжудлигини, текширувлар натижасини ҳисобга олиб номзодларнинг яроқлилиги аниқланади.

Артерияларнинг облитерацияловчи касалликларида трофик бузилишлар ва оғриқ синдроми мавжудлигига 32.1. модда бўйича номзодларга ишга (ўқишга) яроқсизлиги хақида тиббий хулоса чиқарилади.

Чуқур веналар тромбозида антикоагулянт (варфарин, ксарелто, прадакса) билан даволаниш 3-6 ойгача давом этиши мумкинлигини ҳисобга олиб, мазкур дориларни қабул қилиш бутунлай тўхтатилгандан кейин 1 ҳафта ўтгач, ишга яроқлилиги аниқланади.

Оёқ ва қўлларнинг магистрал артерия ва артерио-венозли аневризмаларида ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, натижаси ижобийлигига, қўл-оёкларда қон айланишининг бузилишлари бўлмагандан ва қон айланишини компенсациялангани функционал текширувлар билан тасдиқланганда, 32.2. модда бўйича номзодларга чекловлар қўлланиб ишга яроқлилик хақида тиббий хулоса чиқарилади. Қон айланиши бузилишининг клиник белгилари бўлмагандан, лекин функционал текширувлар натижасида қон айланиши меъёрда бўлмаса, номзодга даволаниш тавсия этилади, даволангандан кейин ангиохирургнинг хулосаси ва прогнозини ҳисобга олиб ишга яроқлилик аниқланади, заруриятга кўра қўшимча текширувлар ўтказилади.

Функциясини вақтинча бузилиши билан кечувчи магистрал ва периферик томирларда ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, реабилитация ва иш қобилиятини тиклаш учун бир ойдан кўп муддат талаб қилинганда, 32.1. модда бўйича номзодларга учиш ишига (ўқишга) яроқсизлиги хақида тиббий хулоса чиқарилади.

Веналарнинг варикоз кенгайишида қон айланишининг декомпенсацияси ва трофик бузилишлар мавжудлигига, тугунлар устидаги тери юпқаланиб, томирнинг ёрилиш хавфи борлигига 32.1. модда бўйича номзодларга ишга (ўқишга) яроқсизлиги хақида тиббий хулоса чиқарилади. Оёқлардаги томирларнинг варикоз кенгайишини жарроҳлик йўли билан даволанишнинг асоратларсиз ижобий натижасида, 3 ҳафтадан кейин ангиохирургнинг хулосаси ва прогнозини, ҳисобга олиб ишга (ўқишга) яроқлилиги аниқланади, заруриятга кўра қўшимча текширувлар ўтказилади.

ФА ўқув юртларида ўқишга номзодларга веналарнинг варикоз кенгайишини компенсацияланган даражаларида 32.2. модда бўйича яроқлилик хақида тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали веналар етишмовчилиги бўлмаган териости ёки чуқур веналарнинг ўткир тромбофлебитида, Мондор касаллигига номзодлар вақтинча учиш ишига (ўқишга) яроқсиз деб ҳисобланади. Касалликнинг ўткир белгилари бўлмагандан, вена йўли бўйича инфильтратни сўрилиб кетишида, қоннинг умумий таҳлили ва коагулограмма кўрсаткичлари меъёрда бўлса, ангиохирург хулосаси асосида хирург томонидан учиш ишига рухсат берилади ва диспансер кузатуви белгиланади.

Лимфа тугунларининг шикастланишида авиаходимлар тегишли мутахассислар текширувидан ўтишлари шарт.

Лимфа тугунлари туберкулезида, тўлиқ клиник тузалиб, туберкулезга қарши диспансер назоратидан чиқарилгандан кейин ёки III группага ўтказилганда, авиаходимларнинг касбий ишига қайта тикланиш масаласи фтизиатр билан биргаликда кўриб чиқилади.

Варикоцеле бўйича жарроҳлик операциясида, меҳнаттага лаёқатсизлик варакаси ёпилгандан сўнг, хирург кўруви асосида ишга (ўқишга) рухсат этилади.

Оёқ-қўл томирларининг тромбангиити ва аортартериитида, атеросклероз облитерациясининг III-IV босқичларида, сурункали веноз етишмовчилиги билан кечувчи

постстромботик ва варикоз касаллигига, фил оёқлиликнинг II-IV даражаларида, ангиотрофоневрозлар II-III боскичларида, уруғ тизимчasi вена қон томирларининг варикоз кенгайишининг III даражасида 32.1. модда бўйича барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Оғриқ синдроми ва функция бузилишлари билан кечувчи уруғ тизимчasi веналари варикозида номзодларга жарроҳлик усули билан даволаниш тавсия этилади ва даволанишнинг I натижалари ижобийлигига яроқлилик аниқланади. Уруғ тизимчasi веналари варикозининг I даражасида (веналар конгломерати кам ифодалангандигига ва қорин мускуллари тарапнглигига унинг ортиқча кучайиши бўлмаганда) 32.2. модда бўйича номзодларга ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уруғ тизимчasi веналари варикозининг II-III даражаларида 32.1. модда бўйича ўқишга номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

### **33 - модда.**

Номзодларда, тегишли гувоҳномада белгиланган касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришга монелик қилмайдиган сийдик-таносил системаси касалликлари ва аномалияларининг органик ва функционал бузилишлари, шикастланишлари мавжуд бўлмаганда, уларга 33.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Функционал бузилишлари бўлмаган нефроптознинг I ва II даражаларида номзодлар ишга яроқли деб ҳисобланади, ҲҲБ диспетчерликка ўқишга номзодларга 33.1. модда бўйича ўқишга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Бирламчи гидронефрозда барча номзодлар яроқсиз ҳисобланади. Жарроҳлик усули билан муваффақиятли даволанган авиаходимлар, гидронефrotik трансформация тўлиқ бартараф этилганда ва буйраклар функциясини яхши сақланганлигига ишга яроқли деб топилади. Иккиласми гидронефрозда, гидронефrotik трансформация сабаблари бартараф этилганда ва уларнинг қайта ривожланиши кузатилмаганда, буйраклар функциясини ўртача ва оғир бузилишлари бўлмаганда, авиаходимларга чекловлар қўлланиб 33.2. модда бўйича ишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Туғма бир буйракни йўқлигига ёки нефрэктомиядан кейин буйрак функциясини сақланганлик даражасини ҳисобга олиб номзодларга якка тартибда тиббий хулоса чиқарилади.

Моякни олиб ташлаш бўйича жарроҳлик операциясини (коринда ушланиб қолиши, моякни пастга тушиши, эктопия) ўтказганлар ва қалпоқча шаклидаги гипоспадия билан номзодлар ишга (ўқишга) яроқли деб ҳисобланади. Мояк ва уруғ найчаси истисқоси, уруғ тизимчasi венасини кенгайтириш, крипторхизмда моякни тушириш билан боғлиқ жарроҳлик операцияларидан кейин, операция тури ва қўлланилган замонавий технологияларни ҳисобга олиб, даволаш натижалари ижобийлигига камида 3 хафтадан кейин ишга (ўқишга) рухсат берилади.

Простата безининг яхши сифатли гиперплазиясида, жарроҳлик усули билан даволанишга кўрсатмалар йўқлигига, функционал бузилишлар бўлмаганда 33.2. модда бўйича номзодларга ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Простата безининг яхши сифатли гиперплазиясининг симптоматик обструкцияси номзодлар вактинча яроқсиз деб топилади. Простата безининг трансуретрал резекцияси ёки альфа адренергиклар антагонистлари (теразозин, празозин, доксазозин ва тамсулозин), 5-альфа-редуктаза блокаторлари билан даволанувчилик 3-6 ойгача яроқсиз деб топилади. Жарроҳлик усули ёки кўрсатилган дорилар билан даволаш тўлиқ тугагандан кейин, буйраклар ва сийдик йўллари функцияларининг бузилишлари мавжуд эмаслиги лаборатор ва бошқа текширувлар билан тасдиқланганда, пешоб текшируви натижаси меъёрдалигига, якка тартибда номзодларнинг ишга яроқлилиги аниқланади. Уларга хирургнинг

диспансер кузатуви ҳар б ойда доимий муддатга белгиланади.

Урологик касалликлар ва улар сабабли ўтказилган жарроҳлик операцияларидан кейин, тегишилиси бўйича индивидуал ишлаб чиқилган антибактериал терапияга идиосинкратик реакцияни мавжуд эмаслигида, актив даволаниш бошлангандан кейин тўлиқ гемодинамик турғунлиқда, 14 кундан кам бўлмаган индивидуал антибактериал даволангандага (аёллардаги оддий цистит бундан мустасно), такрорий бактериологик экмаларда ҳеч қандай микроорганизмларнинг мавжуд эмаслигида, инфекция асоратлари бўлмагандага, урологик текширувлар билан ҳар қандай анатомик ёки бошқа aberрацияларнинг тўлиқ аниқланганлигида, органлар функцияларини сақланганлигида, уролог маслаҳати ва прогнози асосида яроқлилик аниқланади.

Рецидив эҳтимоли юқори бўлган, симптоматикиси тез ривожланадиган, сийдик йўллари инфекцияси мавжуд бўлган урологик касалликларда номзодлар ишдан (ўқишдан) четлатилади, тўлиқ даволаниб, натижалар ижобий бўлганда, ишга (ўқишга) рухсат берилади.

Асоратларсиз кечувчи оддий циститда аёллар 5 кунга ишдан (ўқишдан) четлатилади.

Буйраклар ва сийдик-таносил органларида сил касаллигини фаол шаклида яроқсизлик ҳақида тиббий хulosса чиқарилади, тўлиқ даволаниб, соғайгандан кейин органлар фаолияти яхши сақланганлигида яроқлилик аниқланади.

Сийдик тутолмасликда, категориясига (доимий, стресс сабабли, ургент, сийдик пулфагини тўлиб кетиши) кўра якуний ташхис аниқланади ва тўлиқ даволаниш учун авиаходимлар ишдан (ўқишдан) четлатилади. Соғайгандан кейин, касалликни келтириб чиқарувчи сабаблар бутунлай бартараф этилганда ишга (ўқишга) яроқлилик аниқланади.

Буйрак ва сийдик йўлларининг сил касаллигида, тўлиқ даволангандан кейин, ихтисослаштирилган диспансер мутахассис шифокорининг хulosаси ва прогнози асосида ишга яроқлилик аниқланади.

Ўткир гломерулонефритда ва пиелонефритларда авиаходимлар 3-6 ойга ишдан четлатиладилар. Тўлиқ соғайгандан кейин, симптоматикасини ифодаланиш даражаси кўра, ремиссияни турғунлигида, инфекция бартараф этилганда ва бошқа мезонларни ҳисобга олиб ишга яроқлилик аниқланади ва тиббий хulosса чиқарышда чекловлар кўлланилади. Мазкур номзодларга ҳар 3 ойда қондаги креатинин, пешоб ва заруриятта кўра бошқа текширувлар ўтказилади. Касалликларнинг ремиссия даврида кон босимининг 160/95 мм сим. уст. бўлишида, протеинурияни 2-3 г/л этишида, буйраклар этишмовчилигининг клиник кўринишлари мавжудлигида, қондаги креатинин миқдори 150-200 мкмоль/л.дан кўплигида номзодларга ишга яроқсизлиги ҳақида тиббий хulosса чиқарилади.

Буйракдан якка тош чиққанида, жарроҳлик йўли билан тош олинганда, конкретментларни кўчиши ёки бошқа сабабларга кўра буйрак санчиғи пайдо бўлганда, даволаниб, тўлиқ соғайгандан сўнг, номзодларга навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилади. Тиббий кўрик ва текширувлар натижаларининг меъёрдалигида, пешоб ва сутка давомида йигилган пешоб тахлиллари ва бошқа текширув натижалари меъёрда бўлганда, пешоб экмасида микроорганизмларнинг йўқлигида, конкретмент тури маълум эканлигида, оғриқ синдроми бўлмагандага, буйраклар фаолияти яхши сақланганлигида, 3 йил муддат давомида OML чеклови кўлланилиб тиббий хulosса чиқарилади. Буйракдаги тош касаллигини рецидивида, чекловлар кўлланиб, номзодларга ҳар б ойда уролог диспансер кузатуви доимий муддатга белгиланади.

Буйрак ва пешоб чиқариш йўлларда микролитлар аниқланиши пешоб тош касаллиги ташхисини қўйишига асос бўлмайди. Буйрак ва пешоб йўлларида морфологик ва функционал ўзгаришлар бўлмаса, номзодлар яроқли деб топиладилар. Асоратларсиз

экстракорпорал литотрипсия ва тери орқали литотомияда, меҳнатга яроқсизлик варақаси ёпилгандан кейин номзодларнинг яроқлилиги аниқланади.

Клиник кўринишлари бўлмаган, иш қобилиятини тўсатдан йўқолишига олиб келмайдиган буйрак косачаси дивертикулида ёки буйрак паренхимаси ёки киста ичидаги жойлашган тошларда ишга (ўқишга) яроқлилик якка тартибда аниқланади.

### **3.1. Тери-таносил касалликлари**

#### **34 - модда.**

Номзодларда, тегишли гувохномада белгиланган касбий мажбуриятларини хавфсиз бажариши учун монелик қилмайдиган тери-таносил касалликлари мавжуд бўлмаганда, уларга 34.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали, қайталанувчи экземада номзодлар яроқсиз деб топилади. Экземанинг енгил шаклларида, терининг замбуруғли шикастланишлари, паразитар касалликлари (лейшманиоз, кўтири), пиодермиялар ва бошқа тери-таносил касалликларини ўткир даврида номзодлар даволаниши шарт. Даволаниш ва текширувлар натижалари ижобий бўлганда, соғайгандан кейин, дерматолог шифокор хулосаси ва прогнози асосида 34.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Ихтиоз ва тангачали темираткининг жойлашуви чегараланган енгил турларида, номзоднинг умумий аҳволи яхши бўлганида 34.2. модда бўйича ишга (ўқишга) яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Барча тери ва тери остидаги бириктирувчи тўқима касалликларининг баданда кенг тарқалишида, даволаш натижалари салбий бўлганда, сурункали оғир кечувчи шаклларида, барча номзодларга 34.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Вирусли гепатит ва геморрагик безгакни ўтказганда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгандан кейин, органлар функциялари сақланганлигига, текширувлар натижалари меъёрдалигига, соғлиги тикланганда, тегишли мутахассис шифокор хулосаси ва прогнозига кўра номзодларнинг яроқлилиги аниқланади.

#### **35 - модда.**

Моддага таносил касалликлари ва ОИТС киради.

ОИТС касаллиги ташҳиси аниқланганда барча номзодларга 34.1. модда бўйича яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва юқумли тери касалликлари аниқланганда ёки тахмин қилинганда, номзодлар тери-таносил касалликлари диспансерида текширувдан ўтишлари ва даволанишлари лозим. Ташҳис аниқланганда, касаллик тўлиқ даволанганда, текширувлар натижалари меъёрдалигига, дерматовенеролог хулосаси ва прогнозига асосан яроқлилик аниқланади.

### **3.2. Гинекологик касалликлар ва ҳомиладорлик**

#### **36 - модда.**

Функционал бузилишлар ва оғриқ билан кечувчи анатомик дефектлари асоратлари бўлган сурункали гинекологик касалликларда, яллиғланиш жараёнини йилда 3 мартадан қўп рецидивида, қин девори ва бачадоннинг III даражали пастга тушишида, сийдик-таносил ва ичак-таносил оқма яраларида, ортқи чиқарув йўли сфинктерини функциясини бузилиши билан

чотнинг йиртилишида, бачадонни нотўғри жойлашишида ва уни етилмаганлигига, икки шохли бачадонда функционал бузилишлар (бачадондан қон кетиши, оғриқ) мавжуд бўлса, 36.1. модда бўйича барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Сурункали гинекологик касалликларнинг ўткир даврида номзодлар даволаниши шарт. Даволаниш натижалари ижобий бўлиб, соғайганда ишга рухсат этилади ва ремиссияни турғунлигини аниқлаш учун икки хайз цикли давомида гинекологнинг тиббий кузатуви белгиланади.

Кичик тосдаги оғриқ синдромисиз кечувчи чандиқли битишма мавжудлигига, функционал бузилишларсиз бачадон, тухумдон ва фаллопий найларини туғма йўқлигига, қиннинг атрезиясида ва бепуштлиқда номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилмайди.

Бачадон найи касалликларида (эндоцервицит, эрозия, эктропион эрозияси каби), трихомонад кольпити ва трихомониазда номзодлар 3 ҳафтагача муддатга даволаниш учун ишдан (ўқишдан) четлатилади.

Функционал бузилишларсиз қин девори ва бачадоннинг I-II даражали пастга тушишида авиаходимлар ишга (ўқишига) яроқли деб ҳисобланади ва уларга гинеколог диспансер кузатуви белгиланади.

Сийдик-таносил ва ичак-таносил оқма яраларининг жарроҳлик усули билан даволаниш натижалари ижобий бўлгандагина яроқлилик масаласи қўриб чиқилади.

Аёллар жинсий органларида ўтказилган асоратларсиз ва органлар функциялари бузилмаган жарроҳлик операцияларидан кейин, лапаротомияда 2 ойдан кейин, лапароскопик операцияларда 4-6 ҳафтадан кейин, тотал гистерэктомияда 6 ойдан кейин ишга қайта тикланиш масаласи аниқланади. Мазкур ҳолатларда постовариэтомик, климактерик ва предменструал синдромлар мавжудлигига, руҳий эмоционал бузилишлар ва вегетатив дисфункцияning мавжудлиги ва унинг ифодаланиши даражасини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Аёллар жинсий органларида 5 см.дан катта киста сифатли ўсмалар мавжудлигига, авиаходимлар жарроҳлик усули билан даволаниш учун учиш ишидан четлатилади. Даволаниш натижаси ижобийлигига, гинеколог хирург хуносасига асосан яроқлилиги аниқланади.

### **37 - модда.**

Симптомларсиз, клиник қўринишлари ва функционал бузилишлар бўлмаган кичик ҳажмдаги бачадон миомасида, эндометриозда, 5 см.дан катта бўлмаган эндометрий ва фолликулляр кисталарда авиаходимлар ишга яроқли деб ҳисобланади.

Тухумдонлар дисфункциясида, авиаходимлар ишдан четлатилмаган ҳолда текширувлардан ўтишлари ва даволанишлари мумкин, эндокринолог ва гинеколог-эндокринолог маслаҳатлари ва касаллик прогнозини ҳисобга олиб авиаходимларга тиббий хулоса чиқарилади.

Бачадондан дисфункционал қон кетишида авиаходимлар даволаниши шарт. Бирламчи альгоменорея ва дисменореяда клиник белгиларнинг ифодаланиши даражаси, уларнинг давомийлиги, ўз функционал мажбуриятларини етарли даражада бажара олиши ва бошқаларни ҳисобга олиб, гинеколог маслаҳатига қўра, авиаходимларга якка тартибда тиббий хулоса чиқарилади. Иккиласми дисменореяда, ҳар томонлама ўтказилган текширув натижалари, мутахассис маслаҳати ва касаллик прогнозини ҳисобга олиб авиаходимларнинг яроқлилиги аниқланади.

Хайз қўриш даври оралиғига авиаходимлар тиббий қўриқдан ўтказилмайди.

12 ҳафтадан юқори бўлган катта ҳажмдаги миомада, миоманинг шиллик остида жойлашуви, тугуннинг центрипетал ўсиши, тугуннинг қинда жойлашуви каби клиник кўринишлардан қатъий назар, бачадондан қон кетиш, тугундаги модда алмашинувини бузилиши, иккиламчи анемия, ёндош органлар функцияларини бузилишига олиб келувчи, пешоб ажралишини обструкцияси ёки ўткир пешоб тутилиши хавфлари бўлган миомаларда авиаходимлар жарроҳлик усули билан оператив даволанадилар. Даволаш натижалари ижобий бўлганда, органлар функциялари сақланганлигида, тегишли текширувлар натижалари ва гинеколог-хирург маслаҳати ва прогнозини ҳисобга олиб тиббий хулоса чиқарилади.

Ички эндометриозда клиник белгилар мавжудлигида ва анемияни ривожланишида ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Оғриқсиз, симптомларсиз ёки кам ифодаланган симптомлар бўлган ташқи генитал эндометриозда якка тартибда ишга (ўқишга) яроқлилик аниқланади.

Тухумдонлардаги функционал кисталарнинг рецидивга мойил шаклида, фолликуляр ёки лютеинли кисталарнинг бир йил давомида 2 мартадан кўп пайдо бўлишида ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Бачадон бўйнининг туғма эрозияси, эктропион ёки эктопияси ишдан (ўқишидан) четлатиш учун асос бўлмайди.

Бачадон бўйнининг I A даражали ички эпителиал ракида, органсақловчи операциядан кейин, онколог маслаҳати ва прогнозини ҳисобга олиб, текширув натижалари ижобийлигида авиаходимларга ҲҲБ ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

### **38 - модда.**

Ҳомиладорлик аниқланганда авиаходимларга 39.1. модда бўйича ҲҲБ ишига яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Ҳомиладорлик сабабли ишдан четлатиш ва туғруқдан сўнг ишга рухсат бериш, акушер-гинеколог хulosасига кўра хирург томонидан амалга оширилади. Асоратлари бўлмаган туғруқдан кейинги даврда ва тўлиқ соғлиги тиклангандан кейин, туғруқдан 4-6 ҳафтадан кейин ишга тикланиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Сунъий abortda (ҳомилани вакуум ёрдамида ёки дилатация йўли билан чиқариб ташлаш) ва кюретажда, 2 ҳафтадан сўнг, операция асоратлари бўлмаганда ва умумий соғлиги меъёрдалигида, ҳомиладорлик муддати билан боғлиқ асоратлар (қон кетиши, кичик тос органларини яллигланиши, перитонит ва септик ҳолатлар) мавжудлигини ёки пайдо бўлиш хавфини ҳисобга олиб, акушер-гинеколог хulosаси ва прогнози асосида, хирург томонидан ишга (ўқишга) рухсат берилади. Исталган ҳомиладорликда вақтидан илгари болани тушишида, номзоднинг abortdan кейинги руҳий ҳолатини ҳисобга олиб яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

### **4. Офтальмологик касалликлар**

Номзодларда гувоҳномаси ва малака белгилари билан белгиланган ҳуқуқларини бажаришига монелик қилувчи ҳеч қандай туғма ёки орттирилган нуқсонлар, аномалиялар, ўткир ёки сурункали касалликлар, кўз ва унинг қўшимча аппаратининг жароҳатлари ёки улардаги жарроҳлик операцияларидан кейинги асоратлар, кўриш қобилиятини бузилишлари бўлмаслиги керак. Номзодларнинг кўриш майдони, кўз ички босими, бинокуляр кўриш функцияси ва ранг ажратиш қобилияти меъёрда бўлиши ёки ўз касбий мажбуриятларини хавфсиз бажариш учун етарли даражада сақланган бўлиши керак.

Номзодлар кўзни ҳар қандай жарроҳлик усули билан даволашдан аввал, операция

асоратлари ва ҲҲБ ишида яроқсизликка олиб келиши мумкин бўлган эҳтимолий сабаблар, ҲҲБ ишига қайта тикланиш муддатлари ҳақида офтальмолог билан сухбатдан ўтишлари лозим.

### **39 - модда.**

Кўз химоясини ёмонлаштирувчи қовоқлар функциясини бузилишлари, қовоқларнинг ўзаро ёки кўз олмаси билан битишиб кетиши; кўриш майдонини бузилишига олиб келувчи птоз, қовоқ ва мускулларнинг фалажи (эктропион, энтропион), қовоқлар функциясини бузувчи катта ҳажмли ёйилган ўスマлар, кўриш функциясини бузилишига олиб келувчи рецидивли кератит, шоҳ парда яраси, дегенерацияси, чандикларида, яллиғланишлари, вакуляризацияси ва функциясини бузилиши билан кечувчи турли этиологияли кератитлар, кератоконус, кўзниг рангдор пардаси ёки томир пардасини колобомаси, асоратлари мавжуд бўлган увеитлар, кўзни доимо ёшланиб туришига сабаб бўлувчи кўз ёши нукталарнинг нотўғри жойлашувида, кўз ёши йўлларининг торайиши ва обструкцияси, кўз ёши безининг яллиғланиши, жароҳатли шикастланишлари, пигментли ретинопатиялар билан бирга тўр парданинг ҳар қадай турдаги тапеторетинал дегенерацияси, тўр парданинг кўчишида ёки ретиношизис, ҳар қандай сабабли сариқ доғдаги бузилишлар, ҳар қандай этиологияли ретробульбар неврит, патологик нистагм, кўриш нервини атрофияси, кўз қорачиғи меъёрий рефлексларини йўқолиши, кўриш ўткирлиги ёки кўриш майдонига салбий таъсир килувчи ва кўрликка олиб келувчи катарақта, бир томонлама ёки икки томонлама афакия; кўз гавҳарининг тўлиқ ёки қисман силжиши; кўз ва унинг қўшимча аппарати, ҳамда кўз косасининг хавфли ўスマлари, кўз олмасини ҳаракатланишини қийинлаштирувчи ёки кўз косасининг ва бурунни ёндош бўшликлари ёки бош чаноги бўшлиғи билан боғликлигини қийинлаштирувчи кўз косасини синиши, кўз ичидаги ёт жисмларда, тунги кўрлик (никталопия) каби номзоднинг ўз касбий вазифа ва мажбуриятларини хавфсиз бажаришига тўскинлик қилувчи ҳар қандай кўриш тизимини бузилишига олиб келувчи жароҳатлар ва касалликларда 39.1 модда бўйича номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Кўз касалликлари ва жароҳатларини даволаш натижалари ижобий бўлганда, атрофлича ва пухта ўтказилган офтальмологик текширувлар натижалари ижобий бўлганда, кўриш функцияси етарлича сақланганлигига, кўриш майдонинг бузилишлари бўлмаганда, кўз ёши аппарати функцияси тикланганида ҲҲБ ишига яроқлилик аниқланади.

Оддий блефаритлар, кўриш функцияси бузилмаган туғма птоз (невролог маслаҳати олингандан кейин), кичик, симптомларсиз ва ривожланмайдиган хавфсиз ўスマлар, қовоқларда аҳамиятга эга бўлмаган чандиқли ўзгаришлар, кучли ифодаланмаган конъюнктивитлар, рецидивлари бўлмаган ва кўриш органларини функциялари бузилмаган кўз касалликларида яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилмайди. Мазкур касалликлар даволаниб, натижаси ижобийлигига ишга (ўқишга) рухсат берилади.

Қовоқлардаги ўスマлар жарроҳлик усули билан даволангандан кейин, асоратлар, метастазлар ва ўсманинг рецидиви мавжуд бўлмаганда, онкологнинг хулосаси ва прогнози ижобийлигига номзодларга ҲҲБ ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Увеитларда, узок муддат давом этувчи, рецидивли иридоциклитларда, кератитларда, хориоретинитларда, невритларда, кўз олмаси жароҳатларида номзодлар даволанади ва тўлиқ клиник соғайгандан сўнг, ҳар томонлама ўтказилган маҳсус текширувлар натижалари ва кўриш тизими функциялари етарлича сақланганлигига, мутахассис маслаҳати ва прогнозини ҳисобга олиб, ҲҲБ ишига рухсат бериш тўғрисида тиббий хулоса чиқарилади.

Марказий серозли ретинопатияда, тўр пардани ажралишида (ёрилишида), номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Касаллик даволангандан кейин, кўриш функциясини касбий мажбуриятларини бажариш учун етарли даражада сақланганлигига,

текширув натижалари ижобийлигига, офтальмолог хulosаси ва прогнози асосда ҲҲБ ишига яроқлилик аниқланади.

Түр пардани ажралишида ёки периферик ёрилишини лазер билан ижобий даволанишида, күриш функциясини ва периферик күриш майдонини касбий мажбуриятларини бажарыш учун етарли даражада сақланғанлигига, текширув натижалари ижобийлигига, офтальмолог хulosаси ва прогнози асосда чекловлар қўлланиб ҲҲБ ишига яроқлилик аниқланади.

Кўриш функцияси етарлича сақланган кучайиб бормайдиган бошлангич қарилек катаректасида, кўз гавҳари хиралашини чегараланганилигига, макулодистрофияда, кўриш нервининг бошлангич кучайиб бормайдиган атрофиясида, шишасимон тананинг шикастланишида 39.2 модда бўйича номзодларга якка тартибда ҲҲБ ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Уларга офтальмологнинг диспансер кузатуви белгиланади.

Монофокаль интраокуляр линзани имплантациясида, даволанишдан 6-8 ҳафта ўтгач, операция асоратлари йўқлигига, кўриш функцияси тикланганда, дорилар билан даволаниш тўлиқ тамомланганда, ҳар томонлама ўтказилган текширувлар натижалари ижобийлигига якка тартибда учиш ишига яроқлилик аниқланади. Авиация ишида бир ёки икки кўзга фақат монофокаль интраокуляр линза имплантациясида ҲҲБ ишига яроқлилик аниқланади (мультифокал сунъий кўз гавҳари имплантацияси бундан мустасно).

Лазер билан жарроҳлик усули қўлланилганда (тўр парданинг лазерли коагуляциясида) 2 ҳафтадан кейин, лазер билан in- situ- кератомилезда 4-6 ҳафтадан кейин кўриш функциясини сақланганлик даражасини ҳисобга олиб яроқлилик аниқланади.

Рефракцион жарроҳлик усуллари билан даволангандан кейин, операция асоратлари бўлмагандан, кўриш функцияси ва кўриш ўткирлиги касбий мажбуриятларини бажариши учун етарли сақланғанлигига, мугуз парда хиралашмагандан, нурни акс этишига (фотопсияга), ореол эффиқти ёки силжиб юрувчи тасвирлар ва бошқаларга шикоятлари бўлмагандан, қоронғиликка адаптация қониқарлилигига, текширувлар натижалари ижобийлигига, офтальмолог-хирург хulosаси ва прогнозини ҳисобга олиб 39.2 модда бўйича якка тартибда яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. ФА ўқув юртларида ўқишга номзодларда рефракцион жарроҳлик усуллари қўлланилганда, операциядан аввалги рефракция +4.0D/-3.0D, cyl +/- 1.5D дан кўп бўлмагандагина ўқишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Рефракцион жарроҳлик усуллари қўлланилганда, қўлланилган усул, кўз функциясини тикланиши, рецидив эҳтимоли, прогноз ва бошқаларни ҳисобга олиб, ишига тикланиш муддати 3 ойдан 6 ойгача якка тартибда белгиланади. Уларга офтальмологнинг диспансер кузатуви ҳар 6 ойда ўтказилади ва доимий муддатга белгиланади.

Кўз олмасининг яллиғланувчи-дегенератив касалларидаги ва кўз томирлари функциясини бузилишларидаги яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Кўз гавҳари капсуласидаги майда бир-икки пигментлар, шишасимон танадаги артерия қолдиклари, тўр пардадаги миелин толалари каби тугма асоратларда ФА ўқув юртларида ўқишга номзодлар яроқли ҳисобланади.

Ҳар галги тиббий кўрик ўтишда номзодларда қоронғиликка адаптация текширилади. Органик касаллик сабабли функционал характерга эга бўлган қоронғиликка адаптацияни пасайишида қайта текширув ўтказилади, кўрсаткичлар прибор қўлланмасида берилган меъёрий кўрсаткичларга тўғри келиши керак. Кўрсаткичлар меъёрда бўлмаганлигига, асосий касаллик аниқланади, даволанади ва натижаси ижобийлигига яроқлилик аниқланади.

Кўз гавҳари ва кўз рангдор пардаси колобомаларида, поликорияда, туфма катаректада, кўриш нерви дискининг касалликларида 39.1 модда бўйича ФА ўқув юртларида ўқишига номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

#### **40 - модда.**

Шикоятлар ва текширув натижалари асосида глаукомага гумонсираш бўлганда, ихтисослаштирилган муассасада номзоднинг ташхиси ва касаллик прогнози аниқланади. Импрессион тонометрияда Фриденвальд жадвали бўйича кўз ички босимини турғун кўрсаткичи 24 мм симоб устунига тенг ёки юқори бўлганда ёки кўзлар ички босими орасидаги фарқ 5 мм симоб устунида бўлса номзодларга қўшимча текширувлар (гониоскопия, фундоскопия, кўриш майдонини аниқлаш ва бошқалар) ўтказилади  
ва заруриятга кўра даволанади.

Кўз нерви шикастланмаган ва кўриш майдони сақланган яхши сифатли кўз ички босимини меъёрдан юқоридалигида (кўз ички гипертензиясида) ва кўз ички босими компенсицияланган бирламчи очиқбурчакли глаукомада, кўз ички босими меъёрга келганидан бошлаб авиаходимлар яроқли ҳисобланади ва уларга доимий локаль гипотензив терапия қўлланилади. Биринчи марта ташхис аниқланганда, ваколатли органнинг тиббий эксперплари томонидан тиббий хулоса чиқарилади.

Глаукома ташхиси аниқланганда, турига қараб даволанади, агар у асосий касалликни иккиласми чиқириши бўлса асосий касаллик даволанади. Дорилар ва лазер билан ижобий даволаниб, клиник соғайгандан кейин, кўриш ўткирлиги ва кўриш майдони меъёрда бўлиб, парацентрал скотома шаклидаги нерв толалари тутамларини дефектлари йўқлигига ва бошқа кўз функциясини текширув натижалари ижобийлигига авиаходимнинг яроқлилиги аниқланади.

Глаукомада авиаходимларга мунтазам равишда кўз ички босимини тонометрияси, кўриш ўткирлиги ва кўриш майдони текширувлари ўтказилади, кўриш нерви дискини ҳолати ва қабул қилаётган дори-дармонларнинг ножӯя таъсирлари баҳоланиб борилади.

Трабекулэктомияда ёки дренаж системалар қўлланлиши билан антиглаукоматоз жарроҳлик операциясида З ойдан кейин, лазер ёки бошқа усууллар қўлланганда кўриш органи функциялари тўлиқ тикланганида, офтальмолог-хирургнинг операция ва текширувлар ҳақидаги тиббий маълумотлари, хулоса ва прогнози асосида авиаходимнинг яроқлилиги аниқланади.

#### **41 - модда.**

Барча номзодлар ўз касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришлари учун рангларни тўғри ажратиш қобилиятига эга бўлишлари керак.

Ранг ажратишнинг бузилишларида, тури, шакли ва даражасига кўра қабул қилинган тасниф бўйича ташхис қўйилади.

Ранг ажратиш қобилияти Ишихара рангли тести, Рабкиннинг полихроматик жадваллари, FALANT-тест, аномалоскоп (компьютерли) текширувлари ёрдамида аниқланади. Тиббий текширув натижалари қўлланилган услуг ёки асбоб қўлланмасида кўрсатилган тегишли нормаларга мувофиқ маҳсус бланкаларда баҳоланади.

Дори-дармон воситаларини қабул қилиш ва касалликларнинг асоратлари сабабли юзага келувчи орттирилган ранг кўриш бузилишларида, кўриш функцияси сақланганлигига, кўриш органининг шикастланиш даражаси, даволаниш ва текширувлар натижалари, касалликни прогнози асосида якка тартибда чекловлар қўлланиб ҲҲБ ишига яроқлилик аниқланади. Мазкур

холда ташхисни аниқлашда аномалоскоп ёки FALANT-тест ёрдамида текширув ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Номзодларда “С”, “В” турларидағи дейтераномалия, “С”, “В” турларидағи протаномалия каби ранг ажратиш заифлигини мавжудлиги, уларга тиббий хулоса беришни рад этишга асос бўлмайди.

Номзодларда аномал трихромазиянинг (протаномалия, дейтераномалия, тританомалия) “А” турида, дихромазия (протанопия, дейтеранопия, тританопия), монохромазия каби ранг ажратишни бузилишлари мавжудлигида, уларга ХХБ ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

#### **42 - модда.**

Номзодлар ўз касбий мажбуриятларини хавфсиз бажаришлари учун, уларда бинокуляр кўриш функциясини ва кўриш майдонини бузилишлари, ҳамда диплопия бўлмаслиги керак.

Кўз олмаси мускуллари балансини ва бинокуляр кўришни баҳолашда фория ва тропияни фарқлаш, кўриш марказидан оғиш даражасини, ортофорияни ва бошқа ҳолатларни аниқлаш учун Мэддокс таёқчаси билан текширув, тегишли коррекцияловчи кўзойнак ёки контакт линзалари ёрдамида кўзни юмиш тести, кўзни навбатма-навбат юмиш, кўзни юмб-очиб, синоптофор, Уорднинг 4 нуктали тестлари ёрдамида текширувлар ўтказилади. Заруриятга кўра мутахассис-офтальмолог томонидан фузия амплитудаси аниқланади ва ортоптик текширувлар ўтказилади.

Нормада манфий фузион захиралар 5-8 градусни, мусбат фузион захиралар 15-20 градусни ташкил этади.

Эзофория-10 призматик диоптрий (бундан буён матнда D деб юритилади), экзофория-5 D, гиперфория ёки гипофория-2 D, циклофория-1 Dдан юқори бўлган нормадан оғишлар аниқланганда, номзодлар тегишли мутахассис-офтальмолог текширувидан ўтишлари керак.

Номзодларда диплопия аниқланганда, учиш ишидан четлатилади ва сабаблари (ҳаддан зиёд кўп ишлаш, чарчоқ, стресс, седатив дорилар қабул қилиш, касаллик ва бошқа ҳолатлар) аниқланади, тегишли чора-тадбирлар ўтказилади. Сабабидан қатъий назар монокуляр диплопияда барча номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. Юқорига ва четта қарашида нигоҳнинг энг четки зонасида диплопияни пайдо бўлишида чекловлар қўлланиб касбига яроқлилик аниқланади.

Кўз мушаклари балансини бинокуляр кўриш текширувларида кам ифодаланган ўзгаришлар аниқланганда, учиш ишига яроқли деб ҳисобланади.

Кўз соққаси фалажи ёки турғун парезида, қовоқ мускулларини фалажида, паралитик ва биргаликдаги ғилайлиқда, 10 градусдан ошган ҳамкор ғилайлиқда, кўз соққаларининг яққол ифодаланган ихтиёrsиз тебранувчи ҳаракатлари борлигида, кўз косасини жароҳатида кўз мускулларини шикастланиши сабабли юзага келган турғун диплопияда, фузия захиралари пасайтан гетерофорияда, гетеротропияда, нотурғун (ўзгарувчанлик) фиксация синдромида, бинокуляр кўришни бузилишида номзодларга учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

6 метр масофада - вертикал бўйича 2.0 призматик D (1 градус), эзофорияда 10 призматик D (5 градус), экзофорияда 8.0 призматик D (4 градус) ва 33 см. масофада - вертикал бўйича 1.0 призматик D (0 градус), эзофорияда 8 призматик D (4 градус), экзофорияда 12 призматик D (6 градус)дан юқори кўрсаткичларда номзодларга учиш ишига (ўқишига) яроқсизлик

ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

Гилайлик жарроҳлик усули билан даволанганды, операциядан 3 ойдан кейин, бинокуляр кўриш функциясини ва кўриш майдонининг бузилишлари бўлмаганды, диплопия мавжуд эмаслигига, офтальмологик текширувлар натижалари ижобийлигига офтальмолог-хирург хулосаси ва прогнози асосида касбига яроқлилиги аниқланади.

Кўзни четга буришда нистагм бор бўлганда, невролог ва оториноларинголог маслаҳати олинади, бинокуляр кўриш бузилмаганды тиббий хулоса асосий касаллик бўйича чиқарилади.

Номзодлардаги ғилайликни (гетерофория) аниқлаш учун, даврий тиббий кўрикларда синоптофор ёрдамида кўзларнинг биргалиқдаги ҳаракатларини текширувлари ўтказилади. Гетерофорияни тури, даражаси ва фузион захиралар аниқланади, фузион захираларни камайишида даволаш машқлари ўтказилади.

#### **43-модда.**

Кўз ўткирлиги, ёруғлик даражаси белгиланган талабларга жавоб берувчи хонада, 5-6 метр масофадан туриб коррекциясиз ва коррекция билан текширилади ва ҳақиқий кўз ўткирлиги кўрсатилади.

З класс номзодларига коррекцияланмаган кўриш ўткирлигига чекловлар кўйилмайди, кўриш ўткирлиги ҳар бир кўзга коррекция билан 0.8 ва ундан юқорилигига, кўриш майдони меъёрдалигига, уларга ХХБ ишига (ўқишга) яроқлилик ҳакида тиббий хулоса чиқарилади.

ФА ўқув юртларида ўқишга номзодларда (абитуриентларда) кўриш ўткирлиги коррекциясиз 0.1дан кам бўлмаслиги керак, шу шарти биланки, коррекцияловчи контакт линзалари ёки кўзойнаклар ёрдамида кўриш ўткирлиги 0.8 ва ундан юқори бўлган коррекцияга эришилса ва кўриш майдони меъёрдалигига.

Бинокуляр кўриш ўткирлиги коррекциясиз (коронғиликка адаптация шароитида ҳам) 0.7 ва ундан юқори бўлганда узокни коррекциялаш (кўзойнак ёки линзалар) талаб қилинмайди.

Агар рефракция хатоси туфайли коррекция қилинмаган кўриш ўткирлиги икки кўзда 0.7дан паст бўлса ёки астенопия симптомлари пайдо бўлса рефракция коррекция қилинади.

Номзод 5-сонли ёки унга эквивалент бўлган жадвални 30-50 см масофада (кўз ўткирлиги 0.6); 14-сонли (8-сонли) ёки унга эквивалент бўлган жадвални 100 см масофада (кўз ўткирлиги 0.3) ўқиши керак, заруриятга кўра коррекция қилинади.

Номзодларда кўз ўткирлиги коррекциясиз ҳар бир кўзда 0.7 юқори бўлишида ва кўз ўткирлиги коррекциясиз бир кўзда 0.7 пастлигига, агар бинокуляр кўриш ўткирлиги (коронғиликка адаптация шароитида ҳам) коррекциясиз 1.0 га эришилганда, у ҳолда узокни коррекциялаш талаб қилинмайди. Номзодларда турғун бинокуляр кўриш мавжуд бўлиши керак.

Номзодларда, оптималь кўриш функциясини таъминлайдиган, қулай ва авиациядаги иш фаолиятига мос келадиган, умумий фойдаланиш учун тўғри келадиган захира кўзойнаги бўлиши керак. Улар узок масофани кўришни таъминловчи, монофокал, рангиз ва қулай контакт линзалардан фойдаланишлари лозим. Етарли даражадаги рефракцияга эга бўлмаган номзодлар, синдириш коэффициенти юқори бўлган контакт линзалари ёки кўзойнакли линзалардан фойдаланишлари лозим. Кўриш учун зарур бўлган шартга мувофиқ фақат битта кўзойнак тақилади. Кўриш қобилиятини пасайишида пресбиопия мавжуд бўлса, номзодларга коррекцияловчи бифокал кўзойнаклар ёки контакт линзалари билан учиш ишини бажаришлари ва ёнида захира кўзойнак тўпламини олиб юришлари талаб қилинади. Бу ҳолларда VDL, VML, VNL,

CCL чекловлари кўлланади. Номзодларда кўзойнакларни (линзаларни) мавжудлиги ва уларнинг сифати тиббий кўрик ўтишларида назорат килинади.

Яқин масофага кўришни унифокал коррекцияси (ўқиш учун қўлланиувчи бир оптик кучга эга бўлган яхлит линзали кўзойнаклар) катта масофаларга кўриш ўткирлигини анчагина пасайтириши сабабли кўлланишга рухсат этилмайди.

Номзодларда бир кўзда кўришни патологик пасайишида (марказий кўришни пасайишида), бинокуляр кўриш сақланганлигига, иккинчи кўзниң узоқка кўриш ўткирлиги коррекция билан ёки коррекциясиз 1.0 бўлиб оралиқ кўз ўткирлигига (якин, ўрта дистанция) етишида, асосида ётган касаллик офтальмологик текширувда ижобий баҳоланса (рефракция аномалияси бор бўлган шахслар учун кўриш ўткирлиги коррекция билан ёки коррекциясиз 0.6 дан паст бўлмагандага), иккинчи кўзда аҳамиятга эга касалликлар бўлмагандага, 43.2 модда бўйича номзодларга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Миопиянинг 0.5D даражасида, гиперметропиянинг 1.0D даражасида, астигматизмнинг 0.5D ва кўз ўткирлиги коррекциясиз 1.0 бўлгандага, тиббий ҳужжатларда ташхис “соғлом” деб кўрсатилади ва “рефракция” қаторида тегишли ёзув VNL чеклови билан ёзилади.

Рефракция - +5.0D.дан юқори бўлмаган гиперметропияда, -6.0D.дан юқори бўлмаган миопияда, 2.0D.дан юқори бўлмаган астигматизмда, 2.0D.дан юқори бўлмаган анизометропияда оптимал коррекцияга эришилгандага, номзодларга 43.2 модда бўйича, ташхисида рефракциянинг тури ва хатолик даражаси кўрсатилиб, ишга ва ўқишга яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади. 2.0 дан 3.0D.гача бўлгандага анизометропияда контакт линзаларни тақиши керак.

Рефракциянинг клиник текшируви ретиноскоп, автомат рефрактор ёки циклоплегик препаратлар ёрдамида ўtkазилади.

ФА ўқув юртларига ўқишга номзодларда (абитурентларда) циклоплегия шароитида (1 % циклопентолат, 1 % атропин) текширув ўтказилиб, рефракция тури ва даражаси аниқланади.

#### **44 - модда.**

Пресбиопия даражаси ва аккомодацияни бузилиши, профессионал фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаш масофаси (60-80 см) ҳисобга олиб, сферик линза кучи билан аниқланади.

Аккомодацияни бузилишида ва 3.5D.дан юқори даражадаги пресбиопияда 44.1 модда бўйича ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Пресбиопия мавжуд бўлган kontakt линзалардан фойдаланувчи номзодлар, линзалар устидан ўқиш учун кўзойнаклар тақиши мумкин.

## **5. Оториноларингология**

Номзодларда, гувоҳномасига тегишли бўлган касбий вазифалари ва мажбуриятларини хавфсиз бажаришга тўсқинлик қиласиган қулоқ, томоқ, бурун, оғиз бўшлиғи, тишлар ва улар билан боғлиқ аъзоларнинг ҳеч қандай аномалиялари, касалликлари, обструкциялари, шикастланишлари, жароҳатлари, дисфункциялари, жарроҳлик амалиётининг асоратлари ва органлар фаолиятларини бузилишлари бўлмаслиги лозим.

#### **45 - модда.**

Мазкур моддага лор-органларининг, оғиз бўшлиғи ва қулоқлариниг ўткир

ва сурункали касаллуклари, нүқсонлари, аномалиялари, жароҳатлари ва жарроҳлик операцияларининг асоратлари киради.

Радиоалмашувни олиб боришига тўсқинлик қилувчи яққол ифодаланган нутқ бузилишларида ва дудуқланишда номзодлар яроқсиз деб топилади. Аниқ тушунарли нутқка эга бўлган, баъзи бир товуш талаффузини бузилишида номзодлар яроқли деб топилади.

Ечиб қўйиладиган тишлар протези мавжудлигига, нутқ функцияси протезлар ечишган ҳолда аниқланади.

Кўплаб тишлар йўқлиги сабали чайнаш функциясини кам аҳамиятли бузилишида, комиссия оралиги даврида протезлаш тавсия этилади.

Аллерген аниқланган ва уни бартараф қилиш осон кечадиган поллиноз, риноконьюктиваль синдром каби аллергик ҳолатларда, аллерголог холосаси ва прогнози асосида номзоднинг яроқлилиги аниқланади.

Лор-органлари функцияларини клиник аҳамиятга эга бўлган бузилишлари билан кечувчи (нафас олиш, нутқ функциялари каби), барча юқори нафас йўллари органлари, оғиз бўшлиғи ва қулоқларнинг туғма ёки орттирилган турғун нүқсонлари, касаллуклари, жарроҳлик асоратлари, жароҳатлари, кўплаб тишларнинг йўқлиги, юқори нафас йўлларини дистрофияси кабилар мавжудлигига 45.1 модда бўйича номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий холоса чиқарилади.

Бурундан нафас олишни қийинлаштирувчи ёки нафас олишни тўлиқ йўқлиги мавжуд бўлган бурун тўсиғининг қийшайишида, юқори нафас йўлларидаги шиллиқ қаватининг дистрофиясида, нафас олиш ва нутқ функцияларини бузилишига олиб келувчи бурун чиганоқларнинг гипертрофияси, аденоидлар каби касаллукларда, жарроҳлик ёки бошқа даволаш усуллари кўлланилиб, уларнинг натижалари ижобийлигига, органлар функцияси тикланганда ишга (ўқишига) яроқлилик аниқланади.

Бурундан нафас олишни қийинлашуви ёки бурундан нафас олишни тўлиқ йўқлиги мавжуд бўлган бурун тўсиғининг қийшайганлигига, нафас олиш ва нутқ функцияларини бузилишига олиб келувчи касаллукларда 45.1 модда бўйича номзодларга яроқсизлик ҳақида тиббий холоса чиқарилади.

Гаймор бўшлиқлари шиллиқ қаватининг қалинлашишида номзодлар ишга (ўқишига) яроқли деб ҳисобланади.

Бурун бўшлиғи ва ёндош бўшлиқлардаги жарроҳлик операцияларидан кейин, бурундан нафас олиш функцияси тўлиқ тикланганида номзодларнинг яроқлилиги аниқланади.

Шамоллаш белгилари мавжудлигига (йўтал, бурун битиши, бурун ёки томоқдан йиринг чиқиши каби) ва нафас олиш функциясини бузилиши билан кечувчи бурундаги ҳар қандай ҳолатларда номзодлар даволанишлари шарт.

Жарроҳлик усули билан даволанган сурункали декомпенсацияли тонзиллитда, асоратлар бўймаганда ишга (ўқишига) яроқли ҳисобланади.

Сурункали компенсацияланган тонзиллитда номзодларга даволаш профилактика тадбирлари ўтказилади.

#### **47 - модда.**

Моддага хавфли ва хавфсиз ўсмалар киради.

Яхши сифатли ўсмаларда (фиброма, полип, гемангиома), жарроҳлик ёки бошқа даволаниш усууларини натижалари ижобий бўлганда, нафас олиш ва сўзлаш функциялари тикланганда, шикоятлар, оғриқ ва бош айланиши бўлмагандан, тиббий текширувлар натижалари ижобий бўлганда ишга (ўқишга) яроқлилик аниқланади.

Ринопластикадан кейин 2 хафта ўтгач, бурундан нафас олиш функцияси тўлиқ тикланганда номзодлар ишга (ўқишга) яроқли деб топилади.

Органлар функциясини яққол бузилишлари мавжуд бўлган хавфли ва хавфсиз ўсмаларда 47.1 модда бўйича ишга (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хulosаси чиқарилади.

Хавфли ўсмалар сабабли даволангандан кейин, тўлиқ соғайганда, органлар функциялари тикланганда, текширувлар натижалари ижобийлигига, онколог хulosаси ва прогнозини ҳисобга олиб учиш ишига яроқлилик аниқланади.

#### **48 - модда.**

Кулоқ ногора пардасининг оддий пункцияси ва оддий мастоидэктомиядан кейин, бош айланиши бўлмаса, эшлиши ўткирлиги сақланганлигига номзодлар ҲҲБ ишига яроқли деб ҳисобланади.

Радикал мастоидэктомиядан кейин, монаурал эшлиши функциясини йўқолиши, инфекция, бош айланиши ва бош чаноги ичидаги пайдо бўлиши мумкин бўлган асоратларни ҳисобга олиб тўлиқ отологик текширувдан кейин номзоднинг ҲҲБ ишига яроқлилиги аниқланади.

Ўрта қулоқ узангичасидаги жарроҳлик операциясидан кейин 3 ой ўтганда, текширувлар натижалари ижобий бўлганда, евстахиев найини ўтказувчанлигига, бош айланиши бўлмагандан номзодга яроқлилик ҳақида тиббий хulosаси чиқарилади. Номзодга оториноларингологнинг диспансер кузатуви белгиланади ва ўрта қулоқ вентиляциясини бузилишига олиб келувчи юқори нафас йўллари инфекцияларини профилактикаси олиб борилади.

#### **49 - модда.**

Меньер касаллигига, консерватив ёки хирургик усуулар билан даволаш қийин бўлган (даволаб бўлмайдиган) вестибуляр функциянинг туғма ёки ортирилган аномалияларида, сурункали вестибуляр бузилишларда, статокинетик таъсирчанликни юқори даражасида 49.1 модда бўйича номзодларга ўқишга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosаси чиқарилади.

#### **50 - модда.**

Полиплар, грануляция, ногора бўшлиғи деворларини кариеси билан кечувчи сурункали йирингли эпитимпанит ва мезотимпанитларда, операцион бўшлиқ эпидермизацияси тугалланмаган (йиринг, полип, грануляция ёки холестеатома мавжудлиги) жарроҳлик операцияларини асоратларида 50.1 модда бўйича номзодларга ўқишга яроқсизлик ҳақида тиббий хulosаси чиқарилади.

Грануляциясиз, полипларсиз, ногора бўшлиғи деворларини кариесисиз кечувчи, лабиринтда яллигланиш аломатлари бўлмаган, сурункали хавфсиз кечувчи бир томонлама эпитимпанит ва мезотимпанитларда, даволаш натижалари ва эшлиши қобилияти ижобийлигига номзодларга ҲҲБ ишига яроқлилик ҳақида тиббий хulosаси чиқарилади, диспетчерликка ўқишга номзодлар яроқсиз ҳисобланади.

Ногора парданинг яхши ҳаракатланишида, эшлиши функциясини меъёрдалиги аудиограмма билан тасдиқланганда ва барофункция сақланганлигига, перфорация жойида юпқалашмаган кичик чандикларни мавжудлиги, куруқ перфорация, ногора пардада кальцификатлар борлиги ташҳис қўйишига асос бўлмайди.

Ташки эшитиш йўлининг экзостазларида, қулоқ атрофи соҳасидаги остеомаларда, радикал операциядан кейин, қулоқ функцияси тўлиқ тикланганида ва текширувлар натижалари ижобий бўлганда ҲҲБ ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, диспетчерликка ўқишга номзодлар яроқсиз хисобланади.

### **51 - модда.**

Ўз гувоҳномалари ва малака белгилари билан белгиланган мажбурият ва вазифаларини хавфсиз бажаришлари учун, номзодларнинг эшитиш қобилияти етарли даражада сақланган бўлиши керак.

Эшитиш қобилияти 6 метрдан кам бўлмаган масофадан туриб, бас ва дискант гурухдаги сўзларни шивирлаш (акуметрия) ва калибрланган (тиниктонал) аудиометрия ёрдамида аниқланади. Эшитиш функциясини аниқлашда, бас ёки дискант гурухдаги сўзларга тегишилигидан қатъий назар. эшитиш қобилиятининг энг салбий кўрсаткичлари асос қилиб олинади.

Нутқ аудиометриясида номзоднинг сўзларни тўғри эшитиши ва такорлаши 95-100% ташкил этганда эшитиш қобилияти меъёрда деб ҳисобланади, кўрсаткичнинг 80% камлиги яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқаришга асос бўлади.

Аудиометрияда шовқинни қабул қилиш интенсивлиги -20 дБ.дан +100 дБ.гача ва 125 Гц.дан 8000 Гц.гача бўлган диапазонларда қайд этилади. Номзодларда калибрланган (тиниктонал) аудиометрияда, ҳар бир қулоқда алоҳида 500, 1000 ёки 2000 Гц частоталаридан бирида 35 дБ.дан юқори ёки 3000 Гц частотада 50 дБ.дан юқори эшитиш қобилиятини сақланганлиги бўлиши керак.

Тинч хонада, 2 метр узокликда, номзод текшираётган шифокорга тескари тургани ҳолда, ўртacha баландликдаги сўзлашув нутқини иккала қулоқда эшитиш қобилиятига эга бўлмаса, 51.1 модда бўйича уларга ҲҲБ ишига (ўқишга) яроқсизлик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади.

Эшитиш қобилиятини тиклаш бўйича радикал жарроҳлик операцияларидан кейин (тимпанопластика, стапедопластика), операцион бўшлиқнинг тўлиқ ва турғун эпидермизациясида, эшитиш функцияси тикланганда, маҳсус асбобни тақиши қониқарли бўлиб унда эшитиш қобилиятини сақланганлигига ҲҲБ ишига яроқлилик ҳақида тиббий хулоса чиқарилади, диспетчерликка ўқишга номзодлар яроқсиз хисобланади.

ҲҲБ диспетчерида эшитиш қобилияти юқоридаги талабларга жавоб бермаганда, лекин ҲҲБ диспетчерининг иш жойидаги оддий шовқин фонида (имитация қилинган ёки қайта тикланган шовқин фонида) унинг эшитиш қобилияти меъёрда бўлса, ҲҲБ ишига яроқли деб топилади.

Шовқинли шароитда текширув ўтказишида фойдаланиладиган сўзлашувга оид материаллар авиаация иши билан боғлиқ сўзлашувга ва фонетик жиҳатдан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Заруриятга кўра текширувлар тренажерда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида холоса  
бериш түғрисидаги авиация қоидаларига

4-илова

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги Republic of Uzbekistan Civil aviation Agency under the Ministry of transport	
<b>ТИББИЙ ХУЛОСА</b> <b>MEDICAL CERTIFICATE</b>	
Класс/class	№
Эгасининг исми, фамилияси/ Last, first name of holder	
Професия/ касби:	
Туғилган санаси/ Date of Birth (dd.mm.yyyy):	
Кон гурухи/ Blood group: Rh:	
Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидалари 67 қисмининг мазкур класс тиббий хулоса учун белгиланган тиббий талабларига мувофиқ / Has met the medical requirements prescribed in part 67 of the Aviation Regulations (RME CA) of the Republic of Uzbekistan for a medical certificate of this class	
Чекловлар/Limitations:	
Берилган санаси/Date of issue:	
Амал қилиш муддати/ Expire date:	
Тиббий комиссия раиси (Ф.И.О., имзо, мухр)/Chief of medical commision (Typed name, signature, stamp):	
Тиббий хулоса эгасининг имзоси/ Signature of Holder:	

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида хulosा  
бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

5-илова

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги

**Тиббий хulosा олиш учун ариза**

(кўриқдан ўтишдан аввал номзод томонидан тўлдирилади)

Махфий тиббий маълумот

1. Фамилия	2. Илгариги фамилияси	3. Давлатга оид идентификацион рақами
4. Исли, шарифи	5. Туғилган кун, ой, йили	6. Жинси: Эркак <input type="checkbox"/> биринчи марта <input type="checkbox"/> Аёл <input type="checkbox"/> узайтиришга <input type="checkbox"/>
8. Гувоҳнома берган давлат	9. Сўралаётган тиббий хulosा класси: 1-чи <input type="checkbox"/> 2-чи <input type="checkbox"/> 3-чи <input type="checkbox"/> 4-чи <input type="checkbox"/>	10. ХХБ диспетчерининг операторлик соати
11. Туғилган мамлакати, шахар, қишлоқ	12. Миллати	13. Касби (асосийси)

14. Доимий турар жойи: Почта индекси: Телефон рақами: уй: мобиль: эл. почта:	15. Иш жойи (асосийси)	16. Энг охирги тиббий текширув куни: жойи:
17. Эгалик килаётган авиация гувоҳномаси (тури):  Гувоҳнома раками:  Гувоҳнома берган давлат:	18. Умумий амалиёт шифокорининг фамилияси:  телефон рақами:  поликлиника рақами:	19. Гувоҳнома/тиббий хulosада чекловлар мавжудми: Йўқ <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Сабабини кўрсатинг (гувоҳнома/тиббий хulosадаги хар қандай чеклов ҳақида маълумотни кўрсатинг, масалан коррекция линзлари ёки фақат кўпаъзоли экипаж таркибида ёки ҚБга оид ва хоказо):
20. Тиббий хulosса бериш рад этилган ёки тўхтатиб турилган ёки ваколатли орган томонидан қайтариб олинган (вақтинчалик бўлса ҳам) Йўқ <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Куни, сабаби:	21. Умумий учиш соати:  23. Учиш (парвоз) тури, (масалан тижорат ташувлари, ўқув училари, хаваскор – учувчи):	22. Йиллик учиш соати:  24. Ҳаво кемаси тури:  25. Учиш (парвоз) усули: бираъзоли экипаж <input type="checkbox"/> кўпаъзоли экипаж
6. Йил давомида авиаҳодиса ёки инцидентлар бўлганми: Йўқ <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Куни: Жойи: Батафсил:	27. Спиртли ичимликлар ичасизми? Йўқ <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> “Ҳа” бўлса, бир хафта давомида истеъмол килишнинг ўртacha миқдорини граммларда кўрсатинг (пиво, вино ёки бош.):	28. Чекиш маҳсулотларини чекасизми (“Ҳа” бўлса, тури ва бир кундаги миқдорини кўрсатинг)? Йўқ <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/>
30. Касаллик тарихи ва умумий маълумотлар: («Ҳа» ёки «Йўқ» сўзлари графасида “×” белгисини кўйиб саволларга жавоб беринг. “Ҳа” бўлганда батафсил изоҳ беринг ва комиссия шифокори билан муҳокама қилинг).	29. Шифокор томонидан белгиланган дори-дармон воситаларини (жумладан, рецептсиз бериладиган ва доривор ўтлар асосидаги препаратлар ҳам) қабул қиласизми? Йўқ <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> “Ҳа” бўлса, дори-дармон номи, дозаси, қачондан бери қабул қиласи ва қабул қилиш сабабини кўрсатинг:	

30. Касаллик тарихи ва умумий маълумотлар: («Ҳа» ёки «Йўқ» сўзлари графасида “×” белгисини  
кўйиб саволларга жавоб беринг. “Ҳа” бўлганда батафсил изоҳ беринг ва  
комиссия шифокори билан муҳокама қилинг).

Ҳа	Йўқ	Ҳа	Йўқ	Ҳа
31. Кўришнинг бузилиши, иллюзиялар /кўз жарроҳлиги		32. Томок, бурун касаллиги, нутқнинг бузилиши		33. Малярия ёки бошқа тропик касалликлар
34. Кўзойнак ва/ёки контакт линзалар тақиши		35. Бош жароҳати ёки мия чайқалиши		36. Анемия/ ўроқсимон- хужайрали анемия/қоннинг бошқа касалликлари

37. Жинсий йўл билан ўтувчи касалликлар		38. Тез-тез ёки кучли бош оғриқлари		39. Илгариги кўриқдан кейин ўтган вақт ичидаги кўзойнак ва/ёки контакт линзалар тақиши рецептида ўзгаришлар борми?		
40. Аллергик реакция, аллергия турлари, аллерген		41. Бош айланиши ёки турли сабабларга кўра хушдан кетиш		42. Касалхонада текширилгани ёки даволангани ҳақида маълумот		
43. Астма ёки ўпка касалликлари		44. Диабет, гормонал бузилишлар		45. Неврологик бузилишлар, инсульт, эпилепсия, паралич, конвульсия ва бошқалар		
46. Юрак ва қон-томир касалликлари		47. Ҳар қандай жароҳатлар ва касалликлар		48. Умумий амалиёт шифокори қабулида бўлганлиги (амбулатор текширув ва даволаниш)		
49. ҚБ пасайиши ёки кўтарилиши		50. Ҳар қандай психологияк/ психиатрик муаммолар		51. Кулоги оғирлик (карлик) ёки кулоқ касалликлари		
52. Буйракда тош мавжудлиги ёки пешобда қон борлиги		53. Алкогол/ наркотик/ гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилиши		54. Авиаходим гувоҳномасини бериш рад этилганми, бекор килинганми		
58. Ўз жонига қасд қилиш		59. Ошқозон, жигар ёки ичак фаолиятини бузилиши		60. ҳарбий хизматга яроқсизлик ҳақида тиббий кўрсатмалар мавжудми?		
61. ОИВ тахлилининг натижаси		62. Дори қабул қилишни талаб қилувчи чайқалишдан бехузурлик		63. <b>Фақат аёллар учун:</b> Гинекологик касалликлар (ҳайз кўришни бузилиши ҳам киради)		
				64. Сиз ҳомиладормисиз?		

### Оилавий анамнез:

ҳа йўқ

ҳа йўқ

ҳа йўқ

65. Юрак қон-томир касалликлари		66. Рухий касалликлар		67. Ирсий касалликлар		
68. Қон босимини ошиши, гипертония		69. Диабет		70. Глаукома		
71. Холестерин миқдорини ошиши		72. Туберкулез		75. Қўшимча маълумотлар:		
73. Эпилепсия		74. Аллергия/ астма/ экзема				

**Изоҳ:** агар юкорида кўрсатилга маълумотлар илгари берилиган бўлса ва ўзгаришсиз қолган бўлса, кўрсатинг.

**75. Тиббий маълумотларни тақдим этиш учун розилиги:** Маълумотларни яшириш ёки нотўғри, ёлғон маълумот беришим тиббий хулоса чиқаришда католикларга олиб келишини билганим ҳолда, мазкур аризада кўрсатилган барча маълумотлар ва жавоблар тўлиқ ва тўғрилигини тасдиқлайман. Мен нотўғри, ёлғон маълумот бериш ёки тиббий кўриқдан ўтиш учун керакли маълумотларни яшириш ҳолларида, тиббий хулоса берилмаслиги ҳақида огоҳлантирилганман, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жавобгарликни бўйнимга оламан.

Шу билан бирга ваколатли органнинг тиббий экспертларига менинг тиббий кўрикдан ўтишимга тегишли бўлган барча маълумотларни тақдим этилишига розилик билдираман.

**Номзоднинг ариза тўлдирган кун, ой, йил \_\_\_\_\_ имзоси \_\_\_\_\_**

**ТУК раиси (авиация шифокори)нинг Ф.И.О. ва имзоси \_\_\_\_\_**

Изоҳ: тиббий маълумотларнинг махфийлигини сақлашга қатъий риоя қилинади.

Номзод турли лаборатор ва бошқа текширувларни рад этиш ва ваколатли органга мурожаат қилиш хуқуқига эга, лекин бу ҳолда ТУК томонидан тиббий хулоса бериш вақтинча рад этилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида

тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида хулоса

бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

6-илова

**Тиббий кўриқ ўтишга (стационарга, маслаҳатга)**

**ЙЎЛЛАНМА**

Ф.И.О. \_\_\_\_\_

Туғилган йили \_\_\_\_\_ Лавозими \_\_\_\_\_

ФА авиакорхонаси \_\_\_\_\_

Тиббий хужжатлари билан шахсан юбориляпти \_\_\_\_\_

(қаерга)

Юборищдан мақсад \_\_\_\_\_

Ташҳис \_\_\_\_\_

Шифокор \_\_\_\_\_  
(лавозими, фамилияси, имзоси)

20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида хуносা  
бериш тўғрисидаги авиаация қоидаларига

7-илова

### **Авиаходимнинг стационар текшируvida (даволанишда) бўлганлиги ҳақида**

#### **МАЪЛУМОТНОМА**

Берилди: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

(туғилган санаси, лавозими, иш жойи)

навбатдаги тиббий кўрик (текширув, профилактика ва даволаш чора-тадбирлари) сабабли  
(керагини тагига чизилсин)  
стационарда \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача бўлди:

Ташҳис: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Шифокор-ординатор (Ф.И.О., имзо):

---

ТУК раиси (Ф.И.О., имзо): \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси ФА тиббий муассасасининг мухри

Ўзбекистон Республикаси фукаро авиациясида

тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида хулоса

бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

8-илова

сурʼр ўрни  
3x4 см

# Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги

## хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги

### ФА ўқув юртига ўқишига кирувчи номзоднинг тиббий кўрикдан ўтказиш ВАРАҚАСИ

Фотосурат 3×4

1. Фамилияси, исми, отасининг исми (тўлик)		
2. Туғилган санаси	3. Миллати	
4. Мавзумоти		
5. Асосий кабси		
6. Доимий ишаш жойи (шахар, туман, вилоят)		
7. Жисмоний ва жарроҳлик текширувлар натижалари:		
8. Шикоятлари:		
9. Аниамез (ўтказган касалликлари, жароҳатлар ва операциялар):		
10. Бўйи	11. Бўйи ўтирган холда	
12. Кўл узуллиги	13. Оёк узуллиги	
14. Кўкрак кафасини айланаси тинч холда	нафас олганда	нафас чикаргандা
15. Стани куни	16. Динамометрия чап кўл	ўнг кўл
17. Сирометрия		
18. Лимфа тутгуллари		
19. Калконсимион без		
20. Тери коилимлари		
21. Овагтланниш: кучиз, коникарли, яхши (тагига чизинг)		
22. Мушак тизимининг ривожланишлари		
23. Суяклар, мушак тизими дефектлари, чурра, веналар варикоз кентайшини мавжудлиги ва бошталар		
24. Таносил аъзолари		
25. Анус ва йўтонич чиқач		
26. Ташхис:		
27. Санаси: жарроҳ хуносаси, Ф.И.О., имзо:		
28. Ички аъзолар текшируви натижалари:		
29. Шинкоятлари:		
30. Юрак чегаралари: юраги тоилари: пульс хусусияти		
31. Периферик томирлар:		
32. Функционал синовлар:		
33. Артериал кон босими:		
34. Эндокрин тизими:		
35. Ўпка перкуссия ва аускультацияси текширувлари:		
36. Ошқозон-ич тизими: иштагаси: тил: ич келиши:		
корени аускультацияси ва пальпацияси:		
37. Жигар:	38. Кораталок:	
39. Бурираклар:	сийдик чикариши:	
40. Кон текшируви № санаси мельёрда; ўзгаришлар бор бўлса кўрсатинг		
41. Сийдик текшируви № санаси мельёрда; ўзгаришлар бор бўлса кўрсатинг		
42. Кўкрак кафасини рентгени (флорографияси):		
43. ЭКГ ва кўшимча лаборатор текширувлар натижалари:		
44. Ташхис:		
45. Санаси: терапевт хуносаси, Ф.И.О., имзо:		
46. Асаб тизими текшируви натижалари: Шикоятлари: бош оғриғи, бош айланниши, ушдан кетиш, тутканок, кўп терлаш, серзардалик, уйку бузилишлари ва хоказо (мавжуд бўлса тагиги чизинг ва тавсифланг)		
47. Ирсий касалликлар		
48. Аниамез: а) болаликдаги невротик (невроз) аломатлар, тутканклар:		
б) жароҳатлар ва рухий жароҳатлар:		
в) ўтказган юкумли касалликлари саналари билан:		
г) ўтказган асаб касалликлари саналари билан:		
49. Вазомотор бузилишлар:		
50. Дермографизм (кизил, оқ, ўзгарувчан, шиш билан, уртикар) тургун:		
51. Ашнер симптоми	52. Пиломотор рефлекси	
53. Терлаш	54. Ковок титраши	55. Бармоқлар титраши
56. Оёк-кўллар: курук, нам, цианотик (тагига чизинг, тавсифланг)		
57. Психолог хуносаси:		
58. Марказий ва периферик нерв тизими: кўз корачиги.		
59. Чапок нервлари:	60. Хвостек симптоми:	
61. Харакатлантирувчи соҳа:		
62. Мушак кўзгалувчаниши:		
63. Рефлектор соҳалари: кўллар: ўнг: чап:	ахилла: ўнг: чап:	
тиза: ўнг: чап:	ахилла: ўнг: чап:	
паталогик:	64. Ромберг:	
65. Координация:	66. Тери рефлекслари:	
67. Периферик нервлар:		
68. Сезги соҳаси:		
69. Психологик текширувлар: Рухий ҳолати: а) эмоционал соҳа		
б) феъл-автори:		

**в) психофизиологик чидамлилик (тез чарчаш)**

70. Махсус текширувлаар: а) қасбий психологияк таизов: баллар йигинидиси  
 71. Қасбий психологияк фазилатлари (КПФ); Асаң психикасини түргүнлүгі (АПҮ); Асаң психикасини ўзгаруучанлығы (АПҮ): аникланмади; аникланмади (тагига чизилди); КПФ етуклик даражасини баҳолаш, мазкур мутахассисликка ўқинштишининг мұваффақиятлilikини прогности

I гурх КПФ – юкори, прогноз ижебий   
 II гурх КПФ – ўртача, прогноз наоцник   
 III гурх КПФ – паст, прогноз салбай

72. Психолог худосаси: Ўзбекистон Республикаси Авиация кондадари -70 га асосан \_\_\_\_\_ ўқишига  
 тавсия этилади; тавсия этилмайды, \_\_\_\_\_  
 сана \_\_\_\_\_ Психолог Ф.И.О., имзо: \_\_\_\_\_

73. Сана: \_\_\_\_\_ невролог худосаси, Ф.И.О., имзо: \_\_\_\_\_

**74. Лор-аъзолари текширувлари натижалари: шикоятлари ва лор-аъзоларни холати, нутки, Евстахиев найчасини ўтказиш көбилинти:**

75. Бурун йўли: чап томон: \_\_\_\_\_ ўнг томон: \_\_\_\_\_  
 хид биллиш (I, II, III, IV даражалар): чап томон: \_\_\_\_\_  
 ўнг томон: \_\_\_\_\_

76. Акустическая импедансометрия (тимпанометрия): "A", "C", "B", "D", "E" типлари \_\_\_\_\_

77. Барофоникация (даражаларда):  
 БФ 1, 2, 3, 4 дар. 1 дар - оддий ютининда ЕН ўтказиш коб. БФ 1, 2, 3, 4 дар.  
 2 дар - Тоййиб синовида ЕН ўтказиш коб.  
 3 дар - Вальсальва синовида ЕН ўтказиш коб.  
 4 дар - Вальсальва синовида ЕН ўтказиш коб. йўклиги

78. Эшитин ўтқирлини:  
 Айланнишга карши иллюзияни хис килиш давомийлилк  
 Нистагимга карши давомийлилк  
 Ўнгта айлантиришдан сўнг \_\_\_\_\_ Чапта айлантиришдан сўнг \_\_\_\_\_  
 0, I, II, III даражалар  
 Вегетатив реакция: а) юрак уринини тезлашуви  
 рагнини оқариши  
 тер чиқини  
 б) кўнгил айнаш  
 кайт килиш  
 а) юрак уринини тезлашуви  
 рагнини оқариши  
 кайт килиш

80. Овоз характеристи  
 81. Кўшимча текширувлар (бурун ёндош бўшликлари рентгенографияси ва бошкалар): \_\_\_\_\_

82. Ташхис:  
 83. Сана: \_\_\_\_\_ оториноларинголог худосаси, Ф.И.О., имзо: \_\_\_\_\_

**84. Кўриш аъзолари текширувлари натижалари: шикоятлари ва кўриш аъзоларни холати:**

85. Ранг эжратини (Раббин жадвали, ХФАТ (ICAO) стандартлари асосидаги полихроматик жадваллар, зарурятта қараб аномалоскоп текшируви):

86. Кўриш ўтқирлиги: коррекциясиз: чап кўз: \_\_\_\_\_ ўнг кўз: \_\_\_\_\_  
 87. Кўриш ўтқирлиги: коррекция билан: чап кўз: \_\_\_\_\_ ўнг кўз: \_\_\_\_\_  
 88. Рефракция (снаископия): чап кўз: \_\_\_\_\_ ўнг кўз: \_\_\_\_\_  
 89. Тунти кўриши:  
 90. Кўз корачиқари: чап кўз: \_\_\_\_\_ ўнг кўз: \_\_\_\_\_ Ковоқлар: чап: \_\_\_\_\_ ўнг: \_\_\_\_\_  
 Кўз корачиқаранин рефлектор реакцияни  
 Конъюктива:  
 Муғуз парда: чап кўз: \_\_\_\_\_ ўнг кўз: \_\_\_\_\_ Кўз ёш аппарати: чап кўз: \_\_\_\_\_ ўнг кўз: \_\_\_\_\_  
 91. Аник гипералип (гетеротропия): ҳамкор: \_\_\_\_\_ паралитик: \_\_\_\_\_  
 Мэдлок шакласи бўйича: яқиндан: горизонтал вертикаль;  
 узоддан: горизонтал вертикаль;  
 Йўналтириш харакати: яқиндан: горизонтал вертикаль;  
 узоддан: горизонтал вертикаль;  
 Кўз олмасининг характерчалигини: чап кўз: \_\_\_\_\_ ўнг кўз: \_\_\_\_\_  
 Биргаликда харакатда конвергенция якни нуктаси бирлашган (ассоцияланган)  
 92. Яккош кўришининг тургумлини: етакчи кўз: \_\_\_\_\_  
 93. Кўриш майдони: периметрия, объект-5мм: чап кўз: \_\_\_\_\_ ўнг кўз: \_\_\_\_\_  
 94. Кўз туби: чап кўз: \_\_\_\_\_ ўнг кўз: \_\_\_\_\_  
 95. Бинокуляр кўриши:  
 96. Стереоскопик кўриши (фазони идрок килиш).  
 97. Кўшимча текширувлар.

98. Ташхис:  
 99. Сана: \_\_\_\_\_ офтальмолог худосаси, Ф.И.О., имзо: \_\_\_\_\_

**100. Тишлар ва оғиз бўшлигини текширув натижалари: шикоятлари ва анамнез:**

Тишлам (тиш кисини): \_\_\_\_\_ Милклар: \_\_\_\_\_  
 Оғизининг бўшлигининг шиллик қавати  
 101. Тишлар  
 102. Ташхис:  
 Сана: \_\_\_\_\_ стоматолог Ф.И.О., имзо: \_\_\_\_\_

103. Тери-тапосиул текширув натижалари:

104. Ташхис:  
 Сана: \_\_\_\_\_ дерматовенеролог Ф.И.О., имзо: \_\_\_\_\_

105. Ташхис (асосийидан бошлаб):  
 Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида номоздларга тиббий хулоса берни тўтрасидаги авиация кондадарининг IV устун \_\_\_\_\_ - моддасига асосан \_\_\_\_\_ ФА ўкува юртида ўқишия ярокли (арксиз).  
 (мутахассислик кўрсатилсан)

Сана: \_\_\_\_\_ Комиссия раиси, Ф.И.О., имзо: \_\_\_\_\_  
 М.У.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида

тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида хulosса

бериш тўғрисидаги авиаация қоидаларига

9-илова

Тиббий учиш комиссиясининг  
БАЁННОМАЛАР ЖУРНАЛИ

20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ -сонли ТУК (ваколатли органнинг тиббий эксперклари) мажлисининг  
баённомаси

Раис: \_\_\_\_\_ Аъзолар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

№ т/р	Ф.И.О.	Туг. йили	Лавозими, ишлаш жойи, умумий учиш вақти (соат)	Кўрикдан ўтиш сабаби	Шикоятлари, клиник ташхис	Тиббий хulosса, даволаш — профилактика чора- тадбирлари	
1	2	3	4	5	6	7	8

Раис: \_\_\_\_\_  
(имзо)  
Аъзолар: \_\_\_\_\_(имзо)

М.Ў.

Изоҳ:

1. ФА ўкув юртларига ўқишига кираётган номзодларга алохида баённомалар журнали юритилади ва 4 устунда ўкув юртининг номи кўрсатилади.
2. Баённомалар рақами ҳар йили 01.01. дан юритилади, 1 устунда тартиб рақами каср ҳолда кўрсатилади: суратида йил бошидан бошланган рақам, маҳражида ҳар кунги комиссиядан ўтишдаги кўрик рақами.
3. 7 устунда комиссия аъзоларининг даволаш — профилактика чора-тадбирларига тегишли белгилаган кўрсатма, тавсиялар, шифокор назоратлари ва бошқалар қайд этилади.
4. Журналнинг варақлари рақамланади, журнал комиссия раисида ХДФУ хужжат сифатида сақланади.
5. Баённомалар журнали 10 йил сақланади, ўкув юртларига кираётган номзодларники эса -3 йил.
6. Ваколатли органнинг тиббий эксперклар баённома журналига 8 устун қўшилади, унда тиббий хulosса, даволаш — профилактика чора-тадбирларига тегишли маълумотлар қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида

тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида хуроса

бериш тўғрисидаги авиаация қоидаларига

10-илова

\_\_\_\_\_ - соли КАСАЛЛИК ҲАҚИДА ГУВОХНОМА

20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ тиббий учиш комиссияси томонидан  
(ТУКнинг тўлиқ номи)

Ф.И.О. \_\_\_\_\_ кўриқдан ўтди

(тўлиқ ёзилади)

Туғилган йили \_\_\_\_\_ ФА авиакорхонаси \_\_\_\_\_

Лавозими \_\_\_\_\_ Ҳаво кемаси тури \_\_\_\_\_ умумий учган вақти \_\_\_\_\_

Доимий яшаш манзили \_\_\_\_\_

Қачондан бери ФАда \_\_\_\_\_

Қачон ва қайси ФА ўқув юртини тугатган \_\_\_\_\_  
Аввалги ТУК хуросаси ва кўрик санаси \_\_\_\_\_

Бўйи \_\_\_\_\_ Тана вазни \_\_\_\_\_ Кўкрак айланаси \_\_\_\_\_

Шикоятлар \_\_\_\_\_

Анамнез  
(қандай шароитда ва қачон мазкур жароҳат ёки касаллик орттирилганлиги кўрсатилсин)  
Ўтказган касаллуклари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ даволашда (текширувда) бўлган  
(даволаш муассасаси ва унда бўлган муддати кўрсатилсин)

Кўлланилган даволаш чора-тадбирлари \_\_\_\_\_

Комисси оралиги даврида санаторийда даволанганилиги \_\_\_\_\_

(қаерда, қачон ва даволаниш натижалари кўрсатилсин)

Комиссия оралиги даврида меҳнатга лаёкатсизлик ва рақасида бўлган

(касаллик ёки

жароҳат ташҳиси ва кунлари сони кўрсатилсин)

Объектив текширув маълумотлари (барча аъзолар ва тизимлар бўйича) \_\_\_\_\_

(авиаходимни кўрикдан ўтишида яроклилик даражасини ўзгартирган шифокор томонидан тўлдирилади)

Тахлилий, ускунавий, рентгенологик ва бошқа текширувлар натижалари \_\_\_\_\_

Асосий ва ёндош ташҳис (асослаш лозим) \_\_\_\_\_

Тиббий учиш комиссиянинг хуносаси:

“Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида номзодларга тиббий хулоса бериш тўғрисидаги авиация коидалари”нинг \_\_\_\_\_ моддаси \_\_\_\_\_ устуни асосида

(ТУК хуносаси тўлиқ кўрсатилсин)

ТУКнинг даволаш-профилактика ва бошқа тавсиялари \_\_\_\_\_

М.Ў.

ФА ТУК раиси \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. имзо)

Ваколатли органинг манзили \_\_\_\_\_

Ваколатли органинг тиббий эксперtlари хуносаси ва тавсиялари: \_\_\_\_\_

М.Ў.

Ваколатли органинг тиббий эксперти  
(Ф.И.О. имзо)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида

тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида хулоса

бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

11-илова

\_\_\_\_\_ - сонли тиббий кўрик ҳақидаги

#### ТУК МАЪЛУМОТНОМАСИ

Берилди \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., туғилган йили)

Ўзбекистон Республикаси 67-АҚнинг Соғлиқ ҳолатига қўйилган тиббий талабларнинг \_\_\_\_\_ моддаларига тўғри  
келмаганлиги сабабли унга тиббий хулоса бериш рад этилди.

Ташхис: \_\_\_\_\_

Тавсиялар: \_\_\_\_\_

Қайта кўриқдан ўтиш тавсия этилади (этимайди)  
Маълумотнома берилган сана 20 \_\_\_\_ й. “\_\_\_\_”  
ФА ТУК раиси \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., имзо)  
ФА ТУК мухри

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида

тиббий кўриқдан ўтганлиги хақида хulosса

бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

12-илова

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги  
хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги

ходимлар  
(авиакорхона номи) бўлимига

“Тиббий хulosса” бериш рад этилганлиги тўғрисида  
№ \_\_\_\_\_ ХАБАРНОМА

Фуқаро \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

ЎЗР АҚ-67 ни \_\_\_\_\_ моддаси бўйича \_\_\_\_\_ га яроқсиз деб  
(касби)  
топилгани сабабли “Тиббий хulosса” бериш рад этилди.

Тавсиялар: қайта кўриқдан ўтиш тавсия этилмайди; \_\_\_\_\_ кейин қайта кўриқдан  
ўтиш тавсия этилади. (кераксизи ўчирилсин) (сана ой, йил)

20 \_\_\_\_ й “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_.

(Ваколатли  
органнинг тиббий эксперти: Ф.И.О., имзо)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида хуносা  
бериш тўғрисидаги авиаация қоидаларига

13-илова

**Ваколатли органинг**

**Авиация тиббиёти бўлумига**

**тақдим этиш учун**

Авиаходимлар орасида ўлим ёки тўсатдан иш қобилиятини йўқотиш  
холатларини таҳлил қилиш учун  
сўровнома

1. Авиаходим Ф.И.О.\_\_\_\_\_

2. Түгилган санаси \_\_\_\_\_ 3. Оилавий ҳолати: оиласы; ажрашган; ёлғиз.

4. Мансаби: командир; 2-учувчи; штурман; бортинженер; учувчи-инструктор; бортрадист; бортмеханик; ХХБ диспетчери, бортоператор; борткузатувчи; планерчи.

5. Ҳаво кемаси тури \_\_\_\_\_ 6. Мехнат  
стажи \_\_\_\_\_

7. Учувчини класси \_\_\_\_\_ 8. Умумий учиш  
соати \_\_\_\_\_

9. Мазкур турдаги ҳаво кемасида учган соати \_\_\_\_\_

10. Ҳолат содир бўлган сана \_\_\_\_\_

11. Касаллик (касалланиш)нинг илк белгилари пайдо бўлган жой: аэропортда; аэропортдан ташқарида; учиш (парвоз, иш) вақтида; учиш (парвоз, иш)дан кейин, ноаник.

12. Ҳолат бўйича кимга, қачон, қаерда ва ким орқали маълумот берилган \_\_\_\_\_

13. Ҳолат бўйича худудий тиббий муассасага мурожат қилинганми \_\_\_\_\_

14. Ҳолат якуни: қисқа муддатли иш қобилиятини йўқотиш (1 суткагача); узоқ муддатли иш қобилиятини йўқотиш (1 суткадан кўп); ўлим.

15. Ҳолат якуни содир бўлган жой: ҳаво кемасида, тиббий пунктда; бошқа жой (кўрсатинг)

16. Ҳолатни ҳаво хавфсизлигига таъсири: таъсири йўқ; аэродромга мажбурий қўниш; аэродромдан ташқарига мажбурий қўниш; авария; катастрофа.

17. Охирги йил давомида тиббий муассаса шифокори (поликлиника, МСК ва ҳоказо) қабулида бўлгани \_\_\_\_\_

18. Анамнезига оид ўтказган касалликлари, операция, жароҳатлар ва ҳоказо: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

19. Охирги учишдан (навбатчиликдан) олдинги тиббий кўрик (старт тиббий пунктида) \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

20. Иш қобилияти йўқолишининг ёки ўлимнинг бевосита сабаблари (таксим қилинаётганлари + белгиси билан белгиланади, бошқа сабаблар бўлса бўш устунда кўрсатилади).

Инфекциялар		Кон кетиши	
Интоксикация		Жароҳатлар	
Юрак қон-томир етишмовчилиги		Овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолиятини бузилиши	
Нафас фаолиятини бузилиши			
Мияда қон айланишини бузилиши			

21. Охирги 3 йил давомида тиббий кўрикдан ўтиш натижалари ҳақида маълумотлар:

Йил	20 й.	20 й.	20 й.
Тана вазни			
Бўйи			
Қон босими			
Юрак кисқаришлари сони			
ЭКГ хулосаси			
Терапевт			
Невролог			
Жарроҳ			
Офтальмолог			
Оториноларинголог			
Психолог			

Тиббий күрик санаси, ташхис, тавсиялар			
---	--	--	--

22. Касалликни (касалланишни) хуруж давридаги клиник белгилари (тиббий ходимлар, экипаж аъзолари, касбдошлар ёки ўзини маълумотлари асосида). (+ белгиси билан белгиланади, бошқа сабаблар бўш устунларда кўрсатилади):

Кескин ҳолсизлик	Бачадондан қон кетиши	
Бош айланиши	Гавдани мажбурий (ноилож) ҳолати	
Оғриқ	Гемипарез	
Сўлак оқиши	Тутқаноқ	
Кўнгил айнаши	Ён - атрофнинг дезориентацияси	
Қайт қилиш	Асабларнинг кўзғалиши	
Ич кетиши	Хушдан кетиши	
Тез-тез сийиш	Эштишни йўқолиши (пасайиши)	
Бетўхтов йўтал	Кўришни йўқолиши (пасайиши)	
Безгак ҳолати		
Нафас сиқиши (бўғилиш)		
Гематурия		
Қон туфлаш		

23. Тўсатдан иш қобилиятини йўқотишга олиб келган касалликни (касалланишни) текширувидан ёки даволашдан кейинги **якуний ташхис:** \_\_\_\_\_

---



---



---



---

24. Паталогоанатом ёки суд-тиббиёт экспертизаси хulosаси (ўликни ёриб қўришга доир (секцион) маълумотлар билан бирга): \_\_\_\_\_

---



---



---



---



---



---



---



---

Сана \_\_\_\_\_ Биритирилган шифокор (Ф.И.О., имзо) \_\_\_\_\_

25. Ўлим ёки тўсатдан иш қобилиятини йўқотиш ҳолатини таҳлили бўйича ТУК баённомаси:

---

---

---

ТУК  
хулосаси:

---

---

М.Ў. Сана \_\_\_\_\_ ТУК раиси (Ф.И.О., имзо) \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида хулоса  
бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

14-илова

**Ваколатли органнинг**  
**Авиация тиббиёти бўлимига**  
**тақдим этиш учун**

сана \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий хулоса олишга номзодларни тиббий  
кўрикдан ўтказиш натижалари ҳақида \_\_\_\_\_ йил учун

## ТУК ҲИСОБОТИ

### I қисм. ФА ўқув юртлари номзодлари ва курсантлари

Номи	Кўрикдан ўтиши керак	Кўрикдан ўтишни якунлади	Улардан:			
			яроқли		яроқсиз	
	ҳаммаси	шу билан бирга-соғлом		ҳаммаси	шу билан бирга-вақтинчалик	
ўқишга номзодлар						
1 курс						
2-4 курс						

### II қисм. Авиаходимлар

Ёши бўйича гурухлар	Кўрикдан ўтиши керак	Кўрикдан ўтишни якунлади	Улардан:				соғломлаштириш
			яроқли		яроқсиз		
	ҳаммаси	шу билан бирга-соғлом		ҳаммаси	шу билан бирга-вақтинчалик		
29 ёшгача							
30-39 ёш							
40-49 ёш							
50-59 ёш							
60-65 ёш							
жами							

Комиссия раиси (Ф.И.О., имзо) \_\_\_\_\_ сана: \_\_\_\_\_

Бажарувчи (Ф.И.О., телефон рақами): \_\_\_\_\_

Изоҳ: ҳисобот ҳар бир авиакомпания ва таркиб учун (масалан ФА ўқув юртларида учувчиликка ўқишга номзодлар ва учувчилар таркиби учун; ФА ўқув юртларида ҲҲБ диспетчерликка ўқишга номзодлар ва ҲҲБ диспетчерлари учун ва ҳоказо) алоҳида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида

тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида хулоса

бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

15-илова

**20 йилда ФА авиаходимларига комиссия оралиги даврида ўтказилган тиббий кузатув натижалари**

**бўйича**

**ХИСОБОТ**

Учувчилар отряди (ХХБ диспетчерлар, борткузатувчилар  
хизмати) Биринчирилга шифокор  
Ф.И.О.

(керагини тагига чизинг) Улардаги жами касалликлар (ХКК- А00-Т98

Жами шахслар шифри бўйича)

т/ р	Класслар ва касалликларнинг номи	ХКК -Х- шифри	Хисобот йили бошлангун- га қадар ДК бўлган	Хисобот даврида					Хисобот йили охирида ДК бўлган	Улардан аёллар
				ДК олинди		ДН чиқарилди				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1.	Баъзи бир юқумли ва паразитар касалликлар	A00-B99								
2.	Ўスマлар, улардан: хавфсизи	C00-D48 D10-D36								
3.	Эндокрин тизими касалликлари, овқатланишнинг бузилиши, модда алмашинувини бузилиши, улардан: тиреотоксикоз кандли диабет	E00-E90 E05 E10-E14								
4.	Асад тизими касалликлари, улардан: эпилепсия периферик асад тизими касалликлари	G00-G99 G 40-41 G50-73								
5.	Кўз ва унинг ёндош аппарати касалликлари, улардан: глаукома узокни кўра олмаслик	H00-H59 H40-H42 H52.1								
6.	Кулоқ ва сўргичсимон ўсимта касалликлари.	H60-H95								
7.	Қон айланиш тизими касалликлари, улардан: қон босими кўтарилиши билан касалликлар цереброваскуляр касалликлар	I00-I99 I10-I13 I60- I69								
8.	Нафас олиш аъзолари касалликлари, улардан: сурункали фарингит, назофарингит, ринит, синусит сурункали бодомсимон белзлар, аденоидлар касалликлари, перитонзилляр абсцесси аллергик ринит сурункали ва аниқланмаган бронхит	J00-J99 J31-J32 J35 J30 J40 — 43								

9.	Овқат ҳазм қилиш аъзолари касаллклари, улардан: ошқозон ва 12-бармоқ ичак яра касаллиги гастрит, дуоденит сурункали гепатит ўт пулфагини тош касаллиги ўт пулфаги ва ўт чиқариш йўллари касаллклари	K00-K93 K25-26 K29 K73 K80 K81 — 83						
10.	Сийдик таносил тизими касаллклари, улардан: гломеруляр, тубулоинтерстициал ва бошка буйрак ва сийдик йўллари касаллклари; буйрак тош касаллиги; простата бези касаллклари; сальпингит, оофорит эндометриоз; бачадон эрозияси ва эктропиони; хайз кўришни бузилиши	N00- N99 N00-N16 N25 - 28 N20 - 23 N40 - 42 N70 N80 N86 N91- 94						
11.	Хомилдорлик, туғиш, туғишидан кейинги давр	O00-O99						
12.	Тери ва тери ости ёғ қатлами касаллклари	L00-L99						
13.	Суяк-мушак тизими ва биринтирувчи тўқима касаллклари	M00-M99						
14.	Жароҳатлар, заҳарланишлар ва ташки сабаблар таъсиридаги баъзи бир оқибатлар	S00-T98						
15.	Бошка касаллклар (Х -ХКК мувоғиқ кўрсатилсин)							
16.								

Ҳисоботга илова қилинади:

1. 30 кундан ортиқ бўлган вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган шахслар рўйхати (Ф.И.О., туғилган санаси, ташҳис, меҳнатга лаёқатсиз бўлган кунларининг умумий сони). 2. 55 ёшдан катта бўлган шахслар рўйхати. 3. Ўтказилган даволаш-соғломлаштириш тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар (соғломлаштириш тури, ҳар бир тур бўйича шахслар сони). 4. Ҳисобот даврида ишга яроқсиз деб топилган шахслар рўйхати (Ф.И.О., лавозим, «яроқсиз» деб топилган ташҳис, модда кўрсатилсин).

5. Ҳисобот йилида ўлган шахслар рўйхати (Ф.И.О., туғилган санаси, лавозими, ўлим санаси, тиббий -суд экспертизаси хulosаси, ўлим сабаби.

Ўзбекистон Республикаси фукаро авиациясида

тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида хулоса

бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

16-Илова

**ТУК аъзолари (шифокор – мутахассислар) хоналарини жиҳозлаш учун керакли  
тиббий техника ва тиббий буюмлар**

1. Терапевт хонаси учун: сфигмоманометр (тонометр), стетофонендоскоп, шпателлар (бир марталик), термометрлар, тиббий күшетка.

2. Жарроҳ хонаси учун: бўй ўлчагич, тиббий тарози, қўл ва оёқ кучини ўлчовчи динамометрлар, сантиметрли ўлчов тасмаси, бурчак ўлчагич, стетофонендоскоп, негатаскоп, спирометр, жарроҳлик қўлқоплари, тиббий күшетка, сфигмомонометр.

3. Невролог хонаси учун: сфигмоманометр (тонометр), стетофонендоскоп, секундомер, неврологик текширув учун болғача, тиббий күшетка.

4. Оториноларинголог хонаси учун: эгилувчан штативли стол чироғи, вестибуляр анализаторни текшириш учун айланадиган кресло (Барани креслоси), аудиометр бланклари билан, пешона рефлектори, тил учун шпателлар (бир марталик), қулоқ воронкалари, бурун ойналари, отоскоплар, Жанне шприцлари, қовурғасимон эгик қулоқ пинцетлари, анатомик пинцетлар, буйраксимон лотоклар, катта йигилувчи лупа, камертонлар йифмаси, тиббий күшетка.

5. Офтальмолог хонаси учун: жадвални ёритиш учун ускуна (Рота), Головин — Сивцев жадваллари, Рабкиннинг полихроматик жадвали (8, 9 - нашрлар), оптик ойналар тўплами, рефрактометр, скиаскопик чизгич, офтальмоскоп (ойнали), электрик офтальмоскоп, шарли периметр (стол периметри ёритгичи билан), бинокуляр кўришни аниқлаш учун асбоб (цветотест ПБИ-1, синоптофер каби), тунги кўриш ўткирлиги ва қоронгиликка мослашувчанликни аниқлаш учун асбоб, эгилувчан штативли стол лампаси,

тирқишли чироқ трансформатор билан, Маклаков тонометри, гониоскоп, Меддокс шкаласи, экзофталмометр, аккомодограф, кўз ёш йўлларини ювиш учун тўплам, кампиметр, тиббий күшетка, аномалоскоп.

6. Психолог хонаси учун: секундомер, “Абитуриент” аппарати, тестлар (бланклар) тўплами, компьютерлар ва психологик текширув учун автоматлаштирилган дастурлар тўплами.

7. Кўрик ўтказища фойдаланиладиган қўшимча тиббий техника ва тиббий буюмлар билан таъминлаш заруриятга қараб амалга оширилади. Замонавий талабларга жавоб бермайдиган, эскирган, яроксиз ҳолга келган тиббий техника ва тиббий буюмлар мукамаллаштирилган, замонавийларига алмаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида хулоса  
бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

17-илова

### **Тиббий кўрик ўтказиш учун текширувлар ҳажми**

**1. Терапевт текширувида:** оғиз бўшлиғи, ҳалқум, тери қопламлари, кўринарли шиллик қаватлар, лимфа тугунлари ва қалконсимон без, ёшга оид умумий кўрининиши, ҳамда нафас олиш, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш ва сийдик ажратиш органлари текширувлари ўтказилади ва уларнинг функционал имкониятлари (қобилияти) аниқланади ва баҳоланади.

**2. Жарроҳ текширувида:** тана тузилиши, мушаклар ва тери ости ёғ қатламларини ривожланиши, қомати, юриши текширилади. Тери, лимфа тугунлари, периферик томирлар, суяклар, қалконсимон без, сут бези, бўғимлар, қорин бўшлиғи органлари, ташки жинсий аъзолар ва орқа чиқарув тешиги соҳаларининг ҳолатлари синчилаб текшириб, баҳоланади. Тўғри ичак ва простата безларининг бармоқ ёрдамида текшируви 30 ёшдан бошлаб ўтказилади. Антропометрия (бўйи, тана вазни, кўкрак айланаси, қўл динамометрияси, спирометрия) кўрсаткичлари аниқланади.

**3. Невролог текширувида:** ташки кўриқда - тери чандиклари, атрофия, фибрилляр ва фасцикуляр титрашлар текширилади.

Чаноқ — мия нервлари, ҳаракатлантирувчи, рефлектор ва сезувчанлик соҳалари, статика ва координация, вегетатив-нерв тизими (дермографизм, акроцианоз, гипергидроз, трепор, ортоклиностатик синов), эмоционал-рухий ҳолатлари текширувлари ўтказилади ва баҳоланади.

**4. Оториноларинголог текширувида:** ташки кўриқ, эндоскопия, олдинги ва ортки риноскопия, отоскопия, фарингоскопия, ларингоскопия, қулоқ барофункцияси текширувлари

үтказилади, бурун орқали нафас олиш ва ҳид сезиш аниқланади. Вестибулометрия (статокинетик чидамлиликни аниқлаш) Кориолис тезланишини узлуксиз кумуляцияси усулибиди 3 дақиқа давомида ёки Кориолис тезланишини узлукли кумуляцияси усулибиди

2 дақиқа давомида үтказилади. Вестибулометрия ФА ўқув юртларига ўқишига кираётган барча номзодларга үтказилади (диспетчерликка ўқишига номзодлар бундан мустасно); учувчилар таркиби ва борткузатувчиларга тиббий кўрсатмалар мавжудлигига үтказилади.

Соф тонал аудиометриядаги 125 – 8000 Гц диапазондаги частоталар қўлланилади, тиббий кўрик китобчага фақат 500, 1000, 2000 и 3000 Гц частота натижаларига тегишли маълумотлар киритилади. Тонал аудиометрия: ФА ўқув юртларига ўқишига кираётган барча номзодларга; ФА ўқув юртларининг учувчилар таркибига киравчи битирувчиларига; 1 класс номзодларга - ҳар 5 йилда, 40 ёшга тўлганда ҳар 2 йилда, эшитиш қобилиятини бузилиши билан ташхис қўйилганда йилда 1 марта үтказилади; 2 класс номзодларга - 50 ёшга тўлганда ҳар 2 йилда; 3 класс номзодларга ҳар 4 йилда, 40 ёшга тўлганда ҳар 2 йилда үтказилади.

Шивирлаш ва сўзлашув нутқи ёрдамида үтказиладиган текширув хонасида ташки шовқин 35 дБ (A) дан паст бўлиши лозим. Эшитишни текшириш мақсадида үтказиладиган ўртача сўзлаётганни пастки лабидан 1 м оралиқда овоз интенсивлиги 60 дБ(A), шивирлашда - 45 дБ(A)ни ташкил қиласи, 2 м оралиқда овоз интенсивлиги 6 дБ(A)га паст.

**5. Офтальмолог текширувида:** кўриш ўткирлиги, рангли кўриш, бинокуляр кўриш, тунда кўриш, конвергенциянинг энг яқин нуқтаси, аниқ кўришнинг энг яқин нуқтаси, кўриш аъзосининг анатомик ҳолати ҳамда скиоскопия ёки рефрактометрия натижалари аниқланади. Кўриш ўткирлиги текшириледиган хона ёруғлиги  $30\text{-}60 \text{ кд}/\text{м}^2$  бўлиши лозим.

Кўз ички босими, 1 ва 3 класс номзодлари 40 ёшга тўлганда ҳар 3 йилда 1 марта, 50 ёшга тўлганда 2 йилда 1 марта; 2 класс номзодларига 40 ёшда ва 50 ёшда 1 марта, ҳамда тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда ўлчанади. Кўз ички босими текшируви үтказилган номзодлар бир кун мобайнида ишдан ва бошқа текширувлардан озод қилинади.

**6. Психологик текширувлар:** ФА ўқув юртларига ўқишига қабул қилинаётган барча номзодларга; ишга қабул қилинаётган ХХБ диспетчер ва учувчи таркибидагиларга, кейинчалик 50 ёшда, 55 ёшдан кейин ҳар 2 йилда; бош диспетчер, парвозлар раҳбари, учувчи-инструктор, ҳаво кемаси командири лавозимларига кўрсатилганда, ҳамда тиббий кўрсатмалар бўйича үтказилади.

Кўз қорачиғини кенгайтирувчи препаратлар томизилгандан кейин 3 кун ўтиб психологик текширув үтказилади.

**7. Стоматологик текширувда:** тишлар, милклар ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг ҳолати, тишлар жисслиги, тиш формуласи, қоплама тишлар, ясама тишлар ёки сунъий милклар мавжудлиги текширилди.

**8. Дерматовенеролог кўриги:** ФА ўқув юртларида борткузатувчиликка ўқишига қабул қилинаётган номзодларга; борткузатувчиларга йилда 2 марта үтказилади

**9. Гинеколог кўриги** барча аёл авиаходимларга йилда 2 марта үтказилади.

**10. Лаборатор-функционал текширувлар:**

а) барча номзодлар учун: кенгайтирилган умумий қон таҳлили, умумий пешоб таҳлили, қондаги қанд микдори текширувлари;

б) заҳарли химикатлар билан АКИ бажараётган учувчилар таркиби учун: билирубин ва унинг фракциялари, АСТ, АЛТ, ГГТП, ИФ ферментлари таҳлили;

- в) аёллар учун: йилда 1 марта мазок (суртма)нинг цитологик текшируви;
- г) барча номзодлар тиббий кўрикдан ўтишдан аввал қоннинг ОИВ га текширувни ўтади;
- д) ФА ўкув юртларида борткузатувчиликка ўқишга номзодлар ва борткузатувчилар учун: қоннинг RW (Вассерман реакцияси) таҳлили ва нажаснинг ичак инфекциялари ҳамда гельминтларга текшируви йилда 1 марта ўтказилади;

#### **11. Рентгенологик текширувлар:**

- а) кўкрак қафасининг рентгенографияси ФА ўкув юртларида ўқишга қабул қилинаётган барча номзодларга ўтказилади;
- б) йирик кадрли флюорография: авиаходимларга 4 йилда 1 марта, борткузатувчиларга йилда 1 марта ўтказилади;
- в) бурун ёндош бўшлиқларини рентгенографияси ФА ўкув юртларига учувчиликка, штурманликка, бортмуҳандисликка, борткузатувчиликка ўқишга қабул қилинаётган номзодларга ўтказилади.

**12. Электроэнцефалография** ФА ўкув юртларида ўқишга қабул қилинаётган барча номзодларга ўтказилади. Учувчи таркиби ва ХХБ диспетчерларига 50 ёшга тўлганда ва 55 ёшга тўлганидан бошлаб ҳар 3 йилда 1 марта ўтказилади.

**13. Бош ва бўйин артерияларни ультратовуш диагностикаси, эхокардиография ва ректороманоскопия** асослантирилган тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда ўтказилади.

#### **14. Электрокардиография:**

- а) ФА ўкув юртларида ўқишга қабул қилинаётган барча номзодларга;
- б) учувчилар таркибига йилда 1 марта;
- в) ХХБ диспетчерларига навбатдаги тиббий кўрикдан ўтишда;
- г) ФА ўкув юртлари курсантларига, борткузатувчилар, бортоператорлар, эркин аэростат учувчилари, ҳаваскор - учувчилар, учувчи-планеристлар, ўта енгил учиш аппаратларининг учувчиларига 4 йилда 1 марта ўтказилади.

#### **15. Тредмилтест:**

- а) учувчиларга (самолет, вертолет) учувчилик ишига тикланаётганда;
- б) асослантирилган тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда ўтказилади.

Брюс стандарт югуриш йўлакчасидан фойдаланиш Протоколи

Этап	1	2	3	4	5	6	7
миль/с	1,7	2,5	3,4	4,2	5,0	5,5	6,0
%	10,0	12,0	14,0	16,0	18,0	20,0	22,0

Тест натижаларини тўғри талқин қилиш зарур. 60 м/с да J нуқтасидан кейин S тишласи ST сегменти билан кесишадиган жойда ўлчанадиган ST сегментини пасайиши ёки кўтарилиши муҳим аҳамиятга эга. ST сегменти тинч ҳолатда ва жисмоний зўриқишининг илк этапида, ёзиш пайтида ва айниқса тикланишнинг илк этапида дикқат билан ўрганилиши керак – ЭКГ нинг тикланиш этапи 10 мин. давомида ёзиб борилади. ST сегментини 2 мм.га горизонтал пасайишига ҳар доим ҳам “мусбат натижа”, яъни коронар артериялар касаллиги бор деб қараш тўғри эмас, ушбу касаллик мавжуд бўлмаслиги мумкин. Ёзувни талқин

қилишда кўпроқ юришнинг давом этиш муддатига, агар мавжуд бўлса симптомларга, ўзгаришлар характерига эътибор қаратилади (батафсил маълумотлар ЎзР АҚ - 69 ва “Авиация тиббиёти қўлланмаси” DOC 8984да берилган).

16. **Глюкозотолерантли тест** юрак қон-томир касалликларида, семизликда, қондаги қанд миқдорини кўтарилишида ва бошқа тиббий кўрсатмалар мавжудлигида эндокринолог томонидан белгиланади.

17. **Ортостатик синов** юрак қон – томир ва асаб системалари ҳолатини диагностикасида, юрак фаолиятини регуляциясидаги бузилишларни аниқлашда қўлланилади. Тиббий кўрсатмалар бўйича (гавда ҳолатини кескин ўзгаришида ёки қон босимининг пасайиб кетишида физиологик бузилишлар, бош айланиши ва хушдан кетиш ҳолатлари мавжудлигини аниқлаш) ўтказилади.

18. 3 йилда 1 марта кўйидаги текширувлар учувчи таркибига (самолет, вертолет) 45 ёшга тўлганда, бортоператор, борткузатувчи, ҲҲБ диспетчери, учувчи-планеристлар 50 ёшга тўлганда, ҳамда ФА ўқув юртларида ўқишига қабул қилинаётган номзодларга ўтказилади:

а) умумий оқсил ва билирубин фракциялари билан, холестерин, альфа-холестерин, триглицеридлар, С-реактив оқсил, АСТ, АЛТ ферментлар;

б) эзофагогастродуоденоскопияси (ЭФГДС) ёки ошқозон ва 12-бармоқли ичак рентгеноскопияси;

в) жигар, ўт пуфак, ошқозон ости бези, қора талоқ, буйракларнинг ультратовуш текширувлари.

19. Маммография аёлларга 40 ёшдан кейин 2 йилда бир марта, ҳамда тиббий кўрсатмаларга асосан ўтказилади.

20. Номзодларнинг гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилганилигини, ҳамда уларнинг метаболитлари мавжудлигини аниқлаш мақсадидаги тиббий кўрик ва скрининг – тест (биокимёвий тахлил) тиббий кўрсатмалар (масалан, наркотик мастликнинг белгилари аникланганда ва хоказо) ёки асосли гумон мавжудлигида ҳамда ишга қабул қилишда (танлаб) ўтказилади.

Мазкур текширув, авиаходим соғлиги билан боғлик авиация ҳодисасида (инцидентида) авиация ҳодисасини (инцидентини) текшириш бўйича авиация тиббиёти йўналиши комиссияси томонидан ҳам ўтказилади.

21. Тиббий кўрсатмалар асосида номзодларга қўшимча текширувлар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида холоса  
бериш түғрисидаги авиация қоидаларига

18-илова

Аэропорт: \_\_\_\_\_

Ташкилот: \_\_\_\_\_

Тузилмавий бўлинма: \_\_\_\_\_

**Фуқаро ҳаво кемаси экипаж аъзоларининг учишдан олдинги (кейинги)  
тиббий кўриқдан ўтказиш**

**ЖУРНАЛИ**

Журнал юритиш бошланган сана \_\_\_\_\_ Журнал юритиш тугаган сана \_\_\_\_\_

*Журналнинг ички томони:*

T/p вакти (соат,мин.)	Кўриқ санаси ва вакти (соат,мин.)	Ф.И.О.	Лавозими	Рейс раками, вакти авиакорхонана аъзоларининг сўзларидан)	Учib келган вакти (экипаж вакти авиакорхонана аъзоларининг сўзларидан)	Шикоятлар	Экипаж имзоси	Пульс мароми	Кўринадиган ва халқум шиллик каватларининг холати	Кўрсатмалар мавжуд булганда аниқланади				Холоса	ФА тиббий кодимининг имзоси
										Бурундан нафас олиши	Гана харорати босими	Артериал босими	Холоса		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	

Мазкур журнал рақамланган \_\_\_\_\_ варак, тиббиёт ташкилоти раҳбарини Ф.И.О., имзоси, муҳри.

20 \_\_\_\_\_ йил “ ” \_\_\_\_\_ М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида хулоса  
бериш тўғрисидаги авиация қоидаларига

19-

илова

Аэропорт:\_\_\_\_\_

Ташкилот:\_\_\_\_\_

Тузилмавий бўлинма:\_\_\_\_\_

**XXБ диспетчерларининг сменадан олдинги (кейинги) тиббий кўриқдан ўтказиш  
ЖУРНАЛИ**

Журнал юритиш бошланган сана\_\_\_\_\_ Журнал юритиш тугаган сана\_\_\_\_\_

*Журналнинг ички томони:*

Т/р	Кўрик санаси ва вакти (соат,мин.)	Ф.И.О.	Лавозими	Шикоятлар	ХХБ диспетчери имзоси	Пульс маромия	Кўринадиган ва халқум шиллиқ қаватларининг ҳолати	Кўрсатмалар мавжуд бўлганда аниқланади			Хулосаходимининг имзоси	ФА тиббий
								Бурундан нафас олиши	Тана ҳарорати	Артериал босими		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Мазкур журнал рақамланган \_\_\_\_\_ варак, тиббиёт ташкилоти раҳбарини Ф.И.О., имзоси, муҳри.

20 \_\_\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_ М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида хулоса  
бериш тўғрисидаги авиаация қоидаларига

20-

илова

Аэропорт: \_\_\_\_\_

Ташкилот: \_\_\_\_\_

Тузилмавий бўлинма: \_\_\_\_\_

**Учишдан (навбатчиликдан) четлатиш**

**ЖУРНАЛИ**

Журнал юритиш бошланган сана \_\_\_\_\_ Журнал юритиш тугаган сана \_\_\_\_\_

*Журналнинг ички томони:*

T/p	Кўрик санаси ва вақти (соат,мин.)	Ф.И.О.	Лавозими	Ишлаш жойи	Шикоятлари, парвоздан/навбатчиликдан четлатиш сабаблари/ташхис	ФА тиббий ходимининг имзоси	Четлаштилган шахс қаерга юборилган	Четлатиш кимга ва қачон хабар берилган	Учиш ишига/тўғрисида қачон ва ким томонидан рухсат берилган
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Мазкур журнал рақамланган \_\_\_\_\_ варак, тиббиёт ташкилоти раҳбарини Ф.И.О., имзоси, мухри.

20 \_\_\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида  
тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида хулоса  
бериш тўғрисидаги авиаация қоидаларига

21-

илова

**Учиш ишидан/ навбатчиликдан четлатилгани ҳақида**  
**МАЪЛУМОТНОМА**

---

(Ф.И.О.,лавозими, иш жойи)

20 \_\_\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ дақиқада учиш ишидан/ навбатчиликдан

**(керагини тагига чизинг)**

**олдинги тиббий кўриқда, учиш ишидан/ навбатчиликдан четлатилди.**

Дастлабки ташхис \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Қисқача объектив маълумотлар \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Бириктирилган шифокорига учрашиш санаси 20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

(Кўрик ўтказган тиббий ходим Ф.И.О., лавозими, имзоси)  
20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

М.Ў.



“Ўзбекистон Республикаси фукаро авиаациясида

тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақида холоса

бериш тўғрисидаги авиаация қоидаларига

22-

ИЛОВА

Ташкилот \_\_\_\_\_  
Тиббиёт бўлинмаси \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_ й. “ \_\_ ”

20 \_\_\_\_ й. учун ФА хаво кемалари экипаж аъзоларини учишдан ва XXБ диспетчерларини навбатчиликдан  
олдин ўтказилган тиббий кўрик натижалари тўғрисида

МАЪЛУМОТЛАР

Кўрсаткич номи	Учувчи раҳбарлар таркиби	Самолёт		Вертолёт		Штурман	Бортмеханик, бортрадист	Жами учувчилар таркиби	Борткузатувчи	Бортоператор	XXБ диспетчери
		XК командир	2-чи учувчини	XК командир	2-чи учувчини						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Жами кўриқдан ўтган											
Жами кўриқдан четплатилди											
Улардан куйидаги сабабларга кўра:											
Ўтқир касаллик											
Сурункали касалликнинг хуружи											
Учишдан/навбатчиликдан олдинги дам олиш тартибига риоя килмаганлиги											
Даврий тиббий кўриқдан ўтмаганлиги											
Алкогол истеъмол килганилиги											
Бошка сабаблар											

Бўлинма раҳбари \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., имзо)

**Бўғимлардаги харакатлар ҳажмини ўлчаш жадвали**

Бўғим номи	Харакатнинг йўналиши	Ўлчаш учун дастлабки ҳолат; хисоблаш бошланадиган бурчак	Харакат ҳажми (бурчак, градус)	
			Меъёрда	Кам аҳамиятта эга деб тавсифланувчи чеклов
Елка	Букиш (олдинга харакат) елка бўғими иштирокида	Тик турганда кўл тана бўйлаб ёнга туширилган, текис турган ҳолда, супинация ва пронация ўргасида (0)	175 — 180	120 гача
	Ёзиш (харакат - орқага)	Юкорида кўрсатилгандек	45 — 50	20 гача
	Узоклаштириш (елка соҳаси иштирокида)	Тик турганда, кўл тўғриланган, супинацияда (0)	180	120 гача
Тирсак	Букиш	Тик турганда, кўл туширилган, ёзилган, ўрта ҳолатда (180)	27 — 30	80 гача
	Ёзиш	Юкорида кўрсатилгандек	180	160 гача
Билак-тирсак	Пронация	Тик турганда ёки ўтирган ҳолда, кўл 90° бурчаги остида букилган, билак юртасида (0)	90	60 гача
		Супинация	Юкорида кўрсатилгандек	90
Билак-кафт	Букиш	Тик турганда. Кўл кўкрак олдида, тирсак бўғимида тўғри бурчак остида букилган, билак пронацияда (180)	80	30 гача
	Ёзиш	Юкорида кўрсатилгандек	70	15 гача
	Узоклаштириш	Билак супинация ҳолатида, кафт билак билан бир қаторда (180)	160 — 135	до 175
	Яқинлаштириш	Юкорида кўрсатилгандек	140	165 гача
Товон-панжা-	Букиш	Ўтирган ҳолда, тирсакка таяниб, билак вертикал ҳолатда, бармоқлар тўғри ёзилган (180)	I бармоқдан 135 гача, колгани 90 — 95	I бармоқдан 155 гача, колгани 60 гача
	Ёзиш	Юкорида кўрсатилгандек	180 — 210	165 — 170
Панжа бўғимларида харакатлар чегараланган бўлса, панжаларнинг ушлаб колиши функцияси ва бошқа бармоқларнинг I бармоқка нисбатан қарама-карши туриш ҳолати сақланган бўлиши лозим.				
Чанок-сон	Букиш	Чалқанча ётганда, тизза букилади, тос - фиксацияда (0)	120	100
	Ёзиш	Коринга ёки соглом ёнбошга ётганда. Тизза ёзилади, тос - фиксацияда (0)	15 — 20	10
	Узоклаштириш (ёнга)	Чалқанча ётганда, тос – фиксацияда. Товон болдирга 90° бурчак остида, ўрта ҳолатда (0)	50 — 90	30
	Яқинлаштириш	Юкорида кўрсатилгандек	20 — 30	10
	Супинация (ташқарига ротация)	Юкорида кўрсатилгандек, тизза ёзилган (0)	60	40
	Пронация (ичкарига ротация)	Юкорида кўрсатилгандек	40	20 гача
Тизза	Букиш	Чалқанча ётганда, тизза бўғими ёзилган, тана билан бир текислиқда, тизза кўзи олдинга караганда (180)	40	90 гача
	Болдирни ёзиш	Юкорида кўрсатилгандек	180	170
Болдир-товон	Товонни букиш	Чалқанча ёки ёнбошга ётганда. Товон болдирга 90° бурчак остида.	130	110
	Товонни ёзиш	Юкорида кўрсатилгандек	70	80
Чакка-жаг	Вертикал харакат	Оғиз катта очилганда, юкори ва пастки қурак тишлар орасидаги масофа см. да ўлчанади	нормал оғиз очилиши 3 дан 6 см гача	3 см



Ўзбекистон Республикаси  
транспорт вазиригининг  
2022 йил \_\_\_\_\_ -сон буйруғига  
2-илова

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар рўйхати**

1. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2002 йил 4 октябрдаги 128-сон “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186, 2002 йил 2 ноябрь).
2. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2004 йил 19 ноябрдаги 157-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик авиациясининг ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-1, 2004 йил 30 ноябрь).
3. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2006 йил 27 октябрдаги 118-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга (ЎЗР АҚ 67) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-2, 2006 йил 6 декабрь).
4. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2007 йил 20 апрелдаги 62-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-3, 2007 йил 26 май).
5. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2008 йил 7 апрелдаги 70-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-4, 2008 йил 9 апрель).
6. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2010 йил 28 январдаги 11-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-5, 2010 йил 23 марта).
7. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2010 йил 5 октябрдаги 114-сон “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-6, 2010 йил 6 ноябрь).
8. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2012 йил 30 июлдаги 5н-сон “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-7, 2012 йил 9 август).
9. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2013 йил 29 апрелдаги 20н-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг

авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-8, 2013 йил 29 май).

10. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлигининг 2015 йил 1 июндаги 62-н-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиаация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-9, 2015 йил 8 июнь).

11. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлигининг 2016 йил 8 апрелдаги 73-н-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиаация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-10, 2016 йил 25 апрель).

12. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлигининг 2016 йил 14 сентябрдаги 84-н-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиаация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 3-иловаси 10-бандига ўзгартириш киритиш хақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1186-11, 2016 йил 21 сентябрь).